

ШАҲРИСАБЗНИНГ ИККИ БУЮК НЕВАРАСИ

Ю.Ю.Валиқулов.

Термиз давлат университети доценти.

2008

Тарихий маълумотнома

Шаҳрисабз-Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидандир. Дастлабки Кеш деб аталган Юнон тарихчиларидан Геродот, Ктезий ва бошқалар маълумотиغا қараганда Кеш милoddан аввал V -асрлардан мавжуд. Милoddан аввал Александр Македонский, кейинчалик 710 йили-араблар, 1220 йили муғуллар босиб олган. Кеш XIII-асрдан бошлаб «Шаҳрисабз» («Кўк шаҳар») деб ҳам атала бошлаган. XVI-асрдан ягона ном «Шаҳрисабз» номи билан аталган. Шаҳрисабз XIV-XVI асрларда Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидан бўлган. Амир Темур Шаҳрисабздан унча узоқ бўлмаган Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабзга катта эътибор берган, у ерда Оқсарой қасрини қурдирган. Темур 1370 йили Самарқандга кўчиб ўтгунча қадар қўли остидаги ҳудудларни Шаҳрисабздан туриб бошқарган... Шаҳар, айниқса Амир Темур даврида ривож топди. У Хоразмга қилган юришларида асир олган кўп бинокорларни Шаҳрисабзга олиб келиб, Оқсаройни қурдирган. Шаҳарнинг ғарбий-жанубий қисмида Жаҳонгир Мақбараси қурилди. Бу ерда Амир Темурнинг тўсатдан вафот этган ўғли Жаҳонгир дафн этилган. Унинг қурилиши билан йирик меъмориал комплекс вужудга келди: Дор ус-Сиёсат, Дор ут-Тиловат, Гумбази Сайидон, мачит, мадраса, ҳаммом, карвонсарой каби иншоотлар барпо этилди... қози гузар масжиди, Хўжа Илим кон хонақоси, Шамсиддин Кулол мақбараси ва бошқа архитектура обидалари сақланган... Собиқ Совет даврида ҳам Шаҳрисабз анча ривожланган: Ўнлаб ўрта мактаблар, турар жой уйлари, касалхоналар, боғча ва яслилар қурилди янги-янги микрорайонлар барпо этилди. Кутубхоналар, кинотеатрлар, маданият уйлари, тўғруқхоналар, болалар ва аёллар консультациялари, поликлиника, аптекалар, санитария-эпидемиология станцияси қурилди. II-жаҳон урушида ҳалок бўлган Шаҳрисабзликлар хотирасига шаҳар марказида ёдгорлик меъмориал комплекси ўрнатилган.

Шаҳрисабз Ўзбекистон истиқлоли йилларида ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгариб бормоқда бир неча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб янги-янги хиёбонлар барпо этилиб, шаҳарнинг ҳуснига «дилкушо ҳусн» қўшиб бормоқда.

Шаҳрисабз оламга икки буюк невараси билан машҳурдир. Улар Ҳиндустонда туғилиб, жаҳон маънавий-маданияти тарихида ўзларига муносиб ўринни эгаллаб олганлар.

1. Шарқ мумтоз шаъриятининг ёрқин юлдузи

Амир Хусрав Деҳлавийдир.

Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йил Уттар-Прадеш штатининг Итова округида таваллуд топган, 1325 йили Деҳлида вафот этган.

Хусрав Деҳлавийнинг отаси Сайфиддин Маҳмуд Шаҳрисабзлик бўлиб, муғуллар истилоси вақтида Ҳиндустонга кўчган. Деҳли Султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) ўз давлатини мустаҳкамлаш учун жанговар руҳдаги туркий элатлар вакиллариини ўз давлатига таклиф этиб, уларга катта имтиёзлар берган. «Тарихчиларнинг ёзилишича. Деҳли султонлиги саркардаларининг катта қисми Марказий Осиё халқлари вакилларида бўлган. Амир Сайфиддин ҳам юксак ҳарбий рутба билан сарой аъёнлари қаторига кўшилади. Бу ерда обрўли оилалардан бирининг Давлатноз исмли қизига уйланади. Уларнинг илк фарзанди Яминиддин Хусрав эди» («Халқ сўзи» 23. 10. 2003 й).

Сайфиддин Маҳмуд муғулларга қарши Ҳиндистондаги жангларнинг бирида ҳалок бўлгач, ёш Хусравни она томон бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олган ва 8 ёшлигида тасаввуфчи Шайх Низомиддин Авлиёга мурид тушган. Шайх уни шоирликка йўллаган, янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантирган. Шоир кейинчалик бу устозига «Афзал ул-фавоид» («фойдали сўзларнинг афзаллиги») ва «Роҳат ул-муҳиббин» («Дўстликнинг роҳати») асарларини бағишлаб ёзган.

Хусрав Деҳлавий йигирма ёшларида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олади. Саройга ишга таклиф этилади ва қарийб 30 йил амирлик рутбасида хизмат қилади.

Хусрав Деҳлавийнинг «тасаввуф ва шеърият борасидаги изланишлари мутолаалари беиз кетмади. У ўз даврининг машҳур форсийзабон шоирларидан бирига айланди. Унинг доврўғи Эрон ва Туронга ҳам ёйилди. Шайх Озарийнинг «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар дурдонаси») китобида айтилишича, Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан кўришиш ва суҳбатлашиш мақсадида. Форсдан Ҳиндустонга келган экан. Ўз навбатида Амир Хусрав ҳам Саъдий Шерозийни юксак даражада ҳурмат қилган» (ўша ерда).

Хусрав Деҳлавийнинг лирик шеърияти бешта девонга жамланган: «Тўҳфат ус-сиғар» («Ёшлик тўҳфаси»), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртасида»), «Боқият ун-ноқия» («сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («камолат чўққиси»).

Хусрав Деҳлавий машҳур Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Хамса»-сига жавобан Хамса яратган. Улар қуйидаги дostonлардан иборат: «Матлаъ ул-Анвор» («Ёритгичларнинг чиқиши»), «Мажнун ва Лайли», «Хусрав ва Ширин», «Оинаи Искандарий» (Искандар кўзгуси), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат»).

Булардан ташқари шоир «қирон ас-саъдайн» («Икки саодатли юлдузнинг туташishi»), «Дувалроний ва Хизрхон», «Нуҳ сипеҳр» («Тўққиз қават осмон»), «Маноқиб Хинд ва Тарихи Деҳли» каби асарлар ва кўп касидалар ёзган.

Хусрав Деҳлавий ижодий мероси, кейинги асрларда ҳам кўплаб шоирлар учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Ҳофиз Шерозий унга назиралар ёзди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзмалар жамғармасида Деҳлавийнинг «Панж ганж» мажмуасига кирган

достонларининг Ҳофиз Шерозий кўли билан кўчирилган нусхаси мавжуд. Жомий ва Навоий ҳам ўзларининг бир қанча асарларини Деҳлавий достонлари, қасидаларига жавоб тарзида ёзганлар». (ўша ерда).

Ж. Неру «Ҳиндистоннинг кашф этиши» китобида «Илк мусулмонлар томонидан ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзилган. Бу хилдаги ёзувчилар орасида энг машҳури, 14 асрда, бир неча афғон султонларининг идора қилган даврларида яшаган турк Амир Хусравдир», -деб ёзади.

Хусрав Деҳлавий ижоди бўйича шарқшунослар Е.Э.Бертельс, А.А.Стариков, Ғ.Ю.Алиев, Ш.Шомухаммедов, Б.Муртазоев ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар

Ғазал мулканинги султони Алишер Навоий -----

Хусрат Деҳлавийни «ҳинд сеҳргари» деб таърифлаб, унинг ва Ҳожа Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларига Назира ёзган. қуйида ана шу Назирани таржимасини ўқийсиз.

Алишер Навоий

БИР МАРТА УЛ ЖОНОНИ

(Амир Хусрав ва Ҳожа Ҳофиз ғазалларига назира)

Кай тасаввур айларам мен жозиба шоҳонани,
Ҳар қачон ким истарам, дарвешлику майхонани.

Нуқлу май эрса агар фархунда айш парвози чун.
Битта оҳу мақсадила қуймишам сув, донани.

Майпарастлар хотирига майфуруш тинмай олур,
Тос ичидан жомнию хум ичра ҳам паймонани,

Маст қилур майхона тупроғин ҳиди, эй пири дайр,
Бода бирла лой қориб қургай ки ҳам кошонани,

Воизо, дилдан ўқиш ғафлатда қолдирмоқ экан,
Ўйладинг уйқу учун ёшларга бу афсонани.

Банд бўлур дўстлар мудом, фикру хаёл аҳбоб учун,
Бу кўнгил сиғдирмагай бир дам рақиб, бегонани.

Ечмайин бир марта ҳам занжири ишқ, чархи фалак,
Бузди бераҳм ҳар томондан кулбайи вайронани.

Этса Фоний жон фидойинг, етказолсанг менга сен,
Жон берар пайти агар, бир марта ул жононани.

Юсуф Вализода Дарбандий таржимаси

ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин-
Яхшидир егандан биров оқ нонин

Иш вақти бўлмагил ғофил, паришон.
Охири меваси бўлур пушаймон.

Машаққатсиз қўлга кирмас ҳеч истак,
Имиллаган мисоли бекордир.

Тани гулдек нозик ўша танбалдан,
Дағал ҳаммол яхшироқ минг бордир.

Масал бор ҳунар бўлса эню, бўйи,
Ҳунарманд боши ҳеч тушмагай қуйи.

Кимки билимсизлик зиндонида гум,
Гадодир тиллоси бўлса ҳам юз хум.

Гарчи урса бошини юз ҳийлага,
Олими бекор етмас мевага.

Одамнинг шарафи илмининг мўли,
Кимки доно бўлса, мен шунинг қули.

Мард ҳамма вақт иш бошида бордир,
Номард киши хижолату хордир.

Мева берса дарахт битта бутондан,
Шу дарахт яхши минг мевасиз ботдан.

Тоҷикчадан Шаислом Шомухамедов таржимаси.

2. МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йили Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида туғилган. Ота-бобоси Шаҳрисабз ўзбекларидан. Бир ёшида отадан етим қолган Бедил онаси тарбиясида вояга етади ва беш ярим ёшида мактабга берилади. Бедил 10 ёшидаёқ араб, форс тили ва адабиёти, умумшарқ адабиётини чуқур ўрганади. Амакиси Мирзо каландар, тоғаси Мирзо Зарифларнинг ёрдами туфайли суфизм-тасаввуф фалсафасини чуқур ўрганди, Хинд ва урду тилларини, Аристотель фалсафасини кенг мушоҳода этди. Шайх Камол ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан таълим олди.

Бедил Мураккаб социал-иқтисодий тарихий шароитда ҳаёт кечирди ва ижод қилди. Бу даврда Ҳиндистон ва Марказий Осиё ички қарама-қаршиликлари кескинлашган эди. Ҳиндистонда Шох Жаҳон (1628-58) ва Аврангзеб (1658-1707) подшоҳлик қилди. 1707-20 йиллар давомида

Бобурийлар империяси тахтида 15-тадан ортиқ ҳоким ўзгарди. ғарбий Европа давлатлари Ҳиндистон территориясини ўз мустамлакаларига айлантира бошладилар.

Бедил ўзи яшаган даврга, муҳитга бефарқ қарамади. Улуғ мутафаккир Бедил Ҳиндлар ва Мусулмонларни бирлаштириш учун курашди. У одамларнинг ҳаммаси ҳам инсон эканлигини, аммо уларнинг орасида золимлар борлигини қайд қилиб, салбий хусусиятларини танқид қилади. Инсон зеҳнининг ўткирлигига, ҳақиқатни енгилмаслигига қаттиқ ишонган шоир ширин ҳаёл, яхши ният, эзгу, орзу-ҳавас қилган, ватанини обод, халқини тинч-осойишта, фароғатда, шод-хуррамликда, ҳамжихатликда кўришни истаган. Аммо бу фикрлар ўша даврда сароб эканлигини тушуниб етмаган. Кейинчалик Дехлига кўчиб, ўз адабий мактабини ташкил қилди. Мусулмон шарқ адабиёти ва фалсафасига доир асарлар ёзди. 130 минг мисра шеърӣ, 50 босма табоқ насрий асар ёзган. «Куллиёт»-и 1882 йилда Бомбайда нашр этилган: «Таркибот ва Таржеёт»-тасаввуф тўғрисидаги шеърӣ асаридир. «Тилисми ҳаёт» асарида инсоннинг жисмоний вужуди ва руҳияти ҳақида сўз боради. «Муҳити аъзам» асарида май, жом, най, танбур ва бошқа мусикий асбоблар таърифига фикр-мулоҳазалари ифода этилган. Бедилнинг «Чор унсур» («Тўрт унсур») асарида об, ҳаво, ер ва олов тўғрисида сўзлайди ва одам, табиат ва ҳайвонотнинг пайдо бўлиши ҳақида ўз қарашларини баён этади. «Ирфон» асарида адабиёт, фалсафа ва социология ҳақида сўз боради. Бедилнинг фалсафӣ қарашлари, ижтимоӣ ҳаётга муносабати, унинг ирфон китобига кирган «Комде ва Мудан» достонида ҳам мужассамлашган. Комде-уста раққоса, Мудан-бошқа юртнинг моҳир мусикичиси. Мудан Комделар юртига келиб, подшолар базмида мусиқа чалади, кўшиқ айтади, Комде рақсга тушади. Икки санъаткор оқибатда бир-бирига меҳр қўйишади. Шоҳ ўз бўйнидаги маржонни Муданга тўхфа қилади. Мудан эса уни Комде оёғига ташлайди. Бундан ғазабланган шоҳ Муданни калтаклаб, юртдан ҳайдашни буюради. Аммо Мудан Комде учун ўлимга ҳам рози бўлади. Ўрмонларда хушсиз бўлиб ётиб қолади. Бошқа юрт шоҳи ов қилиб, Муданни топиб олади ва Комдега мактуб ёзиб, ошиқларни қовуштиришни сўрайди. Рад жавобини олгач унга уруш эълон қилади ва ғалаба қозониб, мақсадига етади. Муҳаббат тантана қилади. Асар Шарқда кўп тарқалган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари каби фожиа билан эмас, севишганларни қовуши билан тугайди. Бу асари билан Бедил шеърӣятнинг юқори чўққисига кўтарилди. Бедилнинг «Нуқот» («ҳикматли сўзлар») асарида унинг фалсафӣ ақидалари қисқа жумлаларда ифодаланган. Бедил инсоннинг кадр-қиммати ва афзаллиги унинг меҳнатида деб билади. Файласуф шоир сув набототга қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шу даража зарурлигини айтади.

Марказий Осиёнинг Ҳиндустон билан қадимдан иқтисодӣ, сиёсий ва маданий алоқаси Бедил ғояларининг Марказий Осиёда кенг тарқалишига сабаб бўлди. Унга «Абулмаонӣ» («маънолар отаси») деган фахрли лақаб берилди. Бедил асарларини ўқув берувчилар-«Бедилхонлар» пайдо бўлди. Бедилнинг гуманистик ғояларини тарғиб этувчилар гуруҳлари юзага келди.

Бу гуруҳ бошида ўзбек, тожик адабиётининг машҳур намояндалари Муқимий, Хислат, Аваз, Савдо (Бепул), Асирий ва бошқалар турган.

Бедил ҳаёти ва фаолияти, фалсафий қарашларини тадқиқ этган буюк олим, донишмандлар ниҳоятда кўп. Булар қаторига Е.Э.Бертильс, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Холида Айний, Субҳон Амиркулов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мирза Абдулқодир Бедил ҳикматларидан.

Инсон агар жаҳд қилгудек бўлса бирам,
Ерга олиб тушгай баланд осмонни ҳам.

Дунё мевасин ширинкори сен,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдори сен.
Қай тарафгаким учди ҳаёлинг,
Сен этсанг парвоз, етар мажолинг,
Дил ҳимматингдан ҳаёт гулистон
Қўл қудратингдан ҳамма ёқ бўстон.

Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди,
Ҳаёти асрлар сўнмади, балқди.

Аввал ғиштин қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур,
Англашилмас мисра, чун бир сўз агар мавҳум эрур.

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

Адоват этакка туташмасин, боқ,
Жаҳонга ўт қўяр мисоли чақмоқ.

Уял, эй кеккайган ғурур-лофингдан,
Шўъла чиқмай, сомон сасир гапингдан.

Тожикчадан Шоислом Шомухамедов таржимаси

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Муҳиддин Турсунов,

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Юксак тараққиётга эришиш сари бораётган жонажон Ўзбекистонимизда жамият маданий-маърифий қиёфасини шакллантиришнинг яна бир муҳим жиҳати-оналар ва болалар соғлигини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш йўллари топишдир. Бу борада Ўзбекистоннинг ўз йўли шаклланиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Оналар ва болалар йили”, 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, ва 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб рамзий маънода эълон қилиниши халқимиз ва ёшларимизнинг кўнглига мос келган фармонлар бўлди. Бу борада, яъни Баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг мавқеи ва салоҳияти тобора алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, маънавий тарбия аввало оиладан бошланади. Оила мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Ўз навбатида, маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлигига ҳам, мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда инсонни улуғлаш, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш каби эзгу ишлар ва ниятлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бугун ҳаммамизга аён дир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга оширади” деб белгиланган.

Улуғ бобомиз Абу Наср Форобий: “Агар инсон эзгуликка интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гўзал кечади, гўзал ҳаёт эса халқ назарида ҳам, худо назарида ҳам юксакдир” деган эди. Азиз, мўътабар, озод ва обод юртимизда янги давлатчиликка пойдевор қўйилаётган илк кунларданок давлатимиз ва ҳукуматимиз ана шундай ҳикматларга алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Шу боисдан бизда ислохотлар халқ, руҳияти, унинг

маънавий эҳтиёжлари, кундалик турмуш тарзи талабаларидан келиб чиқиб, амалга оширилмоқда. Бу эса халқ билан ҳокимият, фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, халқ ўз тақдирини, фарзандлари истиқболини давлат истиқболи билан уйғун ҳолда кўрмоқда. Давлат сиёсатимизнинг жуда катта маънавий қудрати мана шундадир. Худди шундай масъулиятли даврларда иқтисодий ислохотларга маънавий тус бермасдан мақсадга эришиш мушкулдир. Янги демократик жамиятни қуриш, ислохотларнинг тақдирини, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганига, қандай идеалларга эътиқод этишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига ҳам боғлиқдир.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бизда тафаккурга, фикр мусобақасига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир даврда яшайпмиз. Бинобарин, аҳолининг онг ва тафаккурида кескин бурилиш, яшаш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш озод ва қудратли давлат барпо этишнинг асосий шартидир. Шу ўринда юртбошимиз айтганларидек, “Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан қуриб бермайди, уни ҳаёт ўз ватанини келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз”- деган фикрларга алоҳида эътибор ва маъсулият билан қарамоқ зарурдир.

Баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида миллатимизнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилса, айниқса миллатга хос бўлган фазилатларни ҳам ўганиб борилса айтиш мумкин бўларди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили шу миллатнинг руҳиятида ўз ифодасини топади. Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, хулқ-атвори, ахлоқи, диди, таъби алоҳида ажралиб турадики, бу ўзбек миллатининг билиш жараёнлари, қобилиятининг маълум йўналишга

қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқиши миллий онгининг ўзига хос хусусиятларга эғалигидандир.

Ўзбек халқининг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёри, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, шахслараро муносабати, мулоқот мароми ва хусусияти бошқа қардош халқларникидан маълум даражада тафовутланади. Масалан ўзбек халқи характерида андешалилик, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги қўли очиклик ва сахийлик одатлари мавжуд. Шунинг билан бирга, сабр косаси тўлғач, зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан ортга қайтмаслик, бир сўзлилиқ одати ҳам халқимиз учун хосдир.

Миллий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилиқ, принципиаллик, ўз-ўзини тута билиш, қатъийлик, матонат кабиларни) ва ахлоқий ҳислатларни (поклик, интизомлилиқ, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади. Шунингдек, миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилиқ, меҳрибонлик, талабчанлик), меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлилиқ ёки ялқовлик, маъсулиятлилиқ ёки маъсулиятсизлик). Нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик-ифлослик, тежамкорлик-исрофгарчилиқ, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларини (иззат-нафслиқ, шухратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш, димоғдорлик, камтаринлик) каби хусусиятларни ифодалайди. Юқорида қайд этилганларга амал қилиш орқали баркамол авлод шаклланиб боради.

Халқ ўртасида ҳукм суриб келаётган “Сут билан кирган феъл жон билан чиқади” деган нақл ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки ҳеч қандай инсон зоти онадан ўғри, диёнатсиз, бебурд, бераҳм бўлиб туғилмайди. Аксинча, миллий характер ҳислатлари оила, жамоатчилиқ, таълим муҳити таъсирида шаклланади ва инсон шахси ижтимоийлашиб боради. Худди ана шу боисдан, инсон шахсининг юксак камолоти учун нафақат ақлий тараққиёт

эмас, балки ахлоқий баркамоллик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, баркамол авлод тарбияси ўзининг серқирралиги ва ниҳоятда муҳим жараён эканлиги билан ажралиб туради. Бас, шундай экан давлат ва жамиятимизнинг ҳар бир онгли аъзоси баркамол авлод тарбиясига етарлича, алоҳида маъсулият, билан киришмоғи даркордир. Қолаверса, бу ижтимоий масала узлуксиз, тадрижий давом эттириб бериладиган ўта муҳим жараёндир.

УЧЕНЫЙ, ПЕДАГОГ, ПРОПАГАНДИСТ

(К 100-летию со дня рождения Академика Мулло Иркаева)

Творческий путь академика Мулло Иркаевича Иркаева неразрывно связан с развитием таджикской исторической науки. Он, как ученый, исследователь и пропагандист внес большой вклад в ее успехи и достижения.

М.И.Иркаев родился в мае 1910 года в кишлаке Сайроб Байсунского района Сурхандарьинской области в таджикской семье крестьянина-бедняка. В 17 лет вступил в комсомол. В партии-полвека. С 1926 гг. воспитывался в Душанбинском детдоме.

В 1927 году в числе наиболее подготовленных воспитанников детского дома М.И.Иркаев был направлен на учебу в таджикский институт просвещения, в г.Ташкент, после окончания которого направлен в Таджикистан. С этого времени началась его педагогическая, научная и общественная деятельность.

До 1941 года М.И.Иркаев работал преподавателем, заведующим учебной частью педагогического училища, на педагогических курсах учителей и в других учебных заведениях г.Душанбе. Работу совмещал с учебой. В 1939 году окончил исторический факультет Душанбинского госпединститута имени Т.Г.Шевченко. В последующие годы повышал свой идейно-теоретический уровень на курсах по подготовке преподавателей общественных наук при Московской Высшей партийной школе.

В период 1941-1950 гг. М.И.Иркаев работал в партийных органах в качестве лектора, зав сектором, зам, зав, отделом ЦК КП(б) Таджикистана, затем в течение пяти лет-секретарем по пропаганде Кулябского, а затем Сталинабадского областных комитетов Компартии Таджикистана.

М.И.Иркаев в 1953 году, закончив заочно аспирантуру при Душанбинском госпединституте, успешно защитил диссертацию на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Решением Высшей аттестационной комиссии Министерства высшего и среднего специального образования СССР в 1963 году ему было присвоено звание профессора по кафедре истории КПСС. В феврале 1964 года наш земляк успешно защитил докторскую диссертацию. В августе 1967 года решением Совета Министров Союза ССР профессор М.И.Иркаев утвержден действительным членом Академии педагогических наук СССР.

Мулло Иркаев с 1950 по 1975 годы заведовал кафедрой истории КПСС Таджикского государственного университета имени В.И.Ленина а с 1975 года до конца своей жизни являлся профессором кафедры «История КПСС» Душанбинского госпединститута имени Т.Г.Шевченко.

Награжден двумя орденами Трудового Красного Знамени: двумя орденами «Знак Почета», медалями «За доблестный труд в Великой Отчественной войне 1941-1945 гг.», «За доблестный труд в ознаменование 100-летию во дня рождения В.И.Ленина», «Ветеран труда» и др. Ему присвоены почетные звания «Заслуженный учитель Таджикской ССР», Заслуженный деятель науки Таджикской ССР, Награжден значками «Отличных просвещения СССР», Отличник высшего образования СССР.

Ученым написаны монографии «История гражданской войны в Таджикистане», «Установление и упрочение Советской власти в Таджикистане», «Великий Октябрь и социально культурные преобразования села», «Колхозное крестьянство-активный строитель социализма» Он являлся автором таких капитальных работ как «История коммунистической партии Таджикистана», «Очерки советского Таджикистана» и др.

Академик М.И.Иркаев осуществлял редактирование ряда книг, сборников, брошюр, им написано большое количество рецензий, отзывов на научные работы.

За время своей долголетней педагогической работы вложил немалый труд в подготовку научных кадров, воспитал более 40 кандидатов и докторов наук, которые ныне работают в различных вузах, партийных и государственных учреждениях страны.

Все, кто работал под руководством М.И.Иркаева, навсегда сохраняют интерес к науке, к исследованиям, стремятся расширить и углубить свои знания. Это объясняется не только педагогическим и научным талантом, наставника, но и его большим личным обаянием, которое привлекает окружающих. Они видят в нем прекрасный образец педагога и ученого.

-Партия мне дала все: коммунистическую убежденность, знание жизни. И я отдам все свои силы, чтобы воспитать достойную молодую смену, буду всемерно помогать дальнейшему развитию исторической науки

Академик выступил с хорошей инициативой: организовать большую личную библиотеку в своем родном кишлаке Сайроб

Байсунского района. Фонд этой библиотеки уже составляет более 5 тыс различных книг и брошюр.

Следуя замечательному примеру учителя я также организовал свою личную библиотеку в родном кишлаке Дербент. Передал более 1200 книг и брошюр коллежу «Темир йул ва транспорт».

Академик Мулло Иркаев по приглашению ректоров Термезского Государственного университета Х.Халиярова, О.Хаитова и Н.Тураева неоднократно посетил наш университет, прочитал спецкурсы, помогал подготовке кадров нашего университета в Таджикистане.

Мулло Иркаев всегда повторял: - Юсуф, мой ориентир 100 лет, но если вдруг что-то случится, я прошу тебя высказать несколько слов обо мне. Да, смерть жени, детей подорвала здоровье учителя и 12 декабря 1996 года скончался по болезни. Он похоронен в Сайрабе.

8 мая 2000 года в Термезском Госуниверситетете проведена научно-теоретическая конференция, посвящённая 90-летию со дня рождения академика Мулла Иркаева из Таджикистана участвовали ученики М.Иркаева:

Академики Мансур Бобахонов- Махмуд Маликов, профессор Хайдаршо Пирумшоев, доцент Буронкул Абдуллаев и поэт Хисори.

Мы благодарни учёным Таджикистана, за то, что они с уважением говорят о нашем земляке.

Памят об Иркаеве вечно останется в сердцах учёных Узбекистана и Таджикистана.

Юсуф Вализода Дарбанди.

БУЮК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ СОҲИБИ

(Академик Мулло Иркаев таваллудининг
100 йиллиги олдидан)

Мулло Иркаев 9 май 1910 йил Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Сайроб қишлоғида, камбағал деҳқон оиласида туғилган. Барвақт Ота-онасидан ажралиб, 1926-1927 йилларда Душанбе болалар уйида тарбияланган.

Совет ҳокимиятининг илк даврларида Тожикистонда ўқитувчи кадрлар етишмаслиги сабабли, болалар уйи битирувчиларидан бир гуруҳини Тошкентга тожик маориф институтига ўқишга юбордилар. Мулло Иркаев ана шулар жумласидан бўлиб, 1929 йил икки йиллик институтни битириб, яна Тожикистонга ўқитувчи бўлиб қайтади ва 1941 йилгача ўқитувчи бўлиб ишлайди. Шу даврида, яъни 1939 йилда Т.Г.Шевченко Педагогика институтининг тарих факультетини сиртқи бўлимини битирди.

1941-50 йилларида Мулло Иркаев Тожикистон Коммунистик Партияси органларида лектор, сектор мудир, Тожикистон Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг Пропаганда ва агитация бўлим мудир, ўринбосари сифатида, кейинчалик Тожикистоннинг Қўлоб ҳамда Сталинобод вилоят партия қўмиталарида мафкура котиби бўлиб ишлаган.

1953 йилда номзодлик, 1964 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 1949 йилдан Тожикистон Давлат университети “КПСС тарихи” кафедрасининг бошқариб, 50 дан зиёд фан номзодлари ва докторларини етиштирган олимдир. Мулло Иркаев ўз касбини севган, ёшларни юксак савияда тарбиялаган халқга, Ватанга муҳаббатини ўйғотган инсон эди. Улардан фан докторлари Х.Бабаева, Н.Ғафуров, В.М.Ионова ва фан номзодлари А.Додожонов, Р.Болтаев, Т.Қодиров, А.Қувватов, С.Турсунова, К.Мавлонов, У.Раимқулов, П.Сафаров, Э.Гулистонова, С.Тошхўжаев, Т.Тоиров ва яна кўпларни эслаш жойиздир.

Мулло Иркаевнинг илмий-педагогик фаолияти кўпқиррали эди. “Тожикистонда гражданлар уруши тарихи”, “Совет Тожикистони учун курашда”, “Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари тарихидан”, “Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси” ва яна ўнлаб монографияларни муаллифидир.

1958 йилда Тожикистон давлат нашриёти Ю.Николаев ва Я.Шарапов билан биргаликда Мулло Иркаевнинг “Совет Тожикистоони тарихий очерклари” монографиясини нашр этади. Бу асар тарих фани учун катта ҳисса эди. Зеро унда Тожикистоннинг Октябр инқилобидан бошлаб тарихи ёритилган эди. 1960 йилда шу асарнинг иккинчи нashри босилиб чикди.

Мулло Иркаев асарларида: 1) Оддий меҳнаткаш деҳқонларнинг роли кенг ёритилган; 2) Барча Совет халқларининг ҳарбий-сиёсий ва ҳўжалик-маданий ёрдами туфайли буюк ютуқларни қўлга киритиш имконияти борлиги; 3) Шимолий Тожикистон меҳнаткашларининг ташаббуси билан

Туркистон автоном Республикасининг халқ хўжалигини тиклаш ва ҳокозолар кўрсатилган.

Мулло Иркаев асарларида шунингдек жамиятнинг нокапиталисттик тараққиёт босқичи ҳам ўз эчимини топган, яъни феодализмдан социализмга ўтиш имконияти борлиги ўз исботини топган эди. Мулло Иркаев-бу тажриба кўпгина Осиё ва Африка мамлакатлари учун тажриба мактаби бўлишини кўрсата олган олим эди.

Мулло Иркаев кўпгина бутун иттифок, Республика ҳамда зонал илмий конференцияларда, симпозиумларда, сессия ва Илмий Кенгашларда фаол қатнашиб, номзодлик ва докторлик диссертациялар ҳимояларида Расмий ва Норасмий оппонент сифатида қатнашган эди. Унинг Отзив ва рецензиялари кўпгина монографик ва қўлланмаларнинг нашр этилишига сабаб бўлган.

Мулло Иркаев қарийб бутун ҳаёти педагогика фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг барча шогирдлари-тарихчилар халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлайдиганлар ҳам ҳамиша унинг жонли маърузалари, суҳбатлари, илмий хулосаларини миннатдорчилик билан эслайдилар. Мулло Иркаев ҳамма ҳолатларда ҳам камтарлик, меҳнатсеварлик, қатъиятли, Ватанга садоқат, ҳалоллик, поклик, талабчанлик каби хислатларни ўзида мужассам этган инсон эди.

Мулло Иркаев Партия ва жамоат ишларида фаол қатнашган инсон эди. Университет, кейинчалик Педагогик институти ҳаётида фаол қатнашган, шаҳар ва Республика ҳаётида фаоллик кўрсатган, шаҳар, Респубика Партия кўмиталари аъзолигига, шаҳар ва вилоят халқ депутатлигига сайланган эди.

Мулло Иркаевнинг илмий-педагогик, партиявий фаолияти Совет ҳукумати томонидан арзигулик тақдирланган. Иккита “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени, иккита “Знак почёта” ордени ва яна бир неча медаль ва ҳукумат “Фаҳрий Ёрлик”лари билан тақдирланган. 1960 йилда Тожикистон ССР Олий Совети Президумининг укази билан: “Тожикистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, 1964 йилда “Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” ҳамда 1967 йилда СССР Педагогика Фанлар Академияси академиги унвонларига сазовор бўлган.

-Партия менга ҳамма нарса-коммунистик эътиқод, билим, ҳаётни берди. Мен ҳам бутун кучимни келажак авлодларни тарбиялашдек буюк ишга сарфлайман, Тарих фанини ривожига ўз ҳиссамни қўшаман, деяр эди.

Мулло Иркаев Термиз Давлат университети собиқ Ректорлари Х.Х.Холиёров, О.Ҳ.Ҳайтов, Н.Й.Тўраев ва яна кўпгина олимлари билан яқин алоқада эди. Бир неча маротаба университетимизга катта-катта делегациялар таркибида иштирок этган, талабаларимиз олдида Махсус курсларни ўқиган, маърузалар қилган. Бир неча олимларимиз Тожикистон Давлат Педагогика университетининг Илмий Советида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганларида оппонент бўлган ва ё норасмий оппонент сифатида ҳимоя қилиб сўзга чиққан.

Мулло Иркаевнинг яна бир ташаббуси ҳақида айтмай ўтолмайман: Муаллим менга айтган эдилар: - Мен ўз қишлоғимда битта библиотека ташкил қилмоқдаман. 5 минг дона китоб юбордим ва то тирикман шу

библиотекани обод қиламан. Агар ҳар бир олим ўз қишлоғида шундай кутубхоналар ташкил этса, қишлоқ ёшлари улардан баҳраманд бўлсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Устозимни ана шу истакларини амалга ошириб, мен Дарбанд қишлоғидаги Темир йўл ва транспорт коллежига 1200-дана китобларимни тақдим этдим ва қишлоқдошларим улардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мулло Иркаев кучли ирода соҳиби эдилар Менга айтар эдилар: - Юсуф, менинг пиллағоҳим 100 йил. Аммо бордию одинроқ кетиб қолсам, икки оғиз самимий сўзларингни аямайсан!

Оила ўлими, фарзандларни барвақт кетиб қолиши, Мулло Иркаевга каттиқ таъсир қилди. 12 декабр 1996 йил Муаллим 86 ёшда вафот этди. Мулло Иркаевнинг хоҳиш иродаси билан унинг жасади “Сайроб” қишлоғида дафн этилди. Қариндош-уруғлари, неваралари шижоати билан унинг қабри устига “Мармар тоши” ўрнатилган.

8 май 2000 йил Мулло Иркаевнинг 90-йилигига бағишлаб Термиз Давлат университетида илмий-назарий конференция ўтказилди.

Унда Тожикистондан Мулло Иркаевнинг шогирдлари:

-Бобохонов Мансур Бобохонович-Россия Педагогика фанлари Академиясининг академиги, Россия-Тожикистон славян Университетининг “Тарих ва ҳуқуқшунослик” факультети декани:

-Маликов Маҳуд Ҳакимович-Академик, Россия-Тожикистон славян Университети “Тарих халқаро муносабатлар” кафедрасининг мудири:

-Пирумшоев Ҳайдаршо-Тарих фанлари доктори, профессор Тожикистон Давлат Педагогика университети “Ватан тарихи” кафедрасининг мудири. Абдуллаев Бўронқул-техника фанлари номзоди, Тожикистон ФА Катта илмий ходими ва шоир Сайид Ҳисорий қатнашдилар.

Биз Тожикистонлик меҳмонлардан ғоят миннатдормиз. Зеро улар ҳеч қачон биз билан Мулло Иркаевнинг эсларидан чиқармайдилар ва ҳар доим уни хотирасини шод этадилар!

Сурхон воҳасидан чиққан биринчи академик Мулло Иркаев хотираси абадий қолажак.

Юсуф Вализода Дарбандий.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ-МУКАММАЛ ВАЗИФА

Доц. Турсунов.М

ФАРЗАНД-киши ҳаётининг кўрки,

Ота-она — д а в л а т.

донолар бисотидан

Сиз билан биз яшаётган бу гўша ва нурафшон ҳаётнинг барқарорлиги мамлакатимизда мавжуд бўлган 5 миллиондан ортиқ оилаларга бевосита боғлиқ. Ана шу муқаддас ҳисобланган оила ва ундаги тарбия дарҳақиқат ўта масъулиятли мураккаб жараён эканлигини юртимиз аҳли тўғри ҳис қилмоқлари айна мақсадга мувофиқдир. Бас, шундай экан барча оилаларда камол топаётган фарзандлар тарбиясига нисбатан бефарқ бўлмаслигимиз даркор.

Фарзанд тарбияси эса ёш ниҳол сингари ўта нозик ва мураккаб вазифа бўлиб, унда энг аввало ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабнинг, коллеж ва лицейларнинг ҳамда олий ўқув даргоҳларининг, қолаверса бутун жамоатчиликнинг эътибори ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, фарзандлар тарбиясида ота-онанинг масъулияти янада юқори аҳамиятга эга. Шунинг билан биргаликда алоҳида эътироф этамизки, фарзанд тарбияси юқорида таъкидлаганимиздек, мукаммалликни талаб этадиган долзарб вазифадир.

Оилада болаларнинг юриш-туриши, кийиниши, муомласи ва бутун ҳатти-ҳаракатлари мунтазам назорат қилиниши йўлга қўйилиши зарур.

Шунингдек, оиладаги ҳар бир фарзанд у хоҳ ўғил бола, хоҳ қиз бола бўлсин улар албатта ота-она, ватан, юрт, ҳаёт каби тушунчаларнинг маъно-мазмунини яхши билишлари ва шу масалаларга нисбатан ўз муносабатларини билдира олишларига эришишимиз керак деб ўйлайман. Тарбиянинг кейинги босқичида эса фарзандларимизга яшаш учун интилиш, ҳаракат қилиш, бирор бир юқорироқ натижаларга эришиш мақсадида фан-билим ва касб-ҳунар сир-асрорларини тушунтириб бориш, айниқса ота-онанинг, кейинги галда эса устозларнинг саъйи-ҳаракатларига боғлиқдир.

Биз учун оила, маҳалла, эл юрт-муқаддас. Бу-халқимизнинг азалий бебаҳо маънавий туйғуси. Ушбу туйғу асрлар мобайнида мутафаккирларнинг ақлу меҳнати билан жаҳон тафаккур хазинасига дурдона бўлиб қўшилган халқнинг муборак мулкига айлантирилгандир. «Бир фарзандга етти маҳалла оталик қилади», деган пурмаъно фикрда жон бор. Чунки, фарзандларимиз ҳамиша элу-юртнинг назарида камол топиб келмоқдалар. Мен ўйлайманки, ана шу шарқона одатимизнинг тарбиявий фаолиятимизга ижобий таъсири доимо кучли бўлиб келган. Айниқса маънавий тарбия эндиликдаги ўта зарурий жараёндир.

Инсон шахсининг камолида маънавиятнинг ўрни алоҳида эътиборга молик. Зеро, маънавият инсоний фазилатларни шакллантирадиган кучга эга бўлган билимлар мажмуидир. Президентимиз

Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Маънавият-инсонийликка олиб борадиган йўлдир» (И.Каримов Миллий мафкура ҳақида. Тошкент, 2000 йил, 24-бет). Биз айтаётган инсонийлик эса маънавий билимлар орқали аста-секинлик билан шаклланиб боради. Шунинг учун ёшларимизга оилада ва мактабда ҳаётга нисбатан теран нигоҳ ташлашни ўргатиб боришга эришишимиз талаб этилади. Бу борада эса ўқитувчилар ҳам тинимсиз изланишлари зарур деб ўйлайман. Демак тарбиячи-педагогларга жуда катта масъулият юкланганлигидан далолат беради. Зеро, озод ва обод Ватанимизнинг бугунги ҳамда эртанги куни билимдон зукко ёшларга боғлиқдир. Шу фикрни алоҳида эътироф этамизки, фарзандлар тарбияси халқимиздан, кенг жамоатчиликдан, қолавеса бутун маҳалладан, ҳар бир оиладан жуда катта масъулиятни талаб этади. Хуллас, тарбиянинг бу муҳим йўналиши ҳамisha долзарб масала бўлиб қолаверади.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, фарзандлар тарбиясига ҳақиқатан ҳам мукаммал ёндашув зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

НАВРЎЗ-ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ.

Доц. Турсунов.М

Ота-боболаримиз ўз бошларидан ўтказиб келган муқаддас байрамлардан бири-бу наврўз байрамидир. Тарихий маълумотларга кўра Наврўз шарқ халқлари ҳаётида ислом қабул қилингунга қадар мавжуд бўлган. XVI асрда яшаган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи Шоҳий» асарида қайд этилишича, халқларимизнинг Наврўзни байрам сифатида нишонлашлари тўрт минг йиллик тарихга бориб тақалар экан (Ш.Миролимов «Наврўзи олам бугун», Тошкент 1989, 8-бет).

Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимийлигига ишора этувчи талай ривоятлар мавжуддир. Наврўз тўғрисида аниқ маълумотлар буюк Абу Райҳон Берунийнинг «+адимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «+онуни Масъудий» ва Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» рисолаларида маълумотлар ёзиб қолдирилган. Абу Райҳон Беруний «+адимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида наврўз ҳақида шундай ёзади: «Эрон олимларининг баъзиси:- У кунни наврўз деб аташининг сабаби шуки, Жамшид (Фирдавсий «Шоҳнома»сида айтилишича) подшоҳ бўлган, мажусийлар динини янгилайди ва бу иш қилинган кун, «Наврўз»-«Янги кун» деб аталди. (Беруний бу асарида «Наврўз кунида бир соат пайт) бор, шу соатда фирўз (яъни бахт фалаги руҳларни яратишга ҳайдайди)», «у куннинг энг саодатли соатлари +уёш соатларидир. Унинг тагида ёруғлик имкони борица (ерга) яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар», - деб таъкидлаб ўтади.

Жуда қадимий ва анъанавий бўлган Наврӯз бир неча минг йиллик тарихи давомида халқнинг ҳам қувончи, ҳам ташвиши бўлиб келди, не-не таъқибу-таҳқирларга учрамади, бари-бир, авлодлар уни эҳтиётлаб, авайлаб, бугунги даврга етказиб келганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Маълумки, бу табаррук ва мўътабар байрам собиқ шўролар ҳукумати даврида тасдиқланган бўлса, мамлакатимиз ўз ҳурриятига эришгандан бошлаб бу байрам умумхалқ байрами тусини олди ва доимий анъана сифатида ҳар йилнинг 21 мартдан тантанали ҳамда оммавий равишда нишонланиб келинмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган мазкур йилда Наврӯз байрами янада жозибалироқ намоён бўлмоқда.

Наврӯзнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу-ҳар бир оилада, маҳаллада ва бутун мустақил мамлакатимиз миқёсида нишонланишидир. Худди шу табаррук ва муқаддас кунлар арафасида уй-жойлар тозаланади, ариқ-зовурлар қазилади, кўча ва хиёбонлар чиройли қилиб безатилади ҳамда турли-туман мева ва ток кўчатлари экилади. Университетимизда ҳам наврӯз байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишлари юксак даражада олиб борилмоқда. Талабаларимиз илм-билим сирларини эгаллашда дадил ҳаракат қилмоқдалар. Бу байрамни мустақил озод ва обод ватанимиздаги барча фуқаролар шоду-хуррамлик билан кутиб оладилар. Наврӯз таоми сифатида - дошқозонларда сумалаклар тайёрланади ва шунингдек баҳорий ширин, мазали турли таомлар

пиширилиб тайёрланади ҳамда байрамда дастурхонлар қутли ва баракали бўлгани учун ҳам доимо очиқ туради, меҳмоннавозликнинг хуш кайфияти эса ҳар бир хонадонга монанд бўлиши қадимдан бизнинг халқларимизга ҳам хос бўлган анъанадир. Бу байрамда ҳар бир оила аъзоси имкон қадар янги кийим кийишга, тоза ва ораста бўлиб юришга ҳаракат қилади. Наврўз байрамининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бу кунларда мамлакатлар ўртасида давом этаётган урушлар тўхтатилади, бутун мамлакатда тинчлик ва оқошталик ҳукм суради. Аразлашган инсонлар ярашадилар, улар ўртасидаги гина-қудратлар барҳам топади. Ҳамма яхши ва аъло кайфият билан шу дақиқалардан бошлаб хайрли ишларга, бунёдкорлик ҳамда яратувчанлик фаолиятига дадиллик билан кириша бошлайдилар. Ризку-баракамизнинг таъминотчиси бўлган бободехқонлар мавсумий экин-текин ишларини бошлаб юборадилар. Хуллас бутун юртимиз бўйлаб инсонларнинг ҳаётга интилишларида давлат ва жамиятга нисбатан бўлган муносабатларида кўтаринкилик кайфияти юзага келади.

Худди шу муқаддас байрам бўлган НАВРЎЗда ёшлар олдида яхшиликка, эзгуликка йўл бу-илм ва маърифат йўли эканлигини унутмасликлари мақсадга мувофиқдир. Бу йўлни танлаган ва шу йўлдан борган ёшлар, албатта давлатимиз ва халқимиз ният қилганидек теран нигоҳли инсонлар бўлиб етишадилар. Бундай ёшлари кўп бўлган юртгина келажаги буюк давлат даражасида кўтарила олади. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримовнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», - деган сўзлари

ёшларимизга бўлган ишончни ўзида намоён этишини таъкидлаб ўтиш айти
муддаодир.

Биз ўйлаймизки, талаба ёшларимиз ушбу муқаддас саналган Наврўз
байрамини кўтаринки кайфият билан кутиб оладилар ва нишонлайдилар.

Барча устозларни ва талабаларни муборак байрам билан самимий
табриклаймиз.

Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни ва роли

ТерДУ к-ўқитувчиси

М..М.Алланазаров

Амир Темур сиёсий саҳнага кадам қўйганда эндиgina 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик маҳалий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдеy асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур анна шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Ҳисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маъанвий ОЗУқа берган, уни буюк ишларга чорлаган Эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида ката қизиқиш уйғотганини ҳна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сир эмаски, коммунистик мафкура шукмрон бўлган совет жамиятида тарих Фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони

бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет иттифоқи ҳудудида яртаилган тарихий асарларда Амир Темури шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди.

Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аجدодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда-А+Ш, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра билишади. Бизлар-яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз.

Бугун дунёнинг қарийиб 50 мамлакатада темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Ўтган олти юз йил йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун ката бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яртаилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам ката аҳамият касб этади.

Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшинлари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан-Хитой, Ҳиндистон, бир томондан-Франция ва Англия, яна бир томонда-Рум,

Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ваз у муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темури фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темури Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Ҳаранг, қандай оддий ва Аниқ фикр: Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темури ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

«... Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам бекиёс. Амир Темури ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари Билан қурилган

мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал Сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам Зое бўлишини раво кўрмасди».

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан Машғул бўлган.

Унинг «+ай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу-мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

ЁШ ОИЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

М. Турсунов

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари тизимида, ёш оилалар ҳаётига тааллуқли масалаларнинг ўрганилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳуқуқий демократик давлат куришга киришаётган ҳозирги даврда, унутилган маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш шароитида оилаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 1 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворларини куриш даврига қадам қўйди» (1).

Маълумки, жамият соғлом ёш авлодни шакллантириш заруриятини ҳар доим тақозо этади. Шунинг учун ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш мақсадида республикаимиз Президенти томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг яна бир далили, десак хато қилмаган бўламиз.

Юртбошимиз томонидан, 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши, оилалардаги, аниқса, ёш оилалардаги ҳар хил муаммоларни атрофлича таҳлил қилиш, ёшларимиз ўртасида маънавий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш,

уларга оила сирларини ўргатиш, хусусан, бўлғуси умр йўлдошларига нисбатан қалбида меҳр ва ҳурмат уйғотиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Республикамизда оилавий ҳаёт, унинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий масалаларига бағишланган бир қанча илмий ишларда фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, аммо ёш оилалар ва уларнинг ҳаётларига алоқадор муаммоларга доир илмий изланишлар етарли даражада амалга оширилмаган. Шунинг учун турмуш тарзи айнан ёш оилалар ҳаётининг миллий-этник хусусиятлари ва йўналишларини янада кўпроқ илмий жиҳатдан таҳлил қилишни талаб этади.

Оилавий масалалар методологик ва назарий жиҳатдан М.М.Хайруллаев, А.+.Валиев, С.Ш.Шермуҳаммедов, Э.Ю.Юсупов, О.П.Умурзоқова, Х.А.Шайхова, М.Б.Баратов, М.Н.Абдуллаева, Х.П.Пўлатова асарларида ўз аксини топган бўлиб, Г.М.Ҳамидова, Р.Очилова, У.Тоштемиров, М.Сангилов ва бошқалар бевосита оилавий муаммолар устида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилардир. Умуман олганда, ёш оилалар ҳаётини янада яхшиланиши учун қуйидаги масалаларга етарли эътиборни кучайтириш лозим:

1. Шарқ мутафаккирларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, маънавий меросларига, турли концепциялар ва қарашларга асосланиб, Ўзбекистондаги оила-никоҳ муносабатларида ёш оилаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш.

2. Ҳозирги жамиятда ёш оиланинг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши индивид ҳамда жамиятнинг сон ва сифат жиҳатидан муҳим кўрсаткичи эканлигини социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш.

3. Жамиятнинг ижтимоий онги ва маънавий маданиятини ўзгартириб борадиган туб негизлар жараёнида оила-никоҳ муносабатларининг умумий назарияси мажмуасидаги объектив ва субъектив омилларни ҳозирги замон ғояларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш.

4. Оилада шахснинг шаклланиши, унда байналминал белгиларнинг пайдо бўлиши миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришида оиланинг ҳал қилувчи ролини илмий жиҳатдан аниқ маълумотлар асосида тадқиқ этиш.

5. Ёш оилаларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларни яратиш ва ривожлантириш, маънавий-ахлоқий омилларнинг келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлигини асослаб бериш.

6. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида ёш оилалар фаолиятидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ҳамда ёш оилага давлат, ижтимоий ташкилот ва хусусий тижорат тузилмалари томонидан ижтимоий қўллаб - қувватлаш зарурлигини кучайтириш.

7. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг комплекс ва системали тарбиялаш муаммоларини ҳал қилинишига қаратилган амалий тадбирларни, миллий ва умуминсоний кадриятларни инсоният цивилизациясининг сиёсий, дунёвий, демократик психологик, социологик ютуқларини ўрганиб бориш. Бугунги кунда оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг мустаҳкамланишига қанчалик эътибор кучайтирилса, барпо этилаётган демократик давлатчилигимиз шунчалик ривож топиб бораверади.

Президентимиз бу ҳолатни қўйидагича изоҳлайди: «Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш биз учун ҳамيشа биринчи даражали мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади» (2).

8. Оила-никоҳ муносабатларида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий, нуфузий, маънавий, психологик, миллий-этник жараёнларнинг методологик ҳамда назарий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Ушбу жараёнларни ўрганилишида собиқ иттифоқ мутахассис ва олимларининг иштирокигина эмас, балки бошқа хорижий мамлакатлар билан биргаликда турли илмий-амалий анжуман ва семинарлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга ўхшаган амалий тадбирлар турли мамлакатлардаги ёш оилалар ривожланишининг ўзига хос тенденциялар, қарама-қаршиликлар ҳамда хусусиятлар бўйича ҳар тарафлама фикр алмашилиш имкониятини беради ва республикамиздаги ёш оилалар ҳаётини ривожлантиришга ижобий таъсир этади.

9. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ёш оилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, турмуш тарзи ва типологиясини эътиборга олган ҳолда, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг таъсирчан чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим бизнингча, бу тадбирлар республика Президенти ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий ҳимоя тизимининг ажралмас қисми бўлиши даркор.

10. Бир қатор ривожланган мамлакатлардаги ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида ташкил этилган махсус жамғарма фондлари борасидаги тажрибасини инобатга олиб, бизда ҳам шунга ўхшаш жамғармалар ташкил этиш, бу ишга давлат маблағлари билан бир вақтда янги тижорат

муассасалари, банк, биржалар, хусусий қўшма корхоналар маблағлари ҳам жалб этилиши керак. Бу эса ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, шу билан бир вақтда, тобора кучайиб бораётган ишсизлик муаммосининг қисман бўлса-да, ҳал қилинишида ёшларнинг ишбилармонлик, ташаббускорлик каби фазилатларини шаклланиши ва ривожланишига имконият яратади. Бундан ташқари ёш келин-куёвларга оила этикаси ва психологияси, ҳамда оилавий ҳаётнинг бошқа муҳим жиҳатлари бўйича зарур маслаҳатлар берувчи оилавий марказларни кенг миқёсда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

11. Ёш оилаларнинг муаммолари, уларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни, ютуқ ва камчиликларни доимий равишда кузатиб бориш учун махсус умумий ёки минтақавий газета ё журнал ташкил этиш лозим.

Мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболи айнан шу ёш оилаларда келажакка нисбатан юксак ишонч ҳиссини шакллантириш билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам алоҳида эътироф этамиз. Давлатимиз раҳбари бу порлоқ истиқболни қуйидагича изоҳлаган эди: «Токи саховатли Ўзбекистон заминидан истиқомат қилаётган ҳар бир инсон-миллати, тили ва динидан қатъи назар келажакка ишонч билан қараб, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшасин» (3).

Хуллас, мамлакатимиздаги 5 миллиондан зиёдроқ бўлган барча оилаларимизнинг ҳар томонлама камол топиши мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболини таъминланишида маънавий замин вазифасини ўтайди. Ҳолангиси, юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан-кучли жамият сари» тамойил учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1 йиллигида сўзлаган нутқи.- Т.:1993. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2-б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: «Ўзбекистон», 2005. 62-б.
3. Каримов И.А. Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Маърифат» газетаси, 2005. 5-б.

ОИЛАВИЙ ТАРБИЯДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВА АНЪАНАЛАРИ

М.Турсунов

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш учун умумхалқ юриши бошланди. Минг йиллар давомида яратилган, халқимиз қони ва жонига айланган маънавий дурдоналарга янгича қараш шаклланди. Миллий анъаналарнинг қадри кўтарилиши кераклиги эътироф этилди, бир сўз билан айтганда, зўрлик ва онгсизлик оқибатида беркитилган эзгулик булоқлари кўзини тозалашга киришилди. Президент Ислом Каримов эътироф этганларидек «Халқимизнинг маънавий бойликларини жаҳон цивилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир»(1).

Миллий анъаналар ва удумларга ҳадиксираб қараларди, унинг тарбиявий хазиналаридан қандайдир «иллат» қидириларди. Ҳаётбахш халқ анъаналари собиқ тузум шароитида камситилди. Баъзи урф-одат ва удумларга диний тус берилиб, ҳаёт саҳнасидан тамом супуриб ташланди. Ота-боболаримизнинг қимматли панд-насиҳатлари эскиликка йўйилди, қадри топталди, қарияларнинг ҳикматомуз эртакларини тарбиявий аҳамияти эътибордан қола бошлади. Аёллар роҳатбахш аллаларни унитаёздилар.

«Анъана» асли арабча сўз бўлиб, узоқ зомонлардан бери авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб, давом этиб келаётган урф-одатлар, ахлоқ мезонлари, қарашлар ва шу кабилардир. Анъана ижтимоий ва маданий меросдир. Улар иқтисодий, миллий, касбий, жанговор, илмий,

оилавий анъаналар сифатида жамиятда, ижтимоий гуруҳ ва синфлар орасида кенг ёйилган. Шунинг учун ижтимоий ҳаёт ва анъаналарни ўрганиш, уларнинг мазмунини билиш, одамларнинг хулқи ва хатти-ҳаракатларига таъсир этишни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия ишларидан халқимизнинг энг илғор, ҳаётда ўзини оқлаган анъаналарини оила, мактаб ва меҳнат жамоаларида қўллаш, улардан фойдаланиш каби вазифалар ҳамиша долзарб бўлиб келган. Шу кунларда, айниқса, ватанпарварлик, миллатлараро дўстлик, эклогик тарбияга доир анъаналарни оилавий тарбия жараёнига татбиқ этиш, ҳозирги авлод кишиларини халқ педагогикасининг халқчил кўрсатмалари асосида тарбия кенг назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек халқининг йўлга қўйиш урф-одатлари, турмуш тарзи, оилавий маросимлари, таълим-тарбия, маданият анъаналари мозийнинг узоқ-узоқ асрларига бориб тақалади. Барг илдиздан қувват олади деганларидек, ҳозирги ва келажак авлод кишиларини чуқур билиш маънавиятнинг мағзи тўқлиги омилидир. Бу ҳамиша, барча авлод томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Кайковуснинг «Қабуснома» сидан тортиб, Ал -Хоразмий, Абу-наسر Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг назмий ва насрий асарларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқат совғалари») каби жаҳонга машҳур обидаларида, Навоийнинг ўлмас шеърлятида, Мунис Хоразмийнинг «Ҳаёт мактаби», каби асарларда шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқига хос бўлган ибратли томонлар очиб берилганки, улар қалами орқали ота-онани ҳурматлаш,

инсонийлик, оқибат, меҳр-шафқат, меҳмондўстлик, маърифатга чанқоқлик, онани (аёлни) улуғлаш, фарзандга меҳрли ва фидойи бўлишлик каби фазилатлар дунёга ёйилган бўлса, ажаб эмас.

Қадим замонлардан, ҳатто ўзбек халқининг ёзуви бўлмаган пайтларданоқ ёш авлодни тарбиялаш асосан оилада амалга оширилган. Бунда табиий ва ижтимоий омиллар ҳал қилувчи ўрин тутганлиги, шубҳасиз. Халқ педагогикаси ҳамиша яхши самара берган. Шунинг учун ҳам халқнинг тарбияга оид билимларини чуқур ўрганиш, тарбия натижаларига асосланиб, уларнинг асосий манбаларига, тарбия сирларига назар ташлаш таяниш асосида тарбия бериш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳаёт мазмунига мувофиқ умуминсоний, шаклига кўра миллий анъаналар қарор топмоқда. Эски ва янги анъаналар қарама-қаршилиқлар жараёнида сараланади, сайқал топади. Айрим анъаналар қандай бўлса, ўша ҳолида, кўринишида узоқ вақт сақланиб қолади, бошқалари эса янгиларига уйғунлашади, такомиллашади.

Урф-одатлар қанча ҳаётий, халқчил, кенг тарқалган бўлса, у халққа шунча тез сингади ва узоқ яшайди. Масалан, ҳозирги кунда мавжуд бўлган анъаналарнинг кўпи узоқ тарихга эга. Бироқ улар ўз даврида қандай яратилган бўлса, шундайлигича қолган деб бўлмайди. Ҳаёт уларга ўзининг янги-янги хислатларини, давр силсиласини киритгани аниқ. Ҳар даврнинг вужудга келтирадиган янги анъанаси, янги авлод вакилларининг миллий хусусиятлари, шунингдек, уларнинг ўтмиш ҳақидаги ёрқин хотиралари, меҳнаткашлар оммасининг келажак учун интилиши ўз аксини топиб боради. Ўрта Осиёнинг

бошқа халқларида бўлгани каби ўзбек халқининг инқилобдан олдинги ҳаёти ҳақида сўз кетганда, бирорта олий ўқув юртининг бўлмагани ҳақида кўп гапирилади. Бу фактни инкор этмаганимиз ҳолда, бошқа Шарқ халқлари сингари ўзбек халқида ҳам авлодлар тарбиясига таъсир этувчи, кишиларни давомийлик, эзгуликка етакловчи «Халқ дорилфунунлари» бўлганини эътироф этмоқчимиз.

Биз азал-азалдан халқимизда кўпчилик иштироки билан ўтадиган ҳашарлар, болаларнинг турли ўйинлари, болалар ижоди, чойхона суҳбатлари, учрашувлар, гап-гаштаклар, тўй ва маракалар, мавсумий байрамлар-гулбарра, лола сайллари, «бойчечак» айтиш, қовун сайллари, «янги меҳмон» туғилишини нишонлаш, қизлар мажлиси, келинларнинг қайнота, қайноналар олдидаги «юз очилдилари», «келин саломлари», сумалак, улоқ ўйини, кураш, меҳнатда бўлиш, меҳмон кутиш каби кўплаб маросимларни назарда тутаяпмизки, уларнинг ҳаммаси ҳам халқ тарбияшунослигининг дурдоналари сифатида ёш авлодларни ўзбек халқига хос бўлган «ўзбекона», «шарқона» тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ педагогикасининг умрбоқийлиги, ўлмаслигининг сабабларидан яна бири унинг авлоддан-авлодга етказиш шаклининг антиқалигидир. Ҳатто халқимиз ҳозиргидек оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаган қадим замонларда ҳам халқ педагогикаси халқ оғзаки ижодиёти йўли билан қанот қоққан. Ўзбек халқининг асрлар мобайнида тўплаган халқ оғзаки ижоди хазинаси ғоят бойдир. Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тўпланган, шакллланган доно фикрларини келажак авлодларга оғзаки ҳикоя,

эртақ, афсона, ривоят, топишмоқ, маталлар шаклида сингдириш орқали ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга эриша олганлар.

Халқ оғзаки ижодида болаларни босиқлик, софдиллик, камтарликка ундаш билан бирга, улардаги манманлик, ичиқоралик, чақимчилик ва бошқа салбий сифатлар қораланган. «манманлик қилма, нетарсан, обрўйингдан кетарсан», «сен ўзингни мақтама, сени бировлар мактасин», «эгилган бошни қилич кесмас», «мевали дарахтнинг меваси қанчалик кўп бўлса, унинг боши шунчалик пастга эгилади», «бахилнинг боғи кўкармас», «бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан», «кўрпанга қараб оёқ узат» сингари халқ мақолларида панд-насиҳат ифода этилган.

Кўплаб мақол ва маталаларда билимли бўлиш улуғланади, билимсизлик қораланади. «билаги зўр бирни йиқитар, билими зўр мингни йиқитар», «илми йўқнинг кўзи юмуқ», «илмсиз бир яшар, илмли минг яшар», «олим бўлсанг, олам сеники» ва ҳоказо.

Ватанпарварлик, ватанни севиш мавзуси ҳам мақол ва маталларда акс этган. Масалан, «киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл», «она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг самон бўлмас», «элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ».

Оилавий тарбияда халқ педагогикаси анъаналари эртақ, мақол, топишмоқ ва маталлар шаклида ўз ифодасини топган ва у тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаси саналиб, тарбиянинг барча қирраларини қамраб олган. Айниқса, инсон ва унинг тарбияси, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш, болаликнинг ёш давлари, уларнинг дангасалик ва инжиқликлари, ўйинлари, қизлар тарбияси

ҳақида ажойиб матал, мақол, афоризмлар яратилган бўлиб, улар халқ педагогикаси сабоғининг ёрқин намунасидир.

Халқ донишмандлигида ота-оналар ҳақида, уларнинг болалари билан муносабатлари, онанинг маданий, тарбиявий таъсири, донолиги атрофлича ёритилган. Масалан, оилада ҳамма киши бир кишига-отага итоат этган. Отанинг ёки онанинг гапи икки қилинмаган. Отанинг измидан чиқиш, у кишининг буйруғини бажармаслик, отага гап қайтариш, унга тик боқиш гуноҳ ҳисобланган. Ота фарзандининг ножўя иши, қилиғи, гапи, қилмиши учун ҳақорат қилиши, сўкиши, ҳатто уриши мумкин бўлган. Лекин фарзанд отага тик боқмаган, ота ёки онага қўл кўтармаган. Шу сабабли ҳам бундай тартибли оилаларда бебош ўғил, нопок қиз бўлмаган. Ҳадисда ёзилганидек, «Отага итоат қилиш- тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир». Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, халқ донишмандлиги, анъаналари авлодлардан-авлодларга ўтиш жараёнида шакл жиҳатидан ўзгаришларга учрайди, лекин ўз мазмуни, тарбиявий таъсирини йўқотмасдан, ҳозирги ва келгуси авлодларга хизмат қилади. Шу маънода, халқ педагогикасини илғор тарбия ғоялари билан уйғунлаштириш, оилавий тарбияда қўлланилган анъаналарни йилдлан-йилга шаклланиб бораётган янгилари билан бойитиш, жамиятимиз учун садоқатли ёшларни вояга етказиш давримизнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Фикримизни мухтасар айлар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз: «Янгиланган демократик жамият

биноси, энг аввало, ким учун бунёд этилаяпти? Ўз халқимиз, ўз фарзандларимиз учун, албатта» (1).

Ҳа, дарҳақиқат, давлат ва жамиятнинг тараққиётида ҳар бир оиладаги педагогик жараённинг ҳамда турли-туман анъаналарнинг ўзига ўрни бор.

ЁШ ОИЛАЛАР - ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЛИ ТАЯНЧИ

Турсунов М.Б.

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг «бозор иқтисодиёти» шароитида энг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари тизимида, оилавий муаммоларни аниқса, ёш оилалар ҳаётига тааллуқли масалаларни ўрганилиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Маълумки, жамият соғлом муҳитли ёш авлодни шаклланиш заруриятини ҳар доим ҳам тақозо этади. Шунинг учун ҳам ушбу масалага алоҳида эътиборни қаратиш мақсадида республикаимиз Президенти томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг яна бир далили десак хато қилмаган бўламиз.

1994 йилнинг Юнеско томонидан, халқаро миқёсида 1998 йили Президентимиз И. А. Каримов томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши, алоҳида аҳамиятга эгадир. Оилалардаги, аниқса ёш оилалардаги ҳар хил муаммоларни атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиш, ёшларимиз ўртасида маънавий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, уларга оила сирларини, ўргатиш, хусусан, бўлғуси умр йўлдошларига нисбатан қалбида меҳр ва ҳурмат уйғотиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Республикамизда оилавий ҳаёт, унинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий масалаларига бағишланган бир қанча илмий ишларда фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, аммо ёш оилалар ва уларнинг ҳаётларига алоқадор муаммоларга доир илмий изланишлар етарли даражада амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳаёт тарзи айнан ёш оилалар ҳаётининг миллий-этник хусусиятлари ва йўналишларини янада кўпроқ илмий жиҳатдан таҳлил қилишни талаб этади.

Оилавий масалалар методологик ва назарий жиҳатдан М.М.Ҳайруллаев, А.Қ.Валиев, С.Ш.Шермуҳаммедов, Э.Ю.Юсупов, О.П.Умурзоқова, Х.А.Шайхова, М.Б.Баратов, М.Н.Абдуллаева, Х.П.Пўлатова, Г.М.Хамидова, Р.Очилова, У.Тоштемиров, М.Сангилов ва бошқа олимларнинг бевосита оилавий муаммолар устида илмий изланишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Хуллас, ёш оилалар ҳаётини янада яхшиланиши учун қуйидаги масалаларга етарлича эътиборни кучайтириш лозим;

1. Ўтмиш мутафаккирларининг, шу жумладан, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, маънавий меросларига, турли концепциялар ва қарашларга асосланиб, Ўзбекистондаги оила-никоҳ муносабатларида ёш оилаларнинг ўрнини ва ролини, аниқлаш.

2. Ҳозирги жамиятда ёш оиланинг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши индивид ҳамда жамиятни сон ва сифат жиҳатидан муҳим кўрсаткичи эканлигини социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш.

3. Жамиятнинг ижтимоий онги ва маънавий маданиятини ўзгартириб борадиган туб негизлар жараёнида оилавий-никоҳ муносабатларининг умумий назарияси мажмуасидаги объектив ва субъектив омилларни ҳозирги замон ғояларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш.

4. Оилада шахснинг шаклланиши, ундаги байналминал белгиларнинг ривожланиши, миллатлараро кайфиятлардаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби белгиларнинг шаклланишида оиланинг ҳал қилувчи ролини илмий жиҳатдан аниқ маълумотлар асосида ўрганиб бориш.

5. Ёш оилалар ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларни яратиш ва ривожлантириш, маънавий-ахлоқий омилларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлигини ўзбек халқининг миллий жиҳатдан ўзлигини англашнинг ўсиб бориш шароитида зарурлигини асослаб бериш.

6. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида ёш оилалар фаолиятидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ҳамда ёш оилага давлат, ижтимоий ташкилот ва хусусий тижорат тузилмалари томонидан ижтимоий қўллаб - қувватлаш зарурлигини кучайтириш.

7. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг комплекс ва системали тарбиялаш муаммоларини ҳал қилинишига қаратилган амалий тадбирларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни инсоният цивилизациясининг сиёсий, дунёвий, демократик психологик, социологик ютуқларини ўрганиб бориш. Бугунги кунда оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг мустаҳкамланишига қанчалик

эътибор кучайтирилса, барпо этилаётган демократик давлатчилигимиз шунчалик ривож топиб бораверади. Президентимиз И. А. Каримов бу ҳолатни қўйидагича изоҳладилар: «Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади» (Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., 2005, 62 бет)

1. Оила-никоҳ муносабатларида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий, нуфузий, маънавий, психологик, миллий-этник жараёнларнинг методологик ҳамда назарий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этиш зарур.

Ушбу жараёнларни ўрганилишида нафақат собиқ иттифоқ мутахассиси ва олимларининг иштирокигина эмас, балки бошқа хорижий мамлакатларнинг ҳам иштирокида турли илмий-амалий анжуман ва семинарлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга ўхшаган амалий тадбирлар турли мамлакатлардаги ёш оилалар ривожланишининг ўзига хос тенденциялар, қарама-қаршиликлар ҳамда хусусиятлар бўйича ҳар тарафлама фикр алмашилиш имкониятини беради ва республикамиздаги ёш оилалар ҳаётини ривожлантиришга ижобий таъсир этади.

2. Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтаётгани муносабати билан ёш оилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, турмуш тарзи ва типологиясини эътиборга олган ҳолда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим, бизнингча бу тадбирлар

республика Президенти ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган манзилли ижтимоий ҳимоя тизимининг ажралмас қисми бўлиши керак.

3. Бир қатор ривожланган мамлакатлардаги ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида ташкил этилган махсус жамғарма фондлари борасидаги тажрибасини инобатга олиб, бизда ҳам шунга ўхшаш жамғармалар ташкил этиш, бу ишга давлат маблағлари билан бир вақтда янги тижорат муассасалари, банк, биржалар, хусусий қўшма корхоналар маблағлари ҳам жалб этилиши керак.

Бу эса ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, шу билан бир вақтда тобора кучайиб бораётган ишсизлик муаммосини қисман бўлса-да ҳал қилинишида ёшларнинг ишбилармонлик, ташаббускорлик каби фазилатларини шаклланиши ва ривожланишига имконият яратади. Бундан ташқари ёш келин-куёвларга оила этикаси ва психологияси, рўзғоршунослик ва оилавий ҳаётнинг бошқа муҳим жиҳатлари бўйича зарур маслаҳатлар берувчи оилавий марказларни кенг миқёсда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ёш оилаларнинг муаммолари уларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни, ютуқ ва камчиликларни доимий равишда кузатиб бориш мақсадида махсус умумий ёки минтақавий журнал ташкил этилдики, бу эса мақсадга мувофиқдир.

Мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболи-айнан шу ёш оилалар олдида келажакка нисбатан юксак ишонч ҳиссини шакллантирилиши билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам алоҳида эътироф этамиз. Шу ўринда алоҳида

эътироф этамизки, президент И.А.Каримовнинг 2007 йилнинг 18 майида қабул қилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони ўз вақтида қабул қилинди. Мазкур фармонга биноан ёш оилаларга давлат томонидан алоҳида имтиёзлар берилдики, бундлай имкониятдан ёшларимиз ўринли фойдаланмоқдалар. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бизнинг юртимиздагидек ёшларга бундай қулайликни яратиб берилмаган. Шунинг учун ҳам ёшларимиз шундай Ватан ва унда яратиб берилган имкониятларидан юксак ифтихорни ҳис этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро юртбошимизнинг истиқболи буюклигига ишончимиз комилдир».

Давлатимиз раҳбари И.Каримов бу порлоқ истиқболни қўйидагича изоҳлаган эди: «Токи саховатли Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган ҳар бир инсон-миллати, тили ва динидан қатъи назар-келажакка ишонч билан қараб, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшасин» (Қаранг: Каримов И.А. Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Маърифат» газетаси, 2005. 5 б.)

Хуллас, мамлакатимиздаги 6 миллиондан зиёдроқ бўлган барча оилаларимизнинг ҳар томонлама камол топиши мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболлини таъминланишида маънавий замин бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан-кучли жамият фуқаролик жамият сари» деган юртбошимиз томонидан эътироф этилган тамойили учун хизмат қилади

Бундай салоҳияти баланд, имкониятлари беҳисоб, фуқаролари фидоий бўлган Ватанимиз ёшлари ҳали неларга қодир эканликларини дунё нигоҳида намоён эта оладилар деб ишонамиз. Хуллас, давлат ва халқнинг ишончли ҳамда унинг порлоқ келажаги ана шу ёш оилаларга боғлиқдир.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОПСИХОЛОГИЯСИНИНГ

АЙРИМ МУАММОЛАРИ.

М.Турсунов.

Ўзбек халқининг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёри, турмуш тарзи маънавий қадриятлари, шахслараро муносабати, мулоқат мароми ва хусусияти бошқа халқларникидан маълум даражада тафовутланади. Масалан, ўзбек халқи характерида андишалилик, хушмуомилалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги қўли очиклик ва сахийлик одатлари бунинг далилидир. Шунинг билан бирга, сабр-косаси тўлгач, зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан ортга қайтмаслик, исёнкорлик, бир сўзлилиқ одати ҳам халқимиз учун хосдир.

Президент И.А.Каримов эътироф этганларидек, «Биз болаларимизни чин маънода жаҳонда баҳслаша оладиган ўктам, дили ва тилидан одамлар озор чекмайдиган, шарқона одоб-ахлоқли, аммо ҳақини бировга бермайдиган ҳам жисман, ҳам ақлан ва ҳам руҳан соғлом, бардам қилиб тарбиялашимиз, лозим бўлса ана шу йўлдан боришимиз керак» (1:)

Миллий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилиқ, принципиаллик, ўз-ўзини тута билиш, қатъийлик матонат кабиларни) ва ахлоқий хислатларни (поклик, интизомлилиқ, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқалар) қамраб

олади. Шунингдек миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик), меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик, ёки ялқовлик, масъулиятсизлик) нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик, ифлослик, тежамкорлик, исрофгарчилик, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларни (иззатнафслилик, шуҳратпараслик, мағрурлик, ўзини катта олиш димоғдорлик, камтаринлик) каби хусусиятларини ифодалайди.

Халқ ўртасидаги ҳукм суриб келаётган «Сут билан кирган феъл- жон билан чиқади» деган нақл ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки ҳеч қандай инсон зоти онадан ўғри, диёнатсиз, бебурд, бераҳм бўлиб туғилмайди. Аксинча, миллий характер хислатлари оила, жамоатчилик, мактаб муҳити таъсирида шаклланади ва инсон шахси ижтимоийлашиб боради. Шу боисдан инсон шахсининг камолати учун ақлий тараққиёт эмас, балки ахлоқий баркамоллик ўзак (негиз) вазифасини ўташи лозим.

Ахлоқий масала инсоният ер юзида пайдо бўлган дақиқадан тортиб, то ҳозирги давргача ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. /айри одатий ҳатти-ҳаракатлар юзага келмаслиги учун ахлоқ тарбия негизи бўлиб қолмоғи шарт. Миллий ўз-ўзини англаш-одамнинг ижтимоий этник умумийликка (бирликка) мансублигида, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган ёрқин ифодасини топади. Оилавий таъсир (оила турмуш тарзи, ота-она нуфузи, оилада шахслараро муносабатлар мароми), миллий тил муҳити, маънавиятга интилиш (қизиқиш), турмушдаги қариндош-уруғчилик риштаси ёрдамида ўз-ўзини англашнинг қатор объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Шу ўринда,

президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу фикрларини алоҳида қайд этамиз: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор». (2:)

Миллий туйғу (ғурур ифтихор) шахслараро муносабат жараёнида, ҳиссий таъсирланишда, юксак маънавий ички туғёнларда (нафосат, лаззатланиш, роҳатланиш, қониқиш), ижодий ғоялар туғилишида, миллий завқ ва шавқда, кайфият, шижоат, хуш кўриш, ёқтирмаслик каби ички чекинмаларда акс этади.

Ҳатто, ўзбек миллатининг қомад тутиши, кийиниши, ибоси, имо-ишораси, ўз ҳаракатлари, табассуми, уйқуси, хаёлот, таъзими, маросимлари, халқ ижодиёти (фольклори), таъби, диди очик қалблилиги ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг маҳсули сифатида гавдаланади.

Миллий юриш-туриш тарзи кишиларнинг миллий хусусияти тўғрисида гоҳ холис бўлмаган тахминий фикр юритишга олиб келади. Бундай мураккаб ҳолат миллатларнинг ўзаро тушунишларини қийинлаштиради. Бинобарин, халқ ва элатлар маънавияти ва руҳиятини ёш авлодга сингдириш учун, аввало, ишни оиладан ва мактабдан бошлаш керак. Қолаверса, миллий характер, миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш айтиш муддаодир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳатто ўзбек халқининг кўшиқлари ва рақслари ҳам миллий турмуш тарзини, машғулоти турини акс эттиради. Улар шўх ва

ўйноқилиги, ғамгин ва вазминлиги, мураккаблиги ва лапарга ўхшаш қалбларга осон, енгил кириб боришлиги, маросимбоплиги билан ажралиб туради.

Бизнингча, миллий мактаб, даставвал, ўзининг ташқи кўриниши билан: биринчидан, мактаб биносининг миллий услубда, халқ меъморчилиқ анъаналарига риоя қилган ҳолда қурилганлиги билан, иккинчидан, мактабнинг спорт майдонлари ҳам миллий жилоларга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туриши керак. Мактаб биносининг ички қисми миллий нақш ва ганч ўймакорлиги намунаси билан безатилиши, коридорнинг яхлит манзарасида миллий туйғу ҳокимлик қилиши ёғоч ва ганч ўймакорлиги безакларининг, шарқ афсоналаридай тараннум этилмоғи лозим. Минг афсуски, ҳозирги замон мактаб биноларининг кўпчилигида миллий оҳанг миллий пардоз йўқ.

Табиат ва жамиятга бағишланган кўргазмалар маҳаллий жиҳозлар, ашёлар асосида (туб жойлик халқнинг уруш ва меҳнат фахрийлари ҳаётидан, жумҳуриятнинг сўлим жойлари, бахтли болалик манзаралари, Чимён тоғлари, мовий сунъий денгизлар тасвири) безатилмоғи, осиб қўйиладиган шиорлар, кўчирмалар аксарият ҳолларда ўзбек мақолалари, маталларидан тузилмоғи шарт. Имконият борица ҳамюртларимиз тўғрисида ишонарли лавҳалар акс эттирилмоғи, заллардан зарбдор кишиларимиз портретлари, қайноқ ҳаётимизни кенг акс эттирувчи стендлар ўрин олмоғи зарур.

Таълим ва тарбия жараёнида республиканинг тарихи, маданияти, узоқ аجدодларимиздан етишиб чиқан жаҳонгашта кишилар, илм-фан арбоблари, мутафаккирлар, маърифатпарварлар тўғрисида билим уруғини сочиш ўқувчиларда ғурур ва ифтихор туйғусини вужудга келтиради. Ўзбекистоннинг

фан ва техникаси, унумдор она тупроғи, сахий ва заҳматкаш халқи, фойдали қазилмалари, жаҳон ва умумхалқ бозоридаги пахтаси, ипаги, қоракўли салмоғининг очиб берилиши ўқувчиларда миллий онгини ўстиради, миллий ўз-ўзини англашни такомиллаштиради. Ижтимоий фаолликни жадаллаштиради, уларни ижодий изланишлар сари етаклайди, билимга қизиқишини оширади.

Ўқитишда ўзбек миллий таълими усулларида, топишмоқларидан унумли фойдаланиш талабалар ақлий фаолиятини ривожлантиради, ақлни пешлаш машқлари вазифасини бажаради.

Мактаб тарбиявий ишларида миллий анъаналар, маросимлар, расм-русумлар, байрамлар (Наврўз байрами, ўзбек тили куни, олтин куз, кўчат ўтқазиш мавсуми, қовун сайли, узум сайли, ҳосил байрами, пахта байрами, сумалак ва ўзбек таомлари кўриклари кабилар) маълум даражада ўз ўрнини топса, ўқувчиларга энг самарали таъсир ўтказади. Мазкур ишларда ўқувчиларнинг ижтимоий қатнашуви уларда фаолликни орттиради, ҳар бир шахс ўз қобилияти ва уқувини синаб кўради. Ўқувчиларнинг бундай фаолиятларда иштирок этишлари уларда мустақиллик, ташаббускорлик сингари хислатларни таркиб топтиради.

Ўқувчилар ўртасида миллий орасталик, соч ўстириш, тараш, ўриш ва кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миллий таъб ҳамда дидга мувофиқ равишда иш юритиш ҳақида маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, амалий ўқувлар билан қуроллантириш юқори самара беради. Миллий кийимнинг иқлим шароитига мослиги, мавсумбоплиги юзасидан билдирилган фикрлар болаларда илиқ кечинмалар ҳосил қилиши мумкин.

Ота-боболаримиздан халқимизга мерос қолган сахийлик, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилик, поклик, одоблилик фазилатлари миллий характернинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу хислатларни таълим-тарбия жараёнида ёш авлод онгига сингдириш, улар руҳиятини халқ дурдоналари билан бойитиш, миллий қадриятларнинг оқилона тадбирларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ахлоқли ва одобли бўлиш, ота-оналар ва катталарга ҳурмат, самимийлик, иноқлик, қадр - қиммат, виждонлилик, ифбатлилик, ўзаро ёрдам каби инсоний хислатлар ўзбек халқи маънавиятининг рамзи саналади. Туғишганларга, аввало, ота-онага нисбатан миллий туйғудаги муносабат, қон - қариндошлик ришталари ҳам миллий руҳиятни акс эттиради. Бу нарсаларнинг барчаси халқнинг бой маданияти, тили, адабиёти обидаларида ўз ифодасини топади. Ана шу сабабдан миллий маънавий бойлигимизни ўқувчилар чуқур эгаллашлари учун унинг бебаҳо дурдоналарини кенг қўламда намоёниш қилишимиз, булар тўғрисидаги билим маълумотларни талабалар онгига сингдиришимиз зарурки, улар кўп асрлик қадриятларимизни англаб етмоғи керак. Зотан, буларнинг барчаси ўзбек мактабларида миллий туйғунинг кенг қўламда қулоқ ёйиши учун пухта замин ҳозирлайди.

Агарда ёшлар ўртасидаги муносабат, шахслараро мулоқот, миллий характер, миллий ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий хулқ-атвор тарзига асосланиб амалга оширилса, турли жамоаларда ҳамжиҳатлик, ҳукм суради. Шунини унутмаслик керакки., хатто «гўзаллик» тушунчаси ҳам миллий хусусиятга эга. Энг муҳими - бу миллий психологик туйғуни байналмилал ҳис билан

уйғунлаштириш тарбия самарадорлигини оширади, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлайди.

Миллий урф-одатларнинг ва барқарорлиги янги мазмун, янги моҳият касб этади. Меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик, болажонлик, меҳнатсеварлик каби хислатлар олдин ҳам Марказий Осиё халқларида мавжуд бўлган. Улар айниқса, эндиликда янгича маъно касб этмоқда.

Халқимизда оилавий турмушда содир бўлаётган воқеаларни, унутилмас дамларни нишонлашга интилиш, ўз навбатида янги анъана ва маросимларни-туғилган кун, мактабга бориш, балоғатга етиш, никоҳдан ўтиш, янги меҳмонни қутлаш, армияга кузатиш кабиларда бевосита иштирок этиш ўспирин олдига янги талаблар қўйяди, ижтимоий камолатга етишувига хизмат қилади.

Анъаналар урф-одатлар ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Урф-одат муайян ҳатти-ҳаракатларнинг айнан такрорланиб туришини, унга тўла амал қилинишини тақозо этади, шунингдек, у ижтимоий маданиятнинг ўзига хос амалий ифодаси ҳисобланади. Маросимлар эса урф-одатларнинг барқарорлашган шаклини билдириб, ички яхлитликка, шаклан бежиримликка эга бўлади.

Маросимларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири-бу халқ назорати, латофати, нафосати, руҳиятини акс эттиришдир. Ота-онага ҳурмат, кексаларга эҳтиром кабилар ўзбек ва Марказий Осиё халқларининг энг асосий урф-одатлари ҳисобланади.

Халқ расм-русумлари маросимлар ва урф-одатлар доирасига мансуб бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатини англатади. Расм-русумлар маросимлар ва урф-одатларнинг намоён бўлиш шакли тариқасида тасниф қилинади.

Ҳозирги даврда чақалоқларни тантанали равишда рўйхатга олиш, ёш гўдакка исм қўйиш, 16 ёшга етган ўспиринга пасторт топшириш, мактабларда биринчи кўнғироқ, сўнгги кўнғироқ, йигитларни ҳарбий хизмат сафига кузатиш тантаналари, ёшларни ишчилар, хизматчилар, сафига қабул қилиш, меҳнат фахрийларини пенсияга кузатиш, «Кумуш тўй», «Олтин тўй», «Ҳовли тўйи» кабилар янги анъаналар қаторига киради.

Ҳозирги кунда барча шифохоналарда, айниқса болалар шифохоналарида ташкил қилинган «Оналар мактаби», «Ёш она мактаби», «Соғлом турмуш тарзи куни», «Ичкиликнинг гўдакка ва ёш онага таъсири», «Ичкиликбозлик ва бефарзандлик», «Онанинг соғлиги-боланинг бахти», «Гиёҳвандлик-умрнинг эгови», «Оталарнинг болалар тарбиясидаги роли» тадбирларини ўтказиш анъанага айланиб қолдики, бу жараёнларни янада жонлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқимизнинг «Меҳмон-отангдан улуғ», «Меҳмон келса, мушугингни ҳам «пишт» дема», деган ҳикматлари меҳмондўстликка ундайди. Шунингдек, «Меҳмон кирса эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган ибора эса ҳар қандай шароитда ҳам меҳмонни самимий, беминнат кутиб олишни англатади.

Одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, оқилона муносабати, тўғри мулоқоти, илтифоти, эҳтироми ҳақимизнинг ички гўзаллигини, бой маънавий ва руҳий қиёфасини ифодалайди. Бироқ «Ҳар нарса ҳам меъёрида бўлгани маъқул», «Асалнинг ози ширин», - дейди доно халқимиз.

Кишининг ҳақиқий инсонпарварлиги, бой маънавий гўзаллиги тўлалиги билан ватан, жамият манфаати йўлида жон фидо қилишида инсон осойишталиги,

бахт-саодати йўлида қайғуришида ўз ифодасини топади. Пок қалбли, соф диёнатли, виждонли, иродали, халқимизнинг олижаноблиги уни танишга ҳам, бегонага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзишида намоён бўлади. Шу ўринда уруш йилларида 14 нафар етимни боқиб тарбиялаган Шоаҳмад ота ва Баҳринисо опа оиласини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ўзбек миллатига хос бўлган бағрикенгликдир.

Ўзбек халқининг ажойиб фазилатларидан бири-дўстликка садоқатдир. Дўстлик бор жойда меҳру муҳаббат, вафо, садоқат, адолат ҳақиқат қарор топади. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг маънавияти ва руҳиятига, ақл-заковатига тетиклик бахш этади, уни яхшилик, самимийлик сари етаклайди.

Халқимизда: «Дўстлик барча бойликлардан афзал», «Арпа-бугдой бир кунингга ярайди, содиқ дўстинг ўлгунигча ярайди», «Дўст ачитиб гапирар, душман-кулдириб», «Дўст-дўстнинг ойнаси», «Дўст-дўстнинг таянчи», «Дўст кулфатда синалар», «Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама», «Дўст узоқда бўлса ҳам кўнгли яқин», «Дўст юзингга боқар, душман изингга», «Дўстнинг эскиси яхши, кийимнинг янгиси», «Дўстдан молини аямаган, элдан жонини аямас», «Дўстинг билан сирдош бўл, қилган ишига қўлдош бўл», «Дўстингга қўшиқ айт-меҳрингни қўшиб айт», «Дўстларнинг сонини санама, сифатини сана», «Дўстсиз бошим-тузсиз ошим» каби ўзбек халқининг қатор мақолалари борки, буларнинг барчасида дўстлик мадҳини қадрлаш қўйлаш ғояси ётади.

Халқимизнинг «Бирлашган- узар, бирлашмаган- тузар», «Қаторда норинг булса, юкинг ерда колмайди», «Дўстларингни ютуғи сенинг ютуғингдир» деган мақолаларида жамоатчилик ҳис туйғулари ўз ифодасини топган.

«Ассалому алайкум»- тинчлик саломатлик рамзи, осойишталикка, беғаразликка етаклайдиган таъсирчан восита. Саломлашиш - бу ҳурмат – эҳтиром, дўстликка ундовчи нидо, танишиш истаги, дўстлик - биродарлик алоқаларини боғловчи кўприк хоҳиш-истакларни акс эттирувчи қалб садосидир. Бу одамийлик, одоб ва ахлоқ, назокат, ҳурмат-эътибор, очик қалблилик, ширинсуханлик дилкаш, хуш табассумлик, хуштавозелик, каби инсоний хислатларнинг яққол тимсолидир.

Халқ ҳикматларида таърифланишча, кек сақламайдиган инсоннинг руҳи тоза, фикри равшан, орзуси порлоқ, нияти холис, мақсади пок, дили очик, тили ширин бўлади. Бинобарин, салом-алик халқ орасида муомала, муносабат, мулоқот, ишора, ифода, моҳият мувозанатини сақлаб турадиган сеҳрли калитдир. Бу сўз одоб-ахлоқнинг барча сифатларини ўзида мужассам этади.

Таълим масканларида бўлгани каби халқ педагогикасида ҳам маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўғил ва қизларнинг хулқини бошқаришнинг ҳақиқий воситаси ҳисобланади. Қоралаш, жазолаш ҳатти-ҳаракатдаги салбий қўзғалишларни, нотўғри шаклларни жиловлаб туриш учун хизмат қилади. Халқ педагогикасида юриш-туришни қўллаб-қувватлаш, маъқуллашнинг ҳар бир турлари (оғзаки рағбатлантириш, мақташ, миннатдорчилик билдириш кабилар) фарзанда ижобий ҳис-тўйғу, яъни

қаноатланиш ва истак ҳисларини келтириб чиқаради. Оилада нотўғри танбех бериш, қоралаш ўғил-қизларда нохуш кечинмаларни, вужудга келтиради.

Рағбатлантириш ва жазолашдан фойдаланишда меъёридан ошириб мақташ катта зарар келтиради: чунки бу ҳолат уларда кекайиш, манманлик хислатини таркиб топдиради. Рағбатлантириш қанчалик кўп қўлланилса, уни шунчаки кадри камаяди. Пировард натижада фарзанд мақтов эшитиш ёки мукофот (совға) олиш учун ўзини тўғри тутадиган бўлиб қолиши мумкин. Оилада шунчаки маъқуллаб жилмайиш, бош силкитиб қўйиш, далда бериш, икки оғиз юмшоқ сўз айтиш тарбия ишида муҳим аҳамият касб этади.

Тарбияда қоралаш ва жазолаш воситаларини қўллаш ўта назокатлироқ ва юмшоқ, ими-жимидан бўлиши зарур: у бақирӣқ-чақирӣқсиз, қўрқитишсиз, меҳрибонлик, яхшилик билан амалга оширилиши керак. Масалан, фарзанднинг камчиликларни ҳамиша таъкидлаб туриш, унга ҳадеб «сен тузалмайсан» деб гапиравериш ярамайди.

Халқ педагогикасида боланинг ножўя ишларига салбий характери билан боғлиқ томонларига: «Сен бошқа қўполлик қилмайсан деб ишонаман, чунки сен унақа болалардан эмас», «Ўзинг яхши боласан-у қилган ишингни қара», «Тўғриси, ўжарлик сенга ярашмайди. Сен ҳозирги турқингдан кўра анча ақллироқсан» каби баҳо бериш ижобий фойда келтиради.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни, тарбиянинг кундалик ва истиқбол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга; чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам халқимизнинг миллий руҳиятидиги бундай урф-одатлар, анъаналар удумлар келажак авлодга обида, мерос сифатида қолдирилиши муқаддас бурчдир. Шу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг ушбу фикрларини қайд этиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди: «Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик».

(3:)

Хуллас, келажаги буюк давлатни шакллантирилишида ўзбек менталитетининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ана шу ўзига хослик ва мослик тараққиётимизни долзарб масалалардан саналади.

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Турсунов М.Б.

ТерДУ доценти

Озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг ўн етти йиллик даври мобайнидаги ижтимоий-маънавий ютуқлари алоҳида эътиборга моликдир... Турли ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз бошидан кечириб келган халқимиз тарихида оила ҳамиша муқаддас даргоҳ саналиб келинган. Оиланинг давлат, жамият ва шахс фаолиятидаги алоҳида ўрни ҳақида буюк мутафаккирларнинг қарашлари илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилганлиги турли манбааларда ўз ифодасини топган. Айниқса, бу борадаги мазмунан теран фикр-мулоҳазалар Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Ахлоқ фани», «Оила хўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр», «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида жуда чуқур таҳлил қилинган. Шу фикрларни алоҳида эътироф этамизки, оила тўғрисида ёритилган манбаалардаги тушунчалардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалансакгина, жамият тараққиётида оиланинг ўрни янада яққолроқ намоён бўлган бўларди.

Юртимизда истиқлол шарофати билан Президент И.А.Каримов томонидан оилаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам

юртбошимиз И.А.Каримов «Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш – бугунги кунимиз учун, эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор», деб таъкидлаганлари бежизга эмас. (И.А.Каримов 1998 йил – Оила йили. Т.; 1998 й. 10-бет).

Кечаги, яқин ўтмишимизга назар соладиган бўлсак, яъни тоталитаризм ва авторитаризм шароитида оилага нистабан муносабатлар юқори даражада бўлмаганлигига барчамиз гувоҳ бўламиз. Айнан шу тўғрисида биринчи ўзбек профессор А.Фитрат шарқ оилаларига, ғарб турмуш тарзини сингдириш тўғрисида юртнинг умумжаҳон тараққиёти жараёнларидан анча орқада эканлигини ўта куюнчаклик билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Айниқса, А.Фитрат «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асарида: «миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қасрда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», - деган эди. (Абдурауф Фитрат. Оила. Т. 1998 й. 8-бет). Бундан шундай хулосалар келиб чиқадики, демократик давлатчиликнинг тобора қарор топиши жараёнида фуқаролик жамияти ҳам аста-секин такомиллашиб борадики, бунда оиланинг таъсир доираси янада кучлироқ кўзга ташланиб боради. Шунинг учун ҳам, оилада камол топиб бораётган ёш авлод вакиллари оиланинг онги ва бутун шуурида юрт, ватан, фуқаролик туйғусини шакллантириш ва уни мазмунан бойитиб бориш айтилган муддаодир. Зеро, фуқаролик бурчи ва мақсадининг муштараклиги Ватанимиз тараққиётини

белгилайди. Алоҳида таъкидлаймизки, бугунги даврда барча инсонларни бирлаштирувчи ва уюштирувчи фуқаролик жамиятининг асосий негизи бўлган маҳаллаларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқдадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг такомиллашувида маҳалла тизимининг ҳам ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, энг асосийси маҳаллаларда, баркамол оилалар ва уларда эса мукаммал инсон шахси камол топиб бораётганлиги туфайли оила муҳитида маънавийли ҳамда маърифатли авлодни шакллантириш ҳамда унинг тарбиясига ҳар томонлама чуқур ёндашиш бугунги даврни бош масаласидир.

Демак, фуқаролик жамиятининг тобора, мустаҳкам қарор топиб бориши ва унинг такомиллашув жараёнида Ўзбекистондаги 6 миллиондан зиёд бўлган оилаларнинг ўрни янада кўпроқ намоён бўлиб бораверади. Оилавий ҳаёт муҳитида инсон маънавий қиёфасини тўғри шакллантиришга эриша олсакгина, фуқаролик жамиятининг муносиб яратувчисини тарбиялаган бўламиз. XX асрнинг улуғ гуманистларидан бири бўлган А.Швейцер айтганидек, «воқеликни шакллантирувчи кучлар ичида маънавият биринчидир». (Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.Т. «Ўзбекистон», 2003, 34-бет). Зеро, инсонлар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қарашлардан, шунингдек, ўз умрини яшаш каби ақидалардан халос этишдек ўта масъулиятли вазифа оила олдида турган муҳим масалалардандир. Бу эса оиланинг ўрни нақадар зарурлигини тақозо этмоқда. Кейинги пайтларда ғарб мамлакатларида оила институтининг тушкунлиги кузатилаётганлиги ҳақида

ҳам фикрлар билдирилмоқда. «Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндашиш лозим» (Энтони Гидденс. Социология. Т.«Шарқ»,2002, 459-бет).

Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки, ғарб дунёсидаги бу каби ижтимоий ўзгаришларни шарқ оламига, хусусан Ўзбекистоннинг оилавий муҳитига боғлашга уриниш мантиққа мутлақо тўғри келмайди. Чунки, юртимизда оила азалдан муқаддас даргоҳ саналганки, бу бизнинг оилавий турмуш тарзимизга жуда чуқур сингиб кетган анъанавий жараёндир. Ана шунинг учун ҳам оилада инсон шахсининг улуғворлигини ёш авлодлар онгига мунтазам сингдириб боришга эришмоғимиз зарур. Бу борада машҳур аллома Жалолиддин Румийнинг ушбу сўзларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Инсон буюк бир мўжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир». (Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т. «Ёзувчи», 1997, 51-бет). Шунинг учу ҳам юртимиз оилаларида ҳар қандай зулмат ва унинг пардаларга қарши дадил ҳаракат қила оладиган куч-қудратни топа олишга эришмоғимиз мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, Ж.Румийнинг карашларида инсоннинг фарқи унинг комиллигига асосланади. Демак, ана шу комиллик ғоясини оилада тарғиб этиш жараёнини шакллантириш орқали фидойи фуқаро шахси камол топиб боради, бундай оилалари кўп бўлган юртда эса фуқаролик жамияти асослари ҳам тобора такомиллашиб бораверади.

Хуллас, мамлакатимиздаги барча оилаларда, хусусан ёш оилаларда жонажон юртимизнинг янгилашиш жараёнидаги ўрни илмий ва амалий жиҳатдан тобора кўпроқ намоён бўлиб бораверади.

«ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ - УЛУҒ ВА ТАБАРРУК КУНДИР...»

Доц.Турсунов.М

Маълумки, збекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 2 мартдаги Фармонида кўра 9 май куни ҳар йили «Хотира ва Қадрлаш» куни сифатида нишонланиб келинади.

Ҳа, дарҳақиқат миллий урф-одатларимизга мос ҳолда марҳумларни ёд этиш, инсонни тириклигида ардоқлаш - ана шу куннинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Президент И.А.Каримовнинг, «Хотира чироғи ўчмайди» (1999) мақоласида, **«Хотира» деганда,** биз бу фоний дунёдан ўтган аجدодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос қадимий азалий фазилатдир,-деб алоҳида эътироф этган.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аجدодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилиқ жамияти тарихи исботлаб турганлиги барчамизга аён дир.

«қадрлаш» дегани - бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Шунингдек, ҳаётнинг кўпдан-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун мана шу мусаффо осмонимиз

учун жон олиб, жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат 2-жаҳон урушида фашизм балосига қарши жангу жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас, балки муборак кунда халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб интилиб келгани, хуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз Ботир каби халқ қаҳрамонларини, қодирӣ, Беҳбудӣ, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз ҳам фарз. Демак, ўтмишни унутмасликни ёшларимизга доимо тарғиб қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Вилоят ёшлари билан олиб бориладиган турли маънавий-маърифий тадбирларда хотира ва қадрлаш кунининг нақадар муҳимлигини алоҳида эътироф этиб боришимиз айни муддаодир.

Инсон хотираси ҳамма нарсадан устун бўлгани учун ҳам вилоятимизнинг барча меҳнат жамоаларида ўтганларни эслаш, хотирлаш анъанага айланиб бормоқда. Айниқса, илм-фан соҳасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган кўплаб олимлар хотирасини яна бир бора ёд этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Вилоятимизда яккаю-ягона бўлган Термиз давлат университети жамоасидан қуйидаги кўплаб таниқли олимлар яқин йилларда орамиздан кетганларки, булар- проф. Х.Раҳмонқулов, проф. А.Рўзиев, проф. У.Умаров, проф. С.Маматқулов, проф. М.Рахимов, проф.

Ж.Эсанов, доц. Ж.Шаймуродов, доц. А.Исаев, доц. А.Рахмонов, доц. А.Мусурмонкулов, доц. Х.Алимуродов, доц. Х.Холмўминов, доц. қ.Жумаев, доц. М.Бобохўжаев, доц. С.Тўраев, доц. Ч.Бердиев, доц. Ч.Жумаев, доц. Х.Тожиев, доц. Т.Жовлиев, доц. Х.Саидов, доц. Н.Рўзиев, доц. қ.қоражонов, доц. Б.Жабборов, доц. А.Бароталиев, доц. А.Олтибоев, доц.Э.кулмаматов, доц. қ.Усмонов.

Ҳа, дарҳақиқат авлодлар хотираси барча халқимизнинг қалбида абадул-абад яшайди. қолаверса, ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш халқимиз менталитети билан ҳам уйғунлашиб кетгандир. Бугунги авлод янги давлат ва жамият барпо этар экан, орамиздан кетган табаррук инсонларнинг хотирасини ҳамиша ҳурмат қиладилар ҳамда марҳум олимлар томонидан қолдирилган илмий-маънавий меросдан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар деб ишонч билдирамыз

Бугунги кунда бизнинг орамиздан кетган профессор-ўқитувчиларнинг руҳлари шод бўлсин. Охиратлари обод бўлсин!

Шарқий Осиёда жойлашган иқтисоди қудратли бўлган Япония ҳукумати билан ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси учун устивор йўналишлардан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Япония ҳукумати билан Иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини икки қисмга бўлиш мумкин.

Биринчиси, хусусий компания ва фирмалар ўртасида, иккинчиси ҳукуматлараро даражадаги ҳамкорлик муносабатлари. Масалан, Кўкдумалоқ, Шўртангдаги нефт-газ саноати иншоотлари қурилишини хусусий сармоялар ўз зиммасига олган бўлса, аэропортларни замонавийлаштириш ишлари Япония ҳукумати дастурига биноан амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Япония, жўғрофий узоқлигига қарамай, бир-биригаанча яқин давлатлардир. Япония Ўзбекистон орқали Марқазий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё-Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутди.

Шунинг учун иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари тузилган. Улар ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устивор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истокбол режаларини ишлаб чиқади.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан зиёд Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда¹. Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги(JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг(JETRO), “Мицуи”, “Мицубиси”, “Сумитомо”, “Нише Иван”, “НЭК”, “Тойота Цусе” каби 22 та йирик копорациянинг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония 150 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда имтиёзли кредит ажратди.

Умуман олганда, ўзаро дипломатия алоқалари ўрнатилгандан кейинги даврда Япония ҳукуматининг 1995 йили Ўзбекистонга киритган сармояси 1 млрд. АҚШ долларидан ошқни ташкил қилган бўлса² 2006 йилга келиб эса 2 млрд. доллардан ошиб кетди³. Ўзаро товар айрибошлаш ҳажми эса 1998

¹ Маърифат 2006 йил, 30 август.

² Халқ сўзи 1999 йил 7 апрель.

³ Маърифат 2006 йил, 30 август.

йилда 117 млн. АҚШ долларини ташкил қилди⁴. Икки томон мутахасисларининг фикрича, Ўзбекистон билан Япония пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган муносабат қурмоқда.

Хуллас, икки халқнинг иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдаги муносабатларининг муштараклиги, қолаверса, дўстона яқинлик Ўзбекистон-Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кеенгайтириш ва ривожлантириш имконини беради.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИДА

ОИЛАНИНГ ЎРНИ

доц.Турсунов М.Б.

Озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг ўн беш йиллик даври мобайнидаги ижтимоий-маънавий ютуқлари алоҳида эътиборга моликдир... Турлича ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошидан кечириб келган халқимиз тарихида оила ҳамиша муқаддас даргоҳ саналиб келинган. Оиланинг давлат, жамият ва шахс фаолиятидаги алоҳида ўрни ҳақида буюк мутафаккирларнинг қарашлари илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилганлиги турли манбааларда ўз ифодасини топган. Айниқса, бу борадаги мазмунан теран фикр-мулоҳазалар Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Ахлоқ фани», «Оила хўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр», «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида жуда чуқур таҳлил қилинган.

⁴ Халқ сўзи 1999 йил, 7 апрел.

Шу фикрларни алоҳида эътироф этамизки, оила тўғрисида ёритилган манбаалардаги тушунчалардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланганимизда эди, жамият тараққиётида оиланинг ўрни янада яққолроқ намоён бўлган бўларди.

Юртимизда истиқлол шарофати билан Президент И.А.Каримов томонидан оилага бўлган муносабат кескин равишда ўзгарди. Шунинг учун ҳам юртбошимиз И.А.Каримов «Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш – бугунги кунимиз учун, эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор», деб таъкидлаганлари бежизга эмас. (И.А.Каримов 1998 йил – Оила йили. Т.; 1998 й. 10-бет).

Кечаги, яқин ўтмишимизга назар соладиган бўлсак, яъни тоталитаризм ва авторитаризм шароитида оилага нистабан ғайриилмий ва ғайритабиий муносабатлар кузатилганлигига гувоҳ бўламиз. Айнан шу тўғрисида профессор А.Фитрат шарқ оилаларига, ғарб турмуш тарзини сингдириш туфайли юртнинг умумжаҳон тараққиёти жараёнларидан анча орқада эканлигини ўта куюнчаклик билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Айниқса, А.Фитрат «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асарида: «миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... каерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», - деган эди. (Абдурауф Фитрат. Оила. Т. 1998 й. 8-бет). Бундан шундай хулосалар келиб чиқадики, демократик давлатчиликнинг тобора қарор топиши жараёнида фуқаролик жамияти ҳам

аста-секин такомиллашиб борадики, бунда оиланинг таъсир доираси янада кучлироқ кўзга ташланиб боради. Бунинг учун эса, оилада камол топиб бораётган ёш авлод вакилларианинг онги ва бутун шуурида юрт, ватан, фуқаролик туйғусини шакллантириш ва уни мазмунан бойитиб бориш айна муддаодир. Зеро, фуқаролик туйғуси, бурчи, мақсадининг муштараклиги Ватанимиз тараққиётини белгилайди. Алоҳида таъкидлаймизки, бугунги даврда барча инсонларни бирлаштирувчи ва уюштирувчи маҳаллаларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқдадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг такомиллашувида маҳалла тизимининг ҳам ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, энг асосийси маҳаллаларда, баркамол оилалар ва уларда эса мукаммал инсон шахси камол топиб борганлиги туйфайли оила муҳитида маънавийли ҳамда маърифатли авлодни шакллантириш ҳамда унинг тарбиясига ҳар томонлама чуқур ёндашиш бугунги куннинг бош масаласидир.

Демак, фуқаролик жамиятининг тобора, мустаҳкам қарор топиб бориши ва унинг такомиллашув жараёнида Ўзбекистондаги 5 миллиондан зиёд бўлган оилаларнинг ўрни янада кўпроқ намоён бўлиб бораверади. Чунки, оилавий ҳаёт муҳитида инсон маънавий қиёфасини тўғри шакллантиришга эриша олсакгина, фуқаролик жамиятининг муносиб яратувчисини тарбиялаган бўламиз. XX асрнинг улуғ гуманистларидан бири бўлган А.Швейцер айтганидек, «воқеликни шакллантирувчи кучлар ичида маънавият биринчидир». (Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.Т. «Ўзбекистон», 2003, 34-бет). Зеро, инсонлар тафаккурини банд этган

эски андозалардан, тор қарашлардан, шунингдек, ўз умрини яшаш каби ақидалардан халос этишдек ўта масъулиятли вазифа оила олдида турган муҳим масалалардандир. Бу эса оиланинг ўрни нақадар зарурлигини тақозо этмоқда. Кейинги пайтларда ғарб мамлакатларида оила институтининг тушқунлиги кузатилаётганлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилмоқда. «Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндашиш лозим» (Энтони Гидденс. Социология. Т. «Шарқ», 2002, 459-бет).

Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки, ғарб дунёсидаги бу каби ижтимоий ўзгаришларни шарқ оламига, хусусан Ўзбекистоннинг оилавий муҳитига боғлашга уриниш мантиққа мутлақо тўғри келмайди. Чунки, юртимизда оила азалдан муқаддас даргоҳ саналганки, бу бизнинг оилавий турмуш тарзимизга жуда чуқур сингиб кетган анъанавий жараёндир. Ана шунинг учун ҳам оилада инсон шахсининг улуғворлигини ёш авлодлар онига мунтазам сингдириб боришга эришмоғимиз зарур. Бу борада машҳур аллома Жалолиддин Румийнинг ушбу сўзларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Инсон буюк бир мўжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир». (Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. Т. «Ёзувчи», 1997, 51-бет). Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон оилада ҳар қандай зулмат ва пардаларга қарши дадил ҳаракат қила оладиган куч-қудратни топа олишга эришмоғи лозим. Дарҳақиқат, Ж.Румийнинг қарашларида инсоннинг фарқи

унинг комиллигига асосланади. Демак, ана шу комиллик ғоясини оилада тарғиб этиш жараёнини шакллантириш орқали фидойи фуқаро шахси камол топиб боради, бундай оилалари кўп бўлган юртда эса фуқаролик жамияти асослари ҳам тобора такомиллашиб бораверади.

Глобаллашув ва жамият тараққиёти масалалари.

Ўқитувчи Назаров О.

Шарқ билан /арб халқлари ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар ва савдо муносабатлари ривожига милоддан авалги II-асрда вужудга келган Буюк Ипак йўли муҳим ўрин тутган. Бир халқ яратган моддий неъмат, кашфиёт ва янгилик Буюк Ипак йўли орқали бошқа халқларга бир неча кун, бир неча ойда, бир неча йилда етиб борган ва ўзлаштирилган.

Эндиликда эса бутун дунё учун «Макдоналдс»нинг гамбургларини Москвада, Пекинда ва Сиднейда сотилаётгани, «Камаз» юк машиналарини Африка йўлларида жавлон уриши, «СОНИ» телевизорларининг бутун жаҳондаги уйларида марказий ўрнини эгаллаши уяли телефон алоқаси орқали Нью-Йорк савдоларида иштирок этиш одатдаги ҳол бўлиб қолди. Яшин тезлигида тарқаладиган ахборот ва алоқа тизими Гвиана аборгенларига кўлда тўкиладиган тўр беланганларини Интернет орқали сотиш имконини бермоқда. Бу дунёнинг глобаллашув жараёнидир.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан четда турган, тўла ҳимояланган давлат йўқ. Чунки бугунги цивилизациялашган дунёнинг ҳеч бир мамлакати ўз қобилигига ўралиб якка ҳолда тараққиётга эриша олмайди.

Глобаллашувга қисқа таъриф берилса, уни турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши дейиш мумкин.

Глобаллашувнинг турли мамлакатлар иқтисодиётига, сиёсати, маънавий салоҳиятига ва ахборот тизимига ўтказётган таъсири турлича. Дунё мамлакатлари тараққиётга глобаллашувнинг ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини англаш, мослаштириш ва бошқарувни йўлга қўйиш лозим. Кенг қамровли глобаллаштириш дунё моддий бойликлари нотенг тақсимланётган бир даврда тараққиётдан орқада қолаётган, қашшоқ мамлакатлар аҳолисини камбағалликдан озод этиб, яхши яшаш шароитига эга бўлиши учун имкон бериши керак.

Глобаллашув жараёнга ўтган асрнинг иккинчи ярмида кескин тезлашди. Буни биз халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг яхшиланишида кўришимиз мумкин. Шу билан барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, маънавиятига турлича таъсир этгани туфайли унинг тарафдорлари ва унга қарши мухолифат гуруҳларнинг шаклланишини кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиёти ривожига глобаллашувнинг ўрни бекиёс. Мисол тариқасида /арб давлатлари инвестицияси ва лойиҳаларининг Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига киритилиши бу ҳудудда иқтисодий тараққиётнинг сезиларли даражада юксалишига сабаб бўлаётганини келтиришимиз мумкин. Хусусан, Хитойни сўнгги ўнйилликда дунё инвестициясининг жуда катта қисми киритилаётган давлат сифатида қайд этсак, унинг иқтисодий ўсиши энг олдинги ўринни эгаллаб келаётганини кўришимиз мумкин.

Иқтисодий фаолликнинг бу шиддатли оқими кўплаб одамларга фойда ва фаровонлик келтирди. Иқтисодий ўсиш тезланди, турмуш шароитининг даражаси ўсди, янгиликлар тезроқ кириб кела бошлади, одамлар ва мамлакатлар эса янги имкониятларга эга бўла бошладилар. Ахборот ва технология инқилоби туфайли дунё илгарига қараганди янада жипс ва муштарак бўлиб бормоқда.

Мамлакатлар ва жамоалар ўртасида савдо азалдан мавжуд бўлган, аммо ҳеч қачон ҳозирги миқёсга яқин келмаган эди. Савдо тўсиқларини

соддалаштириш, молиявий либерализация ва технология инқилобини бирга олиб бориш деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик характери мутлақо ўзгартирди.

Глобаллашув борасида Ўзбекистон мураккаб йўлни босиб ўтди. Чоризм ва шўро ҳукумати даврида Ўзбекистон иқтисоди умумроссия ягона иқтисодининг таркибий қисми эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдаги мажбурий интеграция ришталри узилди. Эндиликда Ўзбекистон глобаллашув жараёнининг иштирокчиси сифатида ихтиёрий равишда миллий анъаналар, маънавий янгиланишлар ва тенглик асосида глобаллашувнинг янги шакллари ҳамда йўллари ярата бошлади.

Маънавият ҳар бир миллат ва халқларда тарихий тараққиёт жараёнида қўлга киритилган ютуқлар асосида шаклланади. Аммо уни бошқа халқлар маънавиятидан бутунлай холи тарзда ҳам ривожлантириб, юксаликка кўтариб бўлмайди. Ҳар бир миллий маънавият ҳам бошқа маънавиятлар таъсирида шаклланади. Президент Ислам Каримов эътироф этганидек, «Маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб иқтисодий юксалишга эришиш қийин. Зеро, юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир» (И.Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» Т, 2000, 76- бет). Лекин ҳеч бир халқ маънавиятини ташқаридан кириб келган таъсир туфайли йўқ бўлиб кетишини хоҳламайди. Шунинг учун ҳам биз ёт ғоялар оқимлар ва мафкураларга қарши чораларни кўришимиз табиий. Унга қарши ҳимоя чорасини кўришдан аввал қандай таъсирини маъқуллаш лозиму, қайсиларини рад этиш кераклигини аниқлаш керак. Чунки тарихдан маълумки бирор халқ йўқки бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлиб тараққиёт сари юз тутмаган бўлса.

Демак, биз глобаллашув жараёни ютуқларидан жамиятимиз ривожини учун тўғри фойдаланишимиз ҳамда маънавий ютуқларимиз орқали глобаллашув жараёнига фаол ҳисса қўишимиз лозим.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

к.ўқ Алланазаров М.М.

Бухоро амирлигида амирлик тузуми ағдариб ташлангач, юзага келган Халқ Республикаси майдони 182,193 минг км² аҳолиси 2,2 млн кишидан ортиқ асосан ўзбеклар, тожиклар ва туркманлар қисман қозоқ, қорақалпоқ, татар ва бухоро яҳудийлари яшаган. БХСР Хоразм Республикаси, Туркистон АССР ва Афғонистон давлатлари билан чегарадош бўлиб пойтахти Бухоро шаҳри бўлган. 1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ нозирлар Шўроси, Ревком ва БКПМКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (раиси Абдулқодир Мухитдинов) ва республика ҳукумати-11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси

Ф.Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий қўмитасининг аъзолари қилиб Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, қулмуҳамедовлар тайинланди.¹

Мамлакатни бошқариш мақсадада тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди:

Ф.Хўжаев – раис ва ташқи ишлар вазири

қ.Й.Пўлатов – маориф вазири .

А.Муҳиддинов- ер ишлари вазири

М. Саиджонов-ички ишлар вазири

У. Пўлатхўжаев-молия ишлари вазири

Н. Ҳусанов-давлат назорати қўмитасининг раиси

Ю. Иброҳимов-фавқулодда комиссия раиси

М.Бурҳонов- адлия вазири.

Шаҳобиддинов-ҳарбий ишлар нозир².

1920 йил 6 октябрда амирнинг ёзги саройида Ситораи Моҳи Ҳосада халқ вакиллари I Умум Бухоро курултойи бўлди. курултойга асосан большевиклар Россия манфаатларини кўзлайдиган делегатларни кўпроқ чақиришга ҳаракат қилинди.

курултой Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу тариқа, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Бухоро Халқ Республикаси-Бухоро Халқ Совет Республикасига (БХСР) айланди³.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 жилд, 2002 йил 300 – бет.

2. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йй). Бухоро-2003 йил, 42-бет.

3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент-2000, 233-бет.

Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амир Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. курултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий қўмитаси (Марказий Ревком), Бухоро Халқ нозирлар Шўроси-дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади.

Уларнинг ваколат муддати 2-курултойгача узайтирилди.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган бутун Бухоро халқ вакилларининг 2-курултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди.

Конституцияга кўра, БХСР нинг олий органи-Бутун Бухоро халқ вакиллари курултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. курултой йилига бир марта чақирилар ва унда республика Конституциясини қабул қилиш, ўзгаришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, курултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган-Бутун Бухоро МИК ҳисобланади. курултойда Бутун Бухоро МИК раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев сайланди. Конституцияга мувофиқ Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатида ўз вазифасини сақлаб қолди.

1924 йил 18-20-сентябрда Бутун Бухоро халқ вакилларининг 5-курултойи бўлиб ўтди. курултой 19-сентябрда БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди.

1920-1924 йилларда яшаган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим босқич бўлди. Мустақиллик йилларида БХСР тарихини қайтадан тадқиқ қилиш, ушбу мамлакатда кечган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнларни далил ва рақамлар асосида объектив, холисона ўрганиш йўлида самарали ишлар қилинди, БХСР тарихини ўрганишга қизиқиш бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

ФУҚОРОЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

ўқитувчи Н. Н. Ҳамраева

Инсон ҳаётини табиий муҳитсиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш, унинг мусавффолигини сақлаш инсониятнинг муқаддас бурчидир. Бизни қуршаб турган сув, ҳаво тупроқ, ўсимликлар оламининг ҳозирги аҳволи, атроф-муҳит ифлосланиб қолишнинг олдини олиш, биосферани муҳофаза қилиш чораларини кўриш ҳам ҳар бир кишининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки табиатнинг озор топиши у билан бевосита боғлиқ бўлган одамзод ва жониворларнинг зўр таҳликага солиб қўйиши мумкин.

Ҳозир дунёнинг юздан ортиқ давлатларида ўн мингдан зиёд олимлар турли экологик масалалар билан шуғулланаётганининг ўзиёқ бу муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатиб турибди. Бу муаммо инсониятнинг ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолмоқда, десак муболаға бўлмайди. 2000 йилда аҳоли сони дунё миқёсида 6 млрд. 100 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2040 йилга бориб бу кўрсаткич 10 млрд. га етиши кутилмоқда. Биргина

Ўзбекистонда аҳоли сони йилига 450 минг кишига кўпаймоқда, бундай кескин кўпайиш, ҳақиқатдан ҳам, табиатни асраб-авайлаш, унинг бойликларидан инсон эҳтиёти учун оқилон фойдаланишни ғоят муҳим масалага айлантирди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ўша пайтларда табиатга нисбатан муносабатда салбий ҳолатлар кузатилди. Бунда табиатга муносабат борасида шўроча мафкура тимсоли бўлган Мичуриннинг “Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб тура олмаймиз, ундан ундириб олиш-бизнинг вазифамиздир” деган шиорига асосланилган. Айнан ана шундай ғоялар руўида вояга етган авлод кейинчалик табиат қонуниятлари билан ҳисоблашмасдан Байкал Амур магистрали, ўнлаб атом станцияси ва ядро полигонларини қурди. Бунинг натижасида экологик хатар бизнинг минтақамизда ҳам кучайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, экология борасида ҳам катта ўзгаришлар юз бера бошлади. 1992 йил 9 декабрда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги янги қонун қабул қилинди. Бу масала Конституциямизда ҳам, хусусан унинг 55-моддасида алоҳида акс эттирилди.

Фуқароларнинг экологик маданиятини ошириш масаласи долзарб муаммолардан биридир. Экологик тарбия болаликданок сингдириб борилиши керак. Ёш авлоднинг соғлом ўсиб улғайиши ва ўздан кейинги авлодга табиат гўзалликларини авайлаб-асраб етказиши учун уларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тежамкорона фойдаланиш йўллари ўргатиш, табиат билан боғлиқ ҳар қандай ишни амалга оширишдан олдин табиий муҳитга зарар етказмайдиган усулларни танлаш лозимлигини ўргатишимиз зарур. Мактаб ёшигача бўлган болаларда табиатга ҳурмат билан қараш, унга нисбатан эстетик ҳиссиётни уйғотиш тажрибалари, болаларнинг ёши, билим қўламини инобатга олган ҳолда, уларнинг тафаккурига етиб борадиган даражада табиат тўғрисида, ўсимликлар олами ҳақида, ҳайвонот дунёси борасида қизиқарли ва мароқли суҳбатлар ўтказиш, ниҳоллар, сабзавот, гул намуналарини қандай ўтказиш, парваришлаш, борасида телевидениеда алоҳида махсус кўрсатувлар уюштирилиши ҳам ижобий натижалар беради. Катта ёшдаги кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам ёшлар учун ўрнак, сабоқ бўлиши табиий. Айрим хўжалик, муассаса раҳбарлари томонидан мактаб ўқувчилари ёки талабалар жалб қилиниб дарахтларнинг кестирилиши ачинарлидир.

Экологик маданиятни оширишда ҳозирги кунгача кўплаб амалий ишлар қилинди. Экологик таълим концепциясининг ишлаб чиқирилиши, экологиядан давлат таълими стандартининг яратилиши, бир қанча дастурлар тўпламлар чиқилгани, методик қўлланмаларнинг тайёрланганлиги, бир қатор республика миқёсида ўтазилган анжуманлар шулар жумласидандир. Бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистонда янги ижтимоий ҳаракатлар қатори экология ва саломатлик халқаро жамғарма “Экосан” ташкил этилди.

Бугунги кунда экологик маданиятни ошириш учун ўқитувчилар ва жамоатчилик томонидан олиб борилаётган ишлар мактаб ўқувчиларига экологик тарбияни кечиктирмай сингдиришга ҳам эътибор қаратирилиши лозим. Ҳар бир киши бирор ерга ахлат ёки чиқиндиларни ташлашдан олдин

Ўз ҳатти-ҳаракатларини ўйлаши, ташқи муҳитнинг яхши сақланишига жавобгар эканлигини унутмаслиги керак. Қисқаси, ҳар бир фуқаро келажакка умид билан қараши лозим. Экологик тарбия самарадорлигини ошириш экологик таълимга боғлиқдир. Экологик таълимни кенг қўламда (боғча, мактаб, муассаса, кўча-кўй, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида) амалга ошириш зарурдир. Бу иш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, келажак соғлом авлод учун кафолат беради.

ШАХСНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТАРИХИЙ, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ.

Ўқитувчи Усмонова Ф.Б.

Тарихда бирон-бир жамият, давлат маънавий ва миллий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб тараққий этмаган. Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов жамиятни бошқаришда умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Аجدодларимз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани табиий ҳол. Фикримзча, халқимиз шўролар даврида узок вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, тарихий миллий ва маданий қадриятларни сақлаб қола олди.

Хўш қадрият ўзи нима? Уни қандай тушунмоқ керак? Нима сабабдан юртбошимиз жамиятни бошқаришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ҳақида қайта-қайта таъкидламоқда. қадриятлар деганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар тушунилади.

Демак, миллий давлатчилигимиз пойдевори барпо этилаётган бир даврда шахснинг шаклланиши ва унинг камолотида тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Жамият инқирозга юз тутганда мутафаккиру донишмандларнинг, шунингдек, бир тизимдан иккинчисига ўтишда давлат етачларининг қадрият масаласини жиддий тарзда майдонга ташлааши ҳам элни бошқариш заруратидан келиб чиққан. Масалан, эрамиздан олдин Афина демократияси инқирозга учраганида юнон файласуфлари қадрият масаласини кўтарган эди. Улар ижзтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тафаккур тарихида биринчи бор «Инсон-олий қадрият деб кўрсатди, оламдаги» барча жиҳатларни «инсонийлик

мезони» билан ўлчашни тарғиб этди. Буюк мутафаккир Сукрот эса «қадрият нима деган саволга» «ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши» деб жавоб берган. Ижтимоий тафаккур ривожда қадриятларнинг жамиятни бошқаришдаги ўрнига оид нуқтаи назарлар қадимги юнон файласуфлари Аристотель ва Эпикур асарларида ҳам учрайди. Бундай қарашлар бугунги кунда ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бу борада Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий асарларида ҳам қимматли фикрлар билдирилган.

Президнт Ислон Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида бешинчи устивор йуналиш сифатида жамият ҳаётида нодавлат ванодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш фуқоролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти тарзида қўйилган Бу – «Кучли давлатдан кучли жамият сари» шиорини ҳаётга янада кенгроқ жорий этиш деган гап.

қадриятлар умуминсоний, митақавий, миллий, дитний ва ҳақозо турларга бўлинади. Миллий ва умуминсоний қадриятлар мутаносиблиги ҳақида сўз борар экан, Алишер Навоий ижоди ҳамда фаолиятини ибрат намунаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Умуман, Шарқ фалсафаси ва ижтимоий – сиёсий қарашларида, хусусан тасаввуф таълимотида инсонийлик асосий ўринда туради. XX асрда /арбда вужудга келган, илдизи Шарқ қадриятларига бориб тақаладиган «Ҳаёт фалсафаси » ўзагини ҳам инсон қадрияти ташкил этади. Жамиятни бошқаришда жаҳон тараққиёти янги-янги тамойилларни, сиёсий қадриятлар тизимини юзага келтирмоқда. Демократия улар орасидаги энг муҳим бўлган қадрият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон демократияга интилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни уйғунлаштирувчи қадриятлар тизими биз қураётган демократик, фуқоролик жамиятининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга келажак авлодни тарбиялаш, уларда миллий ифтихор, она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш ва ёшларимизникимил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ-ТАРИХИЙ АНЪАНА

ўқитувчи Давлатова Ш.Ш.

Инсоният яратилибдики ҳимояга муҳтожлик ҳам мавжуд. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб аجدодларимиз энг аввало ўзини ўзи ҳимоя қилиши, муҳофаза этиши лозимлигини англаган. Хўш ўша давр одамлари ўзини нималардан ҳимоя қилган? Очарчиликдан, йиртқич ҳайвонлар, табиат ҳодисалари ёки табиий офатлардан. Ҳатто ўлган одамни дафн этишда турли идиш ва озиқ-овқатлар ҳам қўшиб қўмилган. Бу ҳолат ўша давр одамларининг қараш, тушунчаларида руҳнинг ўлмаслигига ишончини, иккинчи томондан нариги дунёда уни очликдан ҳимоялашга интилишларини англатади.

Вақт ўтиши, уруғ-қабилавий муносабатлар пайдо бўлиши, ибтидоий жамоа одамларининг ўзаро бирлашуви натижасида жамоаларнинг вужудга келиши уруғ-қабила бошлиқлари, жамоа оқсоқоллари бошқарувига асос солиниши жамиятда ижтимоий ҳимоянинг юзага келишига сабаб бўлган. Энди ҳар бир уруғ аъзоси уруғ бошлиқлари томонидан ҳимоя қилинган.

Давлат томонидан инсон ижтимоий ҳимояга олинаяптики, инсоннинг ижтимоий ҳимояланиши-оиланинг муҳтожлигини олдини олиниши, оиланинг, давлатнинг мукамалликка интилишининг белгисидир.

Миллий давлатчилигимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, давлат бошқарувида ижтимоий ҳимоя сиёсати анъана тарзида давом этиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқимизда ибратли бир мақол бор: «Бахил топса босиб ер, сахий топса барча ер». Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамма шоҳнинг ёки барча раҳбар фаолиятининг кун тартибига қўйилмаган факатгина сахий, саховатпеша, элим деб, юртим деб иш юритган ёки юритаётган шоҳ ёки раҳбарларгина бу соҳага эътибор қаратиб келмоқда.

XV асрда яшаб ижод этган Ҳусайн Бойқаронинг вазири А.Навоийни халқ ҳомийси дейишимиз мумкин, негаки буюк мутафаккир бутун ҳаёти давомида инсонпарварлик ғояларини илгари сурди, одамларга яхшилик қилишни яшашнинг бош йўналиши деб билди. Алишер Навоийнинг раҳбарлигида мамлакатда 53 работ, 19 ҳовуз 16 кўприк, 9 ҳаммом, 16 масжид қурилди. («Термиз университети» рўзномаси 2007 йил 9 феврал сони. 1-бет). Ким учун? Ўз халқи учун. «Ихлосия» мадрасаси қаршисида ҳар куни мингдан ортиқ заифу-мискинлар ширин таомлар билан тўйдирилган. Ҳар куни етим-есирлар камбағал бечораҳо одамларга имкон даражасида кийим-кечаклар улашилган. Бундан эл-улус беҳад миннатдор бўлган». Бу ҳам ижтимоий ҳимоядир. Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тизимидаги раҳбарнинг ролига катта эътибор бериб: «Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дурлар сочади. Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тифидан қўрқувда. Адолатли шоҳ шундай қўриқчики, унинг сояйи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон», - дейди [2].

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, факат одил, оқил шоҳларгина халқни ижтимоий аҳволига эътибор бера олади.

Амир Темур ҳам ўз даврида кишиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласида эзгу ишларни амалга оширган шоҳлардан саналади. У «Темур тузуклари»да ўзи юритаётган ижтимоий сиёсатнинг халққа ижобий таъсири ҳақида қўйидаги фикрларни баён этади: «Мен ўзимнинг раҳмдиллигим туфайли кишиларнинг энг паст табақаларининг ҳам, ҳатто бошпанасиз гадоларнинг ҳам раҳматига сазовор бўлдим. Мен камбағалларга кўп хайру-эхсон қилдим-халойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим» [5].

Амир Темур: «қайси бир сипоҳий хизматда юриб, қарилик ёшига етаркан, уни ойлик ҳақидан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик керак», - дейди [6].

Бугунги кунда ҳам қарилик қонун билан белгиланган тушунча. У кўпчилик одамлар истеъфога чиқадиган ва ижтимоий кўмакнинг турли кўринишлари жумладан нафақага ҳисоб-китоб қилишлари мумкин бўлган давр. Истеъфо одамлар учун, кўпгина оила учун ҳам, ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни келтириб чиқаради, у ҳатто бўш вақтни топилма, деб ҳисоблайдиган одамлар учун ҳам мутлақо янги сифатга ўтишни билдиради ёки истеъфо амалда ҳар доим даромаднинг пасайиши билан боғлиқ.

Амир Темур давлатнинг ижтимоий кўмагига муҳтож бўлиб, кексайиб куч-қувватини давлат хизмати учун сарфлаган сипоҳийларни эътиборсиз қолдирмаслик лозимлигини эътироф этар экан, ўзи ҳам давлат ва ҳарбий ишларни такомиллаштиришда уларнинг маслаҳатидан кенг фойдаланган.

Соҳибқирон Амир Темур кишиларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир қанча фармойишлар берган. Ана шундай фармойишлардан бирида у шундай фикрларни баён қилади: «Сармояси кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин» [7].

Шарофиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида соҳибқироннинг ижтимоий соҳадаги яна бир фармойиши ҳақида маълумот беради. Унда айтилишича: «...ҳар вилоятдаким, фақир, мискин, дарвешу мустаҳаки бўлса, йиғиштируб йиллик озуқ ва тўн, кунгалак танабон ва кафш ва этук ва фўта ва дастор берсунлар ва қишлоқ ва ёзлик тўнлар берсунлар» [3].

Бир очнинг қорнини тўйдириш, усти юпунни бут қилиш, бошпанасизни бошпана, ишсизни иш билан таъминлаш Амир Темур давлати ижтимоий сиёсатининг асоси ҳисобланган.

Зеро Хўжа Самандар Термизий «Дастур ул-мулук» асарида мулозимларга ҳимматли бўлиш кераклиги хусусида:

Худо ва халқ олдида қилгин баланд ҳимматинг

Ҳамиша иззатдасан, юксак бўлур ҳурматинг, дейдилар [4].

Демак, ўз халқини ижтимоий ҳимоя қилиш подшоҳнинг, раҳбарнинг ҳимматидир.

Халқига ана шундай ҳиммат кўрсатиш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан Президентимиз И.А.Каримов томонидан қатъий ҳаракатлар билан эътибор қаратилмоқда. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида давлатнинг ижтимоий сиёсати хусусида ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари-кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш лозимлигини кўрсатиб берди [1].

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш, деб Президентимиз томонидан белгиланди.

Ана шу тамойил ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатли эканлигини амалда тасдиқламоқда. Ушбу йўналишда давлатимиз томонидан чиқарилган фармойишларни ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳомий ташкилотлар, жисмоний шахслар томонидан жонкуярлик билан амалга оширилмоқда.

Куни кеча «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир» мавзусида нутқ сўзлаб: «Энг аввало халқимизнинг кайфият ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда рухсатингиз билан, мен кириб келаётган янги 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қиламан дея эътироф этди. [8]

Бу анъана, янгиликни халқимиз яна бир хурсандчилик билан кутиб олдики, юртбошимиз ўз нутқда таъкидлаганидек 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишдан мақсад: «Шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмунини ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро кадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади» [9].

Ислом динида ҳам ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига катта аҳамият берилади. Исломнинг бешта фарзларидан бири бўлган закот инсонни моддий ҳимоя қилишга қаратилган. Закот тартиби бўйича маълум бир маблағга эга бўлган ҳар бир мусулмоннинг ўша маблағдан қирқдан бир қисмини ҳар йили бева-бечора, етим-есир, фақир-мискинларга эҳсон қилиш назарда тутилган. Бу нарсалар мавжуд, мадраса ва шунга ўхшаш диний муассасаларга эмас, балки аҳолининг маълум бир ижтимоий табақасига эҳсон қилиниши лозим бўлган. Бундан ташқари исломда бировнинг мулкига, айниқса етим-есирларнинг мулкига хиёнат қилиш мусулмон учун энг гуноҳ ҳисобланган.

Хуллас, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя-тарихий анъана сифатида неча асрлардан буён давом этиб келмоқда.

Барчамиз ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилиб, давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги бу сиёсатини амалга оширсак, ҳеч бўлмаганда бир-биримизга маънавий мадад бўла олсак ота-боболаримизнинг саховатпешалик фазилатларини анъана сифатида давом эттирган бўламиз.

«Хотира уйғонса гўзал»

(Эл фарзанди, моҳир ирригатор М.А.қорабоев (1932-1969 йиллар)
таваллудининг 75 йиллигига бағишланади)

к.ўқ.Бўриев С.Д. .

Шарқ мумтоз адабиётининг забардаст намояндаларидан бири саналган Саъдий Шерозийнинг қаламига мансуб ушбу мисралари ўз ҳаёти давомида тинмай меҳнат қилган, эл-юрти учун фидойи бўлган инсонларга бағишлаб айтилган бўлса ажабмас. қуйида биз ёдга олиб, ҳаёти ва фаолиятини ёритаётган Мирзааҳмад ака ҳам худди шундай заҳматкаш ва фидойи инсонлардан бири эди десак асло муболаға бўлмайди албатта.

Мирзааҳмад Аҳмадалиевич қорабоев 1932 йилнинг 25 майида Наманган вилоятининг Чуст туманида таваллуд топади. XX асрнинг ўттизинчи йиллари яримидан бошлаб, М.қорабоевлар оиласи Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманига кўчиб келишади. Мирзааҳмад ака бошланғич таълимни Жарқўрғон туманидаги А.С.Макоренко (ҳозирги Амир Темур номли 2-ўрта мактаб) номли мактабда олади. Илмга чанқоқлик Мирзааҳмад акада ёшлигида уйғонганлиги боис, ўрта мактабни аъло баҳолар билан якунлаб, 1950 йилда Тошкент кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш олийгоҳига ўқишга киради. 1955 йилда мазкур олийгоҳни муваффақиятли якунлаб, 1955-1957 йилларда Жарқўрғон туманида туманлараро ўтадиган каналлар бўйича бош муҳандис бўлиб иш юритади. 1957-1961 йилларда Жарқўрғон машина-экскаватор станцияси бўлими бошлиғи, 1961-1962 йилларда «Жанубий Сурхон сув омбори» бошлиғи, 1962-1964 йилларда «Жанубий Сурхон сув омбори» қурилишига қарашли Шеробод магистрал канали қурилиши бўлим бошлиғи, 1964-1967 йилларда «Жанубий Сурхон сув омбори» қурилишига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи сўнггра эса, 1967 йилнинг 1-апрелида то умрининг охиригача Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги сув хўжалиги ва сув хўжалиги қуриш бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатади.

1969 йилнинг 16 юни қорабоевлар оиласи хотирасида учмас из қолдирди. Ажойиб инсон, ўз ишининг жонкуяри, моҳир ирригатор, элнинг назарига тушган Мирзааҳмад ака хизмат вазифасини ўтаётган бир пайтда 37

ёшида бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтди. Тафсилотлар эса қуйидагича: Ўша пайтларда ёғингарчиликнинг мўл бўлиши ўз вақтида сувнинг ҳам кўпайишига олиб келади. Амударё чунонам тўлиб оқадики, унинг бағридан оқиб ўтаётган сув ҳар қандай кишининг ҳам шаштини қайтарарди. Сув ўз йўлидан дуч келган ҳар қандай тўсиқни суриб оқизиб кетиши натижасида тўпланиб қолган чиқинди тўсиқлар, сувнинг Орол денгизига бориб кўйилишига тўсқинлик қила бошлайди. Бу ҳол ўз вақтида қорақолпоғистон Республикасининг баъзи бир туманлари сув остида қолиб кетиши хавфини туғдиради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети шошилиш равишда ўз чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Вазиятни ўрганиш мақсадида, Ўзбекистон ССЖ Мелиорация ва Сув хўжалиги бошқармасининг биринчи ўринбосари Мадраим Вафоев, Мирзааҳмад қорабоев билан бирга қорақолпоғистон Республикасига етиб келадилар. Уларга қорақолпоғистон сув қурилиш жамламасининг бош мухандиси Жамшет Жаметов ҳамроҳлик қилади. Сув босиши хавфи туғилган ҳудудларни кўздан кечириш мақсадида, Нукус тайёрагоҳидан С.Федоров бошқарувида ҳавога кўтарилган вертолётда дарё ўзанларини кузатиб бораётган бир пайтда кутилмаганда ёнғин чиқиб уларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Бошқарувчи ёнаётган вертолётни кўндириш мақсадида қуриқликка томон ролини буради, бироқ кучли ёнғин исканжасида тирик қолиш хавфи тобора орта боради. Шундай бир пайтда қирғоққа чаммаси 40-30 метрлар қолганда Мирзааҳмад ака вертолёт эшигини очиб, сузиб чиқишини ҳисобга олиб тирик қолиш ниятида сувга ўзини ташлайди. Бироқ мўлжални аниқ ололмаслик ёки вертолёт тезлиги шамоли кучи биландир қирғоққа келиб тушади ва вафот этади. Вертолёт эса ерга кўнар-кўнмас портлаб кетиши натижасида қолган барча хизматчилар ҳам фожиали ҳалок бўладилар. Бу нохуш воқеадан сўнг, уларни дафн этиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1969 йил 16 июнида №-291 қарори қабул қилиниб, М.З.Мирзааҳмедов раҳбарлигида, етти кишидан иборат гуруҳ тузилади.

1969 йилнинг 20 августида Ўзбекистон ССЖ Министрлар Совети ўзининг № 402-қарори билан М.Вафоев, М.қорабоев ва Ш.Жаметовларнинг Республика сув хўжалигини ривожлантиришда кўрсатган хизматларини ҳисобга олиб, Урганч гидромелиоратив техникумига М.Вафоев, Сурхондарё вилоятидаги «Жанубий Сурхон сув омбори» га М.А.қорабоев, қорақолпоғистон Республикасидаги «КС-3 коллектор»ига И.Жаметов номларини берди. Шунингдек уларнинг мозори бошига қабр тошлари ўрнатилди.

Ҳаётлиги пайтида М.А.қорабоев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иррагатор» унвонига, шунингдек кўпгина орден ва медаллар, Фахрий Ёрликлар соҳиби бўлган эди.

Шу ўринда Мирзааҳмад қорабоев оиласи ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Мирзааҳмад аканинг турмуш ўртоғи Гриценко Тамара Криловнадир. Миллати украинкадир. Тамара опа ҳозирда икки нафар қизи Розия ва Лолалар билан бирга Тошкент шаҳрида истиқомат қилишадилар. Розия ва Лола ҳам отаси изидан бориб, Тошкент иригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш олийгоҳини имтиёзли тугатиб, ўз соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Мирзааҳмад аканинг акаси Тожиаҳмад қорабоев ҳам бутун умрини вилоятда ирригация ишларини ривожлантиришга бағишлади. Жарқўрғон тумани худудидан ўтадиган Аму-Занг каналида ўттиз йилдан кўпроқ бошлиқ бўлиб хизмат қилди. Тожиаҳмад қорабоев ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иригатор» ҳамда бир қанча орден ва медаллар соҳиби бўлган.

Агар тақдир бунчалар бешафқат бўлмай, Мирзааҳмад ака ҳаёт бўлганларида, бу йил ўзининг 75 баҳорини қаршилаб, ўзи бош бўлиб қўрган «Жанубий Сурхон сув омбори» нинг 40 йиллик шонли маросимини кўришга муяссар бўларди. Минг афсуслар бўлсинки, тақдир бунга йўл бермади, лекин Мирзааҳмад қорабоевнинг тўғон қурилишидаги меҳнатларини, унинг хотирасини халқимиз ҳеч қачон унутмайдилар. Зеро ҳурматли юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Хотира деганда биз фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос фазилатдир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ». Шундай экан биз ҳар бир қилинган ишнинг қадрига етиб, ҳурматини жойига қўймоғимиз керакки, ўтганларнинг охирати обод бўлиб, руҳлари шод бўлсин

АҲОЛИНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ ЙўНАЛИШИ

ўқитувчи Жумаева Ш.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Дарҳақиқат, бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатимизда ёо÷ёё ёæðèîëé ҳимоя òèçèìè øàëëëàìòèðèëëè àà ҳозирда óìè такомиллаштириш íòxèì ìàñàëà áŷëëá кîëîîкää. Бугунги кунда иæðèîëé ñè,ñàòìè àìàëää îøèðèøää ñèòàò æèxàòääì ŷìæ áîñкè÷га ўтиш ўхòè,æи пайдо бўлди. Øó íóîñàààò áèëáí

àxîëèè èæøèîîéë қўëëää-қóââàòèàøнинг замонавий тизимига ўòèø æàðà,íè êå÷îîkää.

Адолат тушунчасининг келиб чиқиши (социогенези) тўғрисидаги таълимотни буюк аждодимиз Абу Наср Форобий яратишга уринган. Буюк мутафаккир адолат ғоясини жамиятнинг асосий даврларига тадбиқан қараб чиққан. Бунда у инсоният жамиятининг келиб чиқишида табиий эҳтиёжлар ётишини, бу эҳтиёжларни уйғунлаштириш эса адолат туйғусини шакллантиришини таъкидлаган эди. Шарқ мутафаккири Конфуцийнинг ғояларини давом этирган ҳолда Форобий адолатнинг юксак тушунчаси инсониятнинг маърифий даврига тўғри келганлигини таъкидлайди. Бу даврда хусусий мулк ўрнатилади ва у кишиларнинг ўзаро тенгсизлигини келтириб чиқаради. Шуниси муҳимки, тенг тақсимлашни ифодалаган адолат тушунчаси энди мулк таъсирида тенгсизликни ифода эта бошлайди. Бу тушунчанинг ўзи хусусий мулкни ўрнатишда иштирок этади.

Iðāṣēāāīò И.А.Èāḍèlîâ òàùéëäēāāāíēāāê, àès øóí÷-àèè āāîîēḍàòèē āāāēàò ýìāñ, āāēēē āāîēàòли āāîîēḍàòèē āāāēàò kóḍèøāā èíòèēýîîēs. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда адолат омили муҳим ўрин тутди. Шу маънода адолат тушунчаси, унинг эркинлик, демократия ва барқарор тараққиёт ролялари билан муштарақ жиҳатлари бугунги кунда ҳам замонавий мазмун касб этмоқда.

«Èæðeîîëë химоя», «ижти-мойй адолат» ðóðóí÷àларèнинг øàêëëàîëà áîððøè ипîîîëüòининг демократик тафаккури áëëàí áîîëëêæëð. Хусусан, Àáó Íàñð Õòðîáëëëëëà «Õîçëë îâàîëàð øàõðë» àñàðëåà èòîâæåáîâà ðîçëë æàîëëüò ãîüñë áóâóóîëë кундаги демократик жамият концепциясига ҳамоҳангдир.

Форобийнинг фозил жамият концепциясига кўра, бахт-саодатга интилувчи жамиятда қонун устувор бўлиб, бутун ижтимоий ҳаёт ана шу устувор тамойил асосида тузилади.

Ўсááèèñòíáà кучли ижтимоий ҳимоя íòàììèàðè сие́сат даражасига кўтарилди. Бунинг учун эса даставвал қонунлар тизими яратилди, кескин табақаланишдан холи бўлган мулкдорлар синфи шакллантирила бошланди ва ниҳоят, иқтисодий тараққиёт инсон манфаатларига йўналтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, «давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасидаги жарлик» бартараф этилди. Шу билан бирга бугунги кунда мамлакатимизда инсоннинг жамиятдаги ўрнини англаши, ўзини-ўсё тарбиялай олиши ва ўзини-ўсё тараққий эттира олишига масъулиятининг кучайиб бориши ижтимоий ҳимоя тизимини аìалий жиҳатдан мустаҳкамлашга кўмаклашиши зарур.

Ўзбекистонда аади ўила,ааи демократик жамиятда аниёе биеёе инсон бўлиб қолади. Ўеаёе,ааи еиёиёеадиёи асёиёе ҳаи о аёеи аиёеё. Ао ҳақаа Ўаёеаио Ё.А.Ёадеиа ооиае оаиёеёеае: «Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз - инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир». Лекин, шуниси ҳаи борки, ислохотлар даврида ижтимоий гуруҳларнинг ҳам ўрни муҳим аҳамият касб этади. Демократик жамият куриш шароитида ўрта

мулкдорлар қатлами катта салмоққа эга бўлади. Ўрта синф демократик жамиятни ривожлантиришда ва унинг ёғдөөйёе-сиёсий барқарорлигини таъминлашда асосий кучга айланади. Зеро, давлат бундай шароитда кучли мувофиқлаштирувчи кучга эга бўлади, ўрта синф эса жамият тараққиётини технологик, техник, илмий ва маънавий таъминловчи омил сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ислохотлар муқаррарлигини ёғят муҳим шарт бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Бу ҳолат ўз навбатида қуйидаги омил ёғдйёе белгилаб беради:

-Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати истиқлол ва тараққиёт йўлига ишончни мустаҳкамлайди, бу ишонч эса аниқ моддий замин асосида ҳосил бўлади.

-Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратяёе. ХХІ аср ёйёеяа дунё тараққиётида муносиб турмуш даражаси инсон омилининг етук шарт ёйёея қйёеятганлиги эътиборга олинса, мамлакатимизда бу масалани ҳал этишда ижтимоий ҳимоялашдан ойойёе ойёеяяёйиш масаласи долзарблашади.

-Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати фуқароларнинг ислохотлар жараёнига нисбатан манфаатдорлигининг ошиб боришини таъминлайди ва бу ёйёеяёеё жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда ахйёеёёй ёаё оауёёёяйяй оааақаларёаа, ёйёеяаё, қадёёёаё, йёеёйёеяёйёе, ойёёйяааё ййёёёкйёе йакёаё, оауёёё, оай, йаааёёё оа йайяаё ййхёеяёёёе кўёёаа-қоаааёёаёа қадёёёёяй кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ўзининг муайян тажрибаларига эга бўлди. Мауёйяёеё, оадёхий ва маданий қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш вазифалари долзарб бўлган Ўсаёеёёй ойёёй бу ҳолат катта аҳамиятга эга. Бу тажриба фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, меҳнат ресурсларини ижтимоийлаштириш, минтақавий ривожланишни ааё ёёдириш, ижтимоий-йёе,йёе ёада,йёаё барқарорлаштириш имконини беради.

Кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати жамиятда янгича фикрлашнинг, тафаккур қилишнинг асосларини яратишга қодирлиги туфайли ҳам демократик жамият барпо этишга кўмаклашади. Зеро, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик юзага келгач, фуқаролар фикрлашга, янги замон тартибларини тузишга иёёё,қ билан интиладилар. Чунки, фикрловчи одам фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиятини мумкин қадар кўпроқ рёёбга чиқара олган тақдирдагина, кучли бўла олади.

Шу маънода Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос тарзда такомиллаштириш учун барча имкониятлар мавжуд ва улар мамлакатда демократик жамиятнинг қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ-ДАВР ТАЛАБИ

**Валиқулов Ю.Ю.
Кенжабоев С.К
(ТерДу Доцентлари)**

Бир ижтимоий муносабатлар системасидан иккинчисига ўтиш даврида жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби маънавий ҳаёт соҳасида ҳам қайта ўзгаришлар юз беради. Хусусан, Ўзбекистон шароитида маънавий тикланиш, маънавий ўзликни анлашни, жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштиришни, уларни янги шароитга мослаштиришни тақозо қилмоқда.

Истиқлол қўлга киритилгач, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт демократиялаштирилди, жамият ҳаётида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймасликка эришилди, янгиланаётган жамиятимизни бирлаштирадиган умумий ғоя Президентимиз томонидан ўртага ташланди. Бу ғоя миллий тикланиш ғояси, истиқлол мафкураси эди. Миллий истиқлол мафкурасини юртбошимиз миллатни бирлаштирувчи байроқдир, деб аталгани бежиз эмас.

Миллий мафкурани вужудга келтиришнинг энг биринчи вазифаси жамият ва халқ миллий онгини шакллантиришдир. Истиқлол шароитида миллий онгни қарор топтириш эса ўз навбатида қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) тарихий хотирани тиклаш: ўз ўлкамизнинг энг қадимий маданиятларнинг маркази деб билиб, унинг бой тарихига ишонч ҳосил қилиш; унинг бошидан кечирган муҳим даврларни яхши билиш; Амир Темури ва темурийларнинг жаҳон тарихида тутган ўринларини аниқлаш;

б) миллий ўзликни англаш: ўтмишдошларимиз қолдирган маънавий қадриятларни тиклаш: Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний-тиббий фанларда; Фаробий, Ибн Сино, Беруний-фалсафа тарихида. Яссавий, Нақшбанд, Нажмиддин Кубро-диёнат (диний билимлар) соҳасида, А.Навоий, Камолиддин Бехзод-адабиёт ва санъат соҳасида;

в) миллий онгининг ўсиши: миллий анъаналар, урф-одатлар, байрамларнинг тикланиши;

г) ислом динини ўрнига қўйиш-Исмоил Бухорий, Ат-Термизийларнинг ролини аниқлаш ва эъзозлаш;

д) жаҳон ҳамжамятида ўз ўрнини англаш, ўз имкониятларини таарққиёт йўлида белгилаб олиш. Булар ҳар бир фуқарода ўз-ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, миллатлараро муносабатларга тўғри ёндашишга ундайди, унинг ўз диёри билан фахрланиш ҳиссиётига олиб келади.

Халқ маънавияти ўша халқнинг дунёсидир, унинг моҳияти, мазмуни кенг ва чуқурроқдир. У халқнинг миллий характери, менталитетидир.

Маънавият араб тилидан олинган бўлиб, “маъно” тушунчасини англатади.

Маънавият фақат инсонга хос фаолиятдир. Табиатда маънавият йўқ. Инсон маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқ қилади.

Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик,

виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка қарши нафрат, ирода, матонат, қаҳрамонлик ва шу каби кўплаб асл инсоний ҳислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир.

Маънавиятнинг моҳияти ва жамият тараққиёти учун бўлган аҳамияти масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг асарларида, мақола ва нутқларида ҳар томонлама ёритиб берилган.

Маънавият тушунчаси ниҳоятда кенг ва бепоёндир. Маънавият инсоний фазилатлар билан бирга “маънавий маданият” деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт-ибодат, тақво, диний маросим, диний адабиёт каби бошқа кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни ҳам қамраб олади.

Маънавият билан туташгандагина, одам фарзанди инсон деган буюк ва шарафли номга муяссар бўлади. Шунинг учун И.Каримов ёзади: “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади”.

Мустақилликнинг маънавий асослари Президентимиз И.Каримов таъкидлаган тўрт негизга таянади:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик. Бу кишилик жамияти ривожланиши жаарёнида эришилган энг илғор ютуқларни ўзлаштириб, миллийликни умуминсонийлик билан бойитишдир.

2. Маънавий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши. Ҳозирги пайтда ижтимоий тараққиётда, жамият ҳаётининг ҳар бир оҳасида ҳал қилувчи омил инсондир. Янги Ўзбекистоннинг ўз имкониятларини намоён қила олмайдиган, қотиб қолган андозалар бўйича фикрлайдиган мутелик ва кўрқув, миллий номукамаллик туйғусидан халос бўлмаган инсон билан буюк келажакни ярата олмаймиз

4. Ўз Ватанини севиш, у билан фахрланиш, Ватан озодлиги учун керак бўлса жонфидо қилишга тайёр бўлиш, унинг равнақи учун қайғуриш мустақилликнинг муҳим маънавий асоси ҳисобланади.

“Маънавият,-деб ёзади И.Каримов,-инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон ўзини халқнинг бир заррасидек сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади.

Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар.

“Маънавият,-деб ёзади И.Каримов,-инсоннинг халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ўеч қачон бахт-саодат бўлмайди”.

Ўзирги кунда мустақил Ўзбекистон фуқароларида шаклланаётган янги маънавий эҳтиёж мустақил давлатимизга муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртбошимизнинг истиқболига ишончдир.

Етук маънавият, ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни олдиндан кўришга, оғир шароитларда ҳам юксак мақсадни ўз олдига қўйиб, унга иймон ва эътиқод билан интилишга қодир бўлади.

Инсон фаолиятида маънавият мезонларидан чекиниш ҳоллари бўлсада, у ҳеч қачон ўз ҳаётида маънавиятни бутунлай инкор эта олмайди. Ўз навбатида, агар баъзи шахслар жамиятдаги ахлоқий мезонларни бузиб, ўз фаолиятларида жамиятга зид бўладиган хатти-ҳаракатлар қилиб, жамият маънавий мезонларини назар-писанд қилмасалар, жамиятнинг ўзи уларни нафратлаб, обрўсизлантиради. 1998 йил 28 октябрда эълон қилинган Президентимиз фармонида биноан, тўй-томошалар, хотира маросимларини ҳаддан ташқари дабдабали қилиб ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш айтилган. Зеро, маънавий, ахлоқий қоидаларни бузиш жамият маънавий мезонларига болта уриш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида И.Каримов XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни белгилаб, жамият маънавиятини янада юксалтиришни энг асосий вазифа ҳисоблади. Унда И.Каримов шундай деган эди: “... биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилишича замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қурадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”.

Маънавиятимизнинг яна бир хусусияти унда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг чамбарчас боғлиқлигидир. “Ўзбекистонда яшаётган халқлар,-деб ёзади И.Каримов,-ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, ҳулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий руҳий негизни вужудга келтирди.”

Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида эса маънавият муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан асослаб берилган.

Юртбошимиз асарининг “Энг буюк жасорат” деган бобида ватандошларимиздан Яхё Ғуломов, Зулфияхоним ҳамда Озод Шарофиддиновлар жасоратлари ҳақида муфассал тўхтаб, уларни маънавиятимиз ривожига қўшган ҳиссаларини таъкидлаб ўтган.

Ўзининг бу улкан асарида ҳақли равишда: “...Халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади” деб хулоса чиқарган.

Демак, халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий кудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир, яъни “Буюк келажак юксак маънавиятдадир”.

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРИДА
МАЪНАВИЯТ МУАММОЛАРИ
доц. Валиқулов Ю.Ю.**

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб маънавият муаммоларига катта эътибор бериб, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берди.

Булар:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик;
2. Халқимизни маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.
4. Ватанпарварлик.

“Маънавият,-дейди Юртбошимиз,-инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади.”

- Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак... Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

-Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир,-дейди Юртбошимиз.

Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида эса маънавият муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан асослаб берилган.

Юртбошимиз асарининг “Энг буюк жасорат” деган бобида ватандошларимиздан Яхё Ғуломов, Зулфияхоним ҳамда Озод Шарофиддиновлар жасоратлари ҳақида муфассал тўхтаб, уларни маънавиятимиз ривожига қўшган ҳиссаларини таъкидлаб ўтган.

Ўзининг бу улкан асарида халқни равишда: “...Халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади” деб хулоса чиқарган. Маънавиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш фақат истиқлол туфайли амалга ошмоқда.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОИЛА ТАРБИЯСИ

**Муҳиддин Турсунов,
фалсафа фанлар номзоди, доцент**

Маълумки, демократия бир неча асрлик тарихга эга бўлган умуминсоний қадрият ҳамда муҳим илмий-назарий масала сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Демократия инсон ва жамият равнақи йўлидаги бетакрор имконият эканлиги бугунги даврда тобора яққол намоён бўлаяпти. Мамлакатимиз ҳам 18 йилдан буён демократик тарайёт йўлидан бораптики, бу борада 6,5 млн дан кўпроқ бўлган юртимиз оилаларининг ўрни алоҳида эътиборга моликдир. Нима учун деганда, демократия ҳақидаги илк сабоқлар айнан оила муҳитида сингдирилиб борилиши биринчи галдаги вазифа эканлигини алоҳида эътироф этамиз.

Кўп йиллик илмий кузатишлар ва тадқиқотларда қайд этилишича, инсон ўз ҳаёти мобайнида жами олинadиган умумий информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Демак фарзандларимиз гўдаклик чоғидан бошлаб турли маълумотларни қабул қила бошлайдиларки, улар ана шундай тушунчалардан бири бўлган демократия ҳақидаги дастлабки билимларни ҳам ота-оналаридан олсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик жамият қурилиши масалаларига муносабат тобора теранлашиб бормоқда. Бундай жамиятнинг шаклланиши ва унинг равнақи эса юртимиз оилаларига боқлиқ. Шунинг учун эътиборга олиб ҳам оилавий муҳитда доимо ҳақиқат ва адолат, тараққиёт ҳамда келажак тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизни демократик нуқтаи-назардан ёшларимизга билим ва тушунчалар бериб боришимизга мунтазам амал қилишимиз зарур.

Шу ўринда алоҳида эътироф этамизки, шарқона демократияни оила даврасида тарғиб этишда ота-оналар ёшларга миллий қадриятларни сингдириб бориш зарурлигини унутмасликлари даркор.

Тарихий манбалардан аёнки, оилага ундаги турли тарбиявий масалаларга буюк алломалар алоҳида эътибор қаратиб келганлар. Айниқса, «қобуснома», «кутадғу билик», «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», «Ахлоқий Муҳсиний», «Анвори Сухайлий» каби нодир асарларда инсон шахсига тегишли бўлган юксак инсоний фазилатлар назарий жиҳатдан асослаб берилганки, биз бу манбаларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етарли даражада тушунтириб беришимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу манбааларда демократия тушунчасини янада мустаҳкамловчи яъни оила, жамоавий муносабатлар, мардлик, инсон шижоати ва садоқати, меҳр-мурувват, илм-фанга, касбу-хунарга алоқадор фикр-мулоҳазалар ўз муҳимлигини топгандир.

Юқорида эътироф этилган асарларни мунтазам мутоала қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини демократия тушунчаси билан уйғунлаштириб бориш ва унга амал қилиб яшаш ҳамда фаолият юргизиш ҳар бир ёш авлод вакилининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ёшларимиз эркин фикр юритадиган, мустақил фаолиятга кириша оладиган, ақл-заковатли, билимли, иродаси мустаҳкам, мустақил юртимиз тарихини яхши биладиган, демократиянинг таркибий қисми бўлган миллий қадриятларимиз ҳамда улуг аجدодларимиз томонидан бизгача етиб келган бебаҳо илмий ва маънавий меросимизни қалбига ва онгига, бутун шуурига сингдира оладиган бўлишди айтилиши мумкин. Аниқроқ айтганда, демократия тамойилларини янада такомиллаштирадиган ва унинг гуллаб-яшнашига хизмат қила оладиган ёшлар бугунги давр учун ниҳоятда даркордир. Шунингдек, ҳақимизнинг неча асрлик маънавий-маърифий мероси, урф-одат ва анъаналарини тарғиб қилибгина қолмай, бошқа турли миллат-элатлар қадриятлари ҳамда оилавий анъаналарни доимий ўрганиш, ўзга халқлар таълим-тарбия тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришу-ютуқларни таҳлил этишда оила институтининг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Демак, шарқона демократияни ўрганишда миллий ўзлигимизни англаш муҳим аҳамиятга эга экан, ўзлигини ҳурмат қилган миллат вакилларигина юксак демократик тараққиёт учун сидқидилдан хизмат қила олади. Чунки, давлатимиз ва халқимизнинг ҳам улуг мақсади-илғор ривожланган юртга айланишдир. Бу борада эса халқимизнинг муҳим ижтимоий бўғини бўлган - Ўзбекистон ёшларининг зиммасига юксак масъулият юклайди. Шундай экан, ёшлар тарбияси ҳақида диққат-

эътибордаги масалаки, бу тўғрисида давлатимиз президенти И.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг ўниб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак». (Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т., 2008, 7-бет). Шу фикрни алоҳида эътироф этамизки, ёшларимиз ижтимоий фанларни ўрганишга ҳам эътиборларини янада кучайтиришлари зарур. Чунки барча ижтимоий фанларда ёшлар масаласига ўзига хос равишда демократик муносабат билдирилмоқда. Айниқса, социологлар ёшларга хос бўлган маданий хусусиятлар, миллий ва умуминсоний кадриятларга, ўзини тутиш нормаларига эга бўлган ижтимоий гуруҳ сифатида қарамоқдалар. Шунингдек, социологлар ёшларга алоқадор бўлган муаммоларни социологик жиҳатидан етарли фанларда талқин қилиш учун кенг қўламли социологик тадқиқотлар олиб боришни янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ деб таъкидламоқдалар. Айниқса, ҳозирги даврда ёшлар социологияни кўпроқ ўрганиш ва шу йўналиш орқали давлат ва жамиятнинг ҳам ёшларга эътибори тобора кучайиб бормоқда. Маълумки, Ўзбекистонда “Умид”, “Улуғбек”, “Камолот” сингари истеъдодли йигит ва қизларни қидириб топиш бўйича махсус марказлар ва фондлар ташкил этилганки, уларда олий ўқув юртлари ва марказларда истеъдодли ёшларнинг таълим олишлари ва стажировкаси ташкил этилган. Ўзбекистон ёшларининг таълим олишлари учун грантлар ажратилмоқда. Ушбу грантлар ҳолиблари хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Хуллас, ёшлар учун жуда катта ва қулай шарт-шароитлар яратиб берилганки, улардан фойдалана билиш. Ҳар бир ёш авлод вакилининг ва улар камол топаётган оиласининг зиммасидаги долзарб ижтимоий маъсулиятдир.

Шу ўринда бир фикр-мулоҳазани

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, демократик жамиятни барпо этиш жараёнида Ўзбекистон ёшларининг ўрни улар камол топаётган оилалар фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Зеро, оила жаҳонга юз тутаётган демократик давлат- Ўзбекистоннинг ишончли таянчи бўлиб қолаверади.

,

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

доц. Турсунов.М.Б

Дунё ҳамжамиятининг эътиборида ХХІ аср демократик тараққиёт ҳамда тобора авж олиб бораётган психологик таҳдидлар даври бўлиб қолмоқда. қолаверса, умумжаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният турли зиддиятлар ва ўта мураккаб воқеаларни ўз бошидан ўтказаяпти. Маълумки, кейинги пайтларда ёш мустақил давлатларга нисбатан диний экстремизм, фундаментализм, глобал лидерлик, халқаро терроризм, гиёҳвандлик савдоси, ҳар хил ахборот хуружлари ҳамда шунингдек демократияни экспорт қилиш талвасаси бутун жаҳонни ларзага солиб келмоқда. Шу билан биргаликда бугунги даврга хос бўлган асосий масала бу глобаллашув жараёни бўлиб, бу ҳақида Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”(Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч-Т., 2008. 114-бет). Дарвоқе, шу фикрни алоҳида эътироф этмоқ зарурки, бугунги кунда кўз билан тезда илғаб бўлмайдиган қудратли салбий кучлар демократик ривожланишни издан чиқаришда психологик таҳдиддан ҳам фойдаланишга жон куйдириб уринмоқдалар. «Ташқи ғоялар» суронининг муаллифлари эса зўр бериб, нодемократик тушунчаларни, яъни бизларга мутлақо ёт бўлган қарашларни тарғиб этиш орқали ёш фарзандларимизни мавҳ этишнинг анча айёрона усуллари ишлаб чиқмоқдалар. Оқиқ, ёшларимизни йўлдан уриш мақсаддида юзлаб «фикр фабрикалари» фаолият олиб бормоқдаки, бу эса ахборот хуружларининг тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда, ахборот таҳдидини уюштириш устида 120 га яқин давлат “ҳамжиҳатлик” билан иш олиб боряпти. Демак, ягона ахборот маконини яратиш, ундан ахборот таҳдиди йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот маконидаги хуруж ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлиб қолмоқда.

Айниқса, демократик тараққиёт йўлини танлаб олган ёш мустақил давлатларга ялтироқ ғоялар орқали демократияни тарғиб қилиш, яъни ғарбийлаштириш-вестернизация сиёсатини илгари сурмоқдаларки, биз бунинг албатта рад этамиз. Афсуски бу йўлда ҳаракат қилувчи кучлар энг «оммавий усуллар» да турли хил порнофильмлар, ёвузлик, қотиллик, хунрезлик тарғиб қилинадиган видеотасмалар, фаҳш ва ахлоқсизлик, ҳаёсизлик асосидаги чоп этилган нашрларни тарқатишга уринмоқдаларки, биз фарзандларимизни бундай «ашё» лардан ҳимоя қилишимиз зарур. Бунинг учун эса биз ёшларимизда уларнинг шуурида анъанавий тарбия гулхани алангаланиб туришини, шунингдек шарқона, ўзбекона одоб-ахлоқ туйқуларини шакллантиришга эришмоғимиз айтиш мумкин.

Айниқса, мазкур йил юртбошимиз томонидан «Ёшлар Йили» деб айтилган бир даврда ёшлар тарбиясига жуда жиддий муносабатда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Худди шу мақсадда эса биз демократия тўғрисидаги сабоқни ва психологик таҳдиднинг зарарли оқибатларини ҳам жамоатчиликка тўғри тарғиб қилишимиз айтиш мумкин. Бунинг учун эса тобора авж олиб бораётган ахборот хуружидан ҳимояланишимиз зарур.

Ҳар қандай хавф-хатарга нисбатан ўз вақтида муносабат билдириши ҳар бир инсоннинг сайи-ҳаракатига боғлиқ. Минг афсуски, инсон хавф-хатар ҳолатига зарурат туғилган пайтда етарлича таъсир кўрсата олмаса, у маълум доирадан чиқиб, зўрайиб кетиш эҳтимоллиги ортади (Ш.Пахриддинов тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.2006 34-бет). Дарҳақиқат, биз инсонлар ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор.

Зеро, тинчлик ва осойишталик ҳамда демократик тараққиётга ҳалақит берувчи турли хил таҳдидларга нисбатан мурасасиз бўлишимиз талаб этилади. Президент И.А.Каримов алоҳида эътироф этганидек, «Биз ўз олдимизга улуг ва эзгу мақсадларни қўйганмиз. Агар бизнинг энг асосий ютуқимиз ҳақида сўраса, энг катта ютуғимиз-бу ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаги одамлардан кескин фарқ қиладиган янги инсонни тарбиялашга эришганимиздир, деб жавоб берган бўлардим. Бу янги инсоннинг фикрлаш даражаси бутунлай бошқача. Шу сабабдан унга беписанд муносабатда бўлиш мумкин эмас». (Ислом Каримов «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» Т. 2005., 50-51 бет)

ТЕРРОРИЗМ-ИНСОНИЯТНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИ

Доц. Турсунов.М

Терроризм тушунчаси ўзининг мазмуни ва моҳияти нуқтаи-назаридан-одамлар орасида даҳшат ҳамда қўрқувни келтириб чиқарувчи ўта салбий воқеликдир. Бу салбий воқелик орқасида эса даҳшатли ва инсонлар ҳаётига зомин бўладиган ўта хунук қонхўрликлар содир бўлаётганлигини бугунги кунда бутун инсоният чин дилдан ҳис этмоқда.

Кишилиқ жамиятининг бутун босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлига назар соладиган бўлсак яхшилиқ билан ёмонлиқ, эзгулиқ билан ёвузлиқ афсус-надоматлар бўлсинки, доимо ёнма-ён яшаб келган. Бундан шундай хулосалар келиб чиқадики, инсоннинг ақл-заковати яхшилиқ учун ҳам, афсуски ёмонлиқ учун ҳам хизмат қилиши кузатилмоқда.

XX асрда ҳам, энди бошланган XXI асрда ҳам терроризм энг хавфли ва зарарли бало-қазо бўлиб, бутун дунёга ўзининг қора кўланкаси билан намоён бўлиб турибди.

Айниқса 2001 йилнинг 11 сентябрида террористлар ҳеч тап тортмасдан кучли саккизлик мамлакатлардан бири бўлган-Америка қўшма Штатларидаги йирик объектларга террористик хуружлар уюштирдилар. Бунинг оқибатида минглаб бегуноҳ одамлар жароҳат олдилар ва қурбонлар берилди. Бундай даҳшатли воқеалар бу билан тўхтаб қолган эмас. Афсуски, террористик хуружлар ўз таъсир кучини дунё мамлакатлари бўйича тобора кучайтириб бормоқдалар. Сўнгги йиллар мобайнида Францияда, Испанияда, Индонезияда, Россияда ва бошқа мамлакатларда ҳам хунрезлиқ ҳатти-ҳаракатлари содир бўлди.

Илмий-сиёсий тил билан айтадиган бўлсак-геостратегик мавқега, оддий ибора билан эътироф этадиган бўлсак жаннатмакон юрт бўлган-бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз ҳам мана 16 йил бўлдики, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бормоқда. Шу ўтган қисқа бир даврда мамлакатимиз асрларга татиғулиқ ишларга қодир эканлигини дунё миқёсида исботлаб бера олди. Аммо бизнинг юртимизнинг порлоқ истиқболига ҳалақит бериш ваъзгу ишларимизга раҳна солишга уринаётган салбий кучлар ҳам борки, бу-диний-экстремизм ҳамда терроризмдир.

Ҳаммамизга маълумки бундай хуружлар 1999 йил февралда Тошкентда, 2000 йил Узун ва Сариосиё туманларининг тоғли ҳудудларида, 2004 йилда Тошкент ва Бухорода содир бўлдики, бундай терактлар оқибатида ўнлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлдилар.

Бу каби террористик ҳаракатларга нисбатан юртбошимиз Ислом Каримовнинг билдирган фикр-мулоҳазаларидан халқимиз тегишли хулосалар чиқариб, жойларда бу хавфли офатнинг келиб чиқиши ва хунук оқибатлари ҳақида турли йиғинлар ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам, халқимиз эътиборига: “Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!” деган шиор ҳавола этилдики, унга ҳамма амал қилишга даъват этилмоқдадир.

2004 йилнинг 1 сентябр куни Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳарчасидаги мактабда яна террористик хуруж уюштирилди ва унинг оқибатлари-бутун дунё аҳлининг қаҳр-ғазабини жунбушга келтирди. Чунки, бу теракт 160 га яқин норасида ўқувчи болалар ҳалок бўлишди. Бу билан террористлар ўзларининг фашистлардан ҳам баттар қотил эканликларини бутун дунё олдида кўрсатдиларки, бундай қабихликни ҳозирги кунда бутун башарият кескин қораламоқда. Шунингдек, биз ўзбекистонликлар бу каби террористик хуружларни қаттиқ қоралаймиз ва халқимизни давлатимиз атрофида янада маҳкамроқ жипслашишга ҳамда терроризмга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга чақирамиз.

Бу борадаги энг долзарб вазифаларимиздан бири бутун мамлакатимиз талаба ёшлари ўзларининг ўқишдаги ва жамоат ишларидаги фаол иштироклари билан бундай ёвузликларга нисбатан ўз позицияларини намоён этишлари зарур. Биз устоз-мураббийлар эса дарс машғулотлари давомида бундай қабоҳатларни келтириб чиқараётган терроризмнинг асл қиёфасини очиб беришимиз айти муддаодир.

Фикр-мулоҳазаларимизни мухтасар қиладиган бўлсак, зеро бугунги прогресснинг ва инсониятнинг ҳақиқий душмани бу-терроризмдир. Шунинг учун ҳам терроризмга қарши курашиш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ СИЁСАТИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

доц. Турсунов Р.Т.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг узок йиллар давомида олиб борган оғир ва машаққатли курашининг қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қувонч билан кутиб олди ва маъқуллади.

Президент И.Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки давридан миллий давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камол топтирувчи ўз тарақиёт йўлини ишлаб чиқди.

Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур яшаб турган фуқароларнинг тақдиринигина эмас, балки келажак авлодларнинг тақдирини ҳам ўйлаб тузилган бўлиб, ўша даврда ҳукмрон бўлган якка ҳокимлик тизимининг иллатларини тезроқ бартараф этиш, мамлакатимизни ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олишини таъминлаш кўзда тутган эди. Республикада ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик барча ижтимоий кучларнинг амалга оширилаётган йўлни қўллаб-қувватлаш учун жипслашуви мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўзаро келишилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ҳисобига таъминланмоқдаки, у иқтисодиётни ва жамиятнинг барқарорлигини издан чиқаришга қўймапти, иқтисодиётни бошқаришнинг

давлат механизмини сақлаш, муракаб ўтиш даврида кишиларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Ўтган йиллар давомида иқтисодийётни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодийётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфатузилмасини шакллантириш, давлатнинг назарий ва бошқарув ваколатини кескин фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолияти бартараф этиш буларнинг барчаси ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади.

Президент И.Каримов 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда мўлжалланган иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида “Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашн изчил давом эттириш-давр талаби” маъруза қилди. Президент И.А.Каримовнинг маърузасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодийёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишда ижобий силжишлар таъминланаётган алоҳида таъкидланди.

2008 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти 9 фоизга, саноат м аҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, хизматлар ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2008 йилда ўртага иш ҳақи бюджет ташклотларидан 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодийёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. натижадла ўтган йили ўртага иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларида ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг халқимизга бўлган ғамхўрлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмоқда. Буни жумладан, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 48,2 фоизгача хизматлар соҳасининг салмоғи 45,3 фоизгача ўсганлиги эътиборга лойикдир.

Ҳозирги даврда жаҳон молиявий иқтисодий кризиси юзага келганлиги сабабли дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодийётнинг мустаҳкамлигини ўзига хос синовдан ўтказган 2008 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ютуқлар республика танланган ривожланиш модели

тўғрилигини, мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги ва унинг банк-молия тизими ишончилигини яна бир бар тасдиқлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини мамлакат иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда қабул қилинган кризисга қарши дастур доирасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётининг базавий тармоқлари корхоналарни, биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий-кредит ва солиқ имтиёзлари бериш банк секторининг кпиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани айниқса қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича тизимли ва аниқ йўналтирилган ишлар асосий вазифа деб белгиланди.

Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, “Бизнинг иқтисодлиёт, сиёсат, давлат-ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга оширилаётган барча ўзгариш ва ислохотларимиз пировард натижада ягона мақсадга-халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳам бир инсонга ўзининг интелектуал, касб ва маънавий солоҳиятини руёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор” деган кўрсатмалари ҳозирги даврда энг олий мақсадимиз бўлиши керак.

ДАРАХТ ЁЗИНИНГ МЕВАСИ БИЛАН ШИРИН

Доц. Валиқулов. Ю

Ҳар бир устод ёзининг шогирди ҳар бир дарахт ёзининг меvasи билан халқ орасида машҳур бўлади.

Кечагина Термиз давлат педагогика институтига кириб ўқиган биринчи қалдирғочларимиз аста-секин ўзларининг 60 йиллик таваллуд ёшларини нишонланмоқдалар.

Ҳурматли шогирдим педагогика фанлари номзоди, доцент “Умумий педагогика” кафедраси мудири Абдусалим Кенжабоев 60 ёшни нишонлаш арафасида турибди. Ҳаёт жуда қизиқ, мен Абдусалимни талабалик йилларида жуда яхши биламан. У серғайрат гуруҳ сардори сифатида чет тили факультети талабалари орасида ажралиб турарди.

Абдусалим Кенжабоев 1949 йилда Термиз тумани “Намуна” колхозида таваллуд топди. У Термиз туманидаги Октябр 40 йиллиги, сўнгра Термиз шаҳридаги 2-сон “Правда” газетаси номли мактабда ўқиб мактабни аъло баҳолар билан битирди. 1966 йилда Термиз давлат педагогика институти чет тиллар факультетига ўқишга кириб, уни ҳам имтиёзли диплом билан тугатди. У ёзининг билимини етарли эмаслигини сизди ва шу мақсадда Тошкент давлат чет тиллар институти қошидги 2 йиллик олийгоҳда ўз билимини мустақамлаб яна инглиз тили кафедрасида ўз фаолиятини давом эттириди. Шу йилларда у талабаларга хорижий тилларни ўргатишга ўз ҳиссасини қўшди.

У талабалик йилларида устозлари Ж.Омонтурдиев, З.Мирзаев, Р.Алимардонов, Х.Холиёров, Б.Жабборов, Ю.Раҳманов, Я.Алимов ва бошқа устозларида илмий фундаментал билимларни олди ва шу асосда ўзи ҳам ўз олдига фаннинг бирор соҳаси бўйича илмий иш қилишга мақсад қилди.

Абдусалим Кенжабоев ёш педагог бўлсада у ишлаб чиқаришда жуда фаол қатнашди. У қатор йилларда Термиз давлат институтини талабалар қурилиши отрядларига раҳбарлик қилди ва Термиз давлат институтини қурилиш отряди штабига кўп марта ташаккурномалар олиб келди.

Абдусалим Кенжабоев илмий иш қилишда ёзининг тиришқоқлигини ҳаётда бошқаларга намуна сифатида исбот қилди.

У кўп йиллар давомида Тошкент, Москва кутубхоналарида илмий изланишлар олиб борди ва натижада 1991 йилда академик И.Обидов раҳбарлигида Душанбе шаҳрида “Бўлажак ўқитувчиларни иқтисодий тарбияга тайёрлаш” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг бу ютуқларига эришишда Абдусалим Кенжабоевнинг рафиқаси Тамара Кенжабоевнинг хизматлари катта, чунки ўқиш даврида барча қийинчиликларни Тамарахон ўз зиммасига олди ва натижада Абдусалим олим даражасига кўтарилди. Мен Абдусалим билан суҳбат қилганимда у ўз оиласи ҳақида илиқ фикрларни билдирди.

Абдусалим Кенжабоев 4 фарзанднинг отаси ҳамма фарзандлари олий маълумотга эга ҳозирги кунда улар ватанимиз равнақи учун қўлларидан

келгунча хизмат қилмоқдалар, Абдусалимнинг рафиқаси Тамарахон эса 35 йил давомида Сурхондарё вилояти маиший хизмат соҳасида фаолият кўрсатди ва тадбиркорлик соҳасида бир неча марта Республикада совринли ўринлар олгани сабабли Президентимиз И.А.Каримов фармони билан “Шухрат” медали соҳиби бўлди.

Абдусалимнинг таъкидлашига унинг фан соҳасидаги ютуқларида Термиз ДУ Педагогика факультети собиқ декани профессор Б.О.Қодиров хизмати каттадир. У Б.О.Қодиров деканлик даврида факультет декан ўринбосари бўлиб ишлади. Шу даврда факультет жуда юқори чўққиларга чиқди. Факультет қошидаги Умумий педагогика кафедраси билан ҳамкорликда 3 марта Халқаро симпозиум, 4 марта республика олий ўқув юртлари иштирокида “Педагогика фанининг долзарб муоммалари” бўйича конференциялар ташкил қилишди. Умумий педагогика кафедраси университетда энг илғор, тажрибали кафедралардан биридир. Унга ҳозир доцент Абдусалим Кенжабоев раҳбарлик қилмоқда.

Абдусалим Кенжабоев илм соҳасида тиниб-тинчимас олимдир. Унинг қаламига оид бир неча методик қўлланмалар, методик кўрсатмалар ва кўплаб илмий мақолалар чоп этилган.

Абдусалим ўзининг кафедра аъзолари билан фахрланади, мен кафедра аъзолари билан суҳбатда бўлганимда, кафедра аъзолари уни ўзларининг фахрий отаси ҳисобланар эканлар.

Абдусалим Кенжабоев Ўзбекистон Истиқлолини жон-дилдан қабул қилди. Зеро, мустақиллик туфайли эркимизга эга бўлдик, тарихимиз, маънавиятимиз тикланди. Бу ишларда юртбошимиз саъй-ҳаракатлари бекиёсдир. Президентимизнинг асарларида маънавиятимизни илмий-методик асослари кўрсатиб берилган. “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади”... Маънаият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. маънавият инсоннинг халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. “У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди” (Т.1.80-81 бетлар).

Мен,-дейди олим,-Юртбошимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли улкан асарларини мутолла қилдим. Асарнинг таъсирчанлиги мени ҳайратда қолдирди. Зеро, унинг тўртинчи бобида “Инсон қалбига йўл” бўлимида қўйидаги сўзлар келтирилган: “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввал таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”, - деб таъкидланган. (130 бет). Бу сўзларнинг самимийлигига ва ҳаққонийлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Мен ўз шогирдимнинг ҳаётдаги ютуқлари билан жуда мағрурланаман, фахрланаман. Абдусалим шогирдимни 60 йиллик таваллуд топган куни билан бутун университетда фаолият кўрсатаётган мураббий устозлар

номидан чин қалбдан табриклайман. Унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва келажак педагогик фаолиятида муваффақиятлар тилайман.

«И.А. КАРИМОВНИНГ КАДРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ ФИКР – МУЛОҲАЗАЛАРИ

Доц.Турсунов.М

Хур ва озод мустақил демократик тараққиёт йўлида бораётган жонажон Ўзбекистонимизда, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилишида ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган мустақиллик талабларига жавоб бераоладиган кадрларнинг, айниқса раҳбар шахсининг тутган ўрни бекиёс даражада муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳозирги даврда кадрларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларини мутлақо янги йўсинда янада чуқурроқ мушоҳада қилиш жараёни бошланди ва у давом эттирилмоқда. Чунки, жамиятимиз миқёсида олиб борилаётган барча ижобий жараёнлар албатта кадрлар орқали, уларнинг юксак масъулияти орқали олиб борилмоқда. Равшанки, янги ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш жараёни ўз-ўзидан мустаҳкамланиб борилмайди.

Агар ҳаётга ва жамиятга нисбатан янада реалроқ очик кўз билан қарайдиган бўлсак ўтиш даври-жамият ва шахс уйғунлигини қарор топтириш борасидаги мислсиз синовлар даври ҳамдир. Айниқса, ҳозирги даврда инсоннинг ўзини ҳам маънавий ҳам ғоявий жиҳатдан ўзгартириб бориш жараёни осонлик билан амалга оширилмайди.

«Айниқса, «кечагина раҳбарликни ҳокими мутлоқлик» деб қабул қилган ва шу йўсинда ўз фаолиятини олиб борганлар бугунги кунда ўзини «халқ хизматкори», «жонкуяри» деб аталишига бирданига хоҳиш билдирмаслиги мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаймизки Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг 21 февралида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган «Раҳбар етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак» деган нутқида раҳбарлар шахсига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳақиқий, тўла маънодаги «раҳбаршунослик дарси» бўлди. Юртбошимиз, академик И.А.Каримов ўз нутқида асосий эътиборни раҳбар кадрлар тўғрисида ушбу сўзларга қаратдилар: «мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бирлаштириш, одамларни бошқаришни уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман» («Халқ сўзи» 2002 йил 22 феврал, 2-бет)

Ҳаётнинг ўзи раҳбарликка лавозимларига-тадбиркор, ақлли, ташаббускор, ишчан ва жамият манфаатлари тўғрисида жон куйдирадиган шахслар кўтарилишини тақозо этмоқда.

Кадр танлашда маълум қоидаларга амал қилинса, катта хатоларнинг олди олинади. Бу ҳақида, мамлакатимиз раҳбари: ишчан, ақлли, идрокли, имони бут, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганишга интилувчи, юрагида Ватанга меҳр туйғуси кучли бўлган ёш мутахассисларга ишониб, уларга шуни бемалол топшириш мумкин» (Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. 1996, 279-бет).

Кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш давлат аҳамиятига молик масаладир. И.А.Каримов кадрларни танлаш ва тайёрлаш тамойилларининг икки йўналишини алоҳида кўрсатиб ўтадилар:

Биринчидан, кадрлар масаласини ҳал қилишга дахлдор кишилар халқимизнинг кўп миллатли хусусиятларини эътиборга олиши зарур. Бунда республиканинг кўп йиллик шаклланган ҳаёт тарзини, кўп миллатлилик хусусиятларини, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш мақсадларидан келиб чиқиб иш тутилиши зарур.

Иккинчидан, кадрларни ишбилармонлик фазилатларини юқори даражада етарлича кадрлай билиш керак (қаранг: А.Т.Азизов, О.Р.Мусаев ва бошқалар. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти». Тошкент, 2002 йил 155-156 бетлар).

Президент И.А.Каримов томонидан билдирилган юқоридаги фикрларнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Демак, истеъдодли кадрларни қўллаб-қувватлаш, улардаги ватан ишига бўлган муносабатнинг тўғри шаклланиши ҳақиқий қобилият, билимдонлик ва бир қатор инсоний ва раҳбарий фазилатлари ҳамиша бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агарда мазкур масалага миллий истиқлол ғояси нуқтаи-назаридан ёндашсак, мушоҳада қилсак, асосий эътибор-раҳбар кадрларнинг жуда кенг қамровли фазилатлари ва сифатларини янада чуқурроқ ўрганишга, уларга нисбатан ҳам илмий, ҳам ҳаётий жиҳатдан тўғри ёндашишимизга тўғри келади. Бундан шундай бир фикр келиб чиқадики, раҳбар кадрларда азал-азалдан мавжуд бўлган нодир фазилатлар ва энг яхши сифатлар мужассамланган бўлиши даркор.

Мамлакатимизда, айниқса раҳбар кадрлар ва уларга хос бўлган фазилатлар тўғрисида шарқона бой анъанавий-тарихий тушунчалар ҳам борки, улар қомусий аллома Абу наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳар томонлама изоҳлаб берилгандир. Форобий ҳазратлари раҳбарларга хос бўлган 12 фазилатни атрофлича таҳлил қилиб берганларки, уни бу фикр-мулоҳазалар ҳозирга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагандир. (А.Н-Форобий «Фозил одамлар шаҳри» Т., 1992, 159-160 бетлар).

Дарҳақиқат, мустақилликдан сўнг раҳбар кадрлар олдида янги-янги талаблар қўйилаётганлиги ҳам ўзига хос қонуний жараёндир.

Шунинг учун ҳам, кадрларга, айниқса раҳбар кадрларга эътибор ва масъулият янада кучайиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов иборалари билан айтганда «Эғали юрт эркини бермас», «Раҳбар етакчи ўзи ёниб,

ўзгаларни ёндириб яшаши керак», «Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак» деган фикрлар ҳозирги даврда тобора аҳамиятли бўлиб бормоқдадир.

Чунки, ҳозирги давр раҳбар кадрларга нисбатан янада юксакроқ масъулият ҳам қалбан, ҳам фикран, ҳам амалан ҳис этиши талаб қилмоқда. Ана шундай тушунчалардан келиб чиққан ҳолда юртбошимиз, академик Ислон Каримов раҳбар кадрлар тўғрисида қуйидаги тушунчаларни алоҳида эътироф этиб ўтдилар. Демак раҳбар кадрлардаги ижобий фазилатларни ва биргаликда салбий томонларни ҳам Президентимиз ўз нутқларида қуйидагича эътироф этганлар:

Ижобий фазилатлар:

1. Жонини фидо қилиш;
2. Халққа сидқидилдан хизмат қилиш;
3. Одамларни ўзига жалб эта олиш;
4. Кечиримли бўлиш;
5. Файзли бўлиш;
6. Одамларни бирлаштириш;
7. Бошқариш;
8. Юксак мақсадлар сари сафарбар қилиш;
9. Ёниб яшаш;
10. Эргаштира билиш;
11. Ёндира олиш;
12. Узоқни кўра билиш;
13. Етакчи бўлиш;
14. Халқ билан тил топа олиш;
15. Эл-юрт ташвиши билан яшаш;
16. Янгиликка интилиш;
17. Ўз ҳаловатидан воз кеча олиш;
18. Бошлаган ишини охирига етказиш;
19. Муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш;
20. қатъиятлилиқ;
21. Керак жойда қаттиққўллик;
22. Муросасизлик;
23. Эртанги кунга ишонч;
24. Одамларни рози қилиш;
25. Уларга ғамхўрлик;
26. Меҳрибонлик;
27. Талабчанлик;
28. Фидойилиқ;
29. Халқнинг дардини ўз дарди деб билиш;
30. Ножўя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариш;
31. Соғлом иқлим барпо этиш;

Салбий томонлар:

1. Оқсоқлик;
2. Масъулиятсизлик;
3. Бепарволик;
4. Суиистеъмолчилик;
5. Расмиятчилик;
6. Хўжакўрсинчилик;
7. Ишсизлик;
8. Жиноятчилик;
9. Эътиборсизлик;
10. Талабчанликнинг етишмаслиги;
11. Фидойиликнинг етишмаслиги;
12. Боқимандалик;
13. Лоқайдлик;
14. Буйруқбозлик...
15. Манманлик...

Шунингдек раҳбар кадрларда қуйидаги «аниқлик мезонлари: ҳам бўлиши керак:

- 1) Раҳбарда ирода ва руҳ кучли бўлса, у лоқайд бўлмайди.
- 2) «Ўзи ҳам ёнади, ёнидагиларни ҳам ёндиради».
- 3) «Иродаси ва руҳи ожиз бўлса-раҳбар мурасасиз» бўлади.
- 4) «Раҳбар»- мавҳум шахс эмас. У аниқ одам энг аввало».
- 5) «Раҳбар»- ўзига нотаниш, бегона кишиларнинг етакчиси, ғамхўри».
- 6) «Фидокорлик»-ўзи масъул: худуди, жамоа учун уйқусидан, вақтидан, оромидан кечишида кўринади».
- 7) Бугун раҳбарнинг икки йирик тоифаси бор;
а) хусусий тижорат ва корхона раҳбарлари;
б) давлат ташкилотлари раҳбарлари:
- 8) «Фидокордан-ҳамма ҳам, яъни давлат ҳам, халқ ҳам рози бўлади»...(«Фидокор» 2002 йил 7 март, 4-бет).

Мустақил юртимизнинг обрў-эътибори мамлакатимиздаги ҳар бир кадрнинг тутган ўрнига ҳамда унинг ўта масъулиятли саъй-ҳаракатига бевосита боғлиқдир. Кадрлар масаласи, ҳамиша давлат ва жамиятнинг энг долзарб масаласи бўлиб порлоқ истиқболлини таъминлайди.

«Раҳбар фаолиятида» миллий истиқлол ғояси-том маънодаги маънавий-руҳий омилга айланиши учун қуйидагиларга мунтазам амал қилиш даркор:

- 1) Инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиши;
- 2) Миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч ва эътиқод манбаи бўлиши;
- 3) Ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши;

- 4) Замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодаладиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши зарур;
- 5) Раҳбарда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурнинг шаклланиб борилиши зарур.

Хуллас, миллий истиқлол ғояси-ҳар бир раҳбар ва фуқаро учун маънавий кўзгудир.

Ўзбекистонда кучли, демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуришда миллий истиқлол ғоя маънавий кўзгу сифатида алоҳида эътиборга моликдир.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

доц. Турсунов.М.Б

Дунё ҳамжамиятининг эътиборида ХХІ аср демократик тараққиёт ҳамда тобора авж олиб бораётган психологик таҳдидлар даври бўлиб қолмоқда. қолаверса, умумжаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният турли зиддиятлар ва ўта мураккаб воқеаларни ўз бошидан ўтказаяпти. Маълумки, кейинги пайтларда ёш мустақил давлатларга нисбатан диний экстремизм, фундаментализм, глобал лидерлик, халқаро терроризм, гиёҳвандлик савдоси, ҳар хил ахборот хуружлари ҳамда шунингдек демократияни экспорт қилиш талвасаси бутун жаҳонни ларзага солиб келмоқда. Шу билан биргаликда бугунги даврга хос бўлган асосиймасала бу глобаллашув жараёни бўлиб, бу ҳақида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”(Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч-Т., 2008. 114-бет).

Дарвоқе, шу фикрни алоҳида эътироф этмоқ зарурки, бугунги кунда кўз билан тезда илқаб бўлмайдиган қудратли салбий кучлар демократик ривожланишни издан чиқаришда психологик таҳдиддан ҳам фойдаланишга жон куйдириб уринмоқдалар. «Ташқи қоялар» суронининг муаллифлари эса зўр бериб, нодемократик тушунчаларни, яъни бизларга мутлақо ёт бўлган қарашларни тарқиб этиш орқали ёш фарзандларимизни мавҳ этишнинг анча айёрона усуллари ишлаб чиқмоқдалар. Очики, ёшларимизни йўлдан уриш мақсаддида юзлаб «фикр фабрикалари» фаолият олиб бормоқдаки, бу эса ахборот хуружларининг тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда, ахборот таҳдидини уюштириш устида 120 га яқин давлат «ҳамжиҳатлик билан иш олиб борапти. Демак, ягона ахборот

макони яратиш, ундан ахборот таҳдиди йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот маконидаги хуруж ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлиб қолмоқда.

Айниқса, демократик тараққиёт йўлини танлаб олган ёш мустақил давлатларга ялтироқ қоялар орқали демократияни тарқиб қилиш, яъни қарбийлаштириш-вестернизация сиёсатини илгари сурмоқдаларки, биз бунга албатта рад этамиз. Афсуски бу йўлда ҳаракат қилувчи кучлар энг «оммавий усуллар» да турли хил порнофильмлар, ёвузлик, қотиллик, хунрезлик тарқиб қилинадиган видеотасмалар, фахш ва ахлоқсизлик, ҳаёсизлик асосидаги чоп этилган нашрларни тарқатишга уринмоқдаларки, биз фарзандларимизни бундай «ашё» лардан ҳимоя қилишимиз зарур. Бунинг учун эса биз ёшларимизда уларнинг шуурида анъанавий тарбия гулхани алангаланиб туришини, шунингдек шарқона, ўзбекона одоб-ахлоқ туйқуларини шакллантиришга эришмоқимиз айтиш мумкин.

Айниқса, мазкур йил юртбошимиз томонидан «ёшлар йили» деб айрилган бир даврда ёшлар тарбиясига жуда жиддий муносабатда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Худди шу мақсадда эса биз демократия тўқрилишидаги сабоқни ва психологик таҳдиднинг зарарли оқибатларини ҳам жамоатчиликка тўқри тарқиб қилишимиз айтиш мумкин. Бунинг учун эса тобора авж олиб бараётган ахборот хуружидан ҳимояланишимиз зарур.

Ҳар қандай хавф-хатарга нисбатан ўз вақтида муносабат билдириши ҳар бир инсоннинг сайи-ҳаракатига боғлиқ. Минг афсуски, инсон хавф-хатар ҳолатига зарурат туғилган пайтда етарлича таъсир кўрсата олмаса, у мақбул доирадан чиқиб, зўрайиб кетиш эҳтимоллиги ортади (Ш.Пахриддинов тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.2006 34-бет). Дарҳақиқат, биз инсонлар ҳамеша ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОИЛА ТАРБИЯСИ

**Муҳиддин Турсунов, доцент
фалсафа фанлар номзоди**

Маълумки, демократия бир неча асрлик тарихга эга бўлган умуминсоний қадрият ҳамда муҳим илмий-назарий масала сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Демократия инсон ва жамият равнақи йўлидаги бетакрор имконият эканлиги бугунги даврда тобора яққол намоён бўлаяпти. Мамлакатимиз ҳам 18 йилдан буён демократик тарайёт йўлидан бораяптики, бу борада 6,5 млн дан кўпроқ бўлган юртимиз оилаларининг ўрни алоҳида эътиборга моликдир. Нима учун деганда, демократия ҳақидаги илк сабоқлар айнан оила муҳитида сингдирилиб борилиши биринчи галдаги вазифадир.

Кўп йиллик илмий кузатишлар ва тадқиқотларда қайд этилишича, инсон ўз ҳаёти мобайнида жами олинадиган умумий информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Демак фарзандларимиз гўдаклик чоғидан бошлаб турли маълумотларни қабул қила бошлайдиларки, улар ана шундай тушунчалардан бири бўлган демократия ҳақидаги дастлабки билимларни ҳам ота-оналаридан олсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунинг учун эса тарбиянинг асосий таркибий қисми бўлган-оилавий тарбиянинг аҳамияти алоҳидадир. Бу борада эса барча оилаларда маънавий муҳитни яхшиланишига эришишимиз ва шу ўринда президент И.Каримовнинг ушбу сўзларини эътироф этишимиз айтиш мумкин: «Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир». (Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгимас куч» Т. 2008, 58-бет).

Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик жамият қуриш масалаларига муносабат тобора теранлашиб бормоқда. Бундай жамиятнинг шаклланиши ва унинг равнақи эса юртимиз оилаларига боқлиқ. Шунинг эътиборга олиб ҳам оилавий муҳитда доимо ҳақиқат ва адолат, тараққиёт ҳамда келажак тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизни демократик нуқтаи-назардан ёшларимизга билим ва тушунчалар бериб боришимизга мунтазам амал қилишимиз зарур.

Шу ўринда алоҳида эътироф этамизки, шарқона демократияни оила давраида тарқиб этишда ота-оналар ёшларга миллий қадриятларни сингдириб бориш зарурлигини унутмасликлари даркор. «Ёшлар орасида миллий ўзлиқни қарор топтириш ва ўзини камол топтириш жараёнида қатъиятликни ва барқарорликни таъминловчи янги ижтимоий таянчнинг бўлиши илмий-билиш муаммоси бўлибгина қолмай, балки муҳим давлат-амалий вазифасига айланиб бормоқда» («Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий киёфа». Т., 2008, 19-бет).

Демак, шарқона демократияни ўрганишда миллий ўзлгимизни англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзлгини ҳурмат қилган миллат вакилларигина юксак демократик тараққиёт учун Сидқидилдан хизмат қила

олади. Чунки, давлатимиз ва халқимизнинг ҳам улуг мақсади-илғор ривожланган юртга айланишдир. Бу борада эса халқимизнинг муҳим ижтимоий бўғини бўлган - Ўзбекистон ёшларининг зиммасига юксак масъулият юклайди. Шундай экан, ёшлар тарбияси ҳамиша диққат-эътибордаги масалаки, бу тўғрисида давлатимиз президенти И.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг ўниб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак». (Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т., 2008, 7-бет).

Агарда ёшларимиз оилада иродавий жиҳатдан етук шахс сифатида шаклланиб борсалар, улардан албатта демократиянинг содиқ, ҳимоячилари етишиб чиқадики, юртбошимиз айтганларидек, «агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чикмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди». (Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т. 2008, 122-бет).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, демократик жамиятни барпо этиш жараёнида ўзбекистон ёшларининг ўрни улар камол топаётган оилалар фаолияти билан чамбарчас боғлангандир.

ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

(И.М.Мўминовнинг 100 йиллиги олдидан)

«Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди».

Ислом Каримов.

(И.М.Мўминов ва Амир Темур)

Илм-фан фидойилари ўртасида маълум ва машҳур бўлган атоқли файласуф, олим И.М.Мўминовнинг ибратли ҳаёт йўли халқимизнинг қалбидан жой олгандир.

Иброҳим Мўминович Мўминов 7 сентябр 1908 йил Бухоро вилоятининг Шофрикон туманига қарашли бўлган Тезгузар қишлоқида, деҳқон оиласида таваллуд топган.

Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро маориф институтида ўқиган 1928 йили Самарқанд Олий Педагогика институтининг ижтимоий-иқтисодий факультетига ўқишга кириб, ўқишни битириб, ўқитувчилик фаолияти бошланади.

И.М.Мўминов - Ўзбек (Ҳозирги Самарқанд) давлат университетининг ташкил этилишида муносиб ҳисса қўшган ташкилотчилардан бири бўлган.

1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, 1950 йили «Ўзбекистонда XIX аср охири - XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-фалсафий қоялар тарихидан» мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эришган. Худди шу йили Ўзбекистон ФА сининг тарих ва археология институтининг директори этиб тайинланади.

1956 йили И.М.Мўминов Ўзбекистон ФАсининг академиги бўлган ва академиянинг вице-президенти бўлиб сайланган эди. И.М.Мўминовнинг ташаббуси билан, дастлаб фалсафа ва ҳуқуқ бўлими, кейин эса фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилди, шунингдек И.М.Мўминов шу институтнинг биринчи директори бўлдилар. И.М.Мўминов СССР Социология ассоциациясининг вице-президенти, Ассоциациянинг ўрта Осиё филиалининг раҳбари, шунингдек Ўрта Осиё фалсафа жамиятининг раиси бўлган.

1958 йилдан «Билим» жамиятининг раиси, Ўзбек Совет энциклопедиясининг биринчи бош редактори бўлган, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг бош редактори ҳам эди. И.М.Мўминов 1974 йили Тошкентда вафот этди.

ВАТАНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДАГИ ШАРАФЛИ ҲАЁТ.

Етук ва машҳур олим И.М.Мўминов-200 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақола ва китобларнинг муаллифидир. И.М.Мўминовнинг ишларидан - «Алишер Навоий-улук маърифатчи», «Мирзо Абдуқодир Бедилнинг фалсафий қарашлари», Ўзбекистонда XIX аср охири - XIX аср бошларидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти тарихига доир масалалар. И.М.Мўминов таниқли олим бўлганлиги учун ҳам Бедилнинг қарашлари ҳар томонлама фалсафий нуқтаи-назардан илмий таҳлил қилинганлиги муҳим ва аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, Бедил Ўрта асрлар даврида Ҳиндустон ва Ўрта Осиё халқларининг фикрларидаги ижтимоий-фалсафий қарашларини илмий асосда талқин этади. И.Мўминовнинг докторлик илмий мавзусида бунга алоҳида эътибор берилгандир. Бундай илмий кузатишларда, Туркистонда колониал шароитдаги маданий ҳаётнинг тарихий-фалсафий жиҳатдан ўрганишига файласуфона ёндашилгандир. “Гап шундаки.-деб ёзганди Ўзбекистон ФА собиқ Президенти О.С.Содиқов-XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қоялар

асосан Дониш, Фурқат, Муқумий, Ҳамза ва бошқаларнинг бадиий асарларида ўз ифодасини топгандир. И.М.Мўминовнинг илмий мушоҳадаларигача бу давр ижтимоий-фалсафий концепцияси мукаммал равишда ишлаб чиқилмаганди”.

Марксизм-Ленинизм идеологияси ҳукмронлик қилган даврда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши кенг тарқиб қилинган даврда И.М.Мўминов катъийлик билан қўйидагиларни таъкидлаганди: XIX асрнинг 60-90 йилларида рус чоризми Ўрта Осиёни босиб олади ва бу жойда колониал режимни зўравонлик билан ўрнатади. Чор Россияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини номигагина ушлаб туради, аммо бутун ҳукмронликни тўлиқ ўз қўлига олади. Бу даврда, нафақат Ўрта Осиё халқ оммасини синфий эксплуатация қилиш кучайибгина қолмасдан, балким колониал-миллий жабр-зулм ҳам ниҳоятда кучайганлиги тасдиқланади».

катъиятли фикр соҳиби бўлган таниқли олим И.М.Мўминов ишонч ва шижоаткорлик билан ўз фикрини давом эттириб, шундай ёзади: «Чор Россияси бу ўлкаларда тараққиётга қарши, маорифга, маҳаллий матбуотга, адабиётга ва ўз эрки, озодлиги тўқрисидаги илқор фикр юритувчиларга қарши қаратилган махсус чора тадбирлар олиб борди».

Таниқли олим И.М.Мўминовнинг Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихига доир илмий тадқиқот ишлари ва кузатишлари нафақат ватанимиз, балким республикамиздан ташқаридагиларни ҳам қизиқтиради. Шунинг учун ҳам таниқли олим Тожикистонлик, Туркменистонлик ва қирғизистонлик олимлар билан мустаҳкам илмий мулоқотда ва алоқада бўлади. Айниқса, Тожикистон ФА академиги А.М.Баҳоутдинов, Туркменистон ФА академиги Г.У.Чориев, қирғизистон ФА академиги А.Олтишбоевлар билан ўз республикаларидаги ижтимоий-фалсафий қарашлар билан боқлиқ бўлган илмий хулосалар тўқрисида доимо мулоқотда бўлганлар.

И.М.Мўминов табобат илмининг султони ҳисобланмиш Абу Али Ибн Синонинг, шунингдек Абу Райҳон Берунийнинг, Хоразмий ва Фаробийларнинг, Наршахий, Маҳмуд қошқарий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимийларнинг асарларини ўрганиш ва таржима қилишда ҳам жонбозлик кўрсатган эди.

Файласуф олимнинг бевосита муҳаррирлиги билан 4-жилдлик «Ўзбекистон тарихи», 2-жилдлик «Самарқанд тарихи» китоблари нашрдан чиқарилди. У киши раҳбарлиги билан 20 та докторлик ва 100 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Салоҳиятли олим И.М.Мўминовнинг илмий фаолияти давлат ва ҳукумат томонидан ҳам муносиб тақдирланди: 2 та «Ленин ордени», 2 та «қизил байроқ», «Ҳурмат нишони» орденлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони, фахрий ёрлиқлар ва ҳоқозолар. Илм-фан тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун файласуф олим-И.М.Мўминовнинг номи Ўзбекистон ФА га қарашли бўлган фалсафа ва ҳуқуқ институтига ҳам берилди.

ҲАҚИҚАТ УЧУН КУРАШДА.

Агар ошкоралик ва ҳақиқат нуқтаи-назаридан айтадиган бўлсак, машҳур файласуф олим И.М.Мўминов ҳаётлик давридаёқ ўзига хайкал қўйилишига сабабчи бўлган рисоласи «Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни ва роли» деб аталади. Бу рисола 1968 йили ёзилган бўлиб, маркстча-ленинча идеология ҳукмрон бўлиб турган даврда бу иш-олимнинг илм-фандаги бўлган унутилмас қаҳрамонлигининг намунасидир.

Олим бу рисоласида тарихий маълумотларга ва ёзма манбаларга асосланиб, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролига ҳолисона, яъни объектив баҳо беришга интилади. Рисолада таъкидланишича, Амир Темур марказлашган давлат ташкил этади ва у асосий эътиборни шаҳарлар қурилишига, фан, маданият тараққиётига, савдо, ҳунармандчилик ривожига, шунингдек, ислом дини ва унинг раҳнамоларига ҳурмат билан қарашга, армияни мустаҳкамлашга алоҳида («Темур тузуклари») эътибор беради. «Куч-адолатдадир» деган ақидага у доимо амал қилади ва Самарқандда, Шаҳрисабзда улкан иншоотлар қурдиради, Туркистонда Аҳмад Яссавий мавзолейини бунёд эттиради ҳамда каналлар ва ариқлар қаздиради шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча ҳудудларда боқлар барпо эттиради.

И.М.Мўминов Амир Темурнинг жаҳон тарихида икки хизматини алоҳида кўрсатади. Олим ўз рисоласида таъкидлаган эди: «...Темурга асосан объектив, тўқри ва илмий баҳо... А.Ю. Якубовский тамонидан берилди». Уни қуйида келтирамиз.

«Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Берка Саройнинг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади... Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Масква князлари билан алоқа боқламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлсада, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди... А.Ю.Якубовский Темурнинг Европа халқларига кўрсатган яна бир хизмати ҳақида фикр юритиб.. 1402 йилда Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди... Темур ўзининг бу қалабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат этди. Анқара ёнида бу қалаба ва Боязидни асир тушиши Константинополнинг турклар-усмонлар томонидан босиб олинисини қарийиб 50 йил орқага суриб юборди» (52-53 бетлар):

«Ўзбекистонда барча жамоатчилик», - деб ёзган эди таниқли файласуф, академик М.М.Ҳайруллаев,- И.М.Мўминовнинг ушбу рисоласини жудда катта хайрихоҳлик ва мамнуният билан кутиб олди ва қабул қилди. Аммо, «баъзи кишилар» бунини мўлжал учун нишон қилиб ҳам олдилар. Уни, яъни ҳақиқатгўй олимни Амир Темур фаолиятини «идеаллаштирувчи», ҳатто «тарихий ҳақиқатни сохталаштирувчи» деган айблар қўйилди. Москвадан чиқадиган «Вопросы истории» журналинда ҳам И.М.Мўминовнинг бу рисоласи қаттиқ танқид қилинди. Бу эса, албатта атоқли олимнинг соқлигига

салбий таъсир этмасдан қолмади ва оқибатда узоқ давом этган касалликдан сунг ҳақиқатгўй олим И.М.Мўминов вафот этди.

ТАРИХНИНГ ЯНГИЛАНИШИ.

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки даврдан бошлаб барча йўл қўйилган хатоликларга нисбатан холисона муносабат билдирилди ва улардан тегишли хулосалар чиқарилди. Шунингдек тарихий воқеаларга ва маълумотларга ҳам принципиал ҳамда илмий хаспўшлаш, сохталаштирилишига чек қўйилмоқда. Бу тўқрисида юртбошимиз И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган: «Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуқумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик». (И.А.Каримов Тан. Асар. 3-жилд 34 б).

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳозирги даврда буюк тарихий сиймоларнинг фаолиятлари бугунги давр нуқтаи-назаридан қайтадан, синчковлик билан ўрганилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек Амир Темурнинг ижодий мероси ва буюк жасорати жамият ҳаётининг ва миллат қурурининг манбаи ҳамда асосидир. Шунингдек, ўзбек халқининг улук ва машҳур намояндаларининг фаолиятини ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Уларнинг ҳурматларини жойига қўйган ҳолда, улуквор ҳайкаллар қад кўтармоқда, саройлар мадрасалар, мавзолейлар ва кўчаларга уларнинг номлари қўйилмоқда. Биз ўзлигимизга, тарихимизга, маданиятимизга қайта - қайта мурожаат қиламиз ва улкан янги тарихий ютуқларни қўлга киритамиз: Айниқса, юртбошимиз тарихчи олимлар билан ўтказган очиқ давра суҳбатида бу масалаларга алоҳида эътибор ва маъсулият билдириш зарурлигини уқдириб ўтди.

Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мақоласида «ўзбек тарихчиларининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси... бизнинг давлатчилигимизнинг илмий асосланган тарихини яратишдан иборатдир», бунинг учун эса «ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас» деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди. («Маърифат», 1998, 2-бет).

Юртбошимиз яна шуни алоҳида эътироф этадиларки, «Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, маданий халқаро ҳамжамят қўллаб - қувватлайди. Бу ҳол тасодифий эмас-соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир» (И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Каримов И.А. Асарлар, Т.6, 128 б.)

Президентимиз ибораси билан айтганда, И.М.Мўминов - Матонат ва жасорат билан ўз фикрида турадиган, ўз халқининг «фидоий маърифатчиси», Ўзбекистон маънавий тикланишининг ҳақиқий қурашчисидир.

Шундай қилиб, машҳур ва атоқли файласуф олим И.М.Мўминовнинг ҳаёт йўли ва сермахсул ижодий мероси бугунги давр учун ҳамиша ибратли бўлиб қолаверади.

**Ю.Ю.ВАЛИКУЛОВ.,
М.Б.ТУРСУНОВ.**
Термиз Давлат Университети
доцентлари.

«КАМЕННАЯ КНИГА» ДЕРБЕНТА

Недавно учёные-историки Термезского Государственного университета в село Дербент Байсунского района Сурхандарьинской области Узбекистана при помощи детей старого учителя Дербента Жура Сафарова-Комил и Умида нашли редкий исторический источник «каменную книгу». Камень с обеих сторон гладкий, размером 15х15х13, на котором изображены пиктографические письмена, которые являются результатом высшего развития человеческого сознания.

Из мировой истории известно, что каждый народ, который достиг высокую духовность и богатую культуру, имеет свою письменность.

Письменность-это основные признаки ранних цивилизаций человечества. Английский учёный Г.Чайльд и современный русский исследователь В.Гуляев считают, что древние письмена являются основными признаками древних городов и цивилизаций.

Общеизвестно, города и возникшие на их базе ранние государства не могли формироваться без начальных письменных знаков и объяснения своих взглядов. Действительно, для ведения счётов, установления взаимоотношений, хозяйственной деятельности человечеству были необходимы определённое письменное искусство.

Письмена сначала возникали на скалах гор, шкур животных, кустарных посудах, а потом на бумаге. Первые письмена в науке именуются пиктографическими знаками.

Первые письмена возникли в государстве Шумер в Месопотамии и это считается великим достижением в 4-м тысячелетии до н.э., значит пиктографические письмена возникли около 6 тыс.лет назад.

В Египте возникли к концу 3-го тысячелетия до нашей эры и это относится к началу возникновения Египетского царства. Истории известно,

что Пиктографические письменные знаки возникли также в Индии, Иране, Китае.

Сегодня с научной ответственностью можно утверждать, что в Узбекистане в эпоху бронзы и раннего железа найдены памятники в Жаркутане, Газе. Обнаруженная «Каменная книга» Дербента, которая найдена в апреле 2008 года в кишлаке Дербент Байсунского района Сурхандарьинской области, объединяет в себе более ста знаков-фотографий. Это позволяет утверждать, что Узбекистан является территорией, где возникли ранние письмена человечества.

Эта «Каменная книга» относится к 3-2 тысячелетию до нашей эры. Рисунки расположены пиктографическим способом. В начале нанесены в форме рисунков, а потом на красном и чёрном фоне окрашены охрой. Около 100 рисунков расположены по порядку.

Это находка имеет большую научную ценность, и может иметь место в больших музеях мира. Охра смешана с маслом и поэтому она вечно сохранилась. Стада горных козлов, змеи, горный пейзаж, пристанища, человеческий глаз, луна, солнце и другие пиктографические рисунки. Эта находка, без сомнения, является самой древней пиктографической письменностью на территории Центральной Азии.

Эту научную гипотезу и выводы о ней утверждают знаменитые учёные, в том числе, директор института Археологии Академии Наук Республики Узбекистан И.Р.Пидаев, академики археологии и истории Ю.Ф.Буряков, У.И.Исломов, А.А.Аскарлов, учёные-археологи профессор Т.Ш.Ширинов, доцент Т.Ж.Аннаев (Их выводы прилагаются)

Заключительный вывод: На берегах Амударьи и Сырдарьи, а так же по течению многих прекрасных плодотворных горных рек расположены самые древние цивилизации наподобие Нила, Дажли, Фрота, Хуанхе, Ян-цзы-Цзян, Инда, Ганга и других. Кроме того, особо необходимо подчеркнуть, что центральная Азия была связующей территорией Месопотамии, Ирана с Китаем и Индостаном.

Поэтому «Каменная книга» Дербента, обнаруженная учёными Термезского Государственного университета является историческим источником и в полном смысле подтверждает, что Центральная Азия, особенно Узбекистан также является одной из колыбелью человеческой цивилизации, имеющей свои письмена-главный фактор духовности и культуры человеческого сознания- Пиктографические письмена, и без сомнения находится в одном ряду с Месопотамией, Ираном, Индией, Китаем-очагом человеческой цивилизации.

Эта находка, без сомнения, подтверждает глубокую древность истории Узбекистана, что она является колыбелью человеческой цивилизации. Теперь наряду с «Письменностью Шумера», «иероглифы Египта» займёт своё место «Каменная книга» Дербента (Пиктографические письмена Дербента). Этим может гордиться каждый гражданин Узбекистана, т.к. Узбекистан так же является «Колыбелью человеческой цивилизации».

Выводы о «Каменной книге» Дербента:

Ш.Пидаев-Директор института Археологии АН Узб. – Находка учёных Термезского Государственного университета, обнаруженная в кишлаке Дербент Байсунского района Сурхондарьинской области действительно имеет большое историческое и художественное значение.

Этот камень размером 15х15х13, в форме треугольника на камне на чёрном и светло- жёлтом фоне даны фотографии пиктографической формы выди охоты (тигра, кабана, горного козла) Это свойственно письмам обнаруженные на территории древней Месопотамии, Китая и Индии.

Пиктографические письма в центральной Азии известны ещё в период бронзы и обнаружены в глиняных посудах (Сополитепа, Жаркуртан, Туголок, Дашли). На камне, найденном в Дербенте изображены свод пиктографических рисунков. Эта находка относится к эпохе бронзы, это означает, что центральной Азии цивилизация началась в 3-2 тысячелетии до нашей эры. Эту находку можно оценить как пиктографические письма, относящиеся к периоду возникновения письменного искусства человечества. Камень размером 15х15х13 см. На лицевой стороне изображены царство животных, астрономические знаки, природный пейзаж и многое другое. Следует отметить, что эта находка имеет важное значение в истории Узбекистана, так как она относится к 3-му тысячелетию до нашей эры.

Изображённые на камне мир животных, астрономические знаки, природный пейзаж, без сомнения относится как образы к пиктографическим письмам.

Значение этого камня велико для изучения возникновения и развития пиктографических письменностей на территории Узбекистана.

Академик У.И.Исламов: Эта находка найдена учёными историками-археологами Термезского Государственного университета З.Чориевым и Ш.Шайдуллаевым в результате научной экспедиции в кишлаке Дербент Байсунского района Сурхондарьинской области. Камень не обработан, но лицевая сторона довольно гладкий, где нарисованы фотографии, окрашенной охрой на чёрном и красном фоне. Фотографии-солнце, горы, змеи, стада коз и другие.

Эти фотографии являются древними и для нас имеют большое значение, относятся к 3-му тысячелетию до нашей эры.

Наши учёные нашли находку имеющую большое историческое значение.

Академик А.А.Аскарров: Находка, найденная учёными историками-археологами Термезского Государственного университета З.Чориевым и Ш.Шайдуллаевым и выдвигаемым на заключение учёных относится находкой, относящейся к эпохе бронзы и является всемирным научным открытием

Находка размером 15х15х13 см. величины является произведением искусства, обработанный на камне с пучком железа контуры которого

напоминает бегающих горных козлов, змеи с раскрытыми ртами, драконы с зубами на спине и разные летающие птицы, скакун на хитнике, старик с бородой открытым ртом, и большие казаны, жирафообразными зверями. С первого взгляда их можно назвать пиктографическими письменами.

Рисунки и их краски делятся на две группы. Первая-рисунки, окрашенные чёрным цветом, вторые-на красном фоне. Рисунки богатой композиции, относящиеся к второй половине II-го тысячелетия до нашей эры. Несколько лет назад на территориях Южного Узбекистана были найдены 28 видов рисунков на глиняных посудах. Тогда мы-учёные считали их искусством гончарных мастеров. Но в 2003 году в кишлаке «Гоз» Сурхандарьи были найдены 13 письменных пиктографических знаков, которые как и прежние 28 пиктографические письменные рисунки, подтверждающие правильность находок, обнаруженной в Дербенте. Мы убеждаемся, что эти письмена развивались поэтапно. Научный вывод таков: Наши предки самостоятельно изобрели свою письменность. Эта письменность является редким изобретением.

Тимур Ширинов-доктор исторических наук, профессор, ректор СамГУ.

Каменное изображение, найденное в Дербенте является находкой, имеющей историческое значение. Эта находка является местной геологической породой и является камнем-диоритом. На небольшом, камне, на чёрном и светло-жёлтом фоне, окрашенной Охрой даны рисунки горных коз, змеи в форме круга геометрического трёх угольника, растений. Первое впечатление- они являются пиктографическими письменами, которые похожи на такие же письмена, обнаруженные в Месопотамии в IV тысячелетии до нашей эры. Пиктографические письмена в Центральной Азии, найдены в эпоху бронзы в конце 3-го тысячелетия (Сополитеппа, Жаркутан, Дашли, Туголок, Шахдод и др).

Дербентская находка является самой древней Пиктографической письменностью в нашей стране, относящейся к концу 3-го тысячелетия и во 2 м тысячелетии до нашей эры, является самой древней письменностью, подтверждающей высокую культуру нашей страны.

3.У.Чориев-Ректор Термезского Госуниверситета.

Учёные историки-археологи нашего университета в последние годы усердно занимаются историей письменности. Недавно в кишлаке Дербент горного Байсунского района найдена ценная находка древнейшие письмена, изображённые на камне. Эта находка в начале немного взволновало нас, так как эта находка даёт возможность безусловно относить Узбекистан к числу древнейших цивилизаций человечества.

Эту находку мы называли «Каменная книга» Дербента. Она берёт своё начало к 3-2 тысячелетию до нашей эры и примерно имеет 5 тысячелетнюю историю. Письмена нарисованы на камне пиктографическим способом эти формы настолько ясны, что мы сразу прочитали изображение животных, выды гор и деревьев. На «каменной книге» Дербента изображены около 70

крупных, 30 мелких животных и около 100 изображений. Вот поэтому мы без сомнения её называли «Каменной книгой» Дербента. Следует особо отметить, что ещё нигде в мире не обнаружено пиктографическое произведение, которое вобрало в себя более 100 изображений.

Эта «Каменная книга» относит Узбекистан к числу пяти древнейших цивилизаций - Месопотамии, Китая, Египта, Древней Индии и служит историческим источником, подтверждающим, что ещё 5 тысяч лет на территории Узбекистана существовал очаг цивилизации.

ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМОНЛИК ҲАҚИДА.

Доц. Валикулов. Ю

«Таржима» сўзи араб тилидан олинб, адабий ижоднинг бир туридир. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Таржима-бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури», деб таъриф берилган. Таржима-шарҳ, тафсир, баён қилиш, тушинтириш маъноларида ҳам қўлланиб келинган. Бадиий таржима тексти бир тилда иккинчи тилга шунчаки утказиш бўлмай, балки уни қайта яратиш ҳисобланади. Шунинг учун бадиий таржима-бадиий ижод соҳаси, таржимон-ижодкор демакдир.

Ёзувчи ҳаёт воқеаларидан олган мушоҳадаларини бадиий ифодаласа, таржимон оригинал текстини янги тил воситасида қайта таваллантиради. Таржимон авторнинг ғоявий-эстетика дунёсини, асар жозибасини Янги китобхонларга етказди. Бунинг учун у предметни муаллиф даражасида пухта берилиши керак бўлади... Ҳар бир халқнинг адабиётини тараққий топишида таржимачиликнинг ўзига хос ривожланиш йўллари ва таъсири бўлади. Шу сабабдан таржима тарихи адабиёт тарихи билан тенгдошдир, дейилади ўша жойда. Тақдир таққозоси билан Афғонистонда уч йил таржимонлик қилдим. Таржимонлик осон иш деб ўйлаганлар янглишадилар. Бу касб эгалари таржимонлик қай даражада оғир иш эканлигини яхши билдилар. Мен бу ишга Афғонистонгача қаттиқ киришган эдим. Дунёда машҳур таржимонлар ҳаёти ва фаолиятини ўргана бошладим. И.Ю.Крачковский, Г.С.Саблуков, Т.А.Шумовский, Сергей Иванов, Семён Липкин, Сергей Северцев, Владимир Липко, М.Державин, Я.Козловский, Н. Гребнев, В.Солоухин ва бошқаларни хизматларини ўзимга аниқлаб олдим. Бу асосан араб, форс тилларидан рус тилига ва бошқа қардош халқлар классик ҳамда ҳозирги замон шоир, ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилган ажойиб талант эгалари ҳисобланадилар. Айниқса, мен Владимир Державин фаолияти билан қизиқдим. Унинг ижодиётида форс-тожик, туркий классик адабиётлари намояндалари Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Хайём, Низомий, Ҳақоний, Саъдий, Ҳофиз, Жомий асарлари, Навоий дostonлари ва яна Мирзо Турсунзода асарлари таржимаси катта ўрин олган, рус ўқувчиларига шарқ поэзиясини қайтадан тикланган киши ҳисобланади. Шунинг учун у 1967 йилда Тожикистон Республикаси Рудакий номли Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш керак: ҳар бир таржимон ўз устида ишлар экан, хатман, буюк давлат арбоблари билан ишлаган ва ишлайдиган таржимонларни ҳаёти, фаолиятини ўрганиши лозим. Масалан:

мен Афғонистонга боргунга қадар Валентин Бережковни «Техрон 1943» китобини ўқиб, қўйидаги сатрларни қайта-қайта такрорлар эдим:,... Тажрибадан билардимки, қабул вақтларида қизгин олишув бўлади, бу ҳол ҳар бир гапни Аниқ ва тез таржима қилишни талаб этади. Бундан ташқари, гап жиддийроқ тема ҳақида борса, уни ёзиб ҳам улгуриш керак. Бундай шароитда официант таржимонга ҳам менюда кўрсатилган овқатларни келтиришига қарамай у овқат ейишни ҳаёлига ҳам келтирмаслиги лозим. Одатда, таржимон учун келтирилган овқатларга қўл урилмасдан қайтариб олиб кетилади.

Бу сафар ялпи мажлис чўзилиб кетди ва Сталин ўз шерикларини таклиф қилган зиёфатга қадар атиги бир неча минут вақт қолди. Мен ҳозиргина тугатган суҳбатни қисқача ёзиб ҳам қўйишим керак эди. Бу қатъий қоида бўлиб сўзсиз риюя қилинар эди. Хуллас, мен ошхонага бориб овқатланиб кела олмадим.

Ҳамма стол атрофида жой-жойига ўтиришган, қизгин суҳбат бошланди. Закускани олиб кетишди, келтирилган бульон билан сомса олиб кетилди. Мен улардан татиб ҳам кўрмадим. Чунки ҳамма вақт таржима қилиб, блокнотга шошилиб ёзиб борардим. Ниҳоят биштекс берилди, шунда мен ўзимни тийиб туrolмадим: қисқа танаффусдан фойдаланиб биштексдан катта бир бўлагини кесдим, тезда оғзимга солдим. Худи шу пайт Черчилль, Сталинга қандайдир савол билан мурожаат қилди. Бу савол дарҳол таржима қилиниши керак эди. Мен эса оғзим тўла овқат, индамай ўтирардим орага ноқулай жимлик чўкди. Сталин савол назари билан менга қаради. Мен онордек қизариб, бирор сўз айтолмай, оғзимдаги биштексни ютишга уриндим. Жуда ноқулай аҳволга тушиб қолдим, ҳамма менга тикилиб турарди, бундан яна баттарроқ ўсал бўлдим. Кулги, сунгра қаттиқ қаҳқаҳа эшитилди.

Ҳар бир профессионал таржимон менинг қўпол хатога йўл қўйганлигимни билади. Чунки менга муҳим иш топширилган эди ва мен ўз хатойим учун жавоб беришим керак. Мен буни жуда яхши англадим, бироқ ҳазил билан ўтиб кетар деб умид қиладим. Бироқ менинг бу хатойим Сталинни қаттиқ ғазаблантирди. Унинг ғазабидан кўзлари чақнаб мен томон энгашиди-да, секин:-овқатланадиган вақтни топибсизда: Сизнинг вазифангиз таржима қилиш, ишлаш. қаранг-а, оғзингиз овқат билан банд, қандай шармандалик:..

Ўзимни зўрлаб, чала чайналган, луқмани ютиб юбордим-да. Черчилль берган саволни бидирлаб таржима қилдим. Бундан кейин бирор нарсага қўл урмадим, албатта. Иштаҳа ҳам тамом бўғилган эди. (В.Бережков «Техрон 1943», 86-87-бетлар).

Мана шу огоҳлантиришлардан хулоса чиқариб, синхрон таржималар давомида бирон нарсага ҳаттоки қўл уриш ҳам мумкин эмас.

Таржимон яна бир нарсага қаттиқ риюя қилиши лозим:-агар икки давлат, гуруҳ ва ё алоҳида кишилар ўртасидан таржимионлик қилиш туғри келиб қолса, у албатта вазиятга қараб ўзини тута билиши лозим. Вазият кескин бўлса таржимонни кайфияти ҳам шунга мос бўлиши шарт ва агар

вазият осуда, табиий бўлса таржимонни кайфияти ўшанга мувофиқ бўлмоғи лозим.

Ҳар қандай касб инсон фаолиятида ўз йўналишини белгилаб беради. Шунинг учун мен кейинчалик таржима снъатини такомиллаштириш учун анчагина куч сарфладим. Ўзбек ва тожик адабиётини бир бирига яқинлаштириш ва шу икки буюк халқни дўстлигини тараннум этишдай буюк вазифа изсиз қолмади. Ҳабибий, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулло Орипов, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин ва бошқаларни шеърларини тожик тилига таржима қилдим. Лекин баъзе мутасадди ўртоқлар буниси-униси бўлмайди деб, таржимонни ранжитишга ўринадилар. Шу ўртоқларга ҳаммага маълум бўлган, таржимон-Т.А.Шумовский сўзларини келтириб жавоб бермоқчимиз:

-Таржима нима? Ҳамма луғатларда виждон билан аниқ грамматика қоидаларига асосланган ҳолда сўзларни керакли нусхаси тизимини тайёрлаш мумкин. Лекин бу ўлик нусха бўлиб қолади. Бундай таржимани рангоранг бўёқлари, хушбўй ҳидлари, гармонияси бўлмайди. Таржимани шакли ва махсусан мазмуни сақланиши зарур. Бу, кўпинча, таржимонни маданият савиясига боғлиқ. Унинг таржима қилинадиган асарини ички дунёсига кириб бормоғи зарур. (Т.А.Шумовский Вспоминая адабиёда, Ленинград, 1977 й, 12-бет.

Шунингдек, устоз /айбулло ас-салом айтганларидек: «Таржима бусўзқжумлақмаъноқТовушқоҳангқмантиққ/ояқиқодақТаъсирчанлиққмуракқ аблиққсоддалиққАниқлиққэркинлиқққиёсқуслугвақтқмаконқшаклқТалқинқ ЛуғатқМиллий лисоний омилларқистиложқ/айри лисоний муҳитққурбонқКашфиётқТовон. Алқисса: Зиддиятлар тугуни! Мана шу ташвишларнинг барча-барчаси шўрлик таржимоннинг гарданида.

Улкан маҳобатли саройни барпо этишда юзлаб, минглаб ҳунармандлар, муҳандислар, ишчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, окловчилар, дурадгорлар, наққошлар иштирок этади. Бу ерда эса юқорида саналган ҳамма ишларни таржимон ўзи бажаради. Аслият (оригинал) матнини «бузиб», ўз тилига бут ҳолда ўтказиши ва ... қайтадан яратилиши лозим. Мана шуни Таржима дейди». «Мулоқот» журнали.

Форс-тожик адабиётидан ўзбек ўқувчиларини баҳраманд этиш қадимул айёмдан маълум. Бизнинг фикримизча бу хайрли ишда Ҳазрати Навоийни хизматлари беқиёсдур. Фикримизни тасдиғи учун устоз Азиз қаюмовни китоби «Алишер Навоий» (улуғ шоир ҳаёти ва ижоди туғрисида лавҳалар)-га мурожаат қиламиз: «Жомий авлиё сифатида ном чиқарган сўфий файласуфлар-туғрисида: Нафаҳотул унс» асарини ёзган эди. Навоий бу китобни туркий тилга таржима қилди. Аммо бу таржима асносида асарни кўпгина Янги маълумотлар билан тўлдириб таҳлил этди. Бу туғрида Навоийни ўзи бундай ёзади: «Хотирга кечмишки, агар саъи қилсам, бу китобни туркий тилга таржима қилолғаймумен, ул дақиқ ва мушкулотдин равшанроқ алфоз ва очикроқ адо бирла ўтқаролғаймумен, деб мутааммил эрдим ва на бу хаёл муддаодин ўзимни ўтқараолур ва не ишнинг азимлиги ва душворлиги жихатидан шурўъ қила олур эрдим». Навоийни хабар беришича у 901 ҳижрий (1495-96 мелодий) йили таржима қилишга киришган. Таржима

асносида Навоий уни бошқа китоблардан олинган, қўшимча материаллар билан тўлдирган. Китобни «Насоимул муҳаббат мин шамойимул футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари») деб номланган: «(А.қаюмов) Алишер Навоий», Тошкент, 1991 й, 264-бет).

Мана шу анъана бутун адабиётимиз тарихида давом этиб келмоқда. Ўзбек адибларидан /./улом, Ҳ.Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар кўп заҳмат чекканлар.

Бадий таржима соҳасида Шоислом Шомухммедов хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бутун дунёни мафтун этган буюк Фирдавсийни «Шоҳнома»-сини ўзбек тилига таржима қилиб, Фирдавсий мукофотини лауреати бўлганлиги Мустақил Ўзбекистоннинг ифтихоридир.

Республикамиз мустақиллиги туфайли ўз кадриятларимизни қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Шукуроналар бўлсинки, мўхтарам Алоуддин Мансур муқаддас китоб-қуръони Каримни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, мўмин мусулмонларни чексиз сарфароз этдилар.

Зокиржон Исмоил ва Абдулғани Абдуллоҳлар, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ва Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» ҳадисларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, Ўзбекистон аҳлини ва бутун ўзбек тилини биладиганларни бу бой хазинадан баҳраманд қилдилар.

Яна бир қувонарли тафсилот ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Марҳум Жаббор Эсановнинг жонажон Термизимизни 2500 йиллиги байрами олдидан буюк юртдошимиз, аллома Самандар Термизийнинг нодир асари «Дастур-ул-Мулук» (шоҳларга қўлланма)сини тожик тилидан (форс тилида эмас) ўзбек тилига таржима қилганини таъкидлаш керак.

Дар ҳақиқат бу буюк ишни бажаришда камчиликларни бўлиши табиийдир, лекин таржимонни ҳам тожик ва ҳам ўзбек тилини мукамал билиши айтиш муддао бўлди. Шуларга қарамасдан Жаббор ака барча тегишли мутахассислар билан маслаҳатлашиб муҳокама қилгандан кейин таржима қисмларини рўзнома саҳифаларига эълон қилиш учун рози бўлдилар. 1997-нчи, йили алоҳида китоб шаклида нашр этдилар. Ва 2001 йили унинг иккинчи наشري босмадан чиқди. Шунинг қатъият билан таъкидламоқчиман: Жаббор-ака на фақат кенг китобхонларни Самандар Термизий эжодиётдан баҳраманд қилди, балки ўз номини ҳам тарихда абадийлаштирди.

Шунинг ҳам қайд қилиб ўтишни жоиз деб биламан: Сурхон воҳасида кейинги йилларда «Чашмаи хуршид» тожик адабий муҳити шаклланиб, Мустақил Ўзбекистонни тараннум этишда ўз ҳиссасини ҳартомонлама қўшмоқда. Ана шу маҳфилнинг «таржимонлик» (бўлими) ҳам муваффақиятли ишлаб келмоқда. Бўлим мутасаддилари тожикча-ўзбекча, арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, русча-ўзбекча таржималарни давом этмоқдалар. қувонарлиси шунда ким, таржимонлар инглиз ва немис тилларидан ҳам ўзбек тилига ўгиришини ўз дастурларига киритганлар.

Хулоса қилиб таъкидламоқчимиз: таржима турди хлқлар адабиёти, санъати, маданиятини яқинлаштиради. Бу эса Мустақил Ўзбекистонимизда ўтказилаётган ислохотлар талабига тўла мувофиқдир. Республикамиз

президенти И.А.каримов ўзининг Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида-ги китобида таъкидлаганидек: «Ўзбек халқининг миллий тотувлиги 130 дан ортиқ миллатни ўз қадрдонларидек бағрига олган юртимизда миллатлараро тотувликнинг энг муҳим шартидир. Мамлакатимиздаги Мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки шу билан бир қаторда ўлкамизда яшовчи бошқа барча миллатларнинг вакиллари учун ҳам бебаҳо бойлик ҳисобланади. Тобора кўплаб кишилар ўз она тилида маълумот олиш, фарзандларини миллий руҳда табиалаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Миллий маданият марказлари ҳам маданий ва маънавий ўйғониш борасида фойдали иш қилмоқдалар. Айни маҳалда улар Ўзбекистонга нисбатан умумхалқ ватанпарварлик муносабатида бўлишнинг мустаҳкамланишига кўмаклашмоқдалар». (Асарлар, Т, 3, 282 бет)

Ана шу буюк вазифаларни бажаришда ўз навбатида, таржимачиликни роли беқиёсдир.

Юсуф Вализода Дарбандий.

Энди, қўйида Юсуф Вализода таржимасидан намуналар тавсия этилади.

КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Доц.Турсунов.М

Буюк файласуф ва қомусий олим Абу Наср Форобий ўзининг фалсафий таълимотида инсон ва жамият бахт-саодати, комил инсон тарбияси, жамиятни одил бошқариш, бу борадаги қонун-қоидалар ҳақида фикр юритади. «Ақл ҳақида рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак?», «фалсафа манбалари», «Мантик», «Китоб ал-жадал» (Диалектика), «Китоб ан наволеис» («қонунлар»), «Илмлар таснифи ва таркиби ҳақида» каби асарларида мутафаккирнинг илмий-фалсфий мулоҳазалари жамланган.

Форобийнинг илмий меросидаги фалсафий таълимотлардан бири шуки, у илм-фаннинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, тамойилларини тасниф қилди, мазмун-моҳияти, тузилиши, йўналишларини илмий жиҳатдан асослаб чиқди. Алломанинг фалсафий-илмий меросида инсон ва ҳаёт моҳияти, уларнинг жамият билан узвий боғлиқлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади. Инсон ўзи нима? У чек-чегараси йўқ бепоён оламда қандай ўрин тутди? Табиатдаги ёввойи ҳайвонлар ва умуман жониворлардан одамзод қандай хусусиятларига кўра фарқ қилади? Инсон ҳаётининг моҳияти-бош мақсадини нима ташкил этади? Бу каби саволлар буюк файласуфни умр бўйи ўйлантирган масалалар эди. Унинг фикрича, инсон олам тараққиётининг авж нуқтаси, мукаммал ва олий якунидир. Бироқ, у ҳеч қачон якка-ёлғиз, бошқалардан ажралган ҳолда чинакам инсонлик рутбасига эриша олмайди. Бунинг учун унга албатта кишилик жамоаси зарур. Кишилик жамоаси аъзолари эса мунтазам фикрлайдиган ва фаол ҳаракат қиладиган даражада шаклланиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса жамоа аҳли буюк донишмандларнинг бой маънавий меросларидан самарали фойдаланиб боришлари айтиш муддаодир.

Шу маънода, файласуф гўзал инсоний фазилатлар, хайр-эҳсонли ишлар, уларни шакллантиришга оид йўл-йўриқлар, инсоннинг камолотга эришувига тўсиқ бўла олган хислатлар, турли ёмон одатлар, нуқсонлар, бузук хатти-ҳаракатлар ҳақида фикр юритади.

Форобий санъат, касб-ҳунарга хос хислатларни фазилатларнинг энг кучлиси ва мукаммали деб ҳисоблайди. Унинг хулосасига кўра, бу шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаш учун бошқа ҳамма фазилатларини, ижодий фаолиятини ҳам ишга солиши зарур.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Муҳиддин Турсунов
фалсафа фанлар номзоди, доцент.

Дунё ҳамжамиятининг эътиборида ХХІ аср демократик тараққиёт ҳамда тобора авж олиб бораётган психологик таҳдидлар даври бўлиб қолмоқда. қолаверса, умумжаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният турли зиддиятлар ва ўта мураккаб воқеаларни ўз бошидан ўтказаяпти. Маълумки, кейинги пайтларда ёш мустақил давлатларга нисбатан диний экстремизм, фундаментализм, глобал лидерлик, халқаро терроризм, гиёҳвандлик савдоси, ҳар хил ахборот хуружлари ҳамда шунингдек демократияни экспорт қилиш талвасаси бутун жаҳонни ларзага солиб келмоқда. Шу билан биргаликда бугунги даврга хос бўлган асосиймасала бу глобаллашув жараёни бўлиб, бу ҳақида Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Бугун дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда...» (Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т., 2000. 23-бет).

Дарвоқе, шу фикрни алоҳида эътироф этмоқ зарурки, бугунги кунда кўз билан тезда илғаб бўлмайдиган қудратли салбий кучлар демократик ривожланишни издан чиқаришда психологик таҳдиддан ҳам фойдаланишга жон куйдириб уринмоқдалар. «Ташқи ғоялар» суронининг муаллифлари эса зўр бериб, нодемократик тушунчаларни, яъни бизларга мутлақо ёт бўлган қарашларни тарғиб этиш орқали ёш фарзандларимизни мавҳ этишнинг анча айёрона усулларини ишлаб чиқмоқдалар. Очиги, ёшларимизни йўлдан уриш мақсаддида юзлаб «фикр фабрикалари» фаолият олиб бормоқдаки, бу эса ахборот хуружларининг тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда ахборот таҳдидини уюштириш устида 120 га яқин давлат «ҳамжиҳатлик билан иш олиб боряпти. Демак, ягона ахборот маконини яратиш, ундан ахборот таҳдиди йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот маконидаги хуруж ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлиб қолмоқда.

Айниқса, демократик тараққиёт йўлини танлаб олган ёш мустақил давлатларга ялтироқ ғоялар орқали демократияни тарғиб қилиш, яъни ғарбийлаштириш-вестернизация сиёсатини илгари сурмоқдаларки, биз бунинг албатта рад этамиз. Афсуски бу йўлда ҳаракат қилувчи кучлар энг «оммавий усуллар» да турли хил порнофильмлар, ёвузлик, қотиллик, хунрезлик тарғиб қилинадиган видеотасмалар, фаҳш ва ахлоқсизлик, ҳаёсизлик асосидаги чоп этилган нашрларни тарқатишга уринмоқдаларки, биз фарзандларимизни бундай «ашё» лардан ҳимоя қилишимиз зарур. Бунинг учун эса биз ёшларимизда уларнинг шуурида анъанавий тарбия гулхани алангаланиб

туришини, шунингдек шарқона, ўзбекона одоб-ахлоқ туйғуларини шакллантиришга эришмоғимиз айти муддаодир.

Айниқса, мазкур йил юртбошимиз томонидан «ёшлар йили» деб айтилган бир даврда ёшлар тарбиясига жуда жиддий муносабатда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Худди шу мақсадда эса биз демократия тўғрисидаги сабоқни янада кучайтиришни ва психологик таҳдиднинг зарарли оқибатларини ҳам жамоатчиликка тўғри тарғиб қилишимиз айти муддаодир. Бунинг учун эса тобора авж олиб бораётган ахборот хуружидан ҳимояланишимиз зарур.

Ҳар қандай хавф-хатарга нисбатан ўз вақтида муносабат билдирилиши ҳар бир инсоннинг сайи-ҳаракатига боғлиқ. Минг афсуски, инсон хавф-хатар ҳолатига зарурат туғилган пайтда етарлича таъсир кўрсата олмаса, у мақбул доирадан чиқиб, зўрайиб кетиш эҳтимоллиги ортади (Ш.Пахриддинов тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.2006 34-бет). Дарҳақиқат, биз инсонлар ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор. Зеро, тинчлик ва осойишталик ҳамда демократик тараққиётга ҳалақит берувчи турли хил таҳдидларга нисбатан муросасиз бўлишимиз талаб этилади. Айти шундай психологик таҳдидлардан ёшларимизни сақлаш ва зарур бўлганда бундай хуружларга нисбатан муросасиз муносабат билдириш мақсадида бир неча йилдан буён олий таълим даргоҳларидаги бир неча йўналишларда «Очиқ ахборот тизимларда ахборот-психологик хавфсизлик» курсини ўқитиш йўлга қўйилдики, бизнинг назаримизда ушбу курсни ўқитишни барча йўналишларда ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Яна шу фикрни алоҳида эътироф этамизки, бу курс бўйича зарурий қўлланма ва рисоаларни қўлаб чоп этириш вақти аллақачон пишиб етилди.

Дарҳақиқат ўзининг 17 йиллик мустақиллик йўлидан бораётган биз ўзбекистонликлар неларга қодир эканлигимизни дунё нигоҳида бутун борлигимизни намойиш эта олдик. Энг муҳими эса, бундай халқнинг салоҳиятини ва ҳурматини қанчалик мадҳ этсак озлик қилади. Зеро, Президент И.А.Каримов алоҳида эътироф этганидек, «Биз ўз олдимизга улуг ва эзгу мақсадларни қўйганмиз. Агар бизнинг энг асосий ютуқимиз ҳақида сўраса, энг катта ютуғимиз-бу ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаги одамлардан кескин фарқ қиладиган янги инсонни тарбиялашга эришганимиздир, деб жавоб берган бўлардим. Бу янги инсоннинг фикрлаш даражаси бутунлай бошқача. Шу сабабдан унга беписанд муносабатда бўлиш мумкин эмас». (Ислом Каримов «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» Т. 2005., 50-51 бет)

Хуллас, умуминсоний тараққиётда тан олинган демократияни ўрганиш ва унинг равнақиға ҳалақит берувчи психологик таҳдиднинг зарарли жараён эканлигини тушуниб олиш бугунги даврнинг асосий мақсад муддаоси бўлиб қолаверадик, бу эса нафақат Марказий Осиё, балким бутун дунё халқларининг диққат-марказидаги долзарб ҳамда масъулиятли масала тарзида барчамизнинг эътиборимиздадир.

Яқинда Шукур Хуррамов ва Шоитўра Ўташевларнинг «Талофат» номи рисоалари нашр этилди. Бу рисолада Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган алюминий заводи тарқаётган заҳарли газларнинг Сурхон воҳаси шимолий туманларига таъсири ва унинг оқибати ўлароқ биологик хилма-хиллик (сув, тўпроқ, ҳаво, ўсимлик, ҳайвон, микроорганизмларга) инсониятга ақл бовар қилмас даражадаги оқибатлари баён этилган. Одам организмида пайдо бўладиган хилма-хил касалликлар унинг динамик равишда ўсиб бориши ҳужжатлар асосида мушоҳада этилган. Бўлажак инсонларнинг дунёга келиши ва ақлан теран, жисмонан бақувват ҳаёт кечириши хавф оситида қолаётганлиги таъкидланган.

Муаллифлар тўғри таъкидлаганларидек, -«Ҳозирги вақтда... Тожикистон алюминий заводидан ажралиб чиқаётган фторли водород, азот оксиди, олтингугурт ангидриди каби заҳарли газлар атмосферага тарқалмоқда. Ажралиб чиқаётган заҳарли газ бирикмалари нафақат атсофера ҳавосини, балки ўсимлик тўпроқ, сув, жонзоту одамлар танасида тўпланиб, уларга ката маънавий, ижтимоий, иқтисодий зарар етказмоқда. натижада Саросиё, Узун Денов,Шурчи ва Олтинсой туманларининг ўсимлик ва ҳайвонот танасида, одамлар вужудида ўндан ортиқ касалликлари келтириб чиқарди» (4 бет).

Рисолада тўғри кўрсатилганидек, Тожикистон алюминий заводи Турсунзода шаҳри ҳудудида жойлашган, 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ҳавога водород фториди, олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксид ива бошқа заҳарли моддаларни тарқатади. Бу газлар эса мевали дарахтларни барглари тез хазон бўлишига олиб келади, ҳосилини камайтиради, ёввойи дарахтларни ўсишини тўхтатади. Анор, хурмо, ўрик,шафтоли ҳосиллари ниҳоят камайиб қолди. Углевод билан кислородни ҳосил бўлишига йўл бермайди. Бу эса мевали дарахтларни ҳосилини сифатсиз бўлишига олиб келади, тирик организмларни яшаш қобилиятини сусайтиради, ўнга яқин касалликларни келтириб чиқаради, ҳатто одамларда нафас олиш йўллари касалланиши, камқонлик, болаларни чала ва ўлик туғилиши, оғзи тиртиқ, лаби йўқ ҳолатда туғилишига олиб келмоқда, без касалликлари эса ниҳоятда ўсиб бораётганлиги аниқланди, туғиш ёшидаги аёлларда экстрогенитал касалликлари аниқланган яъни мўҳлатидан кейин бола кўришга олиб келинганлиги исботланган ва ҳоқозо.

Бу заводни қурилишига қанча-қанча шоиру олиму фузалолар қарши чиққанлар, аммо шўролар тузуми даврида бунга ҳеч ким қулоқ солмаган. Оммавий ахборот воситаларида шеър, мақолалар эълон қилинганига ҳам қарамасдан. россиянинг «Русал» компанияси ана шундай заводларни ўз юртларида эмас, Тожикистонда қуришни «раво» кўрганлар.

Муаллифлар бу фожиаларни бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатиб берганлар, яъни бу муаммони Ўзбекистон ва Тоҷикистон ҳукуматлари доирасида Бирлашган Миллатлар ташкилоти назорати остида ҳал қилиниши

мумкинлигини таъкидлаганлар. Мутахассис олимларимиз, ўта ташвишланиб, таъкидлаганлар:-Инсоннинг умри ниҳоятда қисқа, шунинг учун уни янада ҳам қисқартириш хиёнат, жиноятдир. Инсонга яхши экологик шароит яратиш зарур. Бунинг учун инсон экологик тарбияга мўхтож. Бу эса инсоннинг ўз қўлида. Болаларга оилада, болалар боғчаларида мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида, меҳнат ташкилотларида экологияни яхшилашни сингдириб бориш зарурлиги давр тақозосидир. Бу рисола аynи вақтда ёзилган ва ниҳоятда жамоатчилигимизга қўл келади деган умиддамиз.

МАФКУРА МИЛЛАТ БАЙРОҒИ

Ю.Валиқулов

Ш.Хураммов

Ҳар қандай жамиятни ўз олдига қўйган аниқ мақсади бор. Миллий мафкура ана шу мақсадларни ифода этадиган қудратли кучдир. «Мақсад дегани халқни-халқ, миллатни бирлаштиради. Давлатимизнинг халқимизнинг; Эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улўғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин», - деб таъкидлаган эди юртбошимиз.[1]

Бирон жамият, давалт мафкурасиз яшай олмайди зеро, жамиятнинг, унинг ҳар бир аъзосининг ўз олдига қўйган мақсади бўларди. Шунинг учун ҳам одамлар нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, нимагадир интилиб яшаши керак.

«Мафкура» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, бадий, илмий ғоя ва ақидаларнинг мажмуидир». Мафкура яратилади, уни жамиятнинг энг доно, зукко, билимдон, ташкилотчи, сиёсатдон, жамиятни, дардига малҳам бўла оладиган, жамият учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган зиёлилар вакиллари яратадилар. Шу маънода миллий истиқлол мафкурасини яратиш жараёнини теппасида юртбошимиз туради.

Агар халқимизни, миллатимизни қизиқтириб келаётган барча саволларга аниқ, илмий асосланган жавоблар, бўлмаса, одамлар бунга қатъий ишонтирилмаса, амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоликларга йўл қўяверамиз. Бу ҳол кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Ана шундай кўнгилсиз ходисалар рўй бермаслиги учун халқ оммасини умумий мақсад сари яқдиллик билан ҳаракатга даъват этадиган янги мафкура яратилмоғи керак.

Мафкуранинг аҳамияти яна шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни бирлаштиради.

Миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини миллий ғурур ва ифтихорини, куч--қудратини , орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажагига одамларнинг, амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий – сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам мафкурасиз оммани жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаолияти унинг илғор мафкурага катъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ.

Миллий истиқлол мафкураси кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгининг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг миллий қадриятларга ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада бойитади, заминини мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.

Миллий истиқлол мафкураси бир миллат-ўзбекларнинг манфаати билангига чегараланган эмас. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар, руслар, украинлар, яҳудийлар, хуллас республикаимизни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини, кадр-қимматини ор-номус ва миллий ғурурини, манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамизнинг моҳиятини ташкил этади.

Маълумки,ўтмишда жамиятимизда тоталитар тузум манфаатини ҳимоя қиладиган яккаю ягона коммунистик мафкура ҳукмронлик қилди. У иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа соҳаларга кўпол равишда ўз таъсирини ўтказиб келди. Натижада жумҳуриятимиз иқтисодиёти бир ёклама ривожланиб, хом ашё етказиб берувчи ўлкага айланиб қолди. Шўро даври мафкурасининг салбий таъсири натижасида халқимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари оёқ ости қилинди, ижтимоий адолат мезони бузилди. Жумҳуриятимиз марказнинг мустамлакасига айланиб халқимиз ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқидан, виждон ва фикр эркинликларидан маҳрум бўлди. Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Миллий мафкурамизнинг мазмун-моҳияти уфқлари, унинг асосий тамойиллари Президентимизнинг асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Юртбошимиз И.Каримов ўзининг «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин», «Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», «Тарихий хотирасиз-келажак йўқ» ва бошқа асарларида миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясини «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт деб эълон қилди, мафкурамизнинг назарий, методологик асосларини белгилаб берди. Мафкура-«ўтмиш ва келажақ ўртасидаги кўприқдир», «мафкура-миллатни бирлаштирувчи байроқдир», «мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади», «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир», «ғояга қарши-ғоя, фикрга қарши-фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», «мафкура сувда чўкмайдиган, ўтда ёнмайдиган халқ эътиқодидир», деб таъриф берган.

Ислом Каримов жамият мафкурасини қандай тушунасиз, деган саволга қуйидагича жавоб берди: **«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, аynи вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприқ бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».** [2]

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги мустақил Ўзбекистон-ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган инсонпарварлик қоидаларини тан олган, кучли демократик, адолатли жамиятни барпо этишга қаратилган давлат. У инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаб берадиган, халқимизнинг бой тарихи, урф-одати, анъаналарини қадрлайдиган, барқарор бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга ҳаракат қилаётган ҳар томонлама фаол ички ва ташқи сиёсатини амалга оширадиган, аҳоли турмушини яхшилашни олий мақсад қилиб қўйган, келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатдир.

«Содда қилиб айтганда-дейди И.А.Каримов,- жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим».[3]

Мустақил Республикамизнинг миллий истиқлол мафкураси жумҳуриятимиз ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларни ифодалайди. Миллий мафкурамизнинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсадларидан бири ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этишдан иборат.

Республикамиз мустақиллигини таъминлашда бошқа республикалар билан иқтисодий алоқалар, давлатлараро муносабатларни тенг ҳамкорликка асосланиб тиклаш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа республикалар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовордир.

Миллий мафкурамизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари, унинг жамият ва инсоният олдидаги бурчи ва масъулияти мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Муайян бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятнинг қонун-қоидалари, тартиблари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган, қонунларга амал қилиш, унинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ва бошқалар шахснинг бурчи ва масъулиятдан иборатдир.

Ҳозирги даврда маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлол сари ишонч билан боришнинг оқилона йўлларида ҳисобланади. Етук маданият, маънавият соҳиби бўлган миллатгина истиқлол мафкурасини эгаллаб, қўлни-қўлга бериб, бирлик, аҳиллик, ҳамкорлик асосида келажакка томон бора олади.

Мустақилликнинг ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ана шу йўлдан дадил, изчил ва оғишмай бориш учун унинг иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларини айна бир вақтда, бир-биридан ажратмаган, улардан биронтасини ҳам олдинма-кетин қўймаган ҳолда ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Маънавият мусатқилликнинг зарур шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Маънавиятнинг умрбоқийлиги, унинг инсон, халқ ва миллатнинг жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрат манбаи эканлиги барчага аён. Маънавият бўлмаган жойда бахт-саодат ҳам, имон-эътиқод ҳам, Ватан ва эрк тўйғуси ҳам, элда диёнат адолат ҳам бўлмайди.

Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқлол, мустақиллик учун курашда ўзида куч-қудрат топади. Маънавияти ривожланган халқ ва миллат ўзини ўзи қадрлайди, қаддини тик тутди ўтмиш билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди.

Маънавият халқларни ўзаро ажратмайди, балки бирлаштиради аҳилликни кучайтиради, дўстлик, қардошлик, ҳамжиҳатлика даъват этади. «Маънавият турли халқлар мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам поёнига етиб ҳам бўлмайди. У-инсон учун бутун бир олам».

Миллий онг-миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданиятнинг чўққисидир. Миллий онг миллий маданиятнинг миллат манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларининг инсон онгидаги ифодасидир. Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши амримаҳолдир.

Истиқлолимиз мафкураси халқимизнинг миллий ғурурига ҳам асосланади. Миллий ғурур ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, жумҳуриятимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, ундан фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилиш, бошқа халқлар ва миллатларнинг ҳам миллий қадр-қиммати, удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини адолатли равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган фазилатдир. Миллий ғурур кишиларни ўз кучи, қобилияти ва истеъдодини миллий манфаатлар йўлида сарфлашга чорлайди.

Мустақиллик мафкураси етук миллий онг, миллий бирдамлик туйғуси заминиди шакллланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади.

Ватанни жони-тани, бутун борлиғи билан севиш, Ватани билан, Ватан фарзанди бўлганлиги билан чексиз фахрланиш, Ватан учун, халқ учун керак бўлса жонини фидо қилишга шай туриш-буюк инсоний фазилатдир.

Мафкура-бу инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида турлича мақсад-манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски ва янги мафкуранинг, бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталарнинг пинҳона ва ошкора ўзаро курашлари, тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Мафкуравий курашлар ва тортишувлардан кўзда тутилган «асосий мақсад-инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир».

Мафкура фуқароларнинг, ёшлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг ҳуллас, кенг жамоатчиликнинг кундалик амалий фаолиятида ўз ифодасини топа олса, жамият ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, оммани уюштиради, бирлаштиради, амалий фаолиятга даъват этади.

Андижон воқеалари бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон душманлари халқимизни чалғитмоқчи бўлиб, ўз ниятларини амалга оширмоқчи эдилар. Аммо фуқароларимизнинг бу воқеаларга тўғри ёндошганликлари миллий ғоя, миллий туйғу, Ватанпарварлик ҳиссиёти нақадар юксак эканлигини исботлади.

Миллий мафкура ўз-ўзидан ҳаётга татбиқ этилмайди. Бу-анча мураккаб, масъулиятли жараёндир. Шошмашошарлик қилиш, ўйламасдан иш тутиш, ўзибўларчилик асосида ҳаракат қилиш, юксак масъулиятни унутиб қўйиш миллий мафкурамизни турмушга жорий этиш масаласига катта зиён етказиши ҳеч гап эмас. Бундан жуда эҳтиёж бўлиш лозим.

Миллий мафкурамизни ҳаётга тез ва кенг ёйиш учун, даставвал унинг моҳиятини чуқур ўрганиш, мақсадлари, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятларини билиб, ўзлаштириб олиш, халқ ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш лозим. Бунинг учун мавжуд кучлар ва имкониятларни тўла сафарбар этиш, турли восита ва шакллардан фойдаланиш талаб этилади.

Миллий мафкурамизни тарғиб қилиш, омма онгига сингдиришда халқимизнинг зукко фарзандлари-шоиру ёзувчилар, олиму санъаткорлар, зиёлилар зиммасига жуда катта масъулият юклатилади. Аҳли донишларнинг ҳар бир каломи, таъсирчан, сермаъно асари инсон онгининг ғоят нозик соҳаларига, жумҳуриятимиз мустақиллигининг долзарб масалаларига дахлдор бўлиб, одамларнинг қалби ва онгига, ҳис-туйғуларига таъсир етиб, ҳаётимиздаги камчиликлар, нуқсонларни бартараф этишга янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий ҳамда эстетик қарашларини шакллантиришга кўмаклашади.

Миллий мафкурамиз ғояларини омма онгига сингдириш ва амалга оширишнинг энг муҳим ва зарур шартларидан яна бири-халқимиз тарихини чуқур ва мукаммал, ўрганиш ва унинг учун зарур бўлган барча имконият ва шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Миллий мафкурамизнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс этирибгина қолмай, сиёсий бошқарув тизимининг фаолиятини ҳам ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам миллий мафкурамизни ҳаётга татбиқ этишда сиёсий билимларни омма ўртасида кенг ёйиш, катта аҳамиятга эга. Сиёсий билимлар қанчалик мукаммал бўлса, халқнинг онги шунча ўсади, фаолияти ошади. Сиёсий маданияти, миллий онги, ватанпарварлик туйғуси ўсган, ўзини ўзи англаб етган халқ ва миллат ўзининг истиқболи билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳеч қачон бефарқ қарамайди.

ШАҲРИСАБЗНИНГ ИККИ БУЮК НЕВАРАСИ

Тарихий маълумотнома

Шаҳрисабз-Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидандир. Дастлабки Кеш деб аталган Юнон тарихчиларидан Геродот, Ктезий ва бошқалар маълумотига қараганда Кеш милoddан аввал V -асрлардан мавжуд. Милoddан аввал Александр Македонский, кейинчалик 710 йили-араблар, 1220 йили муғуллар босиб олган. Кеш XIII-асрдан бошлаб «Шаҳрисабз» («Кўк шаҳар») деб ҳам атала бошлаган. XVI-асрдан ягона ном «Шаҳрисабз» номи билан аталган. Шаҳрисабз XIV-XVI асрларда Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидан бўлган. Амир Темур Шаҳрисабздан унча узоқ бўлмаган Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабзга катта эътибор берган, у ерда Оқсарой қасрини қурдирган. Темур 1370 йили Самарқандга кўчиб ўтгунча қадар қўли остидаги ҳудудларни Шаҳрисабздан туриб бошқарган... Шаҳар, айниқса Амир Темур даврида ривож топди. У Хоразмга қилган юришларида асир олган кўп бинокорларни Шаҳрисабзга олиб келиб, Оқсаройни қурдирган. Шаҳарнинг ғарбий-жанубий қисмида Жаҳонгир Мақбараси қурилди. Бу ерда Амир Темурнинг тўсатдан вафот этган ўғли Жаҳонгир дафн этилган. Унинг қурилиши билан йирик меъмориал комплекс вужудга келди: Дор ус-Сиёсат, Дор ут-Тиловат, Гумбази Сайидон, мачит, мадраса, ҳаммом, карвонсарой каби иншоотлар барпо этилди... қози

гузар масжиди, Хўжа Илим кон хонақоси, Шамсиддин Кулол мақбараси ва бошқа архитектура обидалари сақланган... Собиқ Совет даврида ҳам Шаҳрисабз анча ривожланган: Ўнлаб ўрта мактаблар, турар жой уйлари, касалхоналар, боғча ва яслилар қурилди янги-янги микрорайонлар барпо этилди. Кутубхоналар, кинотеатрлар, маданият уйлари, тўғруқхоналар, болалар ва аёллар консултациялари, поликлиника, аптекалар, санитария-эпидемиология станцияси қурилди. II-жаҳон урушида ҳалок бўлган Шаҳрисабзликлар хотирасига шаҳар марказида ёдгорлик меъмориал комплекси ўрнатилган.

Шаҳрисабз Ўзбекистон истиқлоли йилларида ҳам мисли қўрилмаган даражада ўзгариб бормоқда бир неча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб янги-янги хиёбонлар барпо этилиб, шаҳарнинг ҳуснига «дилкушо ҳусн» қўшиб бормоқда.

Шаҳрисабз оламга икки буюк невараси билан машҳурдир. Улар Ҳиндустонда туғилиб, жаҳон маънавий-маданияти тарихида ўзларига муносиб ўринни эгаллаб олганлар.

2. Шарқ мумтоз шаъриятининг ёрқин юлдузи Амир Хусрав Деҳлавийдир.

Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йил Уттар-Прадеш штатининг Итова округида таваллуд топган, 1325 йили Деҳлида вафот этган.

Хусрав Деҳлавийнинг отаси Сайфиддин Маҳмуд Шаҳрисабзлик бўлиб, муғуллар истилоси вақтида Ҳиндустонга кўчган. Деҳли Султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) ўз давлатини мустаҳкамлаш учун жанговар руҳдаги туркий элатлар вакиллариини ўз давлатига таклиф этиб, уларга катта имтиёзлар берган. «Тарихчиларнинг ёзилишича. Деҳли султонлиги саркардаларининг катта қисми Марказий Осиё халқлари вакилларидан бўлган. Амир Сайфиддин ҳам юксак ҳарбий рутба билан сарой аъёнлари қаторига қўшилади. Бу ерда обрўли оилалардан бирининг Давлатноз исмли қизига уйланади. Уларнинг илк фарзанди Яминиддин Хусрав эди» («Халқ сўзи» 23. 10. 2003 й).

Сайфиддин Маҳмуд муғулларга қарши Ҳиндистондаги жангларнинг бирида ҳалок бўлгач, ёш Хусравни она томон бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олган ва 8 ёшлигида тасаввуфчи Шайх Низомиддин Авлиёга мурид тушган. Шайх уни шоирликка йўллаган, янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантирган. Шоир кейинчалик бу устозига «Афзал ул-фавоид» («фойдали сўзларнинг афзаллиги») ва «Роҳат ул-муҳиббин» («Дўстликнинг роҳати») асарларини бағишлаб ёзган.

Хусрав Деҳлавий йигирма ёшларида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олади. Саройга ишга таклиф этилади ва қарийб 30 йил амирлик рутбасида хизмат қилади.

Хусрав Деҳлавийнинг «тасаввуф ва шеърият борасидаги изланишлари мутолаалари беиз кетмади. У ўз даврининг машҳур форсийзабон шоирларидан бирига айланди. Унинг довуғи Эрон ва Туронга ҳам ёйилди. Шайх Озарийнинг «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар дурдонаси») китобида

айтилишича, Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан кўришиш ва суҳбатлашиш мақсадида. Форсдан Ҳиндустонга келган экан. Ўз навбатида Амир Хусрав ҳам Саъдий Шерозийни юксак даражада ҳурмат қилган» (ўша ерда).

Хусрав Деҳлавийнинг лирик шеърляти бешта девонга жамланган: «Тўхфат ус-сиғар» («Ёшлик тўхфаси»), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртасида»), «Боқият ун-ноқия» («сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («камолат чўққиси»).

Хусрав Деҳлавий машҳур Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Хамса»-сига жавобан Хамса яратган. Улар қуйидаги дostonлардан иборат: «Матлаъ ул-Анвор» («Ёритгичларнинг чиқиши»), «Мажнун ва Лайли», «Хусрав ва Ширин», «Оинаи Искандарий» (Искандар кўзгуси), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат»).

Булардан ташқари шоир «қирон ас-саъдайн» («Икки саодатли юлдузнинг туташishi»), «Дувалроний ва Хизрхон», «Нух сипеҳр» («Тўққиз қават осмон»), «Маноқибӣ Ҳинд ва Тарихи Деҳли» каби асарлар ва кўп қасидалар ёзган.

Хусрав Деҳлавий ижодий мероси, кейинги асрларда ҳам кўплаб шоирлар учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Ҳофиз Шерозий унга назиралар ёзди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзмалар жамғармасида Деҳлавийнинг «Панж ганж» мажмуасига кирган дostonларининг Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган нусхаси мавжуд. Жомий ва Навоий ҳам ўзларининг бир қанча асарларини Деҳлавий дostonлари, қасидаларига жавоб тарзида ёзганлар». (ўша ерда).

Ж. Неру «Ҳиндистоннинг кашф этиши» китобида «Илк мусулмонлар томонидан Ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзилган. Бу хилдаги ёзувчилар орасида энг машҳури, 14 асрда, бир неча афғон султонларининг идора қилган даврларида яшаган турк Амир Хусравдир», -деб ёзади.

Хусрав Деҳлавий ижоди бўйича шарқшунослар Е.Э.Бертельс, А.А.Стариков, Ғ.Ю.Алиев, Ш.Шомухаммедов, Б.Муртазоев ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар

Ғазал мулканиннг султониАлишер Навоий -----

Хусрат Деҳлавийни «Ҳинд сеҳргари» деб таърифлаб, унинг ва Ҳожа Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларига Назира ёзган. қуйида ана шу Назирани таржимасини ўқийсиз.

Алишер Навоий

БИР МАРТА УЛ ЖОНОНИ

(Амир Хусрав ва Ҳожа Ҳофиз ғазалларига назира)

Кай тасаввур айларам мен жозиба шоҳонани,
Ҳар қачон ким истарам, дарвешлику майхонани.

Нуқлу май эрса агар фархунда айш парвози чун.
Битта оҳу мақсадила қуймишам сув, донани.

Майпарастлар хотириға майфуруш тинмай олур,

Тос ичидан жомнию хум ичра ҳам паймонани,
Маст қилур майхона тупроғин ҳиди, эй пири дайр,
Бода бирла лой қориб қургай ки ҳам кошонани,
Воизо, дилдан ўқиш ғафлатда қолдирмоқ экан,
Уйладинг уйқу учун ёшларга бу афсонани.

Банд бўлур дўстлар мудом, фикру хаёл аҳбоб учун,
Бу кўнгил сиғдирмагай бир дам рақиб, бегонани.

Ечмайин бир марта ҳам занжири ишқ, чархи фалак,
Бузди бераҳм ҳар томондан кулбайи вайронани.

Этса Фоний жон фидойинг, етказолсанг менга сен,
Жон берар пайти агар, бир марта ул жононани.

Юсуф Вализода Дарбандий таржимаси

ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин-
Яхшидир егандан биров оқ нонин

Иш вақти бўлмагил ғофил, паришон.
Охири меваси бўлур пушаймон.

Машаққатсиз қўлга кирмас ҳеч истак,
Имиллаган мисоли бекордир.

Тани гулдек нозик ўша танбалдан,
Дағал ҳаммол яхшироқ минг бордир.

Масал бор ҳунар бўлса эню, бўйи,
Ҳунарманд боши ҳеч тушмагай қуйи.

Кимки билимсизлик зиндонида гум,
Гадодир тиллоси бўлса ҳам юз хум.

Гарчи урса бошини юз ҳийлага,
Олими бекор етмас мевага.

Одамнинг шарафи илмининг мўли,
Кимки доно бўлса, мен шунинг қули.

Мард ҳамма вақт иш бошида бордир,
Номард киши хижолату хордир.

Мева берса дарахт битта бутоғдан,
Шу дарахт яхши минг мевасиз боғдан.

Тоҷикчадан Шаислом Шомухамедов таржимаси.

2. МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йили Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида туғилган. Ота-бобоси Шаҳрисабз ўзбекларидан. Бир ёшида отадан етим қолган Бедил онаси тарбиясида вояга етади ва беш ярим ёшида мактабга берилади. Бедил 10 ёшидаёқ араб, форс тили ва адабиёти, умумшарқ адабиётини чуқур ўрганади. Амакиси Мирзо қаландар, тоғаси Мирзо Зарифларнинг ёрдами туфайли суфизм-тасаввуф фалсафасини чуқур ўрганди, Хинд ва урду тилларини, Аристотель фалсафасини кенг мушоҳода этди. Шайх Камол ва Мирзо Абдулқосим каби олимлардан таълим олди.

Бедил Мураккаб социал-иқтисодий тарихий шароитда ҳаёт кечирди ва ижод қилди. Бу даврда Ҳиндистон ва Марказий Осиё ички қарама-қаршиликлари кескинлашган эди. Ҳиндистонда Шох Жаҳон (1628-58) ва Аврангзеб (1658-1707) подшоҳлик қилди. 1707-20 йиллар давомида Бобурийлар империяси тахтида 15-тадан ортиқ ҳоким ўзгарди. ғарбий Европа давлатлари Ҳиндистон территориясини ўз мустамлакаларига айлантира бошладилар.

Бедил ўзи яшаган даврга, муҳитга бефарқ қарамади. Улуғ мутафаккир Бедил Ҳиндлар ва Мусулмонларни бирлаштириш учун курашди. У одамларнинг ҳаммаси ҳам инсон эканлигини, аммо уларнинг орасида золимлар борлигини қайд қилиб, салбий хусусиятларини танқид қилади. Инсон зеҳнининг ўткирлигига, ҳақиқатни енгилмаслигига қаттиқ ишонган шоир ширин ҳаёл, яхши ният, эзгу, орзу-ҳавас қилган, ватанини обод, халқини тинч-осойишта, фароғатда, шод-хуррамликда, ҳамжиҳатликда кўришни истаган. Аммо бу фикрлар ўша даврда сароб эканлигини тушуниб етмаган. Кейинчалик Деҳлига кўчиб, ўз адабий мактабини ташкил қилди. Мусулмон шарқ адабиёти ва фалсафасига доир асарлар ёзди. 130 минг мисра шеърӣ, 50 босма табоқ насрий асар ёзган. «Куллиёт»-и 1882 йилда Бомбайда нашр этилган: «Таркибот ва Таржеъот»-тасаввуф тўғрисидаги шеърӣ асаридир. «Тилисми ҳаёт» асарида инсоннинг жисмоний вужуди ва руҳияти ҳақида сўз боради. «Муҳити аъзам» асарида май, жом, най, танбур ва бошқа мусиқий асбоблар таърифига фикр-мулоҳазалари ифода этилган. Бедилнинг «Чор унсур» («Тўрт унсур») асарида об, ҳаво, ер ва олов тўғрисида сўзлайди ва одам, табиат ва ҳайвонотнинг пайдо бўлиши ҳақида ўз қарашларини баён этади. «Ирфон» асарида адабиёт, фалсафа ва социология ҳақида сўз боради. Бедилнинг фалсафӣ қарашлари, ижтимоӣ ҳаётга муносабати, унинг ирфон китобига кирган «Комде ва Мудан» достонида ҳам мужассамлашган. Комде-уста раққоса, Мудан-бошқа юртнинг моҳир мусиқчиси. Мудан Комделар

юртига келиб, подшолар базмида мусиқа чалади, кўшиқ айтади, Комде рақсга тушади. Икки санъаткор оқибатда бир-бирига меҳр кўйишади. Шоҳ ўз бўйнидаги маржонни Муданга тўхфа қилади. Мудан эса уни Комде оёғига ташлайди. Бундан ғазабланган шоҳ Муданни калтаклаб, юртдан ҳайдашни буюради. Аммо Мудан Комде учун ўлимга ҳам рози бўлади. Ўрмонларда хушсиз бўлиб ётиб қолади. Бошқа юрт шоҳи ов қилиб, Муданни топиб олади ва Комдега мактуб ёзиб, ошиқларни қовуштиришни сўрайди. Рад жавобини олгач унга уруш эълон қилади ва ғалаба қозониб, мақсадига етади. Муҳаббат тантана қилади. Асар Шарқда кўп тарқалган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари каби ғожиа билан эмас, севишганларни қовуши билан тугайди. Бу асари билан Бедил шеъриятнинг юқори чўққисига кўтарилди. Бедилнинг «Нуқот» («ҳикматли сўзлар») асарида унинг фалсафий ақидалари қисқа жумлаларда ифодаланган. Бедил инсоннинг кадр-қиммати ва афзаллиги унинг меҳнатида деб билади. Файласуф шоир сув набототга қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шу даража зарурлигини айтади.

Марказий Осиёнинг Ҳиндустон билан қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаси Бедил ғояларининг Марказий Осиёда кенг тарқалишига сабаб бўлди. Унга «Абулмаоний» («маънолар отаси») деган фахрли лақаб берилди. Бедил асарларини ўқув берувчилар-«Бедилхонлар» пайдо бўлди. Бедилнинг гуманистик ғояларини тарғиб этувчилар гуруҳлари юзага келди. Бу гуруҳ бошида ўзбек, тожик адабиётининг машҳур намояндалари Муқимий, Хислат, Аваз, Савдо (Бепул), Асирий ва бошқалар турган.

Бедил ҳаёти ва фаолияти, фалсафий қарашларини тадқиқ этган буюк олим, донишмандлар ниҳоятда кўп. Булар қаторига Е.Э.Бертильс, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Холида Айний, Субҳон Амиркулов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мирза Абдулқодир Бедил ҳикматларидан.

Инсон агар жаҳд қилгудек бўлса бирам,
Ерга олиб тушгай баланд осмонни ҳам.

Дунё мевасин ширинкори сен,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдори сен.
Қай тарафгаким учди ҳаёлинг,
Сен этсанг парвоз, етар мажолинг,
Дил ҳимматингдан ҳаёт гулистон
Қўл қудратингдан ҳамма ёқ бўстон.

Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди,
Ҳаёти асрлар сўнмади, балқди.

Аввал ғиштин қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур,
Англашилмас мисра, чун бир сўз агар мавҳум эрур.

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

Адоват этакка туташмасин, боқ,
Жаҳонга ўт қўяр мисоли чақмоқ.

Уял, эй кеккайган ғурур-лофингдан,
Шўъла чиқмай, сомон сасир гапингдан.

Тоҷикчадан Шоислом Шомухамедов таржимаси

Ю.Ю.Валиқулов- ТерДУ доценти
Ш.Давлатова - ўқитувчи.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ

(Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида)

Халқ жасорати ҳақида сўзлар эканмиз, ўзбекистонликларнинг бу борадаги саъйи-ҳаракатлари алоҳида эътиборга моликдир.

Германия фашизми устидан қозонилган ғалаба йўлида Ўзбекистон халқлари муносиб ҳисса қўшганлар, жон бериб, жон олганлар. Биз яна бир маротаба ўша мудҳиш дамлар ҳақида гапирар эканмиз, ота-боболаримиз, оналаримиз, ака-ука, опа-сингилларимиз қаҳрамонлик жасоратлари олдида, яна катта ҳурмат ва эҳтиром билан бош эгамиз, таъзим қиламиз.

Мана шу масалага президент И.А.Каримов доимо алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. 5 май 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юртбошимизнинг сўзлаган нутқида диққатларингизни қаратмоқчимиз: «Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур»... (Асарлар Т. 3., 80 б).

«Бу хусусда, назаримда, - дейди И.Каримов, - ушбу рақамлар энг ёрқин далил бўла олади».

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 млн 433230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун мамлакатимиз аҳолиси 24 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо биродарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўзга ташланади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Уларда 263 005 киши ҳалок бўлган, 132 670 киши бедарак йўқолган 604 52 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. қариндош уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

“...Мамлакат ичкарасида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларини, кексаю ёшларимиз, опа-сингилларимиз киш қаҳратонида дирдираб, саратон оловида ёниб, ўзи

емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-укубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?”

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан - қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда дoston бўлди.

Тарих методологияси урушларни иккига бўлади: адолатли ва адолатсиз. Ана шу нуқтаи назардан иккинчи жаҳон уруши фашистик Германия томонидан адолатсиз, босқинчилик уруши бўлса, Собик СССР томонидан адолатли, озодлик ва истиқлолият учун олиб борилган уруш эди.

Шунинг учун ҳам урушнинг биринчи кунларидан бошлаб барча шаҳарларда, районларда, қасаба, қишлоқ, овулларда, завод-фабрика, маҳаллаларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда митинглар, мажлислар ўтказилиб, уларда Ватан учун чуқур изтиробга тушиб, минглаб аризалар берилди, фронтга бориш истаги билдирилди.

Фронт орқасида, меҳнат fronti очилди. Ёшу қари, колхоз аъзолари, совхоз ишчилари, миллион-миллион меҳнаткашлар 2-3 сменада ишлаб ўз улушларини ғалаба учун фронтга қўшдилар.

Ангрен шахтёрлари, Фарғона фабрика ишчилари, Тошкент трактор заводи ходимлари, Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи аъзолари “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун” шиори остида иш олиб бордилар. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида хотин-қизлар, ўсмирлар ва болалар ишлайдиган бўлдилар. Агар 1940 йилда ишчиларни 37,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, 1943 йилда уларнинг салмоғи 63,5 фоизга етди. 1360 та катта корхоналар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Уруш йилларида Республикамизда оғир саноат салмоғи 4 баравар ошди, машинасозлик маҳсулоти эса 11,4 бараварга кўпайди. Нефт ишлаб чиқариш Ўзбекистонда 4 маротаба, кўмир эса 30 баробарга купайди. Чкалов номли авиакорхона, Ростсельмаш, Краснўй Аксай, электрокабель, Подъёмник заводлари қайта тикланди.

Уруш йилларида Республика қишлоқ хўжалиги Ватанга 4 млн 806 тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1млн 282 минг тонна дон маҳсулотлари, 482 минг тонна картошка, сабзавот, 57,5 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун етказиб берди.

Ўзбекистон зиёлилари ҳам Ватан мудофааси учун жон бериб, жон олдилар. Юзлаб ёзувчилар, шоиру олимлар олдинги сафларда жанг қилдилар. Фронт орқасида эса бутун халқимизни сафарбар қилишда жонбозлик қилдилар. Ўзбекистон халқи номидан ўзбек жангчиларига “Нишондор Ўзбекистоннинг севимли ўғиллари», - деб мурожаат қилиб: «Сенинг азиз биродаринг бўлмиш рус, украин, белорус, яҳудий уйларига немис фашистлари кириб келди. Улар ўлим, очлик ва дор олиб келдилар. Руслар, украинлар, белорусларнинг уйлари - сенинг ҳам уйингдир. СССР - бир

эшикли қалъадир. Сен учун: «/алаба ё ўлим-бошқача бўлиши мумкин эмас» деб ёзган хатлари ҳозир ҳам инсон баданини ларзага келтиради.

Бундан ташқари Ўзбекистон А.Толостой, Н.Погодин, Я.Колас, С.В.Герасимов, композитор-Штейнберг М.О., В.Беляев, кинематографлар - М.И.Ромм, Протазанов А.Я ва бошқа минглаб рус зиёлиларига Ватан бўлди.

Меҳр-шафқат билан Ўзбекистон рус, украин, белорус, яҳудий ва бошқалар учун бошпана бўлди: сағир қолган 200 мингдан ортиқ болаларни ўз бағрига олган жасоратини ҳали-ҳали олам билмайди. Шоаҳмад Шомаҳмудов, оиласи Баҳри ая Акрамова 14 та турли миллатга мансуб болаларни ўз бағрига олгани қаҳрамонлик эмасми?

Ўша кезларда халқ шоири /афур /улом қуйидаги дардли сўзларини ёзган эди:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
қуёшдай меҳрибон,
Ватанинг-онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфик,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор-отанг бор.

Мана, сизга энг юқори инсоний маънавиятнинг ёрқин намунаси - айтинглар, бунақаси ҳали дунёда бўлганми?

Москва остоналарида, Ленинградда, Волга бўйида, Курск, Орёл, Белгородда, Украина, Белоруссия, Прибалтикада ўзбек дивизиялари: 258-Гвардия, 389, 213, 162-ўқчи дивизиялари, 21, 44, 83-кавалерия дивизиялари, 90,94-ўқчи Туркистон бригадалари ёнма-ён жанг қилдилар. 120 минг ўғлонларимиз СССР орден-медаллари билан мукофотланган, 280 кишига, шу жумладан 77 ўзбек йигитларига Совет Иттифоқи қаҳрамони берилган: Маматали Топиболдиев, Собир Раҳимов, Вали Набиев, қудрат Суюнов, Ўринбой Абдуллаев ва яна ўнлаб қаҳрамонлар шулар жумласидандир.

Ўзбек генерали Файзулла Норхўжаевга яна “Жанг майдонида жасорати учун Крест” Польша қаҳрамони ордени берилган.

Сурхон воҳаси ҳам фронтга катта улуш қўшди: 14 млн сўм пул, 300 тонна гўшт, 550 тонна дон, 50 тонна ёғ-мой, 180 тонна қуруқ мева, 35 минг комплект иссиқ кийимлар ва ҳоказо, ҳоказолар.

Бирорта хонадон йўқки, 3-4 талаб фарзандини фронтга бермаган бўлса. Сурхондарё обкоми секретари И.Исаков, облисполком раиси -

М.Исомухаммедов, Денов район партия котиби - И.Ахмедов, область комсомол кўмитаси котиби Красавин ва бошқалар ҳам фронтга сафарбар қилинган эдилар.

Любимов А.И., Чернишёв С.И., Мурашкин М.Ф., Броценко С.Ф., Шамкаев А.Б., Колодий И.М. "Совет Иттифоқи каҳрамони" унвонига ва 3.773 киши Ҳукумат орден, медаллари билан мукофотланган.

Яна юртбошимиз сўзларига аҳамият берайлик:

-Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан "доҳий" ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг ҳаққонийликка, ҳақиқатга ишончини ҳеч қачон сўндира олган эмас.

Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари - Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих-бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта ҳазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».

Ўша дамлардан, яъни иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ўз истиқлолига эришиб, янги ҳукуқий демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан бормоқда, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётганлиги барча жаҳон халқларига маълумдир.

Президентимиз халқаро масалаларга оид Ўзбекистон позициясини баралла эълон қилиб, халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамламоқда. Биз Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган

тинчлик ҳамда осойишталик борасидаги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб қувватлаймиз!

Ю.Ю.Валиқулов

Фалсафа фанлар номзоди, доцент, ТУРСУНОВ МУҲИДДИН БОЛТАЕВИЧ нинг чоп эттирган
рисолалари:

Р Ў Й Х А Т И.

1. «Оила-жамиятнинг кўзгуси». Оилавий муносабатлар ва ўзгаришлар тўғрисида. Термиз, 1990, 29-б. 1,5 б.т.
2. «Оилавий тарбия муаммолари». оилавий тарбия жараёни ва ундаги муаммолар тўғрисида. Термиз, 1992, 25-б. 1 б.т.
3. «Оила ва тарбиявий жараёнининг айрим масалалари». Термиз 1997, 18-б, 1 б.т.л
4. «Ўзбек оилаларининг ижтимоий-психолок асоолари». Термиз 1998 йил, 2 б.т.
5. «И.Каримов асарларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий масалаларининг талқини» Тошкент, 2000 йил. 1,5 б.т.
6. «И.Каримов асарларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва мафкуравий масалаларнинг талқини» Тошкент, 2002, 3,5 б.т.

Илмий-услубий қўлланмалар:

1. «Сиёсатшунослик» фанидан семинар машғулотлари режалари. Термиз. 1993 йил 16.т.
2. «Сиёсатшунослик» фанидан сиртки бўлимлар учун ёзма ишлар тематикаси. Термиз 1994 йил 1,5 б.т.
3. «Сиёсатшунослик» фанидан кундузги бўлимлар учун семинар машғулотлари тематикаси. Термиз, 1995 йил 1 б.т.
4. «Политология» фанидан тест-жавоблари. Термиз, 1996 й. 1 б.т.
5. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан дастур ва амалий машғулотлар тематикаси. Термиз, 1999 йил 2 б.т.
6. «Социология» фани ўрганилишида социологик тадқиқотларнинг ўрни. Термиз, 2007 йил. 1 б.т.
7. «Социологик илмнинг» ривожланишида П.А.Сорокиннинг ўрни. Термиз, 2008 йил 0,2 б.т.
8. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси амалиёти» фанидан саволларга жавоблар. Термиз. 2008 йил 1 б.т.

2006-2009 йиллари журналларда чоп этилган илмий мақоллари:

1. «Ёш оилалар ҳаётидаги айрим муаммолар» Термиз университети «Жайхун» журналы, 2006 йил, № 1. 0,5 б.т.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг раҳбар кадрлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари. Термиз давлат университети» «Жайхун» журнари. 2006 йил 4-сон, 0,2 б.т.

3. «Ўзбек халқи этнопсихологиясининг айрим муаммолари» Термиз давлат университети «Жайхун» журнари, 2006 йил 3-4-сон 0,5 б.т.

4. «Оила-жамият таянчи» Тошкент, 2007 йил, «Жамият ва бошқарув» журнари, 1-сон, 0,2 б.т.

5. «Демократик тараққиёт ва психологик хавфсизлик» Тошкент 2008 йил, «Жамият ва бошқарув» журнари, 3-сон, 0,2 б.т.

Термиз Давлат Университети «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг мудир, фалсафа фанлари номзоди, доцент, ТУРСУНОВ МУҲИДДИН БОЛТАЕВИЧ
нинг чоп қилинган илмий, илмий-методик ишлари, рисолалари ва илмий-оммабоп мақолалари
Р Ў Й Х А Т И.

1. «Маданий мерос ва инсон». ТДПИ проф-ўқит. XXII илмий-назарий конференция материаллари. Термиз, 1988, 53-55-б. 0,2 б.т.

2. «Социалистик жамиятда ёш оилалар муаммолари». ТДПИ проф-ўқит. илмий-назарий конференция материаллари. Термиз, 1989, 36-40-б. 0,5 б.т.

3. «Социалистик оиланинг моддий-маиший муаммолари». ТДПИ проф-ўқит. XXIV илмий-назарий конференция материаллари. Термиз, 1990, 62-б. 0,1 б.т.

4. «Оила-жамиятнинг кўзгуси». Оилавий муносабатлар ва ўзгаришлар тўғрисида. Рисола Термиз, 1990, 29-б. 1,5 б.т. Б.Раҳмонов (ҳаммуаллиф).

5. «Оилавий тарбия муаммолари». оилавий тарбия жараёни ва ундаги муаммолар тўғрисида. Рисола Термиз, 1992, 25-б. 1 б.т.

6. «Оилавий муносабатнинг психологик асослари». Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида социал-гуманитар фанларни ўқитиш муаммолари. Илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, 1993, 184-185-бет. (Ю.Валиқулов билан ҳаммуаллифликда).

7. «Ёш оилалар турмуш тарзи ва уни янада яхшилаш» Мустақиллик. Дунёқараш. Ижтимоий фанлар. Илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, 1993, 142-143-бет. 0,1 б.т.

8. «Сиёсатшунослик фанидан семинар маш'улоти режалари» Талабалар учун амалий маш'улотлар режалари. Термиз, 1993, 12-б. 1,0 б.т.

9. «Ёш оилалар ҳаётидаги айрим муаммолар» Термиз ДУ проф-ўқитувчилар университет 40-йиллигига бағишланган XXVI илмий-назарий конф. тингланадиган маърузалар баёни. Термиз, 1994, 105-б. 0,1 б.т.

10. «Ёшлар ва мафқуравий тарбия». Республика илмий-назарий анжумани тезислари. Самарқанд, 1995, 90-91-б. 0,1 б.т.

11. «Ёш оилалардаги шахслараро муносабатлар» Термиз ДУ проф-ўқит. Буюк /алабанинг 50-йиллигига бағишланган XXVII илмий-назарий конф. тезислар. Термиз, 1995, 154-б. 0,1 б.т.

12. «Тўйлар, миллийлик ва замонавийлик» ТермДУ проф-ўқит. XXVIII илмий-назарий конф. Тезислари. Термиз, 1996, 0,2 б.т.

13. «Амир Темур сиёсий қарашларини ўрганиш аҳамияти». республика миқёсида илмий-назарий конф. Тошкент, 1996. 0,3 б.т.

14. «Оила ва тарбиявий жараёнининг айрим муаммолари». Мустақил Ўзбекистон шароитида оилавий тарбиянинг ўрни ва ундаги муаммолар тўғрисида. Рисола Термиз 1997, 18-б, 1 б.т.
15. «Истиқлол соҳиби соʻлом авлод». ТерТУ проф-ўқит. XXX илмий-назарий конф. баʼишланган илмий маърузалар тўплами. Тошкент, 1998. 0,3 б.т.
16. «Оила-жамиятнинг ишончли таянчи». «Зараутсой-98» халқаро симпозиумнинг илмий маърузалар тўплами. Тошкент, 1998. 0,3 б.т.
17. «Ўзбекистон оилаларининг ижтимоий-психологик» асослари. Ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари ҳамда оилавий масалалар билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланган. Рисола. Термиз, 1998. 2,0 б.т.
- 18 «Мустақил Ўзбекистонда соʻлом оилавий муҳит билан боʻлиқ бўлган айрим масалалар». ТерДУ проф-ўқит XXXI илмий-назарий конф. баʼишланган илмий маърузалар тўплами. Тошкент, 1999. 0,5 б.т.
19. Сиёсатшунолсик фанидан ёзма ишлар тематикаси. Сиртки бўлим талабаларига мўлжалланган ёзма ишлар тематикаси. Термиз, 1994, 15-б.1,2 б.т.
- 20.Сиёсатшунолсик фанидан семинар машʼулотларини тематикаси. Кундузги бўлим талабаларига мўлжалланган семинар машʼулотлари тематикаси. Термиз, 1995, 14-б. 1,0 б.т.
21. Тест савол-жавоблари. Политология талабаларга мўлжалланган тест савол-жавоблари мажмуаси. Термиз, 1996, 20-б. 1,0 б.т (Ж.Турсунов, М.Ибрагимова ҳаммуаллифликда).
22. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси юзасидан. Кундузги ва сиртки бўлим талабалари учун дастур ва амалий машʼулотлар ўтказиш. услубий қўлланма Термиз, 1999, 28 б. 2,0 б.т.
23. ТДУ проф-ўқит. XXX илмий-назарий конференциясига баʼишланган маърузалар тўплами. «Истиқлол соҳиби-соʻлом авлод». Тошкент, университет нашриёти, 0,3 б.т. 183-186 бетларда.
24. Халқ педагогикаси «Зараутсой-98» Халқаро симпозиумининг маърузалар тўплами. «Оила-жамиятнинг ишончли таянчи» Тошкент, «Университети», 1998, 0,2 б.т. 44-66 бетлар.
25. «Оила –муқаддас даргоҳ». «Термиз университети» газетаси 1-2 бет, 0,2 б.т. 22.01.98.
26. «Мустақил Ўзбекистонда социология фанининг ўқитилиши ва унинг аҳамияти». «Термиз университети» газетаси. 0,5 б.т. 21.02.98, 3-бет.
27. «Оилавий муаммолар ечими». «Термиз университети» газетаси, 0,2 б.т. 23.04.98. 1-бетда.
28. «Баркамол авлод-порлоқ келажак». «Сурхон тонги» газетаси, 20 май, 1998 йил, 2-бет, 0,3 б.т.
29. «Умр зарварақлари», «Сурхон тонги» газетаси. 12.05.98 й. 2-бет, 08 б.т.
30. «Фан ва маънавийт жонқуяри» «Мураббий» газетаси. Июнь 1998 й. 2-бет, 0,5 б.т.
31. «Оилавий муносабатларда миллий кадриятларнинг ўрни». Термиз университети газетаси. 25 июн 1998 й. 1-бет, 0,2 б.т.
32. «За духовное возрождение Узбекистана», «Заря Сурхана» газета, 19.09.98.г.
33. «Ўзбек оилаларининг ижтимоий-психолок асоолари». Рисола. 1998 йил, Термиз, 2 б.т.
34. «Оилада тарбиянинг педагогик-психологик хусусиятлари». «Термиз университети» газетаси. 1998 йил, 0,3 б.т.
35. «Оила ва маънавий мерос», «Сурхон тонги газетаси» 12.12.98 й. 2-бет, 0,5 б.т.
36. «Аёл ва оила», «Термиз университети» газетаси 29.01.99 й. 0,1 б.т.
37. «Наврўз муқаддас баҳор байрами», «Термиз университети» газетаси 1999 йил, 0,1 б.т.
38. «Бойсун олимлари эл-юрт назарида», «Бойсун овози» газетаси. 31.03.99 йил.

39. «Хаёт сарчашмаси», «Сурхон тонги» газетаси, 28.04.99 йил.
40. «Со\лом тарбия-жамият кўрки» Термиз университети газетаси. 3.05.2000 йил.
41. «Халоллик ва фидойилик хосияти» Тошкент 1999 й. «Мулоқот» журнали, 4-сон.30 бет 0,5 б.т.
42. «+албларимиз мусаффо бўлсин» Сурхон тонги газетаси. 3.05.2000 йил.
43. «Оилада тежамкорлик» Тошкент 1999 й. «Гулистон» журнали, 6-сон.
44. «И.Каримов асарларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий масалалар талқини» Рисола, Тошкент, 2000 йил. 1,5 б.т.
45. «Ватан остонадан бошланар» Тошкент 2001 йил. «Тафаккур» журнали, 1-сон.111 б. 0,2 б.т.
46. «Оила ва никоҳ муносабатлари» Тошкент,2002 йил «Хаёт ва қонун» журнали, 2-сон 57 б, 0,5 б.т.
47. «И.Каримов асарларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий, мафкуравий масалаларнинг талқини» Рисола. Тошкент, 2003, 4 б.т.
48. «Ишончли маскан» Термиз «Сурхон тонги» 2003, 03 б.т.
49. «Маънавият сарбони» Термиз «Сурхон тонги», 2003, 0,5 б.т. (Ҳаммуаллиф Ю.Валикулов).
50. «И.Каримов асарларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва Ҳуқуқий масалаларнинг тақини», Тошкент, 2003 йил, Тезислар тўплами, 0,2 б.т.
51. «Миллий истиқлол Ҳуқуқий ўрганишда ёшларнинг ўрни» Термиз. «Адолат тарозиси»газетаси 2004 йил 13 март, 3-бет, 0,2 б.т.
52. «Янгилаштириш байрами», «Термиз университети» газетаси, 2004 йил 20 март, 2 бет,0,5 б.т.
53. «Ўз бахтини ўзи яратар», «Термиз университети», 2004 йил 20 апрел, 0,2 б.т.
54. «Оилавий тарбияда маънавий қадриятларнинг ўрни» Тошкент, Тезислар, 2004 йил 0,1 б.т.
55. «Парламент ва сайловлар» Термиз, «ОКС-пресс» газетаси, 6.11.2004,0,3 б.т. (Ҳаммуаллиф Ю.Валикулов).
56. «Сафарбарлик» Термиз университети, 31 август 204 й. 0,1 б.т.
57. «Халқ жасорати» Тошкент, 2005 й. Мирзо Улу\бек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Республика илмий-амалий анжумани тўплами. 95-99 бетлар.
58. «Ёш оилалар ҳаётидаги айрим муаммолар» Термиз. «Жайхун» журнали, 2006 № 1, 0,5 б.т.
59. «Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг раҳбар кадрлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари»Термиз. «Жайхун» журнали, 2006, № 3-4, 0,5 б.т.
60. «Ўзбекистон маънавияти тараққиёти йўлида» «Бурч» газетаси, 2006, №9, 4-б, 0,3 б.т.
61. «Ўзбек халқи этнопсихологиясининг айрим муаммолари». Термиз. «Жайхун» журнали, 2006 йил, 3-4-сон, 23-31 б, 0,5 б.т.
62. «Социология фанини ўрганилишида социологик тадқиқотларнинг ўрни» Термиз. 2007, 1 б.т.
63. «Ўлим жазоси», «Жануб вақти», 2007 йил 31 январ 0,8 б.т.
64. «Табаррук кун» Сурхон тонги, 2007 йил. 9 май 0,1 б-т.
65. «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди». «Термиз университети», 2007 йил 8 май 0,2 б.т.
66. «Оила-жамият таянчи», Тошкент, «Жамият ва бошқарув» журнали 2007 йил, 1-сон, 87-88-бет.
67. «Улу\ ва табаррук кун» Термиз оқшоми газетаси, 2007 йил 12 май № 13 (180).
68. «Фуқаролик жамияти шаклланишида оиланинг ўрни» ТерДУ проф-ўқитувчиларнинг илмий-назарий XXXIX конференцияси материаллари. Термиз, 2007, 0,3 б.т.

69. «Социологик илмнинг ривожланишида П.А.Сорокиннинг ўрни». Услубий кўрсатма. Термиз, 2008 йил, 0,1 б.т.
70. «Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг тобора мустаҳкамланиб бориши» ТерДУ проф-ўқитувчиларнинг XXXX конференцияси материллари. Термиз, 2008 йил 0,5 б.т.
71. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанидан савол-жавоблар. Термиз, 2008 йил 2 б.т.
72. «Демократик тараққиёт ва психологик хавфсизлик» «Жамият ва бошқарув» журнали. Тошкент. 2008 йил. 3-сон 0,2 б.т.
73. «Социология-жамиятни ўрганувчи фан» Услубий кўрсатма. Термиз, 2009 йил, 1 б.т.
74. «Оила-давлат ва жамиятнинг ишончли «таянчи» Услубий кўрсатма», Термиз, 2009 йил. 1 б.т.
75. «Ёшлар тўғрисидаги қонунларнинг қисқача шарҳи». Услубий кўрсатма, Термиз, 2009 йил 2 б.т.
76. «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари тўпламлари». Услубий кўрсатма, 2009 йил, 2 б.т.

ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Давлатова Ш.Ш.
Термиз давлат университети

Ўсиб, улғайиб келаётган ёш авлодни комил инсон, баркамол шахс даражасида тарбиялашда ҳар бир оила, ҳар бир миллат вакиллари ўзларига хос бўлган миллий урф-одат, қадрият ва анъаналардан фойдаланиб келади. Ўз Ватанини севиш юртга садоқат, табиатга яқинлик, ҳалол меҳнат қилиб яшаш, меҳр-оқибат, соддалик ва тантилиқ, мардлик ва фидойиллик ҳалқимизга хос олижаноб фазилатлардан ҳисобланади. Марказий Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири туғилган макон ва она юртга эҳтиром, яъни ватанпарварликдир.

Президент И.А.Каримов: “Мустақилликни мустаҳкамлаш асосан тўртта негизга асосланади”,-деб қуйидаги фикрларни олға суради;

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намаён қилиш;
- ватанпарварлик¹

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том, Т, Ўзбекистон, 1996, 76-бет.

Ватан туйғуси инсон билан бирга ўсиб, улғаяди. Ватан-табаррук маскан, аجدодлардан авлодларга буюк меросдир. Шунинг учун ватанпарварлик тарбияси оила, боғча, мактабдан бошланиши керак. Ватанпарварлик тарбиясида ёшларда аввало ғурур туйғусини ҳис эта олиши даркор.

Ёшларда ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва ғурур туйғусини шакллантиришда аجدодлар мероси, уларнинг маънавий дурдоналарини ўрганиш, ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”². Ватани тарихини, аجدодларининг бой тарихий, маънавий меросини билган авлодда ўз ватанига, аجدодларига нисбатан меҳр туйғуси, шу заминда бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, унинг дарё-ю сойлари ва тоғу-тошларигача, оддий ва камтар, меҳнаткаш ва фидоий, мард ва паҳлавон одамларидан то энг митти жониоврларигача, ўзи туғилиб, униб-ўсган макон билан боғлиқ бўлган барча нарсаларга муҳаббати ортиб боради.

Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда аجدодлар меросидан ташқари замондошлари, айниқса тенгдошларининг бу борада амалга ошираётган ишлари, қўлга киритаётган ютуқлари, ижод намуналаридан мисол келтириш, уларнинг ижобий томонларини таҳлил қилиш, айрим ижод намуналаридан дарслар, тадбирлар, тарбиявий, маънавий соати сабоқларида фойдаланиш, тенгдошларининг ижобий томонларини ўзлаштиришга ундаш, қизиқтириш зарур. Дарс мавзуларига тўғри келса айнан ўша адабиётлардан ўқиб бериш, айтиб беришг усулларидан самарали фойдаланиш даркор.

Масалан, ёшларимизжан бири ғурур тушунчасини ўз сўзлари билан шундай ифодалайди:

“Ғурур! Бу шундай бир туйғуки, у на ўлчанади, на баҳоланади. Бу туйғуни фақат ҳис қилган кишигина қадрлай олади. Ғурур тошдан қаттиқ, тоғдан баланд, сувдан тиниқ, юлдуздан-да нурафшон, тигдан-да ўткир, бўрондан ҳам шиддатли, олмосдан ҳам қимматбаҳо, оппоқ қорлардан ҳам беғубор туйғу. Ғурур инсонни юксалишга, камол топишга, янгиликлар яратишга, кашфиётлар қилишга ундайди”.

Ёки:

Мен ўзбекман!

Тинмай оқар томирларимда

Ўзига бек бўлган эрки халқимнинг қони

Мен ўзбекман!

Муқаддас юрт, муқаддас тупроқ

Аждодлардан мерос қолган кўҳна Туроним.

² И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- том Т, Ўзбекистон, 1999, 132-бет.

Мен ўзбекман

Асрларнинг силсиласида

Ўзигини йўқотмаган ва сотмаган

Турклигини фахр билан тилга олган

Хоразмийлар, Фарғонийлар, Бухорийлар

Термизийлар, Тошкандийлар, Насафийлар

Самарқандий, Марғиноний зурриёдиман!,-дея

Ўзбеклигидан, миллий ўзлигидан, ватанидан, аجدодларидан ғурурланиш туйғусини фахр билан баён қилади.

Яна бир ёш авлод вакили ўзининг ватанига бўлган чексиз муҳаббатини шундай ифодалайди:

“Ватан! Сен менинг туғилиб ўсган қишлоғим, гуллари атри мени гўзалликка етаклаган гулбоғим, “шодон куним, гул отган, нолон куним юпатган” онам, жисмим кўним топган қошонам, тарихи асрларни енган азим чинорим, кўксимдаги ифтихоримсан.

Сенга бўлган муҳаббатим Ҳимолайдан-да пурвиқор, сенинг эртанг бўйнимга тумор, сен менинг ғурури осмоним, мозий довларидан шон-шараф билан ўтган қарвонимсан “Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин мен Ватанисиз яшолмайман”.

Улардан яна бири:

“Ватан сен менинг дунёни титратган Темурим, жаҳонга донғи кетган Бобурим, қўёш нури оламни ёритгани каби кўнгил оламимни ёритувчи нури, тоғлардан-да баланд ғуруримсан”,-дея ўз ватанига таъриф беради.

Хуллас, ёшларга Ватан жасоратли Тўмарисдан қаҳрамон Широқдан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Ал. Фарғоний, Марғиноний, Термизийлар, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Беруний, А.Навоий, З.М.Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулло Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби буюк мутафаккир, олим-у-уламо, Ўзбекистон номини жаҳонга танитган буюк бобоқалонларимиз, тарихий шахслардан қолган бебаҳо бойлик, мерос эканлигини, уни эъзозлаш, севиш, ардоқлаш, унга муносиб фарзанд бўлиш шартлигини уқтириб боришимиз лозим.

Дарҳақиқат буюк адибларимиздан бири айтганидек: “Сиз билан бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб билмоғимиз керак” лигини ёшлар онгига, қалбига жо қилишимиз даркор.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ота-оналар, устоз-мураббийлар аждодларимизнинг Она-Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббатларини, унинг йўлидаги фидойиликлари, қаҳрамонликларини намуна тариқасида сўзлаб беришлари, “Ҳадис-” лардаги “Ватанни севмоқ иймондандир”,- Фитратнинг “Ватан қиблагоҳидир, саждагоҳидир”, Президентимиз И.А.Каримовнинг “Элим деб, юртим деб, ёниб яшамок керак”, “Озод ва обод Ватан”, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, халқимизда мавжуд бўлган “Ватани борнинг бахти бор”, “Ватан-она, остонаси олтин”, “Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” каби мақолларнинг моҳиятини, З.М.Бобурнинг:

“Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзлондим”,

“Ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди”.

ёки А.Навоийнинг ҳаммага машҳур бўлган 1487 йил Хусайн Бойқаро томонидан Ҳиротдан Астрободга ҳокимлик мансаби остида сургун қилинган вақтда ёзган:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.

сингари рубойиларининг мазмунини чуқур тушунтириб боришлари зарур.

XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАСАЛА ВА МИЛЛИЙ МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

Давлатова Ш.Ш.

Термиз давлат университети

XIX аср ўрталаридан XX аср охиригача бўлган даврда Россия империяси, большевиклар партияси, кейинчалик Совет давлати ва коммунистик партия деб аталган давлат ва партиялар сиёсати Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихи тақдирида зиддиятли из қолдирди. Бу сиёсат ўз мустақиллиги, хурлиги, озодлиги, миллий ўзлиги, маданий, маънавий хусусиятларига эга бўлган ўзбек халқининг асрлар давомида сақлаб келаётган урф-одат, анъана, кадриятларидан маҳрум қилишга қаратилди.

1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан кейин ҳам ўз миллий мустақилликларини эълон қилган давлатлар этномаданий ўзликни сақлашга қаратилган миллий рамзлар ва бошқа ҳуқуқларга эга эмас эдилар.

Большевиклар партиясининг асосий эътибори миллий республикаларда, жумладан Ўзбекистонда аҳолини мажбуран руслаштириш, маҳаллий миллат вакиллари камситиш, ҳуқуқини поймол этиш, шу йўл билан ўз мустамлакачилик сиёсатини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Бу ҳолат маҳаллий миллатга мансуб аҳолининг зиёли табақаси, аввало тараққиётчи-жадидлар, миллий маърифатпарварларда турли норозиликларни келтириб чиқарди. Чунки миллий маърифатпарвар ислохотчилар минтақада юзага келган вазият ва расмий ҳокимият юргизаётган сиёсатнинг ерли халқлар тақдирида аянчли из қолдиришини биринчи бўлиб англадилар. Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев, Обидхон Маҳмудов, Чўлпон каби миллий маърифатпарварлар халқни маърифатли қилиб, маърифий ислохотлар орқали мавжуд сиёсий тузумни ўзгартириш учун кураш олиб бордилар. Аммо большевиклар партияси уларнинг ҳаракатларини кузатди, таъқиб қилди, жазолади, чеклади. Ҳатта уларнинг фаолиятларини кузатиш, ўзларини жазолаш мақсадида махсус органлар ҳам ошқора, ҳам яширинча иш олиб борди.

2005 йил Москвада РОССПЭН нашриётида А.С.Гатагова, А.П.Кошелева, Л.А.Роговаялар томонидан тузилган, 1918-33 йиллар воқеаларини ўз ичига олган “ЦК РКП(б) -ВКП (б) и национальный вопрос” Кнigi 1 номи билан чоп этилган тўпلامда бу ҳақида бир қанча маълумотлар келтирган.

Мазкур тўпلامда № 211 рақам билан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасининг Ўзбекистондаги сиёсий ҳолат ҳақида 1928 йил 31-майда “Ўзбек маърифатпарварларида шовинизмнинг шаклланиши ва

ўсиши тўғрисида махфий ҳужжатлар маълумоти бўйича ҳисобот” берилган. Ана шу ҳисоботдан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси томонидан миллий маърифатпарварларнинг иш фаолиятлари, дарс ўтиш жараёнларидаги, йиғилишларидаги, бир-бирлари билан ёзган хатлари, матбуотга берган мақолаларигагина махфий кузатилиб, маълумотлар тўпланганлигини билиш мумкин. Ҳатто миллий маърифатпарварларнинг большевиклар партияси томонидан олиб борилаётган маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш сиёсатидан норозиликлари (1923-33 йилларда), ўлкада мустамлакачиликнинг кучайиб бораётганлиги ҳақидаги айрим фикрлари келтирилган. Масалан:

Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли Ўзбекистондаги пантуркист, Туркистондаги турли миллий, аксилинқилобий ғуруҳ ва ташкилотларнинг қатнашчиси ҳамда раҳбари сифатида таърифланади, унинг бир қанча фикрлари шовинистик фикр сифатида келтирилади:

“Инқилоб бизга ҳеч нарса бермади. (1917 йил октябр инқилоби назарда тутилган). Ҳаммаси аввалги чоризм давридагидай, фақат байроқ ўзгарди. Байроқ остида ишсизлар ўлкани эгаллашмоқда”¹

“Москва буюраяпти. Мен Москва диктатурасига қаршиман. Ҳамма жойда европаликларни тайинлашмоқда. Партия диктатураси керак эмас. Билимли одамларга, ўзбекларга йўл бериш керак”²

Худди шу манбада Ўзбекистондаги ўша вақтдаги сиёсий вазият ҳақида бошқа миллий маърифатпарварларнинг фикрлари ҳам мавжудки, улар Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлининг фикрларини тасдиқлайди. Жумладан, маърифатпарвар Обиджон Маҳмудов кекса жадид, собиқ Ўрта Осиёда турли миллий, аксилинқилобий ташкилотларнинг раҳбари дея таъкидланади ва унинг куйидаги қарашлари берилади:

“Ҳужжатлар Тошкентдан Москвага жўнатилмоқда, у ерда эса арманлар ўтирибди. Давлат сиёсий бошқармаси МИКга бўйсунмайди, маҳаллийлаштирилмаган. Москва раҳбарлик учун. Янги байроқ остида эски мустамлакачилик”³.

Маърифатпарвар Эсон фикрлари:

“Банкларда яҳудийлар тўла ишонч билан фойдаланишмоқда, ўзбекларга ҳеч нарча йўқ. Руслар ўзбекларга ишонишмайди. Давлат сиёсий бошқармасида битта ҳам ўзбек йўқ. Юқори ташкилотларда умуман ўзбеклар йўқ.”⁴

А.Чўлпон: “Бу қандай жазоки, ўз миллатининг тараққиёти ҳақида ёза олмасанг. Бундай шароитда Ўзбекистонда ҳаёт йўқ. Барча қийинчиликларга чидаймиз. Миллатчиликни европаликлардан ўрганамиз.

Кўпчилик ўзбек ишчилари русларнинг миллатчилиги ва мустамлакачилигидан шикоят қилишмоқда. Масъул ходимлар ҳам. Бу ҳолат келгусида ҳам сакланиб қолади. Усмонхон Эшонхўжаев ва Иноғомов Москвага Ўрта Осиё социалистик мустамлака эканлиги ҳақида эълон қилишган. Ўрта Осиёнинг бойликлари ўзи учун ишлатилмаяпти.

Совет ҳокимиятининг сиёсати аҳолининг миллий в иқтисодий талабларига жавоб бермаяпти. Асрлар давомидаги қадриятларни кўпол, зўравонлик билан йўқ қилиш бошланди. Мактаб, миллий адабиётлар ўқишда эркинлик йўқ. Қобилиятли ўзбек маърифатпарварлари қувғин қилинаяпти”⁵.

Хуллас, миллий маърифатпарварлар ўз миллати, миллатининг тақдири ва келажаги, миллий ғурури, халқи, миллати манфаати учун курашдилар, анча амалий ишлар қилдилар. Аммо большевиклар партияси уларнинг фаолиятларини қаттиқ назоратга олиб, тазйиқлар ўтказди, “халқ душмани”, “ватан хоини”, “миллат душмани,” “миллатчи” тамғалари билан жазолади, йўқ қилди. Бундай муносабат ўзбек халқининг тарихида изтиробли саҳифалар бўлиб қолди. Миллий маърифатпарварлар фаолиятига шафқатсизларча чек қўйган Совет тузуми байналмилалчилик ғояси асосида 15 та қардош республиканинг турли миллатга мансуб аҳолисини совет халқи тарзида бирлаштиришга ҳаракат қилиб келди, миллий масала Совет Иттифоқида ижобий ҳал этилди деган хулосага келинди. Аммо XX асрнинг 90-йилларига келганда собиқ СССР таркибидаги миллий, иттифокдош республикалар ажралиб чиқа бошлади. 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда миллий масала миллий ўзликни англаш нуктаи назаридан янги тузум тамойилларига мослаб ўзгартирилди, ишлаб чиқилди. Айни вақтда республикамизда 136 дан ортиқ элат ва миллат вакиллари яшамоқда, 150 га яқин миллий-маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Бу масалада ҳам миллатимизнинг асрий орзуси бўлиб келган эркинлик, озодлик, ҳурлик, ўз тилига эгалик, мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқлари руёбга чиқмоқда ва замондошимиз айтганидек:

Мен ўзбекман!

Она тилим

Нафосати,

Қудратини

Этиб намоён

Туркий тилнинг шухратини

Жаҳонга ёйган

¹ Л.С.Гатагова, А.П.Кошелева, Л.А.Роговая “ЦК РКП(б) -ВКП (б) и национальный вопрос” Книги 1. Сборник .М, РОССПЭН, 2005, 574-бет.

² Ўша ерда 585-бет.

³ 575-576-бетлар.

⁴ 575-бет.

⁵ 587-бет.

Қошғарилар,
Хос Ҳожиблар,
Ясавийлар,
Навоий ва Бобурларнинг
Набирасиман,

дея барчамиз баралла сўйлайдиган, куйлайдиган замон келди.

“ДАРДСИЗ КЕСАК”

Дунёда дардсиз нарсa кесак экан. Кишилар бир-бирларини дард-у-ғамларини, ташвишу-хасратларини тинглаб, оламaро дарду,-ўйсиз одам йўқлигини, ҳамманинг озми, кўпми ғаму-ўйлари борлигини таъкидлашади-да, фақат дунёда “дардсиз кесак” деб бир-бирларига далда беришади. Наҳотки бу гап ҳақиқат бўлса? Нега ҳамма кесакнинг дарди йўқ деб ўйлайди? Кесакнинг дарди йўқлиги ростмикан? Балки ростдир. Лекин нимага асосланиб кесакнинг дарди йўқ дейишаркан одамлар?

Бу гап ёлғон ҳам бўлиши мумкин-ку. Ўйалб қаранг-а! Кесакнинг юки енгил эмас. Унинг обрўсиз кесакка айланиши аввалло энг оғир дарди эмасмикин-а? У одамлар, ҳайвонлар қушлар-у паррандалар оёқлари остида, ҳар хил бинолар пойдеворида босилавериb-босилавериb, оёқ ости қилиниb, тупроқ ҳолатидан қотиb кесакка айланмаганмикин?

У қанча қор-у, ёмғирларни, дўл-у-жалаларни ўзига сингдиради, ютади, ёғинлар хоҳласа уни ивитади, эритади, хоҳласа янада қотиради. Кесак сас чиқармай табиатнинг барча инжикликларига чидайди.

Унинг бағрини қанча шамол-у бўронлар тилиb ўтади. Кесакнинг юраги бардошли, бағри кенг, ўз бағрини қаҳрли шамолу-бўронларга ҳам мардона тутиb туради.

Аёзда Аёзбобо муз таёғи билан уни музлатиb, бардошини синаб кўради. Саратонда Қуёшбобо гулхан таёғи билан уни сабрини синовдан ўтказади,

Осмон ёмғирлари билан йиғлаб-йиғлаб, унга дардларини тўкиb солади. Кесак унинг бу дардларига баъзан мардларча дош бериb, ўз ҳолатини сақлаб туради, баъзида эса уддасидан чиқа олмай, эзилиb-эзилиb тупроққа айланиb тилка-пора бўлади. Уни ҳамиша ҳам ўз ҳолига қўйишмайди. Одамлар хоҳласа кесакдан тупроқ қилишади. Беллар, оғир, тиғи ўткир кетмонлар билан юзинг-кўзинг демай уриb, янчишади. Неча кунлаб сувга бўктириб қўйишади ва тупроққа айлантиришади.

Табиат зулмлари етмаганидек, одамлар ҳам зуғум ўтказишади. У одамларнинг, ҳайвонларнинг бир-бирларига бўлган ёвузликларининг гувоҳи. Жонзотлар ёвузликларини, хатоларини, қабих ниятларини яширишга, унинг қаърида кўмишга ҳаракат қилишади. У қанчалаб қурбонларни ўз бағрида, ўз қаърида кўмиb, яшириb, инсонларнинг дардини ютади, ғамини енгиллашишига ёрдам беради.

Одамлар ўзлари учун кераксиз деб ҳисоблаган барча нарсаларни унинг устига ағдаришади. Кесак уларга ҳам ўз қаъридан жой беришга ўзидан куч топа олади.

Сизнинг наздингизда балки кесак дардсиздир. Аммо, мен кесакни дардсиз дея олмайман. Уни аслида дардлар кесакка айлантирган. Дарди бўлмаганда у балки тупроқлигича яшайверарди. Теварак-атрофдаги, табиатдаги ва жамиятдаги дардларни ютиb-ютиb, балки у қотиb қолгандир. Нима бўлганда ҳам кесакнинг иродаси кучли, имкони борича ўзини қаттиқ тутиb, ёвузликларни ўз бағрида кўмиb, барчага эзгулик улашиб яшаб келаяпти.

Азизлар “дардсиз кесак” дея бир-биримизга далда беришимиз яхшику-я, аммо сабр-бардошни, матонатни кесакдан ўрганишимиз керак шекилли.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА

Давлатова Ш.Ш

Термиз Давлат Университети ўқитувчиси.

Ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш бугунги кунда давлатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ҳар бир давлат, ҳар бир миллат ўз келажагини ёшлар тимсолида кўради. Шунингдек мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси ҳам аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билими, тарбияси ва маданиятининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29-августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида” ги ҳужжатда ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятида зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир, деб таъкидланади. Шу нуқтаи-назардан болаларни боғча, мактабданок ўз ҳақ – ҳуқуқини таниш, талаб қилишга, ўз бурчини англаш ва адо этишга ўргатиб, чиниқтириш келажақда онгли равишда мустақилликни ҳимоя қилувчи, унинг тараққиётига ҳисса қўйишга лаёқатли, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш зарур.

Ёшлар билан ишлашда ҳуқуқий тарбиянинг уларга хос хусусиятларини ҳисобга олувчи мақсад ва вазифаларни, шакл ва усуллари аниқ белгилаш, ҳуқуқий хабардорликни, ҳуқуқий саводхонликни кенгайтириш, ҳуқуқий билимларни чуқурлаштириш, ҳуқуқни ҳурмат қилиш, қонунийлик ва қонунга бўйсунуш ҳиссини шакллантириш, умумий ҳуқуқий таълим тизимини яратиш, унинг шакллари, воситалари ва усулларидан самарали фойдаланиш керак.

Шаклланиб бораётган демократик ҳуқуқий давлатнинг ёшларга нисбатан амалга ошираётган сиёсатини, яъни, малакатимизда болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилиш, болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини ёшларга тушунтириб бориш шарт.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” га, 1992 йил “Бола ҳуқуқлари Конвенцияси” га қўшилди. 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари қилиб белгиланди. 2008 йил 4 апрелда “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш”, 2008 йил 8 апрелда эса “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойилинч чоралар тўғрисида” ги Конвенциялар ратификация қилинди. Ана шу қарорларнинг барчаси ёшлар юртимизнинг келажаги эканлигини, уларнинг ўсиб-улғайиши, камол топиши, мамлакатимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ҳамжиҳатлик билан интилишлари даркорлигини аңлатмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни эгаллаш учун ёшлар ҳуқуқнинг ижтимоий ва маънавий қадрини тушуниб етишлари, бу борада қабул қилинаётган қарорларнинг моҳиятини тушунишлари, фуқаровий ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини англашлари, ҳуқуқ-атворларида қонунни ҳурмат қилишга асосланишлари, ижтимоий ҳодисаларни ҳуқуқ нуқтаи-назаридан баҳолай билишлари керак.

Хуллас, бу борада қабул қилинаётгай барча қонунлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёд, яъни жисмоний маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятли қилиб тарбиялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Қонун кафолати Ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро ҳамҳиҳатликни, мустақилликнинг барқарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратишини ёшларимиз англаб етмоқлари даркор. Зеро, келажак ворисларининг баркамол авлод бўлиб вояга етиши уларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик кўлами билан бевосита боғлиқдир.

Шержон ҳақида хотиралар.

Мен ўзи оддий, аҳолиси ниҳоятда содда, камтар бўлган бир қишлоқ ҳақида айрим хотираларни ёзмоқчиман. Бу қишлоқ Шержон деб номланади. У Сурхондарё вилояти Шеробод туманида жойлашган. Болалик давримнинг кўп қисмини шу қишлоқда ўтказганман. Шержон боболарим, момоларим яшаган, ота-онам туғилган макон. Бу қишлоқ ҳақида деярли ҳеч нима ёзилмаган ёки жуда кам ёзилган. Мазкур мақола орқали чекка бир ҳудудда яшаётган шержонликлар ҳаёти, турмуш тарзи, ҳўжалиги, тарихига бир оз тўхталишга, қишлоқдошларимнинг ҳаёт фаолиятлари давомида содир бўлган айрим қизиқ воқеалар, уларнинг соддаликлари ҳақида баъзи фикрларни баён қилишга ҳаракат қилдим. Қишлоқ ва қишлоқдошларим ҳаёти ҳақида таассуротларим кўп, чунки ҳозирги вақтда ҳам аксарият қариндошларим ўша ерда яшашлари сабабли тез-тез бориб тураман, тўй-маъракаларда қатнашаман, байрам тадбирларига таклиф қилишади. Қишлоқдаги янгилик, ўзгаришлардан доимо хабардорман.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудининг тарихи, географик ўрни ҳақида гапирганда ёки ёзилганда Ҳисор тоғ тизмалари, Бойсун, Боботоғ, Кўҳитанг тоғлари, тоғ этаклари тўғрисида албатта фикр юритилади. Худди шунингдек, Шержон қишлоғи ҳам Кўҳитанг тоғ этакларида жойлашган. Кўҳитанг тоғининг баландлиги 3137 м. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шержон баланд тоғ қишлоғи. У Совет даврида “Коммунизм” жамоа ҳўжалиги таркибига кирган, ҳозир эса жамоа ҳўжалиги номи ўзгартирилиб, “Кўҳитанг” жамоа ҳўжалиги дейилади. Ана шу жамоа ҳўжалиги таркибига кирувчи 13 та қишлоқлардан бири.

СССР Фанлар академияси Н.Н. Миклухо-Маклай номидаги этнография институти этнографи Б.Х.Кармишева “Тожикистон ва Ўзбекистон жанубий районларининг этник тарихи очерклари” (Этнографик маълумотлар асосида) (Москва, Наука, 1976) асарида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари, жумладан Шеробод, Кўҳитанг тоғ атрофи қишлоқлари ҳақида айрим маълумотлар қолдирган. Ана шу маълумотларда Пошхурд атрофи қишлоқлари ва Шерободдарёнинг юқори қисмида жойлашган чағатойларнинг ўнта қишлоғи Дах пара кентга кирувчи қишлоқлар номини маҳаллий аҳолидан ёзиб олганлигини ва улар- “Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Хатак, Зарабоғ, Қарабоғ, Вандоб, Шержон, Пошхурд, Карезат⁵ ” эканлигини кайд этади.

Қишлоқнинг Шержон деб номланиши ҳақида бир неча хил қарашлар бор. Айтишларича, бу қишлоқнинг аҳолиси XVIII- XIX асрларда Бухоронинг Ширинжой деган жойидан кўчиб келган ва бу ҳудудни Ширинжой деб номлаган экан.

Яна бир қарашларда келтирилишича, теварак-атрофдаги қишлоқларда ўтказилган тўйларда қишлоқ полвонлари учун кураш (буни Шержонда олиш дейилади) ўтказилган. Бу курашларда кўшни қишлоқ полвонлари ҳам таклиф қилинган, таклиф қилинмаса ҳам эшитган полвонлар курашга келаверишган. Ана шундай курашларда қишлоқ йигитлари, яъни полвонлари кўпроқ ғолиб бўлишган. Шундан қишлоқ шер йигитлар макони, Шержон дейилган.

“Шержон” сўзининг маъноси ҳақида яна бир ривоят борки, “Шер”, яъни йўлбарс ва жон, шерларнинг яхши кўрган макони деган маънони билдиради. Баланд тоғ этаклари, у ердаги ғорлар, ўрмонзорлар, даралар турли ҳайвонлар, жумладан, шерларнинг яшаши учун қулай бўлган. Шунинг учун бир вақтлар бу ҳудудда шерлар кўп бўлган экан. Шундан қишлоқнинг номи Шержон дейилган.

⁵ Кармешева. Б.Х “Тожикистон ва Ўзбекистон жанубий районларининг этник тарихи очерклари ” (Этнографик маълумотлар асосида) Москва, Наука, 1976, 51-52 бетлар

Шержон вилоят маркази Термиз шаҳридан 110 км, туман маркази Шерободдан 50 км, жамоа хўжалиги маркази Пошхуртдан 18 км узоқликда жойлашган, бўлиб, Вандоб, Ғоз, Оқтош, Пошхурт, Кампиртепа, Зарабоғ кишлоқлари билан чегарадош. Кишлоқ майдони 2000 гектарга тенг.

Кўхитанг тоғ этақларидан оқиб тушувчи Шержонсой кишлоқ ҳудудини икки қисмга бўлган. Баҳор фаслида сой тўлиб-тошиб оқади. Сой туби, атрофлари, умуман ўзани фақат кичик тошлар ва катта харсанг тошлардан иборат бўлганлиги учун сойда сув кўпайганда ёки сел келганда унинг гумбурлаган овози бутун кишлоқни тутиб кетади. Ҳатто тунда уй ичида ҳам эшитилади. Сув кўпайганда сойнинг бир томонидан иккинчи томонига ўтиш учун иккита кўприк қурилган. Бири анча эскириб қолган, иккинчиси 1978 йилда ҳашар йўли билан барпо этилган. Сойнинг суви камайган ёз, куз фаслларида у қирғоқдан бу қирғоққа харсанг тошларга оёқ қўйилиб, тошдан-тошга сакраб ўтилади. Қиш фаслида сой суви жуда камаяди, музлайди, ҳатто қуриydi. Шержонсойнинг суви фақат баҳор фаслида ўз ўзанидан тошиши ва ўзидан жанубдаги кишлоқларга оқиб бориши мумкин. Йилнинг қолган фаслларида кишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини ҳар доим ҳам етарлича қондира олмайди.

Сой бўйида бир неча йиллик тарихга эга улкан қадимий чинорлар бор. Ёзда кишлоқдаги энг салқин жой шу ер бўлса керак. Чинор тагида балки шу чинор ёшига тенгдир, балки ундан ҳам қадимийроқдир, бир булоқ бор, мен эсимни таниганимдан бери биламанки, Шержон ҳақида эшитганлар аввало чинор ва булоқ ҳақида сўрашади. Кишлоқ аҳолиси сойнинг суви тоза, тиник, ширин бўлса ҳам, деярли истеъмол учун ишлатишмайди, кишлоқ бошидагилар ҳам, адоғидагилар ҳам кишлоқда мавжуд бўлган бир неча булоқдан, кўпроқ чинор остидаги булоқдан сув ташиб истеъмол қилишади.

1980 йилларгача ёзги таътилда туман марказидан болалар “Пионерлар лагери”га Шержонда ҳам бўлишарди. Лагерь шу чинор тагида сўрилар қўйилиб, ташкил қилинарди. Чинор танасидаги “Лагерь” деган ёзувлар, болаларнинг исм-шарифлари, саналар ҳозиргача сақланиб турибди. Бир мавсумда кекса чинор шохларидан бири синиб тушиб, бир боланинг қўли синди-ю, шу билан болалар бу ерга лагерьга келмай қўйишди.

Кишлоқ аҳолиси асосан сойнинг икки томонида жойлашган бўлиб, миллий таркибига кўра 95% и тожиклар ҳисобланади. Булардан ташқари кишлоқда ўзбеклар, туркманлар, татар миллатига мансуб аҳолилар ҳам бор. Улар янги, ёш оилалар, бошқа туман ёки қўшни қишлоқлардан тушиб келган келинлар ҳисобига тўғри келади.

1958-60 йилларда Шержонда 1580 киши яшаган бўлиб, 300 га яқин хонадонлар бўлган. 1958 йилда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун аҳолининг кўпчилиги қисми ҳозирги Ангор тумани “Қорасув” жамоа хўжалигига кўчирилган.

Ҳозир кишлоқ аҳолиси 480 нафар киши бўлиб, 130 та хонадонлар мавжуд. Кишлоқда оила аъзолар сони ўртача 3-4 кишини ташкил этади. 1990 йилларгача Шержонда туғилиш юқори бўлиб, ҳатто 12-13 нафар фарзандли оилалар кўп бўлган. Айни вақтда ёш оилалар ўз ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, оилада фарзандлар сонини 3-4 нафардан оширмаяпти. Кишлоқдаги Саидкулов Бўтаёр, Турсунов Бекмуродлар оила аъзолари сони ҳозирги вақтда 16 нафар, Холмўмин Исломов, Улаш Тангриевлар оила аъзолари сони 13-14 кишидан иборат.

Кишлоқда оилавий ажарлишлар жуда кам. Мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, чекувчилар ҳам оз, гиёҳвандлар умуман йўқ. Бунинг сири нимада?—деб сўраганимизда, 76 яшар нафақахўр, собиқ ўқитувчи Улаш Жўраев “Меҳнатда, кишлоғимиздаги ҳар бир оилада болалар ёшлигидан бекор юришга вақт топмайди, мактабдан қайтишлари билан уларни бир қанча юмушлар кутиб туради, мол боқади, ўт ўради, ўтин, моллар учун озуқа ғамлашга ота-оналарига ёрдамлашади. Жамиятда ҳар қандай

салбий ҳолатлар, кишилар характерида шаклланадиган ёмон хислатлар бекорчиликдан, дангасалиқдан келиб чиқади. Меҳнат қилган бола ёмон нарсалар ҳақида ўйлашга вақт топмайди”,- деб жавоб берди.

Қишлоқ ҳудуди марказдан узоқда жойлашганлиги, қишлоқда савдо-сотиқ қилиш учун ҳеч қандай бозорнинг йўқлиги, дўконларнинг камлиги, болаларнинг қўлида пулнинг йўқлиги ёки камлиги, дўконларда спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг кам сотилиши ҳам турли жиноятчиликларнинг келиб чиқмаслигига сабаб бўлса керак. (Мирза Худоёров нафақахўр).

Компьютер, интернет тармоқларининг ишламаслиги, шаҳарлардагидек видеобарларнинг йўқлиги, айниқса, ёшларнинг ана шундай техника воситаларидан ҳар хил маълумотлар олиш учун имкониятнинг чекланганлиги ҳам ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг авж олмаслигига асосий сабаблардан биридир. (Майрам Болтаева).

2008-2009 йилнинг қиш фасли Шержонда жуда оғир келди. Январь ойининг бошида ёққан қор деярли бир ой эримади, устига яна 2-3 марта қалин қор ёғаверди. Ерлар музлади. Молларни даштга ҳайдаб боқиш имкони бўлмай қолди. Кўплаб чорваси бор хонадонлар учун табиатнинг бу ҳолати анча қийинчиликлар туғдирди. Чунки даштдаги ҳайдаб бокиладиган моллар хонадонларда олиб қолинади. Аксарият хонадонларда қиш учун ғамлаб қўйилган ем-хашақлар заҳираси тугади. Қишлоқда ҳар бир хонадонда чорва борлиги учун бундай об-ҳаво шароитидан чўчиган одамлар ем-хашақ сотмайди. Бошқа жойлардан харид қилиб, олиб келишнинг иложи йўқ, йўллар қалин музлаган, транспорт воситаси умуман қатнамайди. Совуқда қолган моллар суруви билан ўла бошлади, ҳатто сигирларнинг думи музлаб, узилиб тушган ҳолатлар ҳам бўлди. Айниқса, Учқун билан Холбойларнинг чорваси анча талофат кўрди, бу икки ўрток молини бирга боқишарди. Ёш ўспирин йигитлар ота-оналари бехабар қишлоқдаги Холмўмин домланинг уйидан ҳар бири бир қанордан икки қанор сомон ўғирлабди. Сомонлар билан бирга домланинг паншаҳасини ҳам олиб кетишибди. Қишлоқ кичгина, аҳоли кам, ўғриларни топиш қийин бўлмабди. Ўғрилар сомонларни уйларига эмас, қор ёққан кун даштда қолиб кетган молларнинг кўрасига олиб кетишган экан. Паншаҳа ўша ердан топилибди-ю, ўғриларнинг сири тезда ошқор бўлибди, йигитларнинг ота-оналари, маҳалла-қўй иштирокида ўспиринларнинг бу қилмиши қаттиқ муҳокама қилиниб, сомонлар эгасига қайтарилибди.

Шержонда биринчи мактаб 1929-30 йилларда қурилган бўлиб, 30-40 нафар ўқувчиси бўлган. Дарс жараёни ҳам тожик тилида олиб борилган. 1939 йили қишлоқдагилар ҳашар йўли билан 6 та синф хонали мактаб қуришган. Бу мактаб 100 ўринга мўлжалланган, дарслар ўзбек тилида олиб борилган. Бу мактабнинг биринчи диретори, Холмирза Баротов бўлган. Мактабда 60-70 нафар ўқувчиларга 16 нафар ўқитувчилар сабоқ берган. Сафар Маматкулов, Худоёр Нуралиев, Худоёр Муродов, Қодир Жўраев, Ниёз Эшқобилова каби устозларини ҳозирги қишлоқ оқсоқоллари суҳбат давомида эслашди.

Мактабдаги ўқувчилик даври ҳақида ўқитувчи Нуриддин Ражапов бир қизиқ воқеани сўзлаб берди:

“1960-70 йилларида пахта ҳашари анча қаттиқ бўларди. Қишлоқ мактабининг юқори синф ўқувчилари кузда пахта йиғим-теримига жалб қилинарди. Бу қишлоқда ҳаво салқин бўлганлиги учун пахта экилмайди. Шунинг учун ўқувчилар ҳашарга қишлоқдан 70-80 км узоқликдаги фермер хўжаликларига 1-1,5 ойга олиб кетилади. Ўқувчилар учун далада кўчма ярмаркалар, кўчма дўконлар ташкил этиларди, 5-10 кунда ўқувчи оз миқдорда пахта пули олишарди. Кечки пайт кўчма дўконлар келганда кимдир қийим-кечак, кимдир егулик, яна қайси биридир бирор керакли нарсаларни харид қилишарди. Бир куни дўконда пионерлар кўкрак нишони (пионерский значок) келтирилди. Биз ўша вақтда пионермиз. Пионер бўйинбоғи (пионерский галстук) синфмизда ҳаммада бор, аммо (значок) кўкрак нишони ҳаммамизда йўқ. Бўйинбоғ ва кўкрак нишони ўша вақтларда ғурур билан тақилади. Кўкрак нишонидан харид қилмоқчи бўлсак, дўкончи

рус миллатига мансуб бир йигит, рус тили мактабда ўқитилмайди, умуман билмаймиз. Боягининг атрофида бир тўда болалар айланыбмиз-у, фикримизни тушунтира олмаймиз. Нима қилишимизни билмаймиз. Бир синфдошимиз “Ҳозир шошмай турунглар” деди-ю, ётоқ томон югуриб кетди. Бирпас ўтар-ўтмас бир домлаимизни овқатланаётган жойидан турғазиб, қақриб келибди. Домла ҳам бояги ўрис дўкончи билан бир-икки оғиз гаплашди-да: “Ким пионер кўкрак нишони харид қилиши керак бўлса, узунасига навбатда турунглар, олиб бераман”, -деди биз хурсанд бўлиб, 15 нафар бола, қиз-ўғил бир сафда тизилиб турдик-да, навбати билан биттадан кўкрак нишони олиб, сафдан чиқавердик. Домлаимиз: “Ещё один пионерский значок, ещё один пионерский значок” деб, 15 нафар болага кўкрак нишони олиб берганди. Ҳаммамиз роса хурсадмиз.

Йиллар ўтди, мактабни тугатдик. Бугунги кунда ўзим ҳам ўқитувчиман. Ўша воқеани эсласам, ҳали кулгим кистайди. Ўқитувчимиз ҳам рус тилини яхши билмаган экан-да. 15 нафар ўқувчини навбатга қўйиб, “Ещё один пионерский значок, ещё один пионерский значок” дегандан кўра бир йўла 15 та кўкрак нишони олиб, бизга тарқатиб берса бўларди-ку. Домланинг тил билмаслигини, ниҳоятда соддалигини кейинчалик англаб етганман. Ўқувчилик давримдаги энг қизиқ воқеа шу бўлса керак.

Ҳозирги мактаб биноси 1978 йил 96 ўринга мўжаллаб қурилган. Аини вақтда 120 нафар ўқувчиларга 22 нафар ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Мактабга 2006 йил компьютер келтирилди. Аммо информатика ўқитувчиси йўқ, ўқувчилар компьютердан фойдалана олмаяптилар. Булардан ташқари мактабда рус тили, кимё, математика, чет тили ўқитувчилари ҳам етишмайди. Шержонда очилган мактаблар илгари фақат 8 йиллик бўлган, ҳозир эса 9 йиллик. 8-9-синфни битирган ўқувчилар Шержондан 9-10 км узоқ бўлган қўшни Зарабоғ қишлоғида ёки туман марказидаги, қўшни туманларда яшовчи қариндошлариникида юриб, катнаб ўқиб, 10-11-синфларни битирган. Ҳозир ҳам 9-синфни битирган ўқувчилар ўқишни давом эттиришлари учун коллеж ёки лицей йўқ. Шунинг учун ҳам қишлоқдан бошқа жойларга ўқиш учун кетаётган ёшларнинг кўпчилиги қишлоққа доимий яшаш учун қайтмаяпти. Олий маълумот олиб, бирор мутахассисликка эга бўлган ёшлар учун иш ўринлари умуман йўқ. Шу вақтгача қишлоқда бирорта саноат корхонаси қурилмаган. Ишсизлик бу қишлоқдаги энг катта ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат айниқса ёш оилалар орасида миграцияни кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Қишлоқдагилар 1964 йилгача электр энергиясидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. 1964 йилдан 1969 йилгача қишлоқдаги 90-100 та хўжалик движок орқали электр энергиясидан фойдаланган. Движок фақатгина тунда ишлатилган, кундузи ўчириб қўйилган. 1969 йилдагина қишлоқ хонадонларига электр энергияси узатила бошланган.

Шержонликлар асосан чорвачилик билан шуғулланади. Чорвачиликда, қорамол, қўй, эчки боқилади. Айниқса тоғ ён бағирлари, адирлар молларни боқиш учун қулай. Бу ҳудудда илгари қоракўл қўйлари кўп боқилган. Қишлоқда 400-500 бош қўй-эчкилари бор хонадонлар мавжуд. Аҳолининг асосий даромади чорвачиликдан. Шержонликлар бозордан деярли гўшт харид қилишмайди. Қиш фаслида молни сўйиб, гўштini тузлаб, осиб қўйишади, яъни тузқоқ қилишади, ёзда эса бир қўй ёки эчки гўштini қовурдоқ қилиб, ёғда бўктириб қўйишади.

Сурхон воҳасида, жумладан Шержон қишлоғида гўшт маҳсулотларидан турли таомлар тайёрланади. Бу таомлар орасида “тандир гўшт” (тандир кабоб) алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, “тандир гўшт” Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тайёрланмайди. Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятининг чорвачилик ривожланган ҳудудларида кўпроқ тайёрланади. Машҳур таомшунос К.Маҳмудов ҳам “Меҳмоннома” асарида: “Сурхондарёликларга қўноққа борсангиз, хушбўй кўк чойи билан

бирга арча ўтигида пиширилган тандир кабоб келтириб, ҳурматингизни жойига қўядилар”¹,- дея таъкидлайди.

Худди шунингдек, шержонликлар ҳам азиз меҳмонларини “тандир гўшт” билан меҳмон қиладилар. Аввало тандир гўшт яхши чиқиши учун мол танланади. Бу таомга кўпинча ширвоз ва сароёқ қўзилар, ёки улоқлар танлаб олинади, чунки қарироқ молнинг гўштидан пиширилган тандир гўшт қаттиқроқ бўлади. Бу таомнинг мазали чиқиши тайёрловчи устага ҳам боғлиқ. “Тандир гўшт”ни фақат эркаклар пиширишади. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон соҳиби бу таомни тайёрлаш техникасини яхши билишади. “Тандир гўшт” тайёрлаш учун 1-2 кун олдин сўйиб қўйилган мол гўшти ишлатилмайди. Мол сўйилгач, қорин қисми ёриб, ички органлари олиб ташланади ва бутунлигича ёки иккига бўлиниб, меъёрида тузланади, турли зираворлар сепилади. “Тандир гўшт” таоми учун албатта ҳидли тоғ арчаси ишлатилади. Арчасиз тандир гўшт умуман пиширилмайди. Мол сўйилаётган вақтда арча ювилиб, сувга ивитиб қўйилади. Гўшт тузланиб, зираворлар сепилгач, тилиб-тилиб (яъни кесиб-кесиб) арча ҳам сепилади. Тол дарахтининг йўғонроқ новдаларидан 2-3 та кесиб олиниб, новдаларнинг пўсти пичоқ билан тозаланиб, арчиб ташлангач, тайёрлаб қўйилган гўшtlарнинг суякли ва пайли мустаҳкам жойи пичоқда озроқ кесилиб, новдаларга солинади. Тандир ўтигида яхши қиздирилиб, чўғи тандир ўртасида тўпланади. Бир қозонга гўшт, пиёз, сабзи, шолғом, картошка, сув солиб тўпланган чўғ устига қўйилади. Бу қозонда “тандир гўшт” билан бирга “тандир шўрва” тайёрланади. Қозонга қопқоқ қўйилмайди, туз ва ёғ ҳам солинмайди, шўрвага туз ва ёғ гўшtdан эриб тушади. Хуллас, чўғ устига қозон қўйилгач, новдаларга солинган гўшtlар тандир оғзига осилади. Новдалар тандир оғзи диаметридан узунроқ бўлиши керак, акс ҳолда новда чўғ устига тушиб кетиши мумкин, новданинг чўғда қуйиш эҳтимоли борлиги сабабли, новда билан бирга ўтга чидамли, эримайдиган сим ишлатилади. Гўшт чўғдан 30-40 см юқорида, чўғ устига осилиб туради. Тандир оғзига каттароқ ўчоқ қозон ёпилиб, атрофи лой билан ёпиб чиқилади. Тандир гўшт тандирда 40-50 дақиқалар давомида пишади. Агар мол ёши қарироқ бўлса, таом пишириш вақти биров узайтирилади. Шунинг учун қишлоқдаги кўп хонадонларнинг ҳовлиларида иккита тандир бўлиб, бирида нон пиширилса, иккинчисида “тандир гўшт” пиширилади.

Қишлоқ чорвачилигида тўл олиш масъулиятли давр ҳисобланади. Талофотсиз тўл олиш (қўзилатиш) учун қишлоқ аҳолиси, айниқса чўпонлар барча чораларни кўрадилар. Чорваси кўп хонадонлар баҳорги тўл олиш мавсумида тоғ-ён бағирларидаги яйловларга 2-3 ой қора ўтов уйлар тикиб, кўчманчи ҳаёт кечирадилар. Июнь ойларида ўтлоқлардаги ўт-ўланлар тугаб, кўзи-улоқлар сурувга қўшиладиган бўлгач, яна қишлоққа қайтишади. Шержонликлар бу мавсумни овулга кўчиш дейишади. Бир овулда 10-12 та ўтовли хонадонлар бўлади.

Онамнинг боболари Панжи бобо Жумаев қишлоқнинг энг катта чўпонларидан бири эди. Панжи бобомнинг 13-нафар фарзанди бўлиб, уларнинг 5 нафари қиз, 8 нафари ўғил бўлса, 8 ўғил ҳам чўпонлик таёғини ушлаб улғайишган. Ҳозирги вақтда ҳам бу авлод қишлоқда ота-боболар касбини давом эттираяпти.

Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда сигир соғилади. Сут. қатиқ, қаймоқ, сариёғ ва гўштининг оила эҳтиёжидан ортиқчаси туман маркази бозорларига чиқарилиб сотилади.

Қорамоллар ҳам яйловларда ҳайдаб боқилади. Эрталаб тонгда ҳар бир хонадондан 2-3 та мол подага қўшилади, кечки пайт яна ўз ҳовлиларига қайтарилади. Моллар ўз уюрларини, ҳовлиларини яхши билишади. Бирор яшнаб турган ўт-ўланларни кўриб қолиб, бошқаларнинг томорқасига кириб кетишмаса, ўз қозиқларини адашмасдан тўғри топиб келишади. Лекин қорамол подаларини кечки пайт кутиб олиш қишлоқ болалари учун азалдан одат тусини олган. Қишлоқда тепаликлар кўп, аммо ана шу тепаликлардан бири қишлоқ болаларининг болалигини кейинчалик ҳам кўпроқ эслатадиган тепалик бўлса керак. Мен ҳам

¹ Маҳмудов К. Меҳмоннома. Т. 1989 9-бет.

қишлоққа борганимда шу тепалик олдидан ҳар доим ўтишимга тўғри келмаса ҳам, момомларнинг ҳовлисидан (ҳозирги вақтда тоғамнинг ҳовлиси) бир қараб қўйиб, қизиқарли болалик дамларимнинг айрим лаҳзаларини эслаб қўяман.

Кечки пайт тепаликни ёш болаларнинг ўйин, кийкириқ овозлари тутиб кетарди. Пода вақтидан камида бир соатлар олдин болалар тепаликка тўплана бошларди. Ўғил болалар волейбол, чиллак ўйнашса, қиз болалар беш тош ўйнардик, эртак, шеър, мақоллар айтиш бўйича мусобақалашардик, қизиқарли суҳбатлар бўларди. Кимдир кимгадир ўсма, хина, китоблар олиб келарди. Ёш қизлар ўсма, хина қўйишга қизиқардик. Хина қўйиб, баъзида момомдан гап эшитардик. Хина қўйиш учун хина ўсимлигини тўғраб, ёки қўлда бир неча бўлақларга бўлиб, туз, аччиқтош аралаштириб, ўғирга солиб туярдик. Обдон эзилиб, суви чиккач бироз ачитиб қўйиб, тунда ухлаш олдидан эзилган сувли хиналарни икки қўлимизга чангаллаб, муштимизни тукканимизча устидан эски мато ёки рўмолча билан боғлаб, момомдан яширинча ухлаш учун тўшакка кириб олардик. Эрталаб турганимизда қўлларимиздаги рўмолчалар очилиб, ўрин-тўшакларга хиналар сочилиб, энгимиздаги кийимларга, кўрпаларга хина ранги ўтиб қолган бўларди. Бу ҳолатни момом кўриб қолсалар роса гап эшитардик. Чунки кўрпа тўшаклардаги, энгимиздаги хина доғлари қайта-қайта ювилганда ҳам кетмасди.

Баъзида пода келгунга қадар адирдан сақич бўладиган ўсимлик терардик. Сақич бўладиган ўсимлик тиканли бўлиб, илдиз қисми оппоқ, табиий сақич бўларди. Учи ўткир киррали тошлар билан унинг илдизини ердан ковлаб олиб чайнардик. Ўша вақтларда дўконларда ҳозиргидай сақичлар қўп эмас эди, қишлоқ дўқонида деярли йўқ эди.

Шержонда деҳқончилик ҳам ривожланган. Деҳқончиликда қишлоқ аҳолиси сабзавот-полиэкинларининг барча турларини экишади. Томорқаларининг чегарасида деворлар йўқ, қўни-қўшниларнинг ҳовлиси, ҳовлида кимнинг нима иш қилаётганлиги бир-бирига кўриниб туради. Қишлоқда озиқ-овқат, кийим-кечак, мол бозори йўқ. Фақат 2-3 та шахсий дўконлар бор. Бозорнинг йўқлиги, бозордан бирор нарса харид қилиб олиш учун масофанинг узоқлиги учун бўлса керак, аҳоли эрта баҳордан кеч кузгача ерда экин-тикин қилиб, ўзлари учун керакли маҳсулотлар билан йил давомида ўз рўзғорларини таъминлайдилар, киш учун кераклиларини омборхоналарда, ертўлаларда ғамлаб қўядилар. Ер ҳайдаш, ерга ишлов беришда асосан жисмоний меҳнатдан фойдаланилади. Айрим ҳоллардагина техника воситаси ёки ҳайвонлар кучига таянилади. Чунки қишлоқда 3 тагина эски Совет давридан қолган ер ҳайдаш ва юк ташиш учун ишлатиладиган трактор бор.

Қишлоқда бошоқли ва донли экинлар асосан лалмикор ерларда экилади. Айниқса арпа, буғдой, нўхатлар етиштиришда фақат қор-ёмғир сувларидан фойдаланилади. Арпа, буғдой, нўхатларни поясидан донини ажратиш олишда ҳам фақат ҳайвонлар кучидан фойдаланилади. Даладан ўриб олинган буғдойлар катта майдонга брезент тўшалиб, тўкилади. Тўкиб қўйилган буғдойлар эшакларнинг туёғи билаб янчилади, яъни эшакка миниб олиб, поялар устидан эшак билан юрилади.

Эшак қишлоқдагиларнинг асосий юк ташувчи транспорти. Ҳозир ҳам қишлоқда эшаксиз хонадон жуда кам, ҳатто йўқ деса ҳам бўлади. Чунки қишлоқдагилар молларига хашак, ўтин, далалардаги экин маҳсулотларини, ичимлик сувини фақат эшакда ташишади, қишлоқдан ўтовларга кўчишда эшак асқотади. Чорвадор чўпонлар эшаксиз даштга чиқмайдилар.

Буғдой янчиш билан боғлиқ бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёзги таътил вақти, ўшанда 3 синфда ўқирдим. Тоғам эшакни қозиғидан ечиб, буғдойпояга олиб келдилар-да, менга “ушлаб тур”, деб арқонни тутқаздилар. Мен эшакка минишни жуда яхши кўрардим. Тоғам эса ишни тезроқ ниҳоялаш мақсадида кўшнилardan яна битта эшак олиб келишга кетдилар. Мен эса болаликми, эътиборсизликми эшакнинг

арқонини белимга уч-тўрт марта айлантириб олибман. Бир вақт қўшнининг эшагини миниб тоғам келиб колдилар. Қўшни эшакни кўрган эшак ханграб югуриб кетса бўладими. Белимдан ўралган аркон билан пастликдан тепаликка томон мени судраганча эшак югуриб кетарди. Йўллар тошли, ёнимда нима ишлар билан шуғулланиб юрган момам, паншаха кўтариб келаётган холам ҳам юмушларини ташлаб менинг орқамдан югуришар, лекин етиб ололмасдилар. Яхшиямки, юқориги ҳовлида молларига овқат бериб юрган Нормурод тоғам югуриб келиб, эшакни бўйнидан ушлаб олиб, тўхтатдилар. Роса кўрққанимдан ва жоним оғриганидан бақириб йиғлагандим. Баданим шилиниб, тош кириб, қонаб, кўкариб дегандай анча вақтгача “чиройли” бўлиб, қийналиб юргандим. Шундан кейин эшакка минмайдиган бўлдим, десам ҳам бўлади.

Шержонда боғдорчиликка ҳам кенг эътибор берилади. Ёзги, кузги, қишки олма узумлар, шафтоли-ю, нашиватилар, ёнғок, бодом, беҳи, хурмо, олча, олхўри дейсизми, баҳоргача сақланадиган анор-у, узумлар... Ёзда олма теримидан чарчаб кетардик. Бобомнинг катта боғи бўларди (ҳозир ҳам бор). Боғнинг камида 30 туплар олмаси бор эди. Бир кунда 2-3 марта ўн челақлаб олма терардик. Терилган олмаларни соатлаб ўтириб тўғраб қўй-эчкиларга берардик. Ўйлаб турсам ўша вақтларда қишлоқ аҳолиси ўрикни ҳам, олмани ва бошқа меваларни қадрига етиб ишлатмаган. Олча, беҳилар умуман териб олинмас, ўзи тўкилиб, чириб кетарди. Шержондагилар меҳнат қилиб, боғ яратиб, боғларида етиштирилган бирор турдаги маҳсулотни бозорга чиқариб сотишмасди. Бозорга бориш учун транспорт муаммоси, қишлоқнинг туман марказидан узоқлиги ҳам бунга халақит берган.

Ҳозирги вақтда эса қишлоқ аҳолиси бу борада туб ўзгаришлар ясаган. Турли хил меваларни куришиб олишади. “Тадбиркор савдогарлар” машиналари билан қишлоққа бориб, сархил меваларни аҳолидан харид қилиб олиб, нафақат туман марказидаги, балки республика марказидаги бозорларда сотишмоқда.

Қишлоқ аҳолиси чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик ҳисобига кун кечиради. Буларнинг ҳаммаси сермашаққат меҳнат. Эсини таниган боладан бошлаб кексаларгача барча-барча кун кўриш учун қизгин меҳнат қилади. Шержонликлар давлат дўконидан унни ҳам жуда кам харид қилишади. Бугдой поясидан ажратиб олингач, дони тозаланади, ювилади, куригилади ва қишлоқдаги 3-4 та тегирмондан бирига олиб борилади, янчилиб, ун қилинади. Биронта дўконда нон сотилмайди. Нони тугаган хонадон соҳибаси бугун нон пишира олмаса, қўни-қўшнидан 1-2 та нонни қарзга олади. Эртаси ёки индини куни иссиқ нон ёпгач қўшнига қайтарилади. Нонни пишириш ишини оилада фақат хотин-қизлар амалга оширадилар. Тўйларда нонни ҳар хил турлари-ёғли патир, сувли патир, сутли патир, жиззали патир, қат-қат патир, қатлама, сомсалар, сувли нон, сутли нонлар пиширилади.

Шержонда миллий хунармандчиликнинг баъзи турлари, жумладан каштачилик, гилам тўқиш ривожланган, (чорва) қўй жунидан қишлоқ аёллари урчуқда ип йигириб, ҳар хил гиламлар тўқишади.

Жамоа хўжалиги маркази Пошхуртдан Шержонгача бўлган транспорт йўли ўнқир-чўнқир тошли тоғ йўли эди. Транспорт қатнагунга қадар қишлоқ аҳолиси шаҳар марказигача бирор юмуш учун келишига зарурат туғилса, яёв, от, эшаклар билан қатнаган. 1968 йилда шу қишлоқлик Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Очилди Амиров ва Мамараим Расуловларнинг саъй-ҳаракатлари асосида қишлоқ йўли қайта қурилди ва асфальт қилинди. Аммо асфальт қилингандан кейин ҳам автобус қатнови йўлга қўйилмаган. Совхоз марказига қатнаб ишлайдиган 2 та юк машинаси автобус вазифасини ўтаган. Машиналар совхозга тегишли бўлиб, тонг қоронғисидан йўлга чиқиб, иш вақти тугагач, кечки шомда қишлоққа кириб келарди. Туман марказига савдо-сотиқ учун, касалхона ва бошқа юмушлар билан йўлга тушган йўловчилар қишин-ёзин ана шу юк машиналарида жамоа хўжалиги марказигача боришар, ундан кейин эса шаҳар марказигача автобусда йўлда давом этишарди. Қайтишда ҳам худди шу аҳвол юз берарди. Пошхуртда автобусдан тушган

йўловчилар бир тол тагини доимий бекат қилиб олишганди. Шу бекатда юк машиналарининг иш вақти туғаб қайтишини кутишарди. Транспорт муаммоси аҳоли ўртасида баъзи бир қизиқ воқеалар содир бўлишига ҳам сабаб бўлган.

Онамнинг айтишларича, қишлоқда энди транспорт қатнови йўлга қўйилган вақтда юк машинаси кузовида (устиди) қўшни туманга тўйга кетаётган, ҳаётида биринчи марта транспортга чиққан Хонимниёз момом (онамнинг оналари) манзилга етгунча машина устидан пастда (ерда) яёв юрган, йўловчиларга салом бериб борган экан.

Пошхурт бекатида транспорт кутаётган йўловчилар бекат атрофи аҳолиси билан жуда киришиб кетган, иссиқ ёз кунларида бир пиёла яхна чой, совук, қор-ёмғирли кунларда бир пиёла иссиқ чой, транспорт воситаси бузилиб ўша куни қатнов тўхтаса, қайсидир сахий хонадон бир кеча жой бериб, шержонликлар ва пошхуртликлар орасида турли қўни-қўшничилик, дўст-биродарлик, қуда-андачилик муносабатлари ўрнатилишига сабаб бўлган.

Онамнинг оталари Эсанниёз бобом Кўхитанг атрофи қишлоқларида таниқли мол дўхтири бўлганлар. Қишлоқ ва яйловлардаги отарлар аралаб жуда кўп юрганлар. Ҳозиргача (бобом 1988 йил вафот этганлар) бобомни қўшни қишлоқлардан яхши хотиралар билан эслайдиганлар кўп. Бобом тақводор одам бўлиб, совет тузуми даврида давлат динга қарши атеистик сиёсат олиб борган ҳолатда ҳам номозларини қанда қилмай ўқирдилар. Чаён, ари ёки бирорта ҳашарот чаққан беморларни ўқиб, дамли дуо билан тузатардилар. Бобомни қишлоқда “бодхон мулла”, яъни бод ўқийдиган мулла дейишарди. У киши баланд бўйли, қотмадан келган, аммо елкадор киши эди. Спиртли ичимликлар ичишни, нос, тамаки чекишни, ичувчилар ва чекувчиларни ниҳоятда ёмон кўрардилар. Ўшанақа одамларга кўпроқ панд-насиҳат берардилар. Шу боисдан бобомни қишлоқдагилар “сўфи” ёки фамилиялари билан (фамилиялари Болтаев эди) “Болта сўфи” дейишарди. Кунларнинг бирида бобом Пошхуртдаги бекатда турганларида бекат атрофида яшовчи танишларидан бири уйдан устара олиб чиқиб, сочини олиб қўйишни илтимос қилибди. Бобом соч-соқолини ўстириб юрган одамларни умуман хуш кўрмасди. Бобом бояги одамнинг сочининг ярмини олиб бўлганларида машина келиб қолибди. Ярим сочи олинган, ярми бошида қолиб кетган бояги йўловчини ҳай-ҳайлашига қарамасдан, бобом машинага чиқиб жўнаб қолган эканлар. Шундан бобомнинг доимо виждонлари қийналиб юрардилар. “Бобо нега шундай қилгансиз?” деганимизда: “Уйда момонг касал бўлиб ётганди, мен тумандан дори олиб келаётгандим, бошқа илож йўқ эди”-дегандилар.

Ҳозирги вақтда Шержондан туман марказига қатнайдиغان иккита шахсий бири Холназар Сатторовга, иккинчиси Холмурод Болтаевга тегишли бўлган автобус бор. Аҳолининг йўловчиларнинг камлиги учун бир кунда иккала автобус ҳам бирданига йўлга чиқмайди, ҳафтасига уч кундан нават билан кунига бир марта қатнайди.

1970 йилда бу ҳудудда Кўхитанг кўрикхонаси ташкил этилган. Кўрикхона атрофи очиқ ҳолда бўлиб, унда турлари камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турлари кўрикланади.

Хуллас, Шержон аҳолиси ана шундай ҳаёт кечирмоқда. Қишлоқда театр, кинотеатр, истироҳат боғлари, клублар йўқ. Аммо шунга қарамасдан, бу қишлоқ аҳолиси кувноқ, хушчақчақ, мазмунли умргузаронлик қилмоқда. Қишлоқда ўтказиладиган тўйлар, байрамлар ҳамжиҳатликда, аҳил-иноқлик билан ўтади. Шержонликларнинг 2004 йилда нишонлаган “Наврўз” байрам тадбири республика телевиденияси орқали “Қишлоқдаги тенгдошим” телекўрсатувида намойиш этилди. Қишлоқда кўплаб муаммолар мавжуд бўлса ҳам, аҳоли “шунисига ҳам шукур” деб яшамокда, меҳнат ва ижод қилмоқда.

Шержон ҳақида шу қишлоқлик она тили ва адабиёт ўқитувчиси шоир Эркин Жўраев қуйидаги мисраларни битган:

Кўхитангда бор бир қишлоқ
Одамлари аҳил-инок,
Чор тарафи ўрмон, ўтлоқ,
Дейишади Шержон қишлоқ.

Тароватли баҳорлари,
Тарихийдир чинорлари,
Алпомишдек бор норлари,
Она қишлоқ Шержонимни.

Яйловларда чорвадори,
Миришкордир ҳар деҳқони,
Меҳнат билан номус-ори,
Она қишлоқ Шержонимни.

Сойи эрур қумлоқ, тошлоқ,
Қўз очгандир ўнлаб булоқ,
Ҳар қирида эчки-улоқ,
Она қишлоқ Шержонимни.

“Балогардон” зиёратгоҳ,
Борар унга гадо ҳам шоҳ,
Одамларга чин саждагоҳ,
Она қишлоқ Шержонимда.

Барно кизи тўқир ўрмак,
Кексалари ўқир эртақ,
Хунари қўп халққа эрмак,
Она қишлоқ Шержонимни.

Миллий қадриятлар ва миллатларо муносабатлар.

Шоира Давлатова
Термиз давлат университети
ўқитувчиси

Бири ўзбек, иккинчиси тожик миллатига мансуб икки дўст бўлган экан. Ўзбек деҳқон, тожик чўпон бўлиб, бири чўлда, иккинчиси тоғ атрофи қишлоқларидан бирида яшашаркан. Улар ҳарбий хизматда бирга хизмат қилишган, бир-бирларининг оила аъзолари билан яқиндан таниш эмас экан. Оилавий дўстона муносабатларни йўлга қўйиш учун минтақамиз халқлари орасида қадимдан борди-келди муносабатлари мавжуд бўлган. Ўзбек йигит ана шундай борди-келди ўрнатиш, дўстликни янада мустаҳкамлаш мақсадида қуларнинг бирида тожик дўсти яшайдиган қишлоқ томон йўл олибди. Сўраб –суриштириб дўсти яшайдиган маконни топибди. Аммо дўсти уйида йўқ, мол боқиб даштга чиқиб кетган экан. Дўстининг аёли нон ёпиб турган экан, ўзбекона урф-одат, иззат-ҳурмат билан меҳмонни кутиб олибди., уйга таклиф этибди. Дастурхон ёзибди. Ўртоғи келганлиги ҳақидаги хабарни етказиб, эрини чақириб келиш учун одам жўнатибди. Меҳмонга чой дамлаб киритибди, дастурхонга иссиқ нон ва қулчалардан қўйибди-да: «Меҳмон сиз бемалол чой ичиб дам олиб ўтиринг, ҳозир ўртоғингиз ҳам келиб қолади. Олинг нонни синдирманг, қулча баччаники», -деб чиқиб кетибди.

Тез орада ўртоғи ҳам келибди. Улар саломлашиб, сўрашганч: «Ўртоқ нега чой ичмасдан ўтирибсан, нонни ушатмабсан»?,-дебди чўпон йигит.

Деҳқон йигит ўзи келинни гапидан хижолат бўлиб турган экан, ошнасига: «Билмасам, келин: нонни синдирманг, қулча баччаники», -деди ўтирибман-да,-дебди.

Бундан хайрон бўлган чўпон хотинини чақириб, ўз тилида меҳмонга нега шундай деганини сабабини сўрабди. Келин ҳам ўз тилида эрига жавоб қайтарибди. Чўпон йигит хотинининг гапидан кейин хаҳолаб кулибди, меҳмон хайрон эмиш. Ниҳоят кулгидан тўхтаган тожик, хотинининг ўзбек тилини яхши билмаслигини, синдиринг демокчи бўлиб, «ма» қўшимчасини қўшиб, нотўғри айтганини дўстига тушунтирибди.

Бундан шундай хулоса чиқадики, қадимдан минтақамиз халқлари бир-бирининг тилини тушунмаса ҳам, дилини тушунган, бир-бирлари билан дўстлаша олган.

Дунёда миллатлар пайдо бўлиши билан улар орасида миллий муносабатлар ҳам юзага келган. Миллатлараро муносабатлар хусусан биз яшаётган ҳудудда мамлакат ичидаги барча миллатлар ва этник гуруҳларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш асосида улар ўртасида ўзаро ишонч, ёрдам ва дўстлик тамойилларини вужудга келтиришга қаратилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий тикланиш ва тараққий қилиш билан бирга мамлакатимизнинг кўпмиллатли ва полиэтниклигидан келиб чиққан ҳолда улар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириб бориш давлатимизнинг устувор фаолиятига айланди. Жумладан давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида : «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»,-деб белгилаб қўйилган.

Миллий, минтақавий қадриятлар, меъёрий ҳужжатлар республикаимизда миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга ва миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга, миллий тараққиётимизнинг таъминотига ва миллатлараро муносабатларда турли можаролар кедиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда мавжуд 200 дан зиёд мамлакатларда 200 га яқин миллат, элат ва қабилалар яшайдилар. Улар 5,5 мингдан ортиқ тилларда сўзлашадилар. Жумладан, Ўзбекистонда 136 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Бугунги кунда жаҳонда аҳолисининг таркиби фақат биргина миллатдан таркиб топган мамлакатни ёки давлатни топиш қийин. Худди шунинг учун ҳам мамлакатлар, давлатлар ўртасида амалга ошириладиган турли соҳаларда уларда яшаётган миллатларнинг дўстони муносабатлари ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Кўпмиллатли мамлакатларда миллий муносабатларни уйғунлаштириш шу мамлакатда барқарорлик ва тараққиётнинг кафолати, унинг истиқболини белгиловчи, таъминловчи асосий омилдир. Миллий муносабатларни уйғунлаштиришга эса миллатлараро тотувлик ғоясини амалга ошириш орқали эришилади. Миллатлараро ишонч, дўстлик биродарлик, ҳамкорлик, тотувлик учун ҳар биримиз ҳаракат қилмоғимиз даркор.

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Давлатова Ш.Ш.

ТерДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” юксак умумий ва касбий маҳоратга, маданиятга, ижодий, ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фаолият юритиш кўникма, малакаларига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришни назарда тутади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари тугаб, учинчи босқичдаги вазифалар амалга оширилмоқда. Бу босқичда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда янада ривожлантириш вазифаси қўйилган.¹

Шундай экан, комил инсон шахси, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол, билимдон, меҳнатсевар, ватанпарвар авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогларнинг касбий маҳоратига, савиясига, билимига, етарли даражадаги тарбияланганлик даражасига, фидойилигига, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ишига муносабатига боғлиқ.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалар жамиятда ўқитувчи шахси ва касбининг ижтимоий моҳиятини янада оширди, педагогика фани олдида касбий-педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни долзарб муаммо қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида Президент И.А.Каримов таъкидланганидек: “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган-ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрларга боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.”²

Мазкур вазифани амалга ошириш аввало педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда, малака оширишнинг замонавий шакллари қўллаш, ижодий муҳит яратиш орқали курс самарадорлигини янада ривожлантиришни долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳозирги замон ўқитувчиси нафақат ўз мутахассислигини, балки бошқа билим соҳалари иқтисод, миллий ғоя, маданият, маънавият, фанларини ҳам кенг ва чуқур билиши, тарбия жараёнининг моҳир ташкилотчиси бўла олиши керак.

Жумладан ҳар қандай фан ўқитувчиси ҳуқуқ соҳасини ҳам билиши лозим, чунки мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий билими, тарбияси ва маданиятининг қай даражада шаклланганлигига

боғлиқ. Педагог ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишни такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Болаларни оила, боғча, мактабданок, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, талаб қилишга, ўз вазифасини, масъулиятини ҳис қилган ҳолда адо этишга ўргатиш, келажакда онгли равишда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга лаёқатли, фаол фуқаролар қилиб тарбиялашимиз лозим. Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” да ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятида зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатлиги таъкидланади.

Айни вақтда Ўзбекистон демографик хусусиятларига кўра-ёшлар мамлакатини деб эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлганлар 10 млн 360 минг нафар бўлиб, аҳолининг 40% ини, 30 ёшгача бўлганлар 17 млн 80 минг нафар бўлиб, аҳолининг 64% ини ташкил қилади. Ана шундай катта ижтимоий потенциал бўлиб турган ёшлар орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандликка берилиб кетиш, аҳоли сонининг кўпайиши ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизликнинг ортиб бориши ҳолатлари ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Амир Темури “Темури тузуклари”да таъкидлаганидек: “Ёмон таом баданга қандай зиён қилса, ёмон ҳатти-ҳаракатлар ҳам оламга шундай таъсир кўрсатади”.¹

¹ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. “Халқ таълими” журнали 1998 йил 1-сон 16-бет.

² И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси 9-бет Т, Шарқ, 1999.

¹ “Темури тузуклари” Т, 2005, 76-бет.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланаётганлиги, қонуннинг устуворлиги, унинг инсонпарварлик характерга эгалиги, ҳуқуқ тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, жумладан Республика Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 1 августида “ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги фармони ва унинг 2008 йил 1-январдан кучга кирганлиги, 2008 йил 7-январда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганлиги, 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”, 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг эълон қилиниши ҳам ҳуқуқ ҳамда ҳуқуқий тарбия масаласини долзарблигини аңлатмоқда. Шу сабабли, малака оширишнинг замонавий шакл ва усулларини қўллаш, ёш авлодга ҳуқуқий таълим беришни янада яхшилаш даркор. Бунинг учун ўқувчилар билан ишлашда ҳуқуқий тарбиянинг уларга хос ва мос хусусиятларини ўз ичига олган вазифалар белгилаш, ўқувчиларни оммавий ахборот воситалари ёки бошқа шакл ва услублар билан ҳуқуқий билимлардан хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий онгини шакллантириш,

ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқка ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатиб бориш зарур.

Чунки қайси мамлакатда қабул қилинган қонун-қоидаларга ҳамма барабар амал қилса, ўша ерда давлат мустаҳкам бўлади, халқ фаровонлиги ошади. Конституция ва қонунларнинг устунлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланиши, ижтимоий адолат фақат демократик давлатдагина қарор топади.

Хулоса, қилиб шуни айтиш мумкинки, демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этишда ҳуқуқий маданиятнинг илк куртаклари оила ва боғчада, ундан сўнг мактаб ва таълим соҳасининг бошқа босқичларида шаклланиб борар экан, бу жараён барча фан ўқитувчилари олдида ҳуқуқий билимли, ҳуқуқий саводхон бўлиш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Шу нуқтаи-назардан педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим:

1. Педагогик ҳуқуқий муомала маданиятини шакллантириш;
2. Ўқитувчиларнинг ҳуқуқий ахборотлардан хабардорлигини ошириш;
3. Ҳуқуқий тарбияни олиб боришда тарбиянинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини инобатга олиш;
4. Ўқувчиларда ҳуқуқ соҳаси, ҳуқуқ органлари фаолияти тўғрисида малака, кўникма, тасаввур, тушунчаларни шакллантириб бориш.

Демак, ҳуқуқий тарбия жараёнини ёшларга таълим бериш тизими билан узвий қўшиб олиб борилган тақдирдагина самарали натижаларга эришиш мумкин. А.Темур ўз тузукларида таъкидлайдики: “Ҳар кимнинг кадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак”.¹ Ана шу ўғитларга амал қилингандагина, давлатда қонуннинг устуворлигини таъминлай, ҳуқуқий маданиятли шахсларни тарбиялай оламиз.

¹ “Темур тузуклари” Т,2005, 114 бет..

МАЪНАВИЯТ-КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

ўқитувчи Ш.Жумаева.

Ҳар бир халқ ўз тарихи, кадрияти, урф-одат, анъаналарини ўзида намоён этадиган маънавиятига эга. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари, кадриятлари неча асрлар давомида шаклланиб келмоқда. Шундай экан инсон шахс сифатида ўзини англагандан бошлаб маънавиятини шакллантиради ва ривожлантириб боради. Ўзини эркин, озод фуқаро ёки шахс сифатида англаб, ўзининг ҳақиқий озодлигини, эркинлигини чуқур ҳис қилган ҳар бир киши Ватан олдидаги ўз бурчини тўлароқ ҳис этади.

Эркин, озод шахс, фуқаро бўлиш ҳар бир мамлакатнинг маънавий ривожланишига боғлиқдир. Ҳеч бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай, халқини миллий руҳини мустаҳкамламай туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Шунинг учун ҳам, жамият маънавиятини юксалтириш мамлакат тараққиётининг устивор йўналиши деб белгиланади. Ўтмишимиздан маълумки, мамлакатимиз бир қанча вақт қарамлик ва мутелик остида қолган бунинг натижасида халқимизнинг бой маънавий мероси, урф-одат, кадриятлари қадрсизлантирилди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг жамият маънавиятини ривожлантириш, бой маънавий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳар бир халқнинг кучи, унинг бой маънавий меросга эга эканлигидандир. Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида халқимиз ўзининг бой маънавий меросини сақлаб, бойитиб келди. Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зўғумлардан озод бўлди, миллий тафаккурга, миллий тикланишга, эркин фикр билдиришга кенг йўл очилди.

Ўтиш даври мобайнида халқимизнинг маънавий кийёфаси, ўтмиши, урф-одат, анъана, байрамлари тикланмоқда. Тарихимизнинг ўлмас обидаларини, диний кадриятларимизни, маънавий меросимизни дунёга танитишга имконият яратилди. Маънавиятимиз чинорлари саналган улуғ алломаларимиз Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, А.Навоий, З.М.Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг миллий-маънавий мероси қайта тикланди. Улар томонидан яратиб қолдирилган асарлар бугунги ёш авлод тарбиясида маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Тарихан яратилган маънавият сарчашмалари бугунги даврнинг ёритувчи машъаласи вазифасини ўтамоқда. Кишиларнинг маънавий-маданиятлик даражаси-бутун дунё учун умуминсоний кадрият ҳисобланган ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади.

Маънавият инсоннинг ўз ватани, халқи миллати, жамоаси, оиласи, қавм-қариндошлари олдидаги маъсулиятида, турмуш тарзида, бир сўз билан айтганда, фуқаролик етуклигида мужассам бўлади.

Маънавиятнинг яна бир манбаи бу оила муносабатларидир. Оила ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Оила маънавиятида катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш келажақ авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳаллолик меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий даражадаги ахлоқий-маънавий сифатлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Албатта, бу ўринда оилада асосий тарбиячи ҳисобланадиган аёлларнинг маънавий юксаклиги, дунёқараши, саводхонлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир оилада маънавиятнинг ривожланиши, ҳар бир оиланинг иқтисодий-маданий ва касб жиҳатдан эркин бўлиш имкониятларининг яратади.

Маънавият инсон руҳиятини ўз-ўзини англашни, яхшиликни-ёмонликдан, гўзалликни-хунукликдан, оқилликни-жоҳилликдан ажрата олишга йўл кўрсатувчи маёқдир.

Маънавият инсонлар томонидан моддийликка айланиши учун кўп куч ва меҳнат талаб қилади. Кейинги йилларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар умуминсоний демократик тамойилларнинг босқичма-босқич қарор топишига халқ фаровонлигининг ошиб боришига ҳар бир фуқаронинг камол топишига хизмат қилмоқда буларнинг ҳаммаси демократик кадриятларнинг босқичма-босқич қарор топиб боришига, катта имкон бериб, шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Президент И.А.Каримов таъкидлашича «Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас, Маънавият инсон қалбида, камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди». (И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура» асари Тошкент, 1996 йил 1-том., 81-бет).

Хуллас, юксак маънавиятгина жамиятдаги барча фуқаролар учун эркин фаровон турмуш муҳитини ярата олади. Шундай экан маънавиятни яхшиламоқ, бойитмоқ, ривожлантирмоқ учун жамиятнинг барча ижтимоий, иқтисодий ва маданий жабҳаларини бир-бири билан чамбарчас узвийлигини боғлаш зарур ва бу борада фуқароларнинг маънавий фаолликларининг жадаллашуви талаб этилади.

БХСРда бошқарув тизимининг шаклланиши ва миллий раҳбар

к-укитувчи М.Алланазаров

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирлиги қизил армия томонидан тугатилгач, собиқ амирлик худудидида республика тузуми қарор топди. Қизил аскарлар Шарқнинг энг қадимги шаҳарларидан бири, “ислом динининг қуввати” ва “шариф шаҳар” ҳисобланган муқаддас Бухорони вайрон қилдилар. Қадимий Бухоро ўт ва харобалар ичида қолди. Пойтахт Бухоро шаҳридан сўнг қизил армия 32 беклик ёҳуд вилоят (баъзи манбаларди 27 беклик)ни ҳам бирин –кетин эгаллашди.

1920 йил сентябрь ойи бошларида Бухоро Муваққат инқилобий қўмитаси (Марказий Ревком) амирлик тузуми ағдариб ташланганлиги ва мустақил Бухоро Халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси,

Марказий Инқилобий Қўмита ва Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг умумий йиғилишида Бутун Бухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси (раиси – Абдулқодир Мухитдинов) ва республика ҳукумати- 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси- Файзулла Хўжаев) узил-кесил шаклланди.

Марказий Инқилобий Қўмита таркибига Абдулқодир Мухитдинов (раис), Аҳмаджон Абдусаидов, Муинжон Аминов, Олим Окчурин, Абдулҳамид Орифов, Собир Юсупов, Мукамил Бурҳонов, Файзулла Хўжаев ва Муҳаммад Қулмуҳамедов(аъзолар), Халқ Нозирлар Шўроси таркибига Файзулла Хўжаев (раис ва хорижийа нозири), Қори Йўлдош Пўлатов (маориф нозири), Мухтор Саиджонов (дохилия нозири), Усмон Хўжа(молия нозири), Нажиб Ҳусайнов (Давлат контроли нозири), Юсуф Иброҳимов (Фавқулудда комиссия раиси), Мукамил Бурҳонов(адлия нозири), Баҳовуддин Шаҳобиддинов(ҳарбия нозири), Абдулқодир Мухитдинов (ер-сув ишлари нозири), Мирзо Мухитдин Мансуров (савдо ва саноат нозири) каби миллий раҳбар ходимлар киритилди.(Қаранг: Файзулла Хўжаев, Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Қайта нашри. Тошкент: Фан, 1987. 173- бет.)

Бухоро амирлиги даврида мамлакат 32 та вилоятга, бу вилоятлар қўплаб амлоқларга бўлиниб, идора қилинарди. Мамлакат пойтахти – Бухоро атрофидаги ҳудуд 9 та туманга ажратилиб, бу туманларни ва Бухоро шаҳрини амир номидан Қўшбеги – Бош вазир бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш янги ҳокимият – республика тузуми ўрнатилгач , ўзини оқламай қолди. Шу сабабли 1920 йил кузида зудлик билан Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у 15 та вилоят, 58 та туман, 108 та кент, амлоқлар ва қишлоқларга ажратилди. (Қаранг: Проф.А.И.Эшон, Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг). Издательство Академии Наук Узбекской ССР, Ташкент-1955, 119-бет)

Бухоро республикасининг пойтахти- Бухоро шаҳри муҳим сиёсий- маъмурий марказга айланиб, бу ерда республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг иқтисодий ва маданий ривожланишини бошқарувчи барча ташкилотлар тўпланди.

1920 йил сентябрь ойи ўрталарида Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев бошчилигида БХСРнинг турли нозирликлари ва бошқа давлат органлари вакилларида иборат нуфузли назоратчи- йўриқчилар комиссияси тузилади. Комиссия таркибига С. Турсунхўжаев (раис), Кривошеин (Бухоро вилояти сиёсий бўлими вакили), Василевский (Туркистон алоҳида ўқчи полки вакили, ўртоқ Куйбишев мандати билан), Одил Файзи (Бутун Россия МИК №4 “Қизил Шарқ” поезди вакили), Голишевский (Когон шаҳри махсус бўлим вакили), Юсупов (Бухоро чекаси вакили), Асадуллаев (Бухоро

Компартияси МК вакили), Мухамедов (Бухоро Марказий Ревкоми вакили), Иброҳимов (маориф халқ нозирлиги вакили), Бухоро Марказий Ревкомидан тарғиботчи- йўриқчи сифатида 4 киши, Бухоро Компартияси МК партия дружинасидан 5 киши, Шарқий полкнинг қизил командир Марков бошчилигидаги 43 жангчиси, жами 61 киши киритилди. 1920 йил 22- 30 сентябрда ушбу комиссия пойтахт- Бухоро атрофидаги Баҳоуддин, Хожа Бўстон, Ғиждувон, Вобкент, Шопурком, Пирмаст, Зандани, Харгўш каби 8та туманда бўлиб, жойларда янги ҳокимиятнинг дастлабки органлари – инқилобий қўмиталар (ревкомлар)ни ташкил қилишди.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Баҳоуддин тумани ревкоми таркибига Ходихўжа Насриддинов(раис), Раҳмат Нуоров(ҳамраис), Шариф Абдусаломов(котиб), Хожа Бўстон тумани ревкоми таркибига Абдулхайит Абдулбеков(раис), Бозор Комилов (ҳамраис), Вобкент тумани ревкоми таркибига Мулла Бақо Абдул Воҳидов(раис), Мирза Хайдар Мирза Аҳтамов (ҳамраис), Мир Усмонов (котиб), Шопурком тумани ревкоми таркибига (11 сентябрда ташкил топган) Раҳимбой Солиҳов (раис), Шарифбой Баротбоев(ҳамраис), Бердимурод Муллажонов (котиб), Орифбой Одилбоев , Саидмурод Ортиқбоев (аъзолар), Пирмаст тумани ревкоми таркибига Мухаммадамин Рафиқов(раис), Абдулла Қаноатов(ҳамраис), Аҳмаджон Солиҳбоев(котиб), Зандани тумани ревкоми таркибига Мулла Мухаммадали Исмоил ўғли(раис), Яҳё Махсум Абдулхай(ҳамраис), Мулла Исо Абдул Раҳим ўғли(котиб), Харгўш тумани ревкоми таркибига Мулла Қурбон Мулла Қосимов (раис) каби миллий ходимлар киритилди. Ғиждувон тумани ревкоми эса аввал ташкил топган бўлиб, унинг фаолияти комиссия томонидан анча кучли ва жиддий баҳоланган. (Қаранг: Ўзбекистон МДА , 46- фонд, 1- рўйхат , 105 –иш, 1-7 – варақлар; История Бухарской Народной Советской Республики. (1920 – 1924 гг.) Сборник документов. Ташкент: Фан, 1976. С.51-60.)

1921 йил ёзида БХСР нозирлар Шўроси раиси Ф.Хўжаевнинг топшириғи билан Душанбега келган Бухоро ҳукуматининг фавқулодда мухтор вакили Отаулла Хўжаев бошчилигидаги комиссия Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати вакиллари билан алоқа ўрнатиш ва қўрбошилар розилик билдирса икки ўртада шартнома тузиши керак эди.

Отаулла Хўжаевнинг қўрбошилар билан музокаралари натижасида истиқлолчиларнинг йирик йўлбошчилари бўлган Давлатмандбек ва Эшон Султон Балжувон ва /арм инқилобий қўмитаси (ревкоми)нинг раиси қилиб тайинландилар. (+аранг: Ражабов +.К.. Бухорога қизил армия босқин ива унга қарши кураш. Т., «Маънавият», 2002. 70-71-бетлар) Шунингдек +арши вилоят ревкоми раиси этиб Сатторхўжа /аффор Хўжаев, Нуриддинхўжа Ағолиқ ва Турсун Раҳмонов аъзолар этиб тайинланди. /узур тумани ревкоми раиси этиб Назрулло Очилдиев, Баҳром Усмонов ва Саидқулбек аъзолар этиб тайинланган. (+аранг: Ўзбекистон МДА р-47-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 52-варақ)

Шуниси характерли ҳолки, ёш Бухоро республикаси раҳбарияти жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига раҳбар қилиб асосан уламолар – ислом дини вакиллари сайлади. Бу ўша даврда ислом динининг минтақадаги маркази саналган Бухоро учун ягона тўғри йўл эди.

Ёш давлат ҳисобланган БХСРнинг етакчиси Файзулла Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан , Бухоро Коммунистик партияси ичидаги сўл ва ўнг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Туркистон комиссияси (Турккомиссия) , Туркистон бюроси (Туркбюро), Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро), Туркистон фронти (Туркфронт) ёш “ мустақил давлат”нинг босган ҳар бир қадами

сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пулатхўжаев), Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов , Мухтор Саиджонов, Саттор Хўжаев, Мухиддин Мансуров, Абдулқодир Мухитдинов, Порсо Хўжаев ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Тарихчи олимлар Раҳмон Каримов ва Қаҳрамон Ражабовларнинг таъкидлашларича, улар БХСРнинг алоҳида мустақил бўлиши , эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бу қурултойда Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ташкил қилиниб, унинг раиси қилиб Усмон Хўжа Пулатхўжаев сайланди. Қурултойда Бутун Бухоро МИК Президуми ва нозирлар кенгаши сайланди.

1. Бухоро МИК Президуми таркиби.

1. Усмон Хўжа Пулатхўжаев -раис
2. Аҳмаджон Абусандов –муовин
3. Мухиддин Аминов- муовин
4. Халим Ашуров- котиб
5. Мухиддин Рафат- аъзо
6. Абдулвоҳид Бурхонов- аъзо
7. Миркомил Бурхонов-аъзо

II Нозирлар Кенгаши таркиби.

1. Файзулло Хўжаев - раис ва Ташки ишлар нозири.
2. Абдулқодир Мухиддинов - Иқтисодиёт нозири.
3. Атга Хўжаев - Ички ишлар нозири.
4. Юсуф Иброҳимов – Ер –сув ишлари нозири.
5. Абдулҳамид Орифов - Харбий нозир.
6. Кори Йўлдош Пулатов - Маориф нозири.
7. Хошим Шойик - Молия нозири.
8. Раҳмат Рафик - Адлия нозири.
9. Ҳакимов - Меҳнат ва ижтимоий таъминот нозири
10. Мухтор Саиджонов - Давлат нозири.

(Қаранг: Ўзбекистон МДА 48-фонд, 1-руйхат, 9-иш , 179-варак)

1922 йил августда бўлган III қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади. Бироқ БХСРдаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қурулли Кучларининг Бош қўмондони С.С. Каменев, Туркистон fronti Инкилобий ҳарбий кенгаши раиси А.И. Корк , РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Орадан кўп ўтмай РКП(б) МК котиби Я.Э. Рудзутак Бухорога махсус топшириқ билан етиб келди. Москвалик эмиссарнинг талаби билан Файзулла Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари бўлган Отаулла Хўжаев (ташки ишлар нозири) , Фитрат(маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (Бухоро Иқтисодий кенгаши раиси) ва бошқалар лавозимларидан четлаштирилиб, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Бухородаги миллий раҳбар ходимлар Марказ томонидан ана шундай жазоланди. Бухоро ҳукуматининг янги таркиби эса Москва ва Тошкентнинг “коммунистча сабоғи”ни олган “ тажрибали совет ва партия ходимлари” билан тўлдирилди.

Хуллас, 1923 йил ёзида БХСРдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Бухорони советлаштириш ва руслаштириш жараёни ўзининг янги босқичига қадам қўйди. 1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 5-курултойи БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш туғрисида қарор қабул қилди. БССР нинг тузилиши юқорида туриб сунъий тарзда амалга оширишган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг миллий демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йуналиш танланди. 1924 йил ноябрда БССР бешта округка ажратилди. Зарафшон округи (марказий Бухоро шаҳри), +ашкадарё округи (+арши), Сурхондарё округи (Шеробод ш), Амударё округи (Чоржуй ш.), Шаркий Бухоро округи (Душанбе ш) ташкил этилди. 1924 йил охирида эса БХСР давлатининг ўзи ҳам тугатилди.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ
ЎҚИТУВЧИСИ ДАВЛАТОВА ШОИРАНИНГ ИЛМИЙ ВА ИЖОДИЙ ИШЛАРИ.**

1. «Мустақил бўлишга ўргатиш-давр тақозоси» Илмий-услубий мақола. «Маънавият гулшани» газетаси. 2000 йил 16-30 апрел. 0,2 б.т
2. «Ёлғизлик» ҳикоя. «Аёл ва замон» газетаси 2001 йил апрел 0,1 б.т
3. «Термизим» шеъри. «Маънавият гулшани» газетаси. 2001 йил 27 ноябр
4. «Бемаҳал ёққан қор» ҳикоя. «Жануб вақти» газетаси 2003 йил 29 апрел 0,5 б.т
5. «Адҳамнинг қалдирғочлари» «Жануб вақти» газетаси. 2003 йил 29 апрел 0,5 б.т
6. «Ўқувчи либоси қандай бўлиши керак?» Мақола. «Маънавият гулшани» газетаси. 2003 йил 5-ноябр 0,6 б.т
7. «Қалбимдаги орзулар», «Қуймоқдадир» шеърлари «Жануб вақти» газетаси. 2005 йил 19-март
8. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш»(қисқа муддатли мақсадли курслар учун режа ва дастур). Ўз. Рес. ХТВ Сурхондарё вилоят ХТ педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. Термиз 2005 (ҳамкорликда) 1 б.т
9. «Соғиндим, она» шеъри. «Термиз университети» газетаси. 2006 йил 21-март
10. «Дунё» шеъри. «Термиз университети» газетаси 2006 йил 24-июн.
11. «Она бўлолмаган аёлсан ўзинг» шеъри. «Жануб вақти» газетаси. 2006 йил 14-июл.
12. «Саломлашиш одоби» мақола. «Солиқчи минбари» газетаси 2006 йил 9-август 0,5 б.т
13. «Қуймоқдадир», «Орзулар» шеърлари. «Термиз оқшоми» газетаси. 2006 йил 14-август.
14. «Дунё кезган олим» мақола. «Термиз оқшоми» газетаси 2007 йил 1-январ 0,2 б.т. (ҳаммуаллифликда).
15. «Ўлим жазоси» мақола. «Жануб вақти» газетаси 2007 йил 30 январ.
16. «Анъанавий фазилят» мақола. «Термиз университети» 2007 йил 9-феврал (ҳаммуаллифликда).
17. «Ижтимоий ҳимоя-тарихий анъана» мақола. «Халқ йўли» 2007 йил 10-март. (ҳаммуаллифликда).
18. «Самовий қудрат маҳсули», «Термиз университети» 2007 йил 8-май. (ҳаммуаллифликда).
19. «Сиёсат ва тарбия», «Термиз университети» 2007 йил 29- сентябр (ҳаммуаллифликда).
20. «Қийиниш ҳам маънавият» мақола. «Сурхон тонги» газетаси 2007 йил 11 октябр. (ҳаммуаллифликда).
21. «Сен қандай чидайсан?» шеъри. «Термиз университети» 2007 йил 20 октябр.
22. «Сен келсанг» шеъри. «Термиз университети» 2008 йил 20-март.
23. «Ўзбекистондаги маҳаллийлаштириш сиёсатига доир манбалар ва уларга тавсиф» (Ўз. Рес. МДА ҳужжатлари асосида). Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2008 йил 25-апрел.
24. «Ўзбекистонда большевикларнинг маҳаллийлаштириш сиёсати ва унинг айрим жиҳатлари» Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон миллий университети қошидаги Олий педагогика институти «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича педагоглар малакасини ошириш ва уларни касбий қайта тайёрлаш». Илмий-услубий семинар материаллари. Т, 2008.
25. «Ўзбекистонда совет ҳокимияти миллий сиёсатининг айрим жиҳатлари», «Турон тарихи» ижтимоий-тарихий, илмий ва илмий-оммабоп тўплам. VI-қисм Тошкент 2008 йил.
26. «1920-1924 йилларда Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикаларида аҳолининг миллий таркиби». «Тарихий хотира-маънавият асоси» мавзuida республика илмий-назарий анжумани материаллари Бухоро 2009 йил.
27. «Юрт қадрига етайлик» «Термиз университети» 2009 йил 31 август.

ЁШ ОИЛА-ДАВЛАТ НАЗАРИДА ВА ЭЪТИБОРИДА

доц. Турсунов М.Б.

2009

Мустақиллик йилларидан бошлаб оила, оила аъзолари, айниқса она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ҳамда ҳукумат томонидан кенг қўлламли чора тадбирлар кўрилмоқда. Биринчи навбатда оила, шу жумладан никоҳ муносабатларини халқимиз қадриятлари, кўп асрлик давр синовидан ўтган анъаналар ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг ҳуқуқий негизи яратилмоқда. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонунда, жумладан, ёш оилаларга бериладиган ижтимоий имтиёзлар-якка тартибда уй-жой қуриш, уй-жой ва рўзғор буюмлари сотиб олиш ҳамда бошқа мақсадлар учун имтиёзли кредитлар бериш, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давлат ўз зиммасига олиши қайд этилади.

Оила манфаатининг ҳуқуқий кафолатлари -Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “уй-жой кодекси” ҳамда “Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонунларда кўзда тутилади. Уларда оила аъзолари учун кўзда тутилган имтиёзлар, меҳнат қилиш, уй-жойлик бўлиш ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган.

Айниқса 1998 йилда мамлакатимизда Оила Кодексининг қабул қилиниши жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг ҳуқуқлари, мақоми, имтиёзлари ва кафолатларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Қонун ҳужжатларида ифода этилган ҳуқуқий меъёрларнинг изчил ҳаётга тадбиқ этилишини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

республикамизда ҳар йили ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган давлат дастурлари таъминламоқда.

Чунончи, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сихат саломатлик йили” ва бошқа давлат дастурлари бўйича кенг қўламли тадбирларнинг амалга оширилиши оилани мустаҳкамлаш, фаровонлигини ошириш мақсадларига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони оила, айниқса ёш оилалар давлат ва жамият эътиборида, ҳимоясида эканлигининг ёрқин далолати бўлади.

Статистика маълумотларига биноан Ўзбекистонда ҳозирги вақтдаги жами оилаларнинг 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади. Улар тўғрисида ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олганлиги республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб собитқадамлик билан амалга ошириладиган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир, жуда муҳим амалий ифодасидир.

Ёш оилаларга кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни ташкил қилишлари, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш, уй хўжалигини йўлга қўйишлари, зарур буюмлар харид этишлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида биргина 2007 йилда 50 миллиард сўм ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида ажратилмоқда. Келгуси йилларда ҳам бу мақсадларга 2007 йилги ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағлари излаб топиш ва ажратиш вазифаси қўйилган.

Айни пайтда ёш оилаларга катта солиқ имтиёзлари ҳам берилди. Хусусан, ёш оила аъзолари (Фармонда улар тоифасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтганлар кириши кўрсатилган) бўлган жимоний шахсларнинг шахсий уй-жойи ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва

улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси, ҳамда хўжалик субъекти-иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ бўйича солиққа тортиладиган даромадларига кирмайдиган бўлди. Шу билан бирга, хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредити бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилади.

Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашда, Фармонда белгилаб қўйилгандек, давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонали уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ташкил этилиши ҳамда бу бўш уй-жойлар ёш оилаларга имтиёзли нархларда ижарага берилиши муҳим рол ўйнаши шубҳасиздир. Ёш оилалар аъзолари, таълим муассасалари талаба ёшлари ўртасида бу ҳаракат моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, жойларда фаъолият кўрсатиб келаётган “Ёш оилалар мактаблари” иши янада такомиллаштирилди. Бундан ёш авлод соғлом туғулишини таъминлаш мақсади кўзланган.

Белгиланган режаларни изчил ҳаётган татбиқ қилишда нафақат давлат органлари, ижроия ҳокимият, шунингдек кенг жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Болалар”, “Меҳр нури,” “Ҳаёт” жамғармалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ёш оилани мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар қаторида республика “Оила” илмий амалий маркази фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишда улар аъзолари, айниқса аёлларнинг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш жуда

муҳимдир. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан бу соҳада жуда катта чора-тадбирлар кўрилмакда. Аҳоли, айниқса, аёлларни иш билан банд қилишда республикамызда касаначиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда аёлларни фермерлик ҳаракатига, тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши керак. Маълумотларга қараганда, республикамызда тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳаракатида иштирок этаётган хотин-қизларнинг улиши 5%ни ташкил этади. Ҳолбуки, қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпроғи аёллардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2006-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори бевосита ана шу муаммо ечимига қартилгандир. Давлатимиз раҳбари бунга доимий эътиборни қаратиб келмоқда. “Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончиликка боғланиб қолмаслиги керак,-деди Президент И.А.Каримов Наманган вилоятида бўлганида-тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими замон талаби даражасида ривожлансин. Бу, биринчи навбатда, шубҳасиз, қишлоқ аёлларига тааллуқлидир”.

Президент И.А.Каримовнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони моҳият жиҳатидан келажагимиз тўғрисидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Оила жамиятнинг асосий бўғини экн, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз равнақига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу фикрни алоҳида қайд этамизки, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармон билан боғлиқ бўлган социологик тадқиқотларни ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур фармонда қайд этилган барча масалаларга

нисбатан омманинг бутун жамоатчилигининг эътибори ва муносабатини тўғри ташкил этиш масаласи ҳар доимлигидан ҳам долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадда мунтазам равишда социологик тадқиқотлар олиб бориш зарурдир.

Шунинг учун ҳам ушбу фармоннинг моҳият-мазмуни ҳамда уни амалга оширилиш билан боғлиқ бўлган ҳар хил тадбирлар ўтказилиши айтилган. Хуллас, ёшлар давлати бўлган - Ўзбекистонда ёш оилаларга барча шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратиб берилмоқда.

Демак, юқорида алоҳида эътироф этилганидек, ёш оилалар ҳамisha давлатнинг назарида ва эътиборидадир.

СУВ-УМУМБАШАРИЙ НЕЪМАТ

т.ф.н. Бўриев Соатмўмин

Яхши ниятлар билан инсоният қадам қўйган XXI аср долзарб воқеа ходисаларни, жумладан давлатлараро рўй бераётган ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятлар ва зўравонликларнинг ечимини излаётган бир пайтда устига-устак бутун тирик мавжудот учун ҳаёт манбаи ҳисобланган сув муаммосини ҳал этишдек ўта муҳим мавзуга ҳам диққатини қаратишга тўғри келмоқда.

Дарҳақиқат, сув муаммоси бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган масалалардан бирига айланиб бормоқда. БМТ берган маълумотларига қараганда, трансчегаравий ҳавзалар ер юзининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўлаган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансчегаравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳуқуқларини белгилаб берадиган бирон-бир халқларо ҳуқуқий ҳужжатида кўзда тутилмаган. Масалан, Швейцария давлатининг Германиядан, Франция ёки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошлангани учун пул тўлашини талаб қилиши ақлга сиғмайдиган ҳолатдир. Ёки Германия ҳудудидан бошланадиган, Европадаги энг узун Дунай дарёсининг қўйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни талаб қилишини тасаввур этиб бўладими!.

Бундай ташқари Марқазий Осиёда, жумладан Қирғизистонда Қамбарота ГЭСи ва Тожикистонда Рағун ГЭСининг Ўзбекистон нуқтаи назарида баён этилган тамойиллар ҳисобга олинмасдан қурилишига уринишлар минтақа ва унинг аҳолисига тузатиб бўлмайдиган экологик зарар келтириш мумкин. Бугунги кунда сув тақчиллигини ер юзи аҳолисининг

учдан бир қисми ўз бошидан кечирмоқда. Олинган маълумотларга кўра сўнги ярим аср мобайнида сув ресурслари юзасидан камида 500 марта жанжал чиққан. Шундан 20 таси харбий тўқнашувга айланган.

Мутахассисларнинг фикрича 15-20 йилдан кейин сайёрамиз аҳолисининг учдан икки қисми сув танқислигига дуч келиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда сув танқислиги 50 фоизни ташкил қилса, ривожланганларида бу рақам 18 фоизни кўрсатади. Бу эса ўз вақтида халқаро миқёсда сув масаласида кескинликнинг кучайишидан дарак беради. Шу ва шу каби масалаларни муҳокама қилиш қилиш учун Туркиянинг Истанбул шаҳрида 2009 йилнинг 16-22 март кунлари Бешинчи бутунжаҳон Сув форуми бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 130 мамлакатидан 30 минга яқин вакил, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси аъзолари ҳам иштирок этишди. Форум иштирокчилари об-ҳавонинг глобал исиши, иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, ичимлик ва суғориш сувига талаб ортиб бораётгани сабабли сув ресурсларидан ақилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътиборларини киритди.

“Сув энергия учун, энергия сув учун” мавзусида ўтказилган вазирлар давра суҳбатида Швеция, Франция, Норвегия, Голландия, Сурия, Ироқ, Уругвай, Эфиопия, Ҳиндистон, Конго демократик республикаси ва башқа мамлакатларнинг атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хужалиги, энергетика вазирлари экология ва қўшни мамлакатларга зарар етказмаслик кафолати билан трансчегаравий сув оқимларида ва гидроиншоотлар қуришда сувни адолатли тақсимлаш, яқин мамлакатлар аҳолисига етказиладиган оқибатлар ҳисобга олинмай сувни товарга айлантириб, ундан алоҳида бир мамлакатнинг сиёсий мақсадлари ва миллий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик принципларини халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этишдилар. Форум якунида қабул қилинган баёнотда шуни англаб олиш мумкинки, унда бундан кейин сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни бошқаришни яхшилаш, қишлоқ хўжалигида сувдан унумли ва самарали фойдаланиш, янги суғориш тармоқларини қуриш, аҳоли учун

зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, аҳолининг қишлоқ жойдалардаги турмуш даражасини яхшилаш ҳамда сувни тежаш мақсадида лалмикор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришгина мавжуд халқаро сув муаммосининг олдини олишга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Албатта, юқорида тилга олинган олдини олишга эришилган бўлар эди.

ФУҚАРОЛАРНИНИГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Н.Н. ҲАМРОЕВА

XX аср ўрталаригача экологик муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисида жиддий ёндашилмагани боис экологик вазият кескин мураккаблашиб бораверди. Охир-оқибат табиатга ўнглаб бўлмас даражада турли зарарлар етказилди. Эндиликда жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси инсоният экологик ҳалокатларни олдини олиш, қутилаётган хавф-хатарни бартараф этиш йўллариини излаб топмоқдалар ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш учун самарали тадбирларни амалга ошириш лозимлигини англаб етиш билан бирга, хавфсизлик чора-

тадбирларини амалга оширмоқда. Бугунги кун ҳар бир мутахассиснинг экологик дунёқарашга эга бўлиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Туркистонда яшаб ўтган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар нафақат жамият ва инсонлар ҳақида, балки табиат ҳақида ҳам қўплаб фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Уларнинг инсон маданияти ва онгининг ривожланишида табиатнинг катта аҳамият касб этиши тўғрисидаги фикрлари ҳам бекиёсдир. Форобийнинг фикрича “Халқнинг одоби, ахлоқи, характери, маданияти ва бошқалар географик муҳит, табиий бойликлар, сув, ҳаво, ўсимлик кабиларнинг таъсирида шаклланади”. З.М.Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида инсон маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш, уни гулзор ва боғлар билан безаш, ҳайвонот ва наботот оламини асраш муҳимлиги тўғрисида ҳам тўхталган. У табиатнинг жонли ва жонсиз элементларини асраш юксак инсоний маданият деб билади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгунга қадар ўзбек халқининг ўз табиатини муҳофаза қилиши ёки бой табиий ресурслардан ўз хоҳишича фойдаланиш ҳуқуқи на конституциявий жиҳатдан, балки ички меъёрий жиҳатдан ҳам таъминланмаган эди. Атроф-муҳитга бундай беспарволик оқибатида экологик вазият кескин мураккаблашди. Нафақат маҳаллий ҳокимият, балки Ўзбекистон ССРнинг марказий органлари ҳам тегишли бошқарув ҳудуди доирасида ўз халқининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳеч қандай ҳуқуқга эга эмас эдилар.

Сайёрамизда 80 ва 90-йилларда экологик хавф аввалги даврларга нисбатан тез-тез қайтарилиб, содир бўлаётган нохуш ҳодисалар кўлами тобора каттароқ ҳудудларни қамраб ола бошлади.

Фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тан олинди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан олиб борилаётган экологик сиёсатда фуқароларга соғлом атроф-муҳитни таъминлаб бериш масаласи давлат миқёсидаги бош устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Давлатимизнинг ҳозирги экологик сиёсатида шундай ҳуқуқнинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш, уни доимо такомиллаштириб бориш ва таъминлаш кафолатларини яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

1991 йилдан бошлаб то шу кунгача қабул қилинган деярли барча экологияга оид қонунларда республикаимиз фуқароларининг табиий ресурслардан фойдаланишга тегишли бўлган ҳуқуқлари белгилаб берилди. Атроф табиий муҳит сифати давлат томонидан нормага солинмоқда, тегишли нормативларга риоя қилиниши устидан назорат олиб борилмоқда ва бу борада жуда қўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”⁶ги қонуни асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланиб, аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклашни ва шу кабиларни назарда тутати. Бундан ташқари инсонларнинг тоза атмосфера ҳавосига эга бўлиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, шунингдек 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, мамлакатимиз фуқароларининг экологик ҳуқуқларини таъминлашда 1998

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 38-модда.

йил 30 апрелда қабул қилинган “Ер кодекси”¹, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид бўлган ҳуқуқларини тартибга солишда 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги⁷ қонуннинг янги таҳрири, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари “Ўрмон тўғрисида”ги, табиий ресурслардан фойдаланишни, атроф-табиий муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарarli таъсирлардан муҳофаза қилишни тартибга солишда 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу қонунлардан ташқари “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Экология экспертизаси тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги бир қатор қонунларда ҳам инсон ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. XXI асрдаги табиат ва ижтимоий ҳаётнинг жадал суратларда ўзгариб бораётганлиги, миллий ўзбек қонунчилигини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

XX АСР БОШЛАРИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ТОМОНЛАРИ.

Маърузачи- ўқ. Давлатова Ш.Ш.

1917-24 йиллар мобайнида сунъий равишда миллий республикалар ташкил этила бошланди, партия миллий сиёсати “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”га қаратилиб, бу сиёсат большевиклар андозаси асосида амалга оширилди. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишга “барҳам” беришдан иборат эди.

Аммо шу йиллар мобайнида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий камситилиши, бир-бири билан қадимдан қўшни, қардош, қариндош бўлиб яшаб келган ўзбек, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари муносабатларига нифоқ солиш, шу йўл билан улар устидан назоратни, мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш чора-тадбирлари қўрилди. Тожикни мажбуран ўзбеклаштириш, ўзбекни мажбурий равишда руслаштириш сиёсати олиб борилди.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қатор фонд материалларидан бир қанча маълумотлар олиш мумкин. Давлат органларидаги мутахассис ходимларни ўзбеклаштириш жараёни 1925 йил 1 августда 19%, 1926 йил 1-февралда 18%, 1927 йил 1 сентябрда 16,8%, 1928 йил 1 октябрда-12,4%, 1928 йил 1-ноябрда 13,1% ни ташкил қилган.

Бу ҳолатни республикадаги турли округлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарғона округида 1927 йил 1-сентябрда 43,4%, 1928 йил 1 марта-27,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда. (2003 й. 30.08. 535 –П-сон ЎР Қонунига мувофиқ киритилган ўзгаришлар билан)

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 й. 1-2-сон, 1-модда.

8% Хоразм округида 1927 йил 1 сентябрда 42,7%, 1929 йил 1 октябрда 23,7%, Хўжанд округида 1927 йил 1 сентябрда 38, 4%, 1928 йил 1 октябрда 37,2% га тенг бўлган¹.

XX аср бошларида Туркистон республикасида фаолият юритган матбуот саҳифаларида, бир қанча тарихий адабиётларда, жумладан Москвада РОССПЭН нашриётида 2005 йил Л.С.Гатагова, А.П.Кошелева, Л.А.Роговаялар томонидан тайёрланган, 1918-33 йил воқеаларини ўз ичига олган “ЦК РКП(б)-ВКП(б) и национальный вопрос” деб номланган тўпلامда бир қанча маълумотлар келтирилган.

Ана шу манбада №211 рақам билан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасининг Ўзбекистондаги сиёсий ҳолат ҳақида 1928 йил 31-майда “Ўзбек маърифатпарварларида шовинизмнинг шаклланиши ва ўсиши тўғрисида махфий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ҳисоботи” берилган бўлиб, унда ўзбек миллий маърифатпарварларининг ўша вақтда республикада юзага келган сиёсий ҳолатдан норозиликлари яширин, зимдан кузатиш, ўрганиш ва уларга зарба бериш мақсадида баён қилинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси (б)МК нинг Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги қарори асосида миллий озчиликка мансуб болалар учун мактаблар ташкил этиш ва уларнинг ўз она тилларида ўқитиш қароридан: “Хўжанд, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида аҳолини асосий қисми ўзбеклар ва тожик тилида сўзлашувчилар, балки тожик бўлмаганлар. Тожик тили уларнинг она тили бўлмай, фақат сўзлашув тилидир. 90% тожиклар ўзбек тилини яхши биладилар. Тожик мактаблар очиш шарт эмас. 1926 йил Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш вақтида кўп тожиклар ўзбеклар деб ёзилди. Ўн минглаб тожиклар Тошкент округида ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблашади. Тошкент округида районлаштириш бўйича материалларда тожиклар ҳақида эслашмайдилар¹”.

Худди шу манбада яна бир фикр келтирилади: “Бухорода иккита форс мактаби бор. Тожик мактаб йўқ. Бу ҳолат тожик аҳолисини норозилигига сабаб бўлмоқда. Аҳоли қийинчиликлар билан тожиклар учун тожик тилида дарс олиб боровчи иккита тожик мактаб очишга эришдилар¹”.

Бу китобда ана шунга ўхшаш бир қанча маълумотлар мавжудки, большевиклар партияси Ўрта Осиё Республикаларида мажбуран, халқни хоҳиш-иродасини эътиборга олмасдан, тазйиқ асосида ўзининг миллий сиёсатини амалга оширган, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги ҳуқуқлари поймол қилинган. “Правда Востока” газетасини 1932 йил 29 февралдаги 49 –сониди ҳам ”В. Нарпае, Старой Бухаре и Кермине забывают о нацполитике нашей партии” сарлавҳали мақола берилган бўлиб, унда 1923-33 йилларда Ўзбекистон МИК ҳузурида ташкил этилган “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш” ёки “Давлат аппарати ва саноатни маҳаллийлаштириш комиссия” ларининг Нарпай, Эски Бухоро ва Карманада олиб борган сиёсати ҳақида маълумотлар баён қилинган.

1930 йилда Эски Бухоро районидаги райколхозсоюзда 26 нафар ўзбек миллатига мансуб ишчи – хизматчилар мавжуд бўлса, 1931 йилда уларнинг сони 20 нафарга тушган, аппарат таркиби 1930 йилдан 1931 йилгача 39 нафардан 45 нафарга етган².

¹ Ўзбекистон МДА.86 –фонд, 1-руйхат, 5007 иш, 22-варақ.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая.”ЦК РКП(б)-ВКП(б) и нацтоальный вопрос”. Сборник 1-том Москва 2005, 580-бет.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая.”ЦК РКП(б)-ВКП(б) и нацтоальный вопрос”. Сборник 1-том Москва 2005, 580-бет.

² Правда Востока 1932 йил 29 феврал 49 сон, 2-бет.

Район савдосоюз аппаратида 1930 йилда 18 нафар ходим бўлиб, уларнинг 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, руслар ва татарлар-10 нафар, 1931 йилда аппарат таркиби 35 нафарга кўпайса ҳам, ўзбек миллатига мансублар 5 нафарни, европаликлар 30 нафарни ташкил этган².

Район матлуботсоюзда 30 нафар ходимдан атиги 3 нафари ўзбеклардан иборат бўлган. Худди шундай ҳолатни Нарпай районида ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда Нарпай район ижроия қўмитасидаги 13 ходимдан 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, 6 нафари руслар, 1931 йил 7 нафар ўзбеклар, 8 нафари русларни ташкил этган¹.

Эски Бухоро район ижроия қўмитаси ва район матлубот союздаги 12 раҳбар ходимларнинг 5 нафари ўзбек қолганлари европаликлар, 20 нафар техник ходимларнинг ҳаммаси европаликлар, 17 нафар ташкилий-инструкторлик ва ўрта техник ходимлардан 10 нафари ўзбеклар ва миллий озчиликка мансуб бўлган².

БАРКАМОЛ АВЛОД-ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ.

Маърузачи-доц. Валиқулов Ю.Ю.

¹ Правда Востока 1932 йил 29 феврал 49 сон, 2-бет.

² Ўша ерда.

Ўзбекистон Истиқлолни қўлга киритгач ўзига мос ва хос йўлни танлади, бозор иқтисодиётига ўтишда, жаҳон стандартлари йўлидан боришга унинг демографик ҳолати йўл бермасди, зеро мамлакат аҳолисини 45 ни 15 ёшгача бўлган ёшлар, 64%ни 30 ёшда бўлган авлод ташкил этар эди. Шунингдек катта бир қисмини нафақагирлар, ишламайдиган аёллар ва ногирон болалар ташкил этар эди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” каби асарларида ҳамда кўплаб маъруза ва нутқларида Ўзбекистон халқи қандай мақсад сари интилаётгани, қандай жамият барпо этгани илмий асосда кенг ва атрофлича ёритиб берилган.

Айниқса, Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” асарида мустақил тараққиёт йилларида орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда, собиқ совет тузумининг оғир асоратларига қарамай, юртимиз катта ривожланиш йўлига чиқиш асосланади. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз-Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртбошимиз ана шу жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий вазифаларни ҳал этишини долзарб деб билганлар.

1997 йилдан бу йил-2010 йилгача ҳар йили бир ном билан белгилаш ва шуни бажариш учун “Давлат дастури”-ни тузуб, барча имкониятларни шунга йўналтириш-Президентимизнинг “Харизматик” инсон сифатида бу дастурни бажаришга бутун мамлакатни салоҳиятини шунга қаратишлари бутун дунёни ҳайратда солмоқда.

2010-йилни- “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши бунга яққол мисол бўла олади, зеро бизнинг ёшларимиз “сунгги беш йил давомида умумтаълим фанлари бўйича 100-га яқин ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Япония, Германия, Испания, Россия, Греция, Словения мамлакатларида турли фанлардан ўтказилган нуфузли олимпиадаларда иштирок этиб 3-та олтин, 8-та кумуш, 36-та бронза медалларини қўлга киритдилар” (“Халқ сўзи”, 2010 йил, 29 январ, 2-бет).

Юртбошимизни “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу улкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш-бизнинг фуқаролик бурчимиздир” (Асарлар,Т.6.261-бет). Деган сўзлари бу дастурни бажаришга ҳаммамизни маъсулиятимизни оширади.

XX АСР БОШЛАРИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ТОМОНЛАРИ.

ўқ. Давлатова Ш.Ш.

1917-24 йиллар мобайнида сунъий равишда миллий республикалар ташкил этила бошланди, партия миллий сиёсати “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”га қаратилиб, бу сиёсат большевиклар андозаси асосида амалга оширилди. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишга “барҳам” беришдан иборат эди.

Аммо шу йиллар мобайнида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий камситилиши, бир-бири билан қадимдан қўшни, қардош, қариндош бўлиб яшаб келган ўзбек, тожик,

туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари муносабатларига нифоқ солиш, шу йўл билан улар устидан назоратни, мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Тожикни мажбуран ўзбеклаштириш, ўзбекни мажбурий равишда руслаштириш сиёсати олиб борилди.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қатор фонд материалларидан бир қанча маълумотлар олиш мумкин. Давлат органларидаги мутахассис ходимларни ўзбеклаштириш жараёни 1925 йил 1 августда 19%, 1926 йил 1-февралда 18%, 1927 йил 1 сентябрда 16,8%, 1928 йил 1 октябрда-12,4%, 1928 йил 1-ноябрда 13,1% ни ташкил қилган.

Бу ҳолатни республикадаги турли округлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарғона округида 1927 йил 1-сентябрда 43,4%, 1928 йил 1 марта-27, 8% Хоразм округида 1927 йил 1 сентябрда 42,7%, 1929 йил 1 октябрда 23,7%, Хўжанд округида 1927 йил 1 сентябрда 38, 4%, 1928 йил 1 октябрда 37,2% га тенг бўлган¹.

XX аср бошларида Туркистон республикасида фаолият юритган матбуот саҳифаларида, бир қанча тарихий адабиётларда, жумладан Москвада РОССПЭН нашриётида 2005 йил Л.С.Гатагова, А.П.Кошелева, Л.А.Роговаялар томонидан ёзилган, 1918-33 йил воқеаларини ўз ичига олган РКП(б)-ВКП(б) Марказий Комитети ва миллий масала” деб номланган китобда бир қанча маълумотлар келтирилган.

Ана шу манбада №211 рақам билан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасининг Ўзбекистондаги сиёсий ҳолат ҳақида 1928 йил 31-майда “Ўзбек маърифатпарварларида шовинизмнинг шаклланиши ва ўсиши тўғрисида махфий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ҳисоботи” берилган бўлиб, унда ўзбек миллий маърифатпарварларининг ўша вақтда республикада юзага келган сиёсий ҳолатдан норозиликлари яширин, зимдан кузатиш, ўрганиш ва уларга зарба бериш мақсадида баён қилинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси (б)МК нинг Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги қарори асосида миллий озчиликка мансуб болалар учун мактаблар ташкил этиш ва уларнинг ўз она тилларида ўқитиш қароридан: “Хўжанд, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида аҳолини асосий қисми ўзбеклар ва тожик тилида сўзлашувчилар, балки тожик бўлмаганлар. Тожик тили уларнинг она тили бўлмай, фақат сўзлашув тилидир. 90% тожиклар ўзбек тилини яхши биладилар. Тожик мактаблар очиш шарт эмас. 1926 йил Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш вақтида кўп тожиклар ўзбеклар деб ёзилди. Ўн минглаб тожиклар Тошкент округида ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблашади. Тошкент округида районлаштириш бўйича материалларда тожиклар ҳақида эслашмайдилар¹”.

Худди шу манбада яна бир фикр келтирилади: “Бухорода иккита форс мактаби бор. Тожик мактаб йўқ. Бу ҳолат тожик аҳолисини норозилигига сабаб бўлмоқда. Аҳоли қийинчиликлар билан тожиклар учун тожик тилида дарс олиб боровчи иккита тожик мактаб очишга эришдилар²”.

¹ Ўзбекистон МДА.86 –фонд, 1-руйхат, 5007 иш, 22-варақ.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая. “РКП(б)-ВКП(б) Марказий Комитети ва миллий масала” Москва 2005, 580-бет.

² Ўша ерда 582-бет.

Бу китобда ана шунга ўхшаш бир қанча маълумотлар мавжудки, большевиклар партияси Ўрта Осиё Республикаларида мажбуран, халқни хоҳиш-иродасини эътиборга олмасдан, тазйиқ асосида ўзининг миллий сиёсатини амалга оширган, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги ҳуқуқлари поймол қилинган.

“Правда Востока” газетасини 1932 йил 29 февралдаги 49 –сонида ҳам “В. Нарпае, Старой Бухаре и Кермине забывают о нацполитике нашей партии” сарлавҳали мақола берилган бўлиб, унда 1923-33 йилларда Ўзбекистон МИК ҳузурида ташкил этилган “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш” ёки “Давлат аппарати ва саноатни маҳаллийлаштириш комиссия” ларининг Нарпай, Эски Бухоро ва Карманада олиб борган сиёсати ҳақида маълумотлар баён қилинган.

1930 йилда Эски Бухоро районидаги райколхозсоюзда 26 нафар ўзбек миллатига мансуб ишчи – хизматчилар мавжуд бўлса, 1931 йилда уларнинг сони 20 нафарга тушган, аппарат таркиби 1930 йилдан 1931 йилгача 39 нафардан 45 нафарга етган¹.

Район савдосоюз аппаратида 1930 йилда 18 нафар ходим бўлиб, уларнинг 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, руслар ва татарлар-10 нафар, 1931 йилда аппарат таркиби 35 нафарга кўпайса ҳам, ўзбек миллатига мансублар 5 нафарни, европаликлар 30 нафарни ташкил этган².

Район матлуботсоюзда 30 нафар ходимдан атиги 3 нафари ўзбеклардан иборат бўлган.

Худди шундай ҳолатни Нарпай районида ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда Нарпай район ижроия кўмитасидаги 13 ходимдан 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, 6 нафари руслар, 1931 йил 7 нафар ўзбеклар, 8 нафари русларни ташкил этган³.

Эски Бухоро район ижроия кўмитаси ва район матлубот союздаги 12 раҳбар ходимларнинг 5 нафари ўзбек қолганлари европаликлар, 20 нафар техник ходимларнинг ҳаммаси европаликлар, 17 нафар ташкилий-инструкторлик ва ўрта техник ходимлардан 10 нафари ўзбеклар ва миллий озчиликка мансуб бўлган⁴.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССР даврида ҳам маҳаллий миллат вакиллари, миллий кадрларнинг меҳнат фаолиятида турли тазйиқлар, чеклашлар, камситишлар, зўравонликларга тўла барҳам берилмади. Маҳаллий миллат вакилларига нисбатан қўлланилаётган ана шундай тазйиқларга бош кўтариб чиққан миллий маърифатпарварлар ватан хоини, халқ душмани сифатида жазоланди, йўқ қилинди.

Бу ҳақида миллий маърифатпарвар Г.Юнус ҳам: “Биз ўзбекларни ҳайдашди, бутун чиновниклар ўрни сакланмоқда. Қачонки, ўзбекларнинг ўзи, ерсизликдан азият чекаётган бир вақтда бизнинг улкага марказдан эркак ишчилар олиб келиш сиёсати биз ўзбеклар учун жуда зарарли. Энди ҳақиқий коммунист бўлиш қийин, ҳақиқат учун жазолашмоқдалар¹”.

¹ Правда Востока 1932 йил 29 феврал 49 сон, 2-бет.

² Ўша ерда.

³ Ўша ерда.

⁴ Ўша ерда.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая. “РКП(б)-ВКП(б) Марказий Комитети ва миллий масала” Москва 2005, 575-бет.

ФУҚАРОЛАРНИНИГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Н.Н. ҲАМРОЕВА

XX аср ўрталаригача экологик муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисида жиддий ёндашилмагани боис экологик вазият кескин мураккаблашиб бораверди. Охир-оқибат табиатга ўнглаб бўлмас даражада турли зарарлар етказилди. Эндиликда жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси инсоният экологик ҳалокатларни олдини олиш, қутилаётган хавф-хатарни бартараф этиш йўллари излаб топмоқдалар ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш учун самарали тадбирларни амалга ошириш лозимлигини англаб етиш билан бирга, хавфсизлик чора-тадбирларини амалга оширмоқда. Бугунги кун ҳар бир мутахассиснинг экологик дунёқарашга эга бўлиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Туркистонда яшаб ўтган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар нафақат жамият ва инсонлар ҳақида, балки табиат ҳақида ҳам қўплаб фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Уларнинг инсон маданияти ва онгининг ривожланишида табиатнинг катта аҳамият касб этиши тўғрисидаги фикрлари ҳам беқиёсдир. Форобийнинг фикрича “Халқнинг одоби, ахлоқи, характери, маданияти ва бошқалар географик муҳит, табиий бойликлар, сув, ҳаво, ўсимлик кабиларнинг таъсирида шаклланади”. З.М.Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида инсон маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш, уни гулзор ва боғлар билан безаш, ҳайвонот ва наботот оламини асраш муҳимлиги тўғрисида ҳам тўхталган. У табиатнинг жонли ва жонсиз элементларини асраш юксак инсоний маданият деб билади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгунга қадар ўзбек халқининг ўз табиатини муҳофаза қилиши ёки бой табиий ресурслардан ўз хохишича фойдаланиш ҳуқуқи на конституциявий жиҳатдан, балки ички меъёрий жиҳатдан ҳам таъминланмаган эди. Атроф-муҳитга бундай бепарволик оқибатида экологик вазият кескин мураккаблашди. Нафақат маҳаллий ҳокимият, балки Ўзбекистон ССРнинг марказий органлари ҳам тегишли бошқарув ҳудуди доирасида ўз халқининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳеч қандай ҳуқуқга эга эмас эдилар.

Сайёрамизда 80 ва 90-йилларда экологик хавф аввалги даврларга нисбатан тез-тез қайтарилиб, содир бўлаётган нохуш ҳодисалар кўлами тобора каттароқ ҳудудларни қамраб ола бошлади.

Фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тан олинди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан олиб борилаётган экологик сиёсатда фуқароларга соғлом атроф-муҳитни таъминлаб бериш масаласи давлат миқёсидаги бош устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Давлатимизнинг ҳозирги экологик сиёсатида шундай ҳуқуқнинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш, уни доимо такомиллаштириб бориш ва таъминлаш кафолатларини яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

1991 йилдан бошлаб то шу кунгача қабул қилинган деярли барча экологияга оид қонунларда республикаимиз фуқароларининг табиий ресурслардан фойдаланишга тегишли бўлган ҳуқуқлари белгилаб берилди. Атроф табиий муҳит сифати давлат томонидан нормага солинмоқда, тегишли нормативларга риоя қилиниши устидан назорат олиб борилмоқда ва бу борада жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги¹⁰ қонуни асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланиб, аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклашни ва шу кабиларни назарда тутати. Бундан ташқари инсонларнинг тоза атмосфера ҳавосига эга бўлиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, шунингдек 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, мамлакатимиз фуқароларининг экологик ҳуқуқларини таъминлашда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ер кодекси”¹, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид бўлган ҳуқуқларини тартибга солишда 1993 йил 6 майда қабул қилнган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги¹¹ қонуннинг янги таҳрири, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари “Ўрмон тўғрисида”ги, табиий ресурслардан фойдаланишни, атроф-табиий муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарarli таъсирлардан муҳофаза қилишни тартибга солишда 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу қонунлардан ташқари “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Экология экспертизаси тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги бир қатор қонунларда ҳам инсон ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. XXI асрдаги табиат ва ижтимоий

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 38-модда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда. (2003 й. 30.08. 535 –П-сон ЎР Қонунига мувофиқ киритилган ўзгаришлар билан)

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 й. 1-2-сон, 1-модда.

ҳаётнинг жадал суратларда ўзгариб бораётганлиги, миллий ўзбек қонунчилигини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИКК ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР.

доц. Турсунов.Р

Мустақилликнинг самараси ўлароқ демократик принциплар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Ўзбекитсон Республикаси И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган демократик қадриятларни асраб-авайлаши ва ҳимоя қилиши ғоят муҳим”. Бу эса, табиийки, фуқароларимиздан ҳозирги ўтиш даврида юксак сиёсий саводхонликни талаб қилади.

Жамиятдаги ижтимоий-синфий кучлар жойлашувидаги ўзгаришлар оқибатида жамиятнинг сиёсий тизими ҳам ўзгаришларга юз тутлади. Эски сиёсий тизим ўрнига янги сиёсий тизимнинг келишини ўзида ифодалайдиган сиёсий ҳаёт даври ғарб сиёсатшунослигида “Конституциянинг қайтадан бутунлай кўрибчиқилиши, ўзгартирилиши” деб айтилади.¹ Давлатнинг Конституцияси сиёсий ҳокимиятни, унинг институтларини демократик тарзда лежтимлаш усули сифатида майдонга чиқади. Янги сиёсий тузумнинг қай даражада ҳаётий ва мустаҳкам бўлиши шакллантирилаётган сиёсий институтларнинг жамият эҳтиёжларига қанчалик мувофиқ келишига бевосита боғлиқ бўлади. Худди шундай тарихий бир даврни бугун Ўзбекистон Республикаси ўз бошидан кечирмоқда.

Собиқ шўролар ҳокимиятидан кейинги маконда ташкил топган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда демократик сиёсий тизимга янги жамиятда ўтиш бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан, ўтиш даврининг классик йўлини ўз бошидан кечирган мамлакатларнинг (АҚШ, Ғарбий Европа) аксарият қисми ўз мустақиллигига тўла эга бўлган ҳолда янги жамиятга ўтиш жараёнини амалга оширган эдилар. Ўтишнинг инқилобий йўлидан борган мамлакатларда эса (собиқ социалистик тизимга кирган шарқий Европанинг айрим мамлакатлари) демократик тамойилларнинг бир қатор куртаклари эски тизим шароитида шаклланган эди.

Мамлакатимиз эса амалда собиқ марказга қарам ҳолатдан мустақилликка эришиш билан ўтиш даврини бошлади. Собиқ Социализм тизим қудратли куч сифатида ўз таъбирини барча соҳаларга ўтказган бунинг устига таталитаризм иллатларидан батамом қутула олмаган ижтимоий онг шароитида демократик жамиятга ўтишнинг эволюцион, яъни босқичма-босқич йўли танланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтиш даврида жамиятнинг механизмлари ва асослари вужудга келтирилди. Хусусан, сиёсий соҳада бу даврда эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилди, янги жамиятнинг ҳуқуқий базалари вужудга келтирилди ва шу аслида давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилди. Иқтисодий соҳада демократик жамиятнинг асосий шарти бўлган эски иқтисодий тизим тугатилди. Инсон манфаатларига хизмат қилувчи, унинг қобилиятини юзага чиқарувчи ва эркин фаолият

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997 йил, 225-226 бетлар.

кўрсатишни таъминловчи бозор муносабатларига ўтишнинг шарт-шароитлари, ҳуқуқий асослари яратилади ва аста-секин уларни реал ҳаётга татбиқ этиш амалга оширилмоқда.

Маънавий-мафкуравий соҳада эса эски тузумга хизмат қилган, инсонлар онги ва қалбига зўравонлик билан киритилган тоталитар мафкура ва дунёқарашдек озод бўлинади ва янги демократик жамиятнинг маънавий-мафкуравий салоҳияти вужудга келтирилади. Жамиятда турли фикрлилик тамойили устуворлиги эришилади.

Сиёсий тизимини шакллантиришда миллий давлатчилик негизларига таяниш ва анъаналарни ҳисобга олиш натижасида ҳокимлик институтининг тарихий-сиёсий қадрият сифатида тикланиш, кўппартиявийликнинг шаклланиши, ўз-ўзини бошқарув органи-маҳалла мақомининг кучайтирилиши, миллий парламент-Олий Мажлиснинг икки палатали қилиб шакллантирилиши, сайлов тизимига кўп мадатлик, муқобиллик, кўппартиявийликнинг чуқур кириб бораётганлиги, жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ўрни тобора ошиб бораётганлиги бу жараённинг таркибий қисмларидир.

Парламент демократиянинг улкан ютуғи бўлиб, ниҳоятда серқирра ва маънодор ижтимоий-сиёсий институтдир. Аслида, парламент республика шаклидаги давлатга хос бўлиш ҳақимиятининг ташкил этилишида халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Тобора такомиллашиб бораётган парламентаризм анъаналари аксарият давлатларнинг жаҳон ҳамжамятида нуфузли ўрин олишга ва жадал сурқатлар билан тараққий этишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда дунёда парламентаризмнинг икки палатали шакли анъаналашиб бормоқда. Айниқси, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни қатъий мақсад қилиб қўйган мамлакатлар ҳаётида бикамерализм, яни икки палатали парламент ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ана шундай парламент шаклига ўтилиши Конституция ва қонун устунлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга Ю ҳокимиятнинг тақсимланиши принципини янада кенгроқ жорий этишга хизмат қилувчи қадрият сифатида эътироф этилмоқда.

СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАВҚЕИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Доцент. Алиқулов.М

Ҳозирги замон жамиятларнинг сиёсий ҳаёти мураккаб, зиддиятли серқиррали бўлиб, унда кўп сонли иштирокчилар, яън сиёсат субъектлари иштирок этади. Бу иштирокчилар орасида энг кўзга кўринарли ўринларидан бирини сиёсий партиялар эгаллайди. Бугунги ривожланган дунёда сиёсий партия мавжуд бўлмаган давлат борлигини тасаввур қилиш мушкул деярли барча давлатларда икки ёки кўппартиявий тизим мавжуд. Цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан бўлмиш сиёсий партиялар

ижтимоий ҳаётдаги демократия ва барқарорликни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб, у ижтимоий ташкилотлар орасида энг сиёсийлашган ташкилотдир.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда кўппартиявийлик содир бўлган воқеликдир. Собик шўро ҳукуматининг қурулли истилоси натижасида Туркистонда XX асрнинг 20- йилларида таъкибга олиниб, тугатилган “Турон”, “Ижтиҳоли тараққий”, “Бирлик”, “Шарқ газетаси”, “Ёш Бухороликлар”, “Ёш Хиваликлар” каби кўплаб партия ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолият кўрсатганлиги тарихдан маълум. Бугун эса, эришилган миллий мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсий партиялар яна жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига, демократик парламентнинг асосий омилига айланиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда халқ демократик партияси, “Адолат социал-демократик партияси”, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон либерал демократик партияси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги шароитда қуйи палатани реал ҳокимий кучига эга бўлган сиёсий партия вакиллари билан мустаҳкамлаш ва энг муҳими, ҳар бир сиёсий партиянинг ижтимоий обрўсини оширишга имкон яратиш соғлом яратувчи сиёсий оппозицияга кенг йўл очиб бериш орқалисиёсий ҳаётга демократик принципини мустаҳкамлаш зарур.

Акс ҳолда қуйи палата ўзининг сиёсий вазифасини самарали бажара алмайди. Хусусан, қайд этилган сўнги масала тўғрисида Президент И.А.Каримовнинг “Бизнинг заиф томонимиз-ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганида расмий сиёсатга қарши кучли тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бежиз айтилмаган” деган сўзлари диққатга сазовар.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришда муҳим кадам бўлди. Чунки демократик давлатларда мамлакат парламентида сайловларда иштирок этаётган у ёки бу партия ўзининг дастурий мақсадларини янгидан шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлни (курсни) танлаши, унинг ўз олдига қўйган мўлжали ва мақсади вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди. Янгидан сайлашган парламентда муилақо кўпчилик ўрнини эгалланган партия ҳукуматни шакллантиради, унинг етакчиси ёки вакили эга бош вазир лавозимида даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Парламентда кўпчилик ўрнини эгаллашга муваффақ бўла олмаган партия эса “Норасмий ҳукумат” ни сақлаб қолаверади. Ва у зарур бўлган пайтда мамлакат келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Мазкур янги қонуннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, “янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партия фиракциялари ўзларини муҳолифат деб эълон қилишлари мумкин. Парламентда муҳолифатнинг қонун қафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас”. Шу муносабат билан 2010 27 январда Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш-устувор мақсадимиздир” деган маърузасида қуйидагиларни таъкидлаган эди. “Ишончим комилки, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилишининг қафолат ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади”.

Бугунги жараёнларда умуммиллик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда партиялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалий муқобил таклифлар билан чиқишлари, турли ижтимоий гуруҳларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини таъминлашлари, ўз ваколатлари даражасида халқни эргаштириб, уни мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбад этишни амалга оширишлари зарурдир.

XX АСР БОШЛАРИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ТОМОНЛАРИ.

Ўқ. Давлатова Ш.Ш.

1917-24 йиллар мобайнида сунъий равишда миллий республикалар ташкил этила бошланди, партия миллий сиёсати “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”га қаратилиб, бу сиёсат большевиклар андозаси асосида амалга оширилди. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишга “барҳам” беришдан иборат эди.

Аммо шу йиллар мобайнида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий камситилиши, бир-бири билан қадимдан қўшни, қардош, қариндош бўлиб яшаб келган ўзбек, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари муносабатларига нифоқ солиш, шу йўл билан улар устидан назоратни, мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш чора-тадбирлари қўрилди. Тожикни мажбуран ўзбеклаштириш, ўзбекни мажбурий равишда руслаштириш сиёсати олиб борилди.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қатор фонд материалларидан бир қанча маълумотлар олиш мумкин. Давлат органларидаги мутахассис ходимларни ўзбеклаштириш жараёни 1925 йил 1 августда 19%, 1926 йил 1-февралда 18%, 1927 йил 1 сентябрда 16,8%, 1928йил 1 октябрда-12,4%, 1928 йил 1-ноябрда 13,1% ни ташкил қилган.

Бу ҳолатни республикадаги турли округлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарғона округида 1927 йил 1-сентябрда 43,4%, 1928 йил 1 марта-27, 8% Хоразм округида 1927 йил 1 сентябрда 42,7%, 1929 йил 1 октябрда

23,7%, Хўжанд округида 1927 йил 1 сентябрда 38, 4%, 1928 йил 1 октябрда 37,2% га тенг бўлган¹.

XX аср бошларида Туркистон республикасида фаолият юритган матбуот саҳифаларида, бир қанча тарихий адабиётларда, жумладан Москвада РОССПЭН нашриётида 2005 йил Л.С.Гатагова, А.П.Кошелева, Л.А.Роговаялар томонидан тайёрланган, 1918-33 йил воқеаларини ўз ичига олган “ЦК РКП(б)-ВКП(б) и национальный вопрос” деб номланган тўпламда бир қанча маълумотлар келтирилган.

Ана шу манбада №211 рақам билан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасининг Ўзбекистондаги сиёсий ҳолат ҳақида 1928 йил 31-майда “Ўзбек маърифатпарварларида шовинизмнинг шаклланиши ва ўсиши тўғрисида махфий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ҳисоботи” берилган бўлиб, унда ўзбек миллий маърифатпарварларининг ўша вақтда республикада юзага келган сиёсий ҳолатдан норозиликлари яширин, зимдан кузатиш, ўрганиш ва уларга зарба бериш мақсадида баён қилинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси (б)МК нинг Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги қарори асосида миллий озчиликка мансуб болалар учун мактаблар ташкил этиш ва уларнинг ўз она тилларида ўқитиш қароридан: “Хўжанд, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида аҳолини асосий қисми ўзбеклар ва тожик тилида сўзлашувчилар, балки тожик бўлмаганлар. Тожик тили уларнинг она тили бўлмай, фақат сўзлашув тилидир. 90% тожиклар ўзбек тилини яхши биладилар. Тожик мактаблар очиш шарт эмас. 1926 йил Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш вақтида кўп тожиклар ўзбеклар деб ёзилди. Ўн минглаб тожиклар Тошкент округида ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблашади. Тошкент округида районлаштириш бўйича материалларда тожиклар ҳақида эслашмайдилар¹”.

Худди шу манбада яна бир фикр келтирилади: “Бухорода иккита форс мактаби бор. Тожик мактаб йўқ. Бу ҳолат тожик аҳолисини норозилигига сабаб бўлмоқда. Аҳоли қийинчиликлар билан тожиклар учун тожик тилида дарс олиб боровчи иккита тожик мактаб очишга эришдилар¹”.

Бу китобда ана шунга ўхшаш бир қанча маълумотлар мавжудки, большевиклар партияси Ўрта Осиё Республикаларида мажбуран, халқни хоҳиш-иродасини эътиборга олмасдан, тазйиқ асосида ўзининг миллий сиёсатини амалга оширган, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги ҳуқуқлари поймол қилинган.

“Правда Востока” газетасини 1932 йил 29 февралдаги 49 –сониди ҳам ”В. Нарпае, Старой Бухаре и Кермине забывают о нацполитике нашей партии” сарлавҳали мақола берилган бўлиб, унда 1923-33 йилларда Ўзбекистон МИК ҳузурида ташкил этилган “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш” ёки “Давлат аппарати ва саноатни маҳаллийлаштириш комиссия” ларининг Нарпай, Эски Бухоро ва Карманада олиб борган сиёсати ҳақида маълумотлар баён қилинган.

1930 йилда Эски Бухоро районидаги райколхозсоюзда 26 нафар ўзбек миллатига мансуб ишчи – хизматчилар мавжуд бўлса, 1931 йилда уларнинг сони 20 нафарга тушган, аппарат таркиби 1930 йилдан 1931 йилгача 39 нафардан 45 нафарга етган².

¹ Ўзбекистон МДА.86 –фонд, 1-руйхат, 5007 иш, 22-варақ.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая.”ЦК РКП(б)-ВКП(б) и нацтоальный вопрос”. Сборник 1-том Москва 2005, 580-бет.

¹ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая.”ЦК РКП(б)-ВКП(б) и нацтоальный вопрос”. Сборник 1-том Москва 2005, 580-бет.

² Правда Востока 1932 йил 29 феврал 49 сон, 2-бет.

Район савдосоюз аппаратида 1930 йилда 18 нафар ходим бўлиб, уларнинг 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, руслар ва татарлар-10 нафар, 1931 йилда аппарат таркиби 35 нафарга кўпайса ҳам, ўзбек миллатига мансублар 5 нафарни, европаликлар 30 нафарни ташкил этган².

Район матлуботсоюзда 30 нафар ходимдан атиги 3 нафари ўзбеклардан иборат бўлган.

Худди шундай ҳолатни Нарпай районида ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда Нарпай район ижроия кўмитасидаги 13 ходимдан 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, 6 нафари руслар, 1931 йил 7 нафар ўзбеклар, 8 нафари русларни ташкил этган¹.

Эски Бухоро район ижроия кўмитаси ва район матлубот союздаги 12 раҳбар ходимларнинг 5 нафари ўзбек қолганлари европаликлар, 20 нафар техник ходимларнинг ҳаммаси европаликлар, 17 нафар ташкилий-инструкторлик ва ўрта техник ходимлардан 10 нафари ўзбеклар ва миллий озчиликка мансуб бўлган².

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССР даврида ҳам маҳаллий миллат вакиллари, миллий кадрларнинг меҳнат фаолиятида турли тазйиқлар, чеклашлар, камситишлар, зўравонликларга тўла барҳам берилмади. Маҳаллий миллат вакилларига нисбатан қўлланилаётган ана шундай тазйиқларга бош кўтариб чиққан миллий маърифатпарварлар ватан хоини, халқ душмани сифатида жазоланди, йўқ қилинди.

Бу ҳақида миллий маърифатпарвар Г.Юнус ҳам: “Биз ўзбекларни ҳайдашди, бутун чиновниклар ўрни сакланмоқда. Қачонки, ўзбекларнинг ўзи, ерсизликдан азият чекаётган бир вақтда бизнинг улкага марказдан эркак ишчилар олиб келиш сиёсати биз ўзбеклар учун жуда зарарли. Энди ҳақиқий коммунист бўлиш кийин, ҳақиқат учун жазолашмоқдалар³”.

БАРКАМОЛ АВЛОД-ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ.

доцент. Ю.Ю. Валиқулов

Ўзбекистон Истиқлолни қўлга киритгач ўзига мос ва хос йўлни танлади, бозор иқтисодиётига ўтишда, жаҳон стандартлари йўлидан боришга унинг демографик ҳолати йўл бермасди, зеро мамлакат аҳолисини 45 ни 15 ёшгача бўлган ёшлар, 64%ни 30 ёшда бўлган авлод ташкил этар эди. Шунингдек катта бир қисмини нафақагирлар, ишламайдиган аёллар ва ногирон болалар ташкил этар эди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” каби асарларида ҳамда кўплаб

¹ Правда Востока 1932 йил 29 феврал 49 сон, 2-бет.

² Ўша ерда.

³ Л.С.Гатагова, Л.П.Кошелева, Л.А.Роговая. “РКП(б)-ВКП(б) Марказий Комитети ва миллий масала” Москва 2005, 575-бет.

маъруза ва нутқларида Ўзбекистон халқи қандай мақсад сари интилаётгани, қандай жамият барпо этгани илмий асосда кенг ва атрофлича ёритиб берилган.

Айниқса, Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида мустақил тараққиёт йилларида орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда, собиқ совет тузумининг оғир асоратларига қарамай, юртимиз катта ривожланиш йўлига чиқиш асосланади. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз-Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртбошимиз ана шу жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий вазифаларни ҳал этишини долзарб деб билганлар.

1997 йилдан бу йил-2010 йилгача ҳар йилни бир ном билан белгилаш ва шуни бажариш учун “Давлат дастури”-ни тузуб, барча имкониятларни шунга йўналтириш-Президентимизнинг “Харизматик” инсон сифатида бу дастурни бажаришга бутун мамлакатни салоҳиятини шунга қаратишлари бутун дунёни ҳайратда солмоқда.

2010-йилни- “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши бунга яққол мисол бўла олади, зеро бизнинг ёшларимиз “сунгги беш йил давомида умумтаълим фанлари бўйича 100-га яқин ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Япония, Германия, Испания, Россия, Греция, Словения мамлакатларида турли фанлардан ўтказилган нуфузли олимпиадаларда иштирок этиб 3-та олтин, 8-та кумуш, 36-та бронза медалларини қўлга киритдилар” (“Халқ сўзи”, 2010 йил, 29 январ, 2-бет).

Юртбошимизни “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу улкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш-бизнинг фуқаролик бурчимиздир” (Асарлар,Т.6.261-бет). Деган сўзлари бу дастурни бажаришга ҳаммамизни маъсулиятимизни оширади.

**СОВЕТ ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН ТАССРДА ЮРИТИЛГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
СИЁСАТ ВА УНИНГ ДЕМОКРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

Ҳар бир тарихий даврда мамлакат аҳолиси давлат сиёсатининг асосий манбаи бўлиб келган. Совет тузуми даврида халқимизнинг маънавий – маданий ҳаёти коммунистик мафкура тизимида солинди. Совет тузуми дастлабки кунларидаёқ мамлакатда “коммуналга сакраш” сиёсатини ўтказишга киришди. Бу ҳол ўзига хос хусусиятга эга бўлган Туркистон ҳаётининг барча жойларини остин устун қилиб ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳар томонлама бурилишларни келтириб чиқарди. Бу ўзгаришлар айниқса кенг аҳоли қатламига катта салбий таъсир кўрсатди.

Миллий тафаккур тарзига ёт бўлган социалистик давлатчилик андозасининг зўрлик билан сингдирилиши, мустабид-мустамлакачилик режими Туркистон халқини ҳақиқатда ҳалокат ёқасига олиб келди. Мустабид тузум фуқароларни бир-бирига қарам қарши қўйиши, унинг ўтказган оммавий қатағонлари ва қувғинлари оқибатида ўлкадош туб аҳолининг қўшни мамлакатларига қўплаб кетиб қолиш ҳоллари юз берди. Шунингдек, Мустақиллик учун юз минглаб курашчилар Большевиизмга қарши кураш фронтларида, бир миллиондан ортиқ Туркистонликлар очлик ва эпидемиялардан ҳалок бўлдилар¹.

Демократик вазиятга етарли эътибор берилмаганлиги натижасида ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши сиёсатига ўзгартиришлар киритиш бўйича умумдавлат миқёсида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу ишлар туб миллий манфаатларга мос келмаган ҳолда умумий тарзда олиб берилган. Натижада бу даврга келиб аҳоли сони кескин равишда қисқариб кетди.

Агар 1915 йилда Туркистонда 7 млн. 149 минг киши истиқомат қилган бўлса, 1922 йилга келиб, уларнинг сони бор-йўғи 4 млн. 835 минг киши бўлиб қолди.¹ Озиқ овқат диктатурасини жорий этилиши билан деҳқонларнинг охириги қадоқ ғалласи озиқ-овқатни тўпловчи отрядлар томонидан тортиб олинди. Натижада аҳоли очарчилик ва мулксизликка “маҳкум” этилди.

1918 йил 20 ноябрда Туркистон Республикасида “Очарчиликка қарши кураш Маркази комиссияси” тузилди. Комиссия раиси Т. Рисқулов ўз таржимаи ҳолида қуйидагича ёзади, “.... ҳақиқатдан ҳам кўчалар, ариқлар ва кишлоқларда ўтаётган миллионлаб йўқчиллар ва болаларни кутқариш керак эди²”. Туркистондаги совет ҳукумати оч қолганларга ёрдам учун турли қўмиталар ташкил этди, съезд, қурултой ва бошқа йиғилишларда бу масалани кўп марта кўриб чиқиб, қабул қилди. Аммо, бу ҳаракатлар қутилган натижани бермади. Очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган Туркистон ўлкасидан марказга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди.

Шунингдек Т. Рисқулов очарчилик республикаси аҳолисининг ярмини, яъни тахминан 2,5 млн кишини ўз домига тортди, деб ёзганида мутлақо ҳақ эди. Совет ҳукумати томонидан олиб борилган оқибатларни тузатиш учун -сўнгра янги иқтисодий-сиёсатнинг амалга оширилиши Туркистон АССРда катта қурбонлар бериш эвазига амалга оширилди. Меҳнатга яроқли аҳолининг бир қисми Россиянинг уруш орти ҳудудларида тиклаш ишларига жалб этилди. Бунинг натижасида ўлканинг ижтимоий-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2- китоб. Т.: “Шарқ”. 2000. 161-бет

¹ Ўша жойда 162-бет

² Ражабов Қ. Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т. “Университет” 2002.й 78-бет

иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳоли сони қисқарди ва ҳудудда демографик жараёнлар кескинлашди.

ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР СОЦИОЛОГИЯСИ

Ўқ.Йўдошева Зубайда.

Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатларини ўрганувчи девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан ўрганила бошланди. Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини мамлакатимиз олимлари ўз тадқиқот объектлари доирасида ўрганганлар. Масалан: Республика файласуфлари Х.Шайхова, Қ.Назаров, М.Холатова, Н.Комилов (Шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия таъсири (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири) ҳуқуқшунослар А.Кулаҳметов, Ў.Каракетов, М. Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари) психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Саъинов, С.А.Ахунжановалар (ўз жонига қасд қилиш ва жиноятчилик муаммоларининг руҳий-психологик асослари) ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Жамиятда инсонлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва хулқ атворларини ижтимоий меъёрлар бошқаради. Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб: ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф-одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир. Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданок муайян меъёрларга мослаштириб борилган шахслар умум томонидан қабул қилинган тамйиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараққий этиб борган сари ўрнатилган, меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади.

Жамият аъзоларини мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини назорат қилиб боровчи институтлар ижтимоий назарий институтлари дейилади: Ушбу институтларга оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳоказолар киради. Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир. “Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талаблари англатади, ҳис этади.”

Афсуски, орамизда шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар жамият тараққиётига хизмат қилмасдан, балки унга тўсиқ бўлувчи меъёрдан онгли ҳолатларини юзага келтирадилар. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан онгли ҳолатларини юзага келтирадилар. Жамиятда ўрнатилган меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда “девиантлик ҳолатлари” ундан туғулувчи хулқ-атворни “девиант хулқ-атвор” деб номланади. Девиант хулқ-атвор-жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган инсоний фаолият ёки хатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса бўлиб, ёлғончилик, дангасалик, ўғирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиши ва бошқа кўплаб шу каби ҳолатлар ушбу хулқ атвор хусусиятлари ҳисоблади.

Шахсларда юз берувчи девиант ҳолатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни кўрсатиш мумкин. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат институтлари. Айнан мана шу омиллар шахснинг қандай фаолият юритишни белгилаб беради. Шахс хусусиятларининг шаклланишда 3 та омил муҳим аҳамият касб этади. Булар 1) Ирсий , 2) психофизиологик омиллар, 3) шахснинг билим даражаси.

Шунингдек, ижтимоий оғишларнинг юз беришга шахснинг қатъиятли ёки қатъиятсизлиги, қоидаларга бўйсунмиши ёки бўйсунмаслик одатлари бирон-бир қарорга кела олиш имконияти, принципааллиги ёки принципсизлиги, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

СУВ-УМУМБАШАРИЙ НЕЪМАТ

т.ф.н. Бўриев Соатмўмин

Яхши ниятлар билан инсоният қадам қўйган ХХІ аср долзарб воқеа ҳодисаларни, жумладан давлатлараро рўй бераётган ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятлар ва зўравонликларнинг ечимини излаётган бир пайтда устига-устак бутун тирик мавжудот учун ҳаёт манбаи ҳисобланган сув муаммосини ҳал этишдек ўта муҳим мавзуга ҳам диққатини қаратишга тўғри келмоқда.

Дарҳақиқат, сув муаммоси бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган масалалардан бирига айланиб бормоқда. БМТ берган маълумотларига қараганда, трансчегаравий ҳавзалар ер юзининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўлаган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансчегаравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳуқуқларини белгилаб берадиган бирон-бир халқларо ҳуқуқий ҳужжатида кўзда тутилмаган. Масалан, Швейцария давлатининг Германиядан, Франция ёки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошлангани учун пул тўлашини талаб қилиши ақлга сиғмайдиган ҳолатдир. Ёки Германия ҳудудидан бошланадиган, Европадаги энг узун Дунай

дарёсининг қуйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни талаб қилишини тасаввур этиб бўладими!.

Бундай ташқари Марқазий Осиёда, жумладан Қирғизистонда Қамбарота ГЭСи ва Тожикистонда Рағун ГЭСининг Ўзбекистон нуктаи назарида баён этилган тамойиллар ҳисобга олинмасдан қурилишига уринишлар минтақа ва унинг аҳолисига тузатиб бўлмайдиган экологик зарар келтириш мумкин. Бугунги кунда сув тақчиллигини ер юзи аҳолисининг учдан бир қисми ўз бошидан кечирмоқда. Олинган маълумотларга кўра сўнги ярим аср мобайнида сув ресурслари юзасидан камида 500 марта жанжал чиққан. Шундан 20 таси харбий тўқнашувга айланган.

Мутахассисларнинг фикрича 15-20 йилдан кейин сайёрамиз аҳолисининг учдан икки қисми сув танқислигига дуч келиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда сув танқислиги 50 фоизни ташкил қилса, ривожланганларида бу рақам 18 фоизни кўрсатади. Бу эса ўз вақтида халқаро миқёсда сув масаласида кескинликнинг кучайишидан дарак беради. Шу ва шу каби масалаларни муҳокама қилиш қилиш учун Туркиянинг Истанбул шаҳрида 2009 йилнинг 16-22 март кунлари Бешинчи бутунжаҳон Сув форуми бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 130 мамлакатидан 30 минга яқин вакил, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси аъзолари ҳам иштирок этишди. Форум иштирокчилари об-ҳавонинг глобал исиши, иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, ичимлик ва суғориш сувига талаб ортиб бораётгани сабабли сув ресурсларидан ақилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътиборларини киритди.

“Сув энергия учун, энергия сув учун” мавзусида ўтказилган вазирлар давра суҳбатида Швеция, Франция, Норвегия, Голландия, Сурия, Ироқ, Уругвай, Эфиопия, Ҳиндистон, Конго демократик республикаси ва башқа мамлакатларнинг атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хужалиги, энергетика вазирлари экология ва қўшни мамлакатларга зарар етказмаслик кафолати билан трансчегаравий сув оқимларида ва гидроиншоотлар қуришда сувни адолатли тақсимлаш, яқин мамлакатлар

аҳолисига етказиладиган оқибатлар ҳисобга олинмай сувни товарга айлантириб, ундан алоҳида бир мамлакатнинг сиёсий мақсадлари ва миллий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик принципларини халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этишдилар. Форум якунида қабул қилинган баёнотда шуни англаб олиш мумкинки, унда бундан кейин сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни бошқаришни яхшилаш, қишлоқ хўжалигида сувдан унумли ва самарали фойдаланиш, янги суғориш тармоқларини қуриш, аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, аҳолининг қишлоқ жойдалардаги турмуш даражасини яхшилаш ҳамда сувни тежаш мақсадида лалмикор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришигина мавжуд халқаро сув муаммосининг олдини олишга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Албатта, юқорида тилга олинган олдини олишга эришилган бўлар эди.

БХСР НИНГ МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИ

к.ўқ. Алланазаров Мурод

1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилгандан сўнг Ф.Хўжаев бошчилигидаги янги ҳукуматзамонавий маориф тизimini вужудга келтириш чораларини кўрди.

Бухоро Республикаси раҳбарлари ушбу масала: “Маориф керак, чунки ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир миллат ва ҳеч бир инқилоб маорифсиз яшамас, ўқимоқ учун мактаб керак, маориф керак китоб керак-булар ҳақиқат”¹³ тарзида қарадилар. БХСР нинг ҳукумат таркиби жаидлардан иборат бўлиб, улар халқни саводли қилиш орқали жаҳолат ва қолоқли ботқоқидан холос қилиш мумкинлигини тушунар эдилар. Мазкур йўналишда БХСР ҳукуматининг дастлабки йилида ишлаб чиқилган “мактаблар ҳақида умумий қоидаларда” амирлик замонида мавжуд бўлган эскича таълим тизimini тубдан ислоҳ қилиш, аҳолини ёппасига саводли қилиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Айниқса таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари ҳатто бир синфдаги шқувчилар сони 25-30 киши қилиб белгиланиши замонавий таълим тизими талабларига мос келади. “Қоидаларда” бўлажак таълим-тарбия тизимида ахлоқий масалаларга, маънави баркамолликка алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. “Мактаблар ҳақидаги умумий қоидалар”да барча миллат вакиллариининг таълим олишдаги тенглик ҳуқуқи,

¹³ Ш.Ҳайтов.,С.Бахриддинов, К.Раҳмонов. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт ижтимоий сиёсат,маданий ҳаёт-Бухоро 2005.71-бет.

миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш, болаларни ёш хусусиятларига қараб дарс соатларини белгилаш, ўқувчи ва ходимларга таътил бериш каби масалаларга атрофлича эътироф берилади.

Шунингдек БХСР ҳукумати маориф соҳасини ривожлантириш учун “ҳар бир куч билим учун”, “барча нарса билим учун” шиорларини ўртага ташлади. Жадидлардан иборат Бухоро Республикаси ҳукумати ўзининг тўрт йиллик тарихи даврида миллатмизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Маориф ва фанни ривожлантиришга, жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаради. Кўпгина иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларга (Германия, Туркия, Озарбайжон, Россия) таълим олиш учун иборади.

Хулоса қилиб айтганда Ф.Хўжаев бошчилигидаги ҳукуматнинг маориф соҳасидаги тадбирлари порлоқ келажакка мўлжалланган эди.

ЁШ ОИЛА-ДАВЛАТ НАЗАРИДА ВА ЭЪТИБОРИДА

доц. Турсунов М.Б.

Мустақиллик йилларидан бошлаб оила, оила аъзолари, айниқса она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ҳамда ҳукумат томонидан кенг қўлламли чора тадбирлар кўрилмоқда. Биринчи навбатда оила, шу жумладан никоҳ муносабатларини халқимиз қадриятлари, кўп асрлик давр синовидан ўтган анъаналар ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг ҳуқуқий негизи яратилмоқда. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонунда, жумладан, ёш оилаларга бериладиган ижтимоий имтиёзлар-якка тартибда уй-жой қуриш, уй-жой ва рўзғор буюмлари сотиб олиш ҳамда бошқа мақсадлар учун имтиёзли кредитлар бериш, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давлат ўз зиммасига олиши қайд этилади.

Оила манфаатининг ҳуқуқий кафолатлари -Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “уй-жой кодекси” ҳамда “Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонунларда кўзда тутилади. Уларда оила аъзолари учун кўзда тутилган

имтиёзлар, меҳнат қилиш, уй-жойлик бўлиш ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган.

Айниқса 1998 йилда мамлакатимизда Оила Кодексининг қабул қилиниши жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг ҳуқуқлари, мақоми, имтиёзлари ва кафолатларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Қонун ҳужжатларида ифода этилган ҳуқуқий меъёрларнинг изчил ҳаётга тадбиқ этилишини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикаимизда ҳар йили ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган давлат дастурлари таъминламоқда.

Чунончи, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сиҳат саломатлик йили” ва бошқа давлат дастурлари бўйича кенг қўламли тадбирларнинг амалга оширилиши оилани мустаҳкамлаш, фаровонлигини ошириш мақсадларига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони оила, айниқса ёш оилалар давлат ва жамият эътиборида, ҳимоясида эканлигининг ёрқин далолати бўлади.

Статистика маълумотларига биноан Ўзбекистонда ҳозирги вақтдаги жами оилаларнинг 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади. Улар тўғрисида ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олганлиги республикаимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб собитқадамлик билан амалга ошириладиган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир, жуда муҳим амалий ифодасидир.

Ёш оилаларга кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни ташкил қилишлари, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш, уй хўжалигини йўлга қўйишлари, зарур буюмлар харид этишлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида биргина 2007 йилда 50 миллиард сўм ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида ажратилмоқда.

Келгуси йилларда ҳам бу мақсадларга 2007 йилги ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағлари излаб топиш ва ажратиш вазифаси қўйилган.

Айни пайтда ёш оилаларга катта солиқ имтиёзлари ҳам берилди. Хусусан, ёш оила аъзолари (Фармонда улар тоифасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтганлар кириши кўрсатилган) бўлган жимоний шахсларнинг шахсий уй-жойи ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси, ҳамда хўжалик субъекти-иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ бўйича солиққа тортиладиган даромадларига кирмайдиган бўлди. Шу билан бирга, хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига қиравчи ходимларга ипотека кредити бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилади.

Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашда, Фармонда белгилаб қўйилгандек, давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонали уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ташкил этилиши ҳамда бу бўш уй-жойлар ёш оилаларга имтиёзли нархларда ижарага берилиши муҳим рол ўйнаши шубҳасиздир. Ёш оилалар аъзолари, таълим муассасалари талаба ёшлари ўртасида бу ҳаракат моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, жойларда фаъолият кўрсатиб келаётган “Ёш оилалар мактаблари” иши янада такомиллаштирилди. Бундан ёш авлод соғлом туғулишини таъминлаш мақсади қўзланган.

Белгиланган режаларни изчил ҳаётган татбиқ қилишда нафақат давлат органлари, ижроия ҳокимият, шунингдек кенг жамоатчиликнинг ҳам фаол

иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Болалар”, “Меҳр нури,” “Ҳаёт” жамғармалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ёш оилани мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар қаторида республика “Оила” илмий амалий маркази фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишда улар аъзолари, айниқса аёлларнинг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш жуда муҳимдир. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан бу соҳада жуда катта чора-тадбирлар қўрилмоқда. Аҳоли, айниқса, аёлларни иш билан банд қилишда республикамызда касаначиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда аёлларни фермерлик ҳаракатига, тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши керак. Маълумотларга қараганда, республикамызда тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳаракатида иштирок этаётган хотин-қизларнинг улиши 5%ни ташкил этади. Ҳолбуки, қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпроғи аёллардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2006-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори бевосита ана шу муаммо ечимига қартилгандир. Давлатимиз раҳбари бунга доимий эътиборни қаратиб келмоқда. “Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончиликка боғланиб қолмаслиги керак,-деди Президент И.А.Каримов Наманган вилоятида бўлганида-тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими замон талаби даражасида ривожлансин. Бу, биринчи навбатда, шубҳасиз, қишлоқ аёлларига тааллуқлидир”.

Президент И.А.Каримовнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

моҳият жиҳатидан келажагимиз тўғрисидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Оила жамиятнинг асосий бўғини экн, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз равнақига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу фикрни алоҳида қайд этамизки, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармон билан боғлиқ бўлган социологик тадқиқотларни ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур фармонда қайд этилган барча масалаларга нисбатан омманинг бутун жамоатчилигининг эътибори ва муносабатини тўғри ташкил этиш масаласи ҳар доимлигидан ҳам долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадда мунтазам равишда социологик тадқиқотлар олиб бориш зарурдир.

Шунинг учун ҳам ушбу фармоннинг моҳият-мазмуни ҳамда уни амалга оширилиш билан боғлиқ бўлган ҳар хил тадбирлар ўтказилиши айтилган. Хуллас, ёшлар давлати бўлган - Ўзбекистонда ёш оилаларга барча шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратиб берилмоқда.

Демак, юқорида алоҳида эътироф этилганидек, ёш оилалар ҳамини давлатнинг назарида ва эътиборидадир.

